

Б. А. Абдукаримов, Т.С.Шарипов

УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ СОҲАСИ ИҚТИСОДИЁТИ

Маърузалар матни



Самарқанд 2010

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Б. А. Абдукаримов, Т. С. Шарипов

Умумий овқатланиш соҳаси иқтисодиёти

Маъruzалар матни

5340100 «Иқтисодиёт» таълим йўналиши талабалари
учун мўлжалланган

Самарқанд – 2010

199
Чу

65, 9(2)/424

139

БАРХАДАРЛАШУВЧИЛАНГАРДЫН АМБАСАДАЛАСЫ

Абдукаримов Б.А., Шарипов Т.С. Умумий овқатланиш соҳаси иқтисодиёти. Маърузалар матни, Самарқанд, САМИСИ, 2010.

Такризчилар: и.ф.д., профессор И.Иватов., и.ф.н., доц. Э.С.Файзиев.

Ушбу маъруза матнининг мақсади талабаларга умумий овқатланиш корхоналари фаолияти бўйича чукур билимлар бериш; уларнинг кўсаткичларини баҳолаш, таҳлил килиш усусларини чукур ўрганишни таъминлаш; бозор муносабатлари шароитида умумий овқатланиш соҳаларини режалаштириш ва прогнозлаш усуслари, уларни амалиётда кўллаш йўлларини талабаларга тушунтириш, бозор конъюнктурасидаги ўзгаришларни баҳолаш, ижтимоий-иктисодий, хукукий ислоҳатларнинг умумий овқатланиш соҳаларида амалга оширилиши юзасидан стратегик ва жорий қарорларни ишлаб чиқиш, уларни амалиётда ижросини таъминлаш, умумий овқатланишни ижтимоий-иктисодий самараадорлигини ошириш йўлларини аниклаш каби масалалар берилган.

Ундан профессор-ўқитувчилар, аспирантлар, аспирант-тадқикотчилар, магистрлар, малака ошириш курслари тингловчилари, раҳбарлар ва мутахассислар ҳам фойдаланишлари мумкин.

КИРИШ

Маъруза матнларининг мақсади – талабаларга умумий овқатланиш корхоналари фаолияти бўйича чукур билимлар бериш, уларни кўрсаткичларни таҳдил қилиш услубларини чукур ўрганишни таъминлаш, бозор муносабатларига ўтиш шароитида умумий овқатланиш корхоналари ва ташкилотларнинг фаолиятини режалаштириш ва прогнозлаштириш тартиби билан таништириш, ҳамда шу билан бирга бозор конъюнктураси ўзгаришини мустақил баҳолай олишлиқ, тижорат муаммоларини хал килишга ижодий ёндашиш, иқтисодий самарадорликни хисобга олган ҳолда жорий ва стратегик карорларни қабул қилиш, умумий овқатланиш корхоналари фаолияти самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларини аниqlаш масалалари тўғрисида назарий билимга эга бўлишини таъминлашдан иборатdir.

Маърузалар матнида Ўзбекистон Республикасининг мулкчилик тўғрисидаги, корхоналар, тадбиркорлик фаолияти ва умумий овқатланиш соҳасига таъаллукли қонунлар ва бозор иқтисодиётига ўтиш механизмини яратиш, умумий овқатланишни ташкил қилиш соҳасида тадбиркорликни тараккий эттириш тўғрисидаги хукумат қарорлари ва бошқа хужжатлардан фойдаланилган. Унда энг муҳим ўринни бозор муносабатларига ўтиш ва ракобат мухитини яратиш шароитида умумий овқатланиш корхоналари самарадорлигини ошириш ва ривожланиш имкониятларини руёбга чиқариш бўйича ташкилӣ-иктисодий чораларни ишлаб чиқариш билан боғлик масалалар эгаллаган. Ушбу маъруза матни иқтисодиёт назарияси; микромакроиктисодиёт; маркетинг; менежмент; логистика; бухгалтерия ҳисоби; ички савдо иқтисодиёти; иқтисодий таҳдил; аудит; статистика; молия, пул муомаласи ва кредит; солик ва соликка тортиш; сурʼута ҳамда бошқа иқтисодиётга оид фанлар билан ўзвий алоқада тайёрланган.

Маърузалар матнида математик дастурлаш, режалаштирища иқтисодий математик фанларда ўргангандан билан бирга ҳамда фойдаланиш хисобга олинган.



1-маъруза. Умумий овқатланиш соҳаси иқтисодиёти фанининг назарий масалалари

- 1.1. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида иқтисодий фанларнинг ўрни ва аҳамияти
- 1.2. Умумий овқатланиш соҳаси иқтисодиёти фанининг бошқи иқтисодий фанлар билан боғликлigi
- 1.3. Умумий овқатланиш соҳаси иқтисодиёти фанининг объекти ва предмети
- 1.4. Умумий овқатланиш соҳаси иқтисодиёти фанининг усулилари

1.1. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида иқтисодий фанларнинг ўрни ва аҳамияти

Илмий иш, илмий фан, ҳаётдаги ҳар хил ҳодисаларни ўрганади ва улар билим тармоклари ўргасида катъий тақсимланган бўлиши шарт. Чунки фанлар ўз соҳасиний, чегаралангандан соҳани ўрганади. (бу тўғрисида батафсил кейинроқ тўхталамиз).

Инсон ҳаётининг ва фаолиятининг бирламчи негизини моддий борликка боғликлigi ташкил килади. Инсон қандай фаолият билан шуғулланмасин, қандай иш юритмасин, доимо ўз мақсадига эришиш учун зарур бўлган моддий воситаларга дуч келади.

Инсон назаридаги бозор муносабатларига ўтиш шароитида иқтисодий фанларнинг ўрни ва аҳамияти. Уларнинг бир кисми унга табиатан берилган бўлиб, улардан фойдаланиш учун инсониятдан ортиқча меҳнат ва моддий ҳаражатлар сарф килиш талаб килинмайди. Буларга хаво, куёшнинг нури, сув, ўрмон кабилар киради. (бу ерда ҳаётнинг бошланғич боскичи тўғрисида гап кетяпти.) Албаттга илмий-техник тараққиёт асосида ҳаётнинг ривожланиши бу гурӯҳ моддий борликлар учун ҳам ақлий ва жисмоний меҳнатни, моддий ресурсларини сарф килиш заруриятини тутдиради. Булар табиатан берилган инъом ҳисобланади. Улар эркин тақсимланади, ҳаммани эҳтиёжига яраша, сарф килган, меҳнатни ёки жамиятда тутган ўрни, мавкейидан катъий назар. Иккинчи турдаги моддий борлик ҳаётда чегаралангандан бўлиб, инсоннинг меҳнати билан, табиатдаги моддий борликини ўз эҳтиёжига мослаштириш натижасида ишлаб чиқилади.

Бу иккинчи турдаги моддий бойлиқлар кам, ёки уларни яратиш чегараланган бўлиб, уларни ишлаб чиқиши учун меҳнат моддий ва молиявий ҳаражатлар зарур бўлади. Шунинг учун хам улар хўжалик юритиш натижасида вужудга келган воситаларга киради.

Мана бу моддий бойликлар хўжалик юритувчиларни ва иқтисодчи – назариётчиларни қизиктирадиган, улар ўрганадиган, тадқиқот қиласидиган жараёндир.

Шуни таъкидлаш жоизки, бу моддий бойликни кичик бир қисми йук бўлса, ёки исроф килинса, у йўқотиш, зарар сифатида кабул қилинади, чунки уни ўрнини тўлдириш учун янгидан ресурсларни ҳаражат килиш, вакт сарфлаш зарур бўлади.

Шунинг учун бу бойликлар алоҳида аҳамиятга сазовор бўлиб, улар инсонларнинг моддий фаровонлигига боғлиkdir. Улар хўжалик юритувчининг алоҳида эътиборига олинади, баҳоланади. Хўждик юритувчилар, истеъмолчилар, бу типдаги моддий борликни тежамли сарфлашга ҳаракат қиласиди. Шунинг учун хам уларни ишлаб чиқиш, тақсимлаш, айрибошлаш ва истеъмол килиш мақсадга мувофиқ ҳисоб – китоб асосида, хўжалик фаолияти юритиш натижасида вужудга келади.

Уларни хўжалик фаолиятининг мақсадга мувофиқлиги икки томонлама ҳарактерга эга.

Биринчидан, техникавий, яъни табиий ресурсларни инсон эҳтиёжларига энг янги, қулай воситалар асосида мослаштиришдир. Хўжалик фаолиятини техник томонларини техник фанлар ўрганади.

Иккинчи томони – инсон фаолияти меҳнати билан боғлиқ бўлиб, инсонларнинг манфаати билан, боғлиқ, яъни кам ҳаражат қилиб, кўп натижага интилиш, кўпроқ эҳтиёжни қондиришга интилиш.

Бу томондан хўжалик фаолияти юритишни иқтисодий принциплари вужудга келади. Бу муносабатларни иқтисодчилар, иқтисодий фанлар ўрганади.

Қадимий шаркда эрамиздан 3000 йиллар олдин нарасаларни кирага бериш, ундан фоиз олиш, солиқ олиш каби категориялар ишилатилған. Қадимий Мисрліклар, Греклар олди – сотди, тұл, баҳо, савдо, фойда, кредит каби иқтисодий категорияларни ишилатғанлар. Ўзбек тилидаги «Иқтисодиёт» – арабча сүз бўлиб, тежжамкорлик маъносини англатади ва грекча «Οἰκονομία» (Экономика), яъни «Οἶκος» – уй, хўжалик ва «πότης» – коиди, тартиб, қонун мазмунини билдирувчи сўзлар биримасидан олинган бўлиб, уй хўжалигини бошқарни мазмунини билдиради. Шунинг учун ҳам бўлса керак, иқтисодий фанлар ўрганадиган категориялар кадимги Греция, Миср олимлари каламига мансуб бўйлан асарларда учрайди (Суクロт, Ксенофонт, Платон, Аристотель, Этикар).

Куръоннинг Юсуф сурасида берилған маълумотлар бўйича эрамиздан 3000 йиллар олдин Юсуф пайгамбар Миср шохига: «Мени шу ернинг ҳазиналари устига қўйин, чунки мен (уларни) тұла – тұкис сактайдиган ва (тўғри тасарруф қилишини) қилишини башадиган кишишман» деб айтганлар. Бундан келиб чиқадики, инсонлар кадимдан ҳазиналарни саклаши, сарф қилишини иқтисодий томонларини билган. Яна шу нарсани айтши жоизки, куръоннинг «Талок» сурасида «Оллох барча нарса учун миқдор – улчам қилиб кўйгандиш» деб ёзилган. куръонда Мерос, судхурлик, садака, омонат, закот, фитр каби иқтисодий категориялар ҳам ишилатилган.

Марказий Осиё алломаларининг асарларида иқтисодиётга таълукли гоялар, хўжалик юритши бўйича фикрлар кўпдан кўп учрайди. Уларнинг қаторига Фаробий, Ибн Сино, Беруний, Юсуф Ҳос хөжигиб, А. Темур, Улугбек, А. Навоий, Маврузаур қаби мутафаккирларни ижодлари кириши мумкин. Темур тўзукларида иқтисодиётга давлатни бошқарышга оид ва хозирги замонда ҳам ўз аҳамиятини ўқотмаган иқтисодий муаммоларни хал қилиш ўйл – ўйрискари ва коидаларини топиш мумкин. Унда давлатни таркибий тўзилишидан тортиб, давлат бюджети даромадлари ва ҳаражатларини шакллантириши, меҳнатни тақдирлаш, маош тұлаш, солиқ ундириши, жарималар, иному – эхсонлар тўгерисида маълумотлар келтирилган.

А. Темур асарларида давлатнинг иқтисодий сиёсатини асосини ташикил қилған категорияларга ҳазина (бюджет)ни киришган. А. Темур ибораси билан айтганда, давлатнинг тақдирини хал қиладиган уч нарса мавжуд, улар подшох, ҳазина ва аскар ҳисобланади. Давлатнинг даромади, ҳаражатлари, солиқ, маош (иши ҳақи), моддий ва маънавий разбатлантириши, нафака, жарималар, иному – эхсонлар кабилар ҳазинанинг элементлари сифатида қаралган.

Иқтисодий масалаларга А. Темур алоҳида эътибор берган, унинг еттиита вазиридан иккитаси маҳсус ушибу масалаларга жавоб берган. Биттаси эгасиз қолган мол – мукларни тасарруф этиши ишилари вазири, иккинчиси, салтанатнинг киримчиқим ишиларини бошқарувчи вазир, яъни молия вазири. «Тажрибали, шибилармон вазирлар салтанат устунларидир. Улар мамлакат ободонлиги. Ҳазина бойлигини доимо кўзда тутадилар. Давлат, салтанатга фойда келтирадиган ишиларни бажаршига тиришиб ҳаракат қиласиди» - деб «Темур тўзукларида » ёзилган¹.

А. Темур барча давлат армандарига, ходимларига, хизматчиларига уларни лавозими даражаларига қараб меҳнатига ҳак туталтган. Энг асосийси, бу масалани хал қилишида табакалаша (дифференция) коидасини ишилатган. Масалан, оддий сипохий мингган отининг баҳосида, баҳодирлар 2-4 от баробарида, унбоши қарамоғидаги аскарга нисбатан иккى баробар, юз боши ун бошидан уч баробар ортиқ маош олиши белгилаб қўйилган. Амир ул – уломоларнинг маоши ўз кўл остидагилардан ўн баробар ортиқ бўлиши белгиланган.

¹ Темур тузиклари, Тошкент, 1991 й. – 76 б.

Иктиносидиётни қандай түшүниш керак?

Биринчидан, «Иктиносидиёт» деганда, хұжалик (халқ хужалығы, тармок худуд, бирлашмалар, корхоналар ва фирмалар) түшүнилади;

Иккінчидан, «Иктиносидиёт» бу ишлаб чиқариш, тақсимот, муномала ва истемол фазаларыда вужудға келгән инсонлар, хұжалик субъектлари ўртасыда моддий ва бошқа бойлуклар билан боғлиқ муносабатлардир;

Учунчидан, «Иктиносидиёт» бу сиёсат, яъни давлат сиёсати, давлатлараро алоқалар ва хоказолардан ибораттады.

Ва ніхоят турттынчидан, «Иктиносидиёт» бу фан.

Фан – бу табиат, жамият ва инсон тафаккур, ижтимоий тараққиётни таҳлил қилиш ва умумлаштырылған билимлар інгіндесига түшүнилади. Бу билимлар орқали инсоният табиат сирларини чукур ўрганиши имконияттың эга бўлади, техника ва технологияни, ҳамда ижтимоий-иктиносидий тараққиётни муҳим муаммоларини хал қиласди.

Ижтимоий меҳнат тақсимоти чукурлашиши, бозор муносабатлари шаклланиши билан хұжалик юритишни онгли равишда тартибга солишиғояси туғила бошлади. Чунки у уюштирилмаган иктиносидий фаолиятни (минглаб хұжалик субъектларини) онгли равишда тартибга солмаслик ижтимоий халоқатларга олиб келиши мумкин.

Инсоният ижтимоий-иктиносидий фаолият юритиш жараённанда учта бир-бирига боғлиқ бўлган муаммоларга дуч келади. Булар қанақа муаммолар?

Биринчидан, нима ишлаб чиқариш ва қанча микдорда?

Иккінчидан, қандай ишлаб чиқариш ва қанча ҳаражатлар зарур бўлади?

Учинчидан, ким учун ишлаб чиқарилади ва улар қандай тақсимланади?

Жаҳон, амалиётидан мълумки ривожланган давлатларда ҳам, юкоридаги масалаларни ҳал қилишда бир талай негатив ҳодисаларга дуч келмокда.

Булар жумласига, **кризислар***, **монополизм****, **инфляция*****, **ищизлик******, истеъмол бозоридаги номутаносиблик, ресурсларни, товар ва хизматларни **дифицитлиги*******, пул муомаласидаги нуқсон ва камчиликлар кабилар киради.

«бу инкиroz америка кўшма штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди.

сунгра бу жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тўзилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов кобилияти заифлашиб, молиявий инкиrozга айланиб кетди. дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг йирик компаниялар индекслари ва акцияларининг бозор қиймати ҳалоқатли даражада тушиб кетишига олиб келди. буларнинг барчasi, ўз навбатида, кўплааб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиши суръатларининг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ ищизлик шаҳса салбий оқибатларни келтириб чиқарди².

бундан кўринадики, дастлаб акш ипотека бозорларида намоён бўлган мазкур инкиroz етарлича тўлов лаёкатига эга бўлмаган, карзларни қайтариш қобилияти шубҳали бўлган карздорларга ипотека кредитлари бериши амалиётининг жадаллашуви натижасида рўй берди:

модомики, ипотека кредити ўзининг моҳияти бўйича кўчмас мулк гарови хисобига бериладиган кредитлар бўлсада, акш бозорлари бундай ликвидли кўчмас мулкларга етарлича «тўйинди» ва уларнинг нархлари кескин туша бошлади. бунинг устига инвестицион банкларнинг акш ипотека бозорларидаги янги молиявий «маҳсулот» хисобланган активларни секьюритизациялаш бўйича операцияларининг авж олиши ипотека бозорларидаги таизазуллик ҳолатлари эҳтимолигини ошириди.

Акш иқтисодиёти яратилган шарт-шароитлар туфайли арzon кредит ресурсларига тўйинди ва бу федерал захира тизими (фзт) амала ошираётган пул-кредит сийссатини ўзгартиришига олиб келди. натижада 2004-2006 йилларда федерал захира тизими фонз ставкаларни 6,25% гача кўтарди. кредитларнинг кимматлашуви ахолини ипотекага ишсабтан талабининг пасайишига ва кредитларни қайтариш бўйича карздорлар тўловининг кисқаришига олиб келди. бошқа томондан, озиқ-овқат маҳсулотлари ва энергия ресурслари нархларининг ўсиши ахолининг кредитни қайтариш бўйича молиявий имкониятларининг чекланишига олиб келди. 2000-2007 йиллар мобайнида жаҳон бозоридаги озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ўртача икки баробарга ошли, бензин нархи ёса 3,5 баробарга ошли. нефть нархи рекорд даражада, яъни бир баррели 147 доллардан ортди.

пировард, натижада 2007 йил бошида акцида ахолининг ипотека кредитларини қайтарishi билан боғлиқ муаммо кучайди. карздорларнинг кўчмас мулк гарови билан олинган кредитларни қайтаришдан кўра тўловларни тўлашдан бош тортиш ҳолати кенгайди. банкларнинг тўлов кобилиятига эга бўлмаган мизжозларнинг кўчмас мулкларини

*Президентимиз ўзлариниет Жаҳон молиявий-иктисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг ўйлари ва чоралари номли асарларини бугунги кунининг энг долзарб муаммоси – бу 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инкирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келётган вазиятдан чиқиш ўйларини излашдан иборат эканлигидан бошлаб, жаҳон молиявий инкирозининг мазмун-моҳияти, келиб чиқши сабабларига батафсил тўхталиб ўтдилар.

² Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг ўйлари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 4-6.

кити сотувга кўйиши натижасида ипотека бозоридаги таклиф кўпайиб, бозордаги нархларининг кескин пасайишинга олиб келди.

Британиянинг нуфузли газеталаридан бирни бўлган «гардиан» жаҳон молиявий инкирорининг асосий айборлари рўйхатини зълон қилди. Мазкур рўйхатнинг олдинги Үрипалирида АҚШнинг таникли сиёсатчилари ўрин олган бўлиб, унда инкирор факатгина иктиносидёт ривожланишининг навбатдаги харакатлантирувчи кучи эканлиги таъкидлаб ўтилгани. Аксарият молиячи-иктисодчилар вужудга келган молиявий инкирорининг хакиций сабабларидан бирни сифатида ривожланган мамлакатларда иктиносидётни ҳаддан зиёд ортича эркишаштириш сиёсатининг «меваси» эканлигини, яни «ўз-ўзини бошқарувчи бозор» гоясини илғари суриш орқали давлатнинг миллий иктиносидётга ва хусусан молиявий бозорларга аралашувини чекланганлиги билан ҳам изоҳдамоқдалар³.

** Монополия – бозорда якка хукмронлик. Ўз хукмини ва газийини истеъмолчиларга ўтказа олишга кодир куч:

*** Инфляция мамлакатда баҳонинг умумий даражасининг кўтарилиши жараёндан иборат бўлиб, илғари бунинг сабабини көғоз пуллардан ахтаришар эди. Лекин пул чиқариш каттик назорат остига олинганда ҳам инфляция холати мавжудлиги аникланган, яни гап фактат давлатнинг пул чоп этиши имконияти мавжудлигига эмас экан. Унинг сабаблари кўп ва улар бир неча хил кўринишда бўлади. Иктиносий ислохотлар, ишлаб чиқариш тўзилишининг кенг хажмадиги ўзгариши, умуман, бир иктиносий тизимдан иккичисига ўтиши каби ўзгаришлар албатта инфляция билан боғлик бўлади. Чунки, бундай холатлар талаб ва таклиф мувознатининг ўзгариши, пулга бўлган ишончнинг пасайиши, нарх-навонинг тезлик билан ўзгариши, аксар холмларда унинг кўтарилиб бориши натижасида юз беради.

Бунинг икки томони таъсирилди: биринчиси талаб инфляцияси бўлса, иккинчиси харажатлар инфляциясидир. Тижорат, фирмалар, хукумат юзага келадиган заруритлар туфайли ишлаб чиқариладиган товарларга нисбатан кўпроқ пул сарф этади. Бу таклифга нисбатан талабининг ўсишига олиб келиб, ўз навбатида, баҳоларининг кўтарилиши билан якунланади. Харажат инфляцияси ишлаб чиқариш харажатларининг ўсиб бориши воситасидир. Бундай баҳонинг ўсиши ресурсларга харажатларининг ортиб бориши ва бунинг эса товарлар баҳосида ўз аксими топлини инфляцияни кучайтиради. Айтайлик, энергия, хомаше ва материаллар кимматлашуви харажатлар инфляцияси сабабларидир. Бунда иш хакининг ўсиб бориши, кўтарилаётган баҳоларни олдиндан кўзлаб, ишчиларнинг иш хакини ошириши учун ўринишлар шунга ўхшаш бошка харакатлар кучаяди ва бу инфляцияда ўз аксими топади.

Инфляциянинг олдини олишда нормал товар-пул муомаласи жараёнини таъминлаш, унинг учун пулнинг маълум микдорда бўлиши, унинг на кўп ва на оз бўлишига қарши кураш энг маъкул йўл. Бу талаб ва таклиф мувознатини таъминлайди. Баҳо кўтарилишининг олдини олишга қаратиглан барча чора-тадбирлар инфляцияга қарши қартилган харакат хисобланади.

**** Ишсизлик дегандан бекор юрганлар тушунилмайди, балки иш қидириб маҳаллий меҳнат органларидан рўйхатга ўтгандар хисобланади. Шу туфайли оддий бекорчи билан ишсизнинг фарқи бор. Ишсиз дегандан ўн олти ёшдан бошлаб то пенсия билан таъминланни хукукини олишгача бўлган ёшдаги, ишга ва иш хакига (мехнат даромадига) эга бўлмаган, иш қидириувчи шахс сифатида рўйхатга олинган, меҳнат қилишга, касбга тайёрлаш ёки кайта тайёрлашдан ўтишга, малакасини оширишга тайёр меҳнатга кобилиятли шахс тушунилади.

Ишсизлик малакасини караб чиқканда унинг турларига ҳам алоҳида аҳамият бериш лозим. Ишсизликнинг куйидаги турлари мавжуд: фрикцион, структуравий, ихтисослашган, даврий, мавсумий, ихтиёрий ва яшириш ишсизлик.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иктиносидот инкирори, Ўзбекистон шароитидаги ўйн бартараф этишининг йўзлари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўкув кўлланмана. – Т.: Иктиносидёт, 2009, 12-14-6.

Юкорида келтирилган учта фундаментал муаммони ҳал қилиш, келтирилган камчиликлар, нуксонларнинг ечимини топиш масаласи ўз ўзидан ҳал бўлмайди.

Бунинг учун уларни ҳал қилиш усуллари ва механизмини тўғри топиш, истеъмолчилар талабини тўла қондириш йўлларини излаш, юкори самарали ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, уни бошкариш, тармоклараро ва хўжалик субъектлари ўртасидаги иқтисодий алоқаларни боғлаш, сотовчи билан истеъмолчилар орасидаги муносабатларни такомиллаштириш, иқтисодий ходисаларни ўйгунлаштириш каби масалаларни ҳал қилиш зарурияти туғилади.

Буларни ҳал қилиш назарий ва амалий билимларни мустаҳкам эгаллаган, олинган билимларни муайян илмий, ишлаб чиқариш, иқтисодий, ижтимоий вазифаларни ҳал этишда ижодий қўллай оладиган, уни нихоясига етказиш бўйича оптималь қарор қила оладиган мутахассисларга кўпроқ боғлиқдир.

Бундай маҳоратларга, куникмаларга эга бўлиш иқтисодий фанларни ўрганиш орқали амалга ошиши мумкин.

Бозор иқтисодиёти раҳбарларга янги иқтисодий фикрлашни, янгича иш юритишни, хўжалик субъектлари ва истеъмолчилар билан ўз фаолиятини, жараёнларни ўз манфаати ва мақсадига йуналтиришни, уларни чукур таҳдил қилиш, келажак учун режалаштириш каби муаммоларни ҳал қилиш йўлларини билиш талабларини қўяди. Буларсиз рақобатчилик шароитида ҳар қандай корхона, фирма инкиrozга учраб колиши эҳтимолдан ўзок эмас.

Иқтисодиёт фанлари ва амалиёт хўжаликни оқилона ва самарали бошқариш учун унга мос хўжалик юритиш механизмини ишлаб чиқсан. Унга мос иқтисодий дастаклар (бахо, солик, фойда, иш ҳақи кабилар) категориялар, кўрсаткичлар, усулларини (иқтисодий ёки маъмурий усуллар, режалар, нормаллаштириш кабилар) хўжалик юритувчилар ўз

максадларига мувофиқ бошқарув объектларида ишлатадилар. Умумий овқатланиш соҳаси иқтисоди фани юқорида келтирилгандарнинг мазмунини мохиятини очиб беради, уларни хўжаликни бошқариш учун ишлатиш шакл ва усууларини ўргатади.

Ҳар қандай хўжалик субъекти, жумладан умумий овқатланиш шахобчалари ўз кўрсаткичларини иқтисодий хисоб-китоблар орқали асослашлари зарур.

Бу жараёнларни амалга ошириш учун иқтисодиётни малакали тушунадиган мутахассислар зарур.

Бундай мутахассисларни тайёрлашда умумий овқатланиш соҳаси иқтисодиёти бошқа иқтисодий фанлар билан бир қаторда катта аҳамиятга эга.

1.2. Умумий овқатланиш соҳаси иқтисодиёти фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги.

Инсоният тараққиёти фанининг ривожланиши билан чамбарчас боғлик бўлиб, фан инсоният жамияти тараққиётини таъминлаган.

Фан жуда мураккаб, кўп қиррали, кўп хил ходисалар ва жараёнлар тўғрисидаги билимлар тизими сифатида намоён бўлган. Шу билан бир қаторда ижтимоий онг сифатида ҳам қаралиши зарур.

Билимлар йигиндиси (тизими) ва ижтимоий онг сифатида фан инсоният жамиятининг ривожланишини маълум бир боскичда шакллана бошлаган. Кулдорчилик фармацияси даврида фан ягона бўлган ва бўлинмаган. Фалсафа деб юритилган*.

* Милоддан аввалги II мингинчи йилнинг охири ва I минг йилларни бошларида Вавилонда далаларни ўлчашда, ирригацион курилмалар ва биноларни курнида математика ва геометриядан кенг кўлланганлари тарихий манбаларда келтирилган. Бизда ҳозир кўлланилаётган 1 соатнинг 60 минутлиги, 1 минутнинг 60 секундлиги, айланманнинг 360 градуслиги ўша даврларда ўйлаб топилган ва амалда кўлланилаган. Ушбу даврдан тиббиёт (медицина), кимё (химия), зоология, ботаника, биология, грамматика, тарихшunoslik шакллана бошлаган.

Бу даврда фан ягона бўлган, ҳаммаси фалсафа деб хисобланган. Масалан: Гречияда милоддан аввалги VIII-VII асрларда табиатни кўзатувчилар ва амалий кўнкимга эга бўлган шахслар файласуф деб хисобланган.

Буюк файласуф (философ), астроном, геометриянинг асосчиси Пифагор милоддан аввалги V-IV асрларда яшаб ўтган.

VI асрнинг II-ярмида Жанубий Италияning Элеи шаҳрида материалистик фалсафа мактаби яратилиб, у “Элеи мактаби” деб номланған шарқ ва гарбга машхур бўлган.

Фанинг вужудга келиш даврини ибтидой жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши шароитида инсон фикрлаш қобилиятининг вужудга келиши, меҳнат куролларини ясални ва маданий воситаларни (кояларга расмлар чизиш) яратишни бошлаган даврдан ахтариш керак деб хисоблаймиз.

Тарихий тадқикотлар шундан далолат беради, ибтидой одамларнинг фикр юритиши асосида меҳнат куролларини яратиш ва диний дунё қарашлари “Юкори палеолит” асрдан пайдо бўла бошлаган. Бу аср тарихий манбаларга караганда эрамиздан олдинги XV ва XIV минг йилларларга тўғри келади.

Милоддан аввалги VI - IV асрларда фалсафа нафакат бошқа фанлар билан тигиз боғлиқ бўлган, айттип мумкинки у уларни ўз ичига олган.

Милоддан аввалги III – асрга келиб фалсафадан маҳсус фанлар ажralиб чиқиб, алоҳида ва тез ривожлана бошлаган.

Милоддан аввалги V-IV асрларда “Тубсиз кичик микдорлар” назарияси Анаксагар (милоддан аввалги 500-429 йиллар) илгари сурган. У Демокрит (милоддан аввалги 460-370 йиллар) ва Эвдокс Книдский (милоддан аввалги 408-355) асрларида ўз аксини топиб, амала геометрияда ва айниқса стереометрияда (шар ҳажмини ўлчаш, конус ва х.к.) ишлатилган.

Ксенофонт (милоддан аввалги 430-353 йиллар) ўз асрларида тарихий, сиёсий, иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар тўғрисида ёзган. Ксенофонт иқтисодиёт фанига асос соглан.

Ўзининг кўп киррали илми билан Эратосфен қойил қолдиради (милоддан аввалги 276-193 йиллар). У математика, физика, география, тарих, филология ва хронология фанларини мукаммал билган. У ерни думалоқ шар сифатида ифодалаб, Александрия (Искандария) да куннинг ботишида офтобнинг ердан четланишини кўзатиб, ер шарининг ўзунлигини 39700 км деб хисоблаган, ҳакиқатда эса ер шарининг ўзунлиги 40000км дир.

Юкорида келтирилганлар категорига дунёга машхур бўлган кўйидаги олимларни келтириш мумкин. Файласуф олим Гераклит (милоддан аввалги VI-аср охирида); Афиналик астроном Метан (милоддан аввалги V-асрнинг II-ярми), у грекларни ой календари кун календари билан солишишиб ийл давомини 365 кун эканлигини аниклаган. Уни тўзган календари ҳозирги ишлатилаётган Юлиан календаригача ишлатилган. Буюк тиббиётчи Гиппократ (милоддан аввалги V- IV аср) файласуф, файласуф Сакрот (милоддан аввалги 496-369 йиллар), Платон (милоддан аввалги 429-347 йиллар) Академия деб номланган фалсафий мактабини асосчиси, Аристотель (милоддан аввалги 384-322) иқтисодиёт фанини отаси деб хисобланади

Ижтимоий меҳнат тақсимоти таъсири остида жамият тармоклар, соҳаларга ажралгани каби фан ҳам ҳар – хил турларга бўлинниб келган, тақомиллашган, тармоклашган, интеграциялашган ва ривожланиб келмокда.

Умуман фанлар тизими жамиятнинг таркибини намоён қилади. Барча фанлар иккита катта гурухга ажратилади. Табиий-техник фанлар ва ижтимоий фанлар.

Бу фанларнинг бир-бири билан боғлиқлиги мавжуд. Фанларнинг бир-бири билан боғлиқлиги уларнинг усууларидан, объектларидан, субъектларидан ва нихоят бир-бирини маҳсулидан фойдаланишдан келиб чикади. Чунки табиий ва техник фанлар ҳам, ижтимоий фанлар ҳам ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларини ўрганиш билан чамбарчас боғлиқдир.


Ижтимоий фанларнинг назарий ва методологик асосини фалсафа ташкил қилади.

Ижтимоий фанлар тизимида иқтисодий фанлар алоҳида ўринга эга. Иқтисодий фанлар бир қанча мустақил фанлардан иборатdir ва улар бир-бири билан чамбарчас боғлик бўлиб, мураккаб тизимни ташкил қилади.

1.2.1. Чизмада иқтисодий фанлар тизими келтирилган.

1.2.1. Чизмада келтирилган фанлардан ташкари айrim соҳалар, иқтисодий жараёнларга оид бошқа иқтисодий фанлар ҳам мавжуддир.

Иқтисодий фанлар тизими



Барча иқтисодий фанлар бир-бирлари билан чамбарчас боғлиқликда бўлиб, ҳар бирини жамият иқтисодиётини ривожлантириш ва тақомиллаштиришда ўзига хос аҳамияти бор.

1.3. Умумий овқатланиш соҳаси иқтисодиёти фанининг объекти ва предмети.

Объект лотинча «*objectum*» сўзидан олинган бўлиб, ўзбекча нарса, буюм мазмунини билдиради. Фалсафада эса, объект сўзи биздан ташқарида ва бизнинг онгимизга боғлик бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган борлик, воқейлик, моддий дунё, мавжудод мазмунида киши фаолияти, диккат эътибори қаратилган ходиса, предмет ёки шахс маъносида ҳам ишлатилади.

Оддий ҳаётда объект корхона, ташкилот, муассаса ёки бирор бир фаолият ўтказиладиган жой маъносида ишлатилади.

Ҳар қандай фанининг ўрганадиган, унинг мақсади қаратилган объекти мавжуд.

Умумий овқатланиш соҳаси иқтисодиёти фанининг объекти деганда, ресторон, бар, кафе, ошхона, яъни умумий овқатланиш хизматини кўрсатиш билан шугулланадиган жой, бино кўз олдимизга келади. Лекин бинони, ресторон ёки кафенинг жойлаштирилиши, курилиши, архитектураси ва бошқа техникавий жихатлари объект сифатида ўрганадиган фанлар мавжуд.

Умумий овқатланиш соҳаси иқтисодиёти фанининг методологияси, унинг мақсади, диккат эътибори умумий овқатланиш фаолиятида содир бўлаётган иқтисодий жараёнга қаратилади. Яъни умумий овқатланишда руй берадиган иқтисодий реалликни ўрганишга қаратилади.

Биз юқорида келтирилган «Объект» сўзини фалсафий мазмунидан келиб чиқсак, умумий овқатланиш иқтисодиётнинг хўжалик юритувчи соҳаси сифатида умумий овқатланиш соҳаси иқтисодиёти фанининг объекти бўлиб хисобланади.

Предмет сўзининг мазмуни икки хил, биринчидан, нарса, моддий восита, ходиса сифатида, иккинчидан, хаёл, фикр қаратилган объект, рўй берадиган иқтисодий муносабатлардир.

Фан предметини аниқлашда биз сўзининг иккинчи мазмунидан келиб чиқиб аниқлашимиз зарур.

Умумий овқатланиш соҳаси иқтисодиёти фани ўз обьектида рўй берадиган реал иқтисодий жараёнлар, ходисаларни ўрганиб, уларнинг аҳамияти, ҳолати ва келажагини ёритиб, маълумот ёки хуносалар беришни ўрганиши зарур.

Ушбу фаннинг обьекти бўлмиш умумий овқатланишни ташкил этиш жараёнида рўй берадиган иқтисодий реаллик қандай, қачон ва нимада намоён бўлади, хозирги ҳолати ва келажакда қанақа натижага беради? – деган саволларга жавоб бериш учун фаннинг предметини, унда кулланиладиган усувларни, мақсад ва вазифаларни назарий жихатдан асосли аниқлаб олишимиз зарур. Бунинг учун умумий овқатланишни ташкил этишда шаклланадиган иқтисодий жараёнлар, (реаллик), ходисалар қандай воситалар орқали вужудга келишини аниқлаб олиши керак.

Умуман, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш (ишлаб чиқариш, тақсимот, айрибошлаш ва истеъмол) жараёнидаги фаолиятлар, жумладан умумий овқатланишда ҳам содир бўлади.

Жамиятда такрор ишлаб чиқариш жараёни қўйидаги омиллар орқали харакатда бўлади:

Биринчи омил – инсон омили, унинг меҳнати;

Иккинчиси омил – меҳнат воситалари, яъни капитал;

Учинчиси омил - табиий ресурслар, ер;

Туртинчи омил - тадбиркорлик.

Бешинчи омил – ахборотлар*

* XX-асрнинг охири XXI-асрнинг бошниёрида илмий-техник таракқиёт жамиятнинг ривожланишида ахборотлардан кенг фойдаланишини тақоза қилганинг сабабли, **ахборотларни** ишлаб чиқарини омилларни сифатида қабул қилишни заруригатта айланди.

Бу омиллар орқали жамиятда инсон эҳтиёжини қондириш учун зарур бўлган моддий ва маънавий бойликлар яратилади, ишлаб чиқаришдан истеъмолчиларга етказилади, истеъмол ташкил этилади.

Бу жараёнда «ер – меҳнат – капитал» тадбиркорлик орқали бирлаширилади.

Бу омилларнинг бирлашиши натижасида техник – технологик, илмий техник, ижтимоий – сиёсий, маданий – маънавий ва маърифий жараёнлар категорида иқтисодий жараёнлар ва ходисалар ҳам рўй беради.

Бу иқтисодий жараёнлар ва ходисалар жараён иштирокчиларининг (Давлат, тармок, соҳалар, жамиятлар, бошқармалар, концернлар, корпарациялар, корхоналар ва х.к.) хўжалик механизмида ўз аксини топади.

Бундан келиб чиқсақ, умумий овқатланиш соҳаси иқтисодиёти фани ўз обьектида содир бўлаётган хўжалик механизмини ўрганишга қаратилган деб хулоса килиш мумкин.


Умумий овқатланиш соҳаси иқтисодиёти фанини ўрганиш тўғрисида гапирап эканмиз албатта унинг асосий вазифларини аниқлаб олишимиз керак.

Умумий овқатланиш соҳаси иқтисодиёти фанининг вазифалари қуйидаги асосий омиллардан келиб чиқади.

Биринчидан, умумий овқатланиш соҳасининг иқтисодиётда тутган ўрнидан.

Умумий овқатланиш соҳасини ишлаб чиқариш, тақсимот, айрибошлиш, истеъмол жараёнининг кон-томирларига ухшатиш мумкин. Умумий овқатланиш соҳаси истеъмол товарларини ишлаб чиқаради истеъмолчиларга етказади, айрибошлишни таъминлайди.

Умумий овқатланиш соҳасининг самарали ишлашидан бутун жамиятнинг ривожланиши, ҳалкнинг моддий ва маънавий фаровонлиги, уларни бўш вақти, давлатнинг ташкил иқтисодий алоқаларини мустахкамланиши;



Иккинчидан, Умумий овқатланиш соҳасида руй берадиган иқтисодий жараёнлар ва ходисаларни доимий ўзгариб туриши, унга кўпгина омиллар таъсир қилиш натижасида шаклланади;

Учинчидан иқтисодий кадрларга куйиладиган талаблардан (уларнинг касбий маҳорати, билимдонлиги, тадбиркорлиги, башорат қила билишлиги ва хоказолар) келиб чиқадиган омиллар. Келтирилган фазилатлар Умумий овқатланиш соҳаси иқтисодиёти фанини ўрганиша шаклланиб боради.

Бу омиллардан келиб чиқиб, умумий овқатланиш соҳаси иқтисодиёти фанининг асосий вазифаларини куйидагича ифодалаш мумкин.

Умумий овқатланиш соҳаси иқтисодиёти фанининг асосий вазифалари:

иқтисодий ходисалар ва жараёнларни ўлчов бирликлари, қўрсаткичлари ва мезонларини аниқлаш усувларини ўрганиш;

умумий овқатланиш соҳаси хўжалик механизмини ўрганиш, баҳолаш, келажакка башорат қилиш;

бўлажак иқтисодчи мутахассисларни умумий овқатланиш корхоналари фаолиятини таҳлил қилиш, режалаштириш, келажагини башорат қилиш усувлари билан куроллантириш;

- барча турдаги умумий овқатланиш соҳаси корхоналарининг ривожланиш тенденциялари ва қонуниятларини аниқлаш, таклифлар бериш;

- умумий овқатланиш корхоналарида бирлаштирилган омиллардан (ер, капитал, меҳнат, тадбиркорлик, ахборотлар) самарали фойдаланиш йўлларни белгилаш.

Юқоридаги мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда курснинг таркиби ишлаб чиқилган.

1.4. Умумий овқатланиш соҳаси иқтисодиёти фанининг усуллари.

Ҳар қандай илмий фан ўрганадиган предметдан келиб чиқиб, ўз усулларига (методларига) эга. Метод грекча «methodos» сўзидан олинган бўлиб, тўғридан тўғри «Бирон нарсага йўл топиш» маъносини билдиради. Үйбек тилида метод сўзи усул маъносига тўғри келади.

Фан усули (методи) деганда табиат ва жамиятда содир бўлаётган ходисалар ва жараёнларни билиш, ўрганиш ва тадқиқ қилиш учун фанда кулланиладиган воситалар мажмуаси тушунилади.

Усул – бизнинг фикримизча, жасамият сирларини объективификрлаши, назарий муشوҳада қилиш ва амалиётга жорий этиши воситалари сифатида қаралиши мумкун.

Усул, фалсафий маънода қаралса, фан ўрганадиган предметни инсон фикрида нусхаланиши ёки шаклланишини билдириб, уларни ўрганиш куроли сифатида қаралади.

Онгли равища, илмий асосланган фан усуларини кўллаш, ҳар бир фан учун янгиликлар яратиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Қадимги ислом дунёсида олимлар табиат ва жамиятни ривожланишини, тафakkурни такомиллаштиришини ўрганишда «Ривожланиш-шаклланиш» назариясини ишлатишган. Ушбу назария асосида фикр юритишни «Оллоҳ-инсон-модда-вақт-иқтисодий равниак» усули ишлатилган. Шу билан бирга, билиш жараённинг ривожланиши асосида илмий фикр юритишнинг умумий усуллари ҳам яратилган. Улар қаторига деалектика, индукция, дедукция, анализ ва синтез кабилалари киради.

Келтирилган усулларни кискача мазмунини ёритиб утамиз.

Маърузаоларимиз ишлатган «Ривожланиш - шаклланиш» назарияси, Оллоҳнинг яратувчанлиги, унинг бирламчилигини асослаб, кейин инсон – модда – вакт – иқтисодий равнакка қараб ривожланишини амалга ошишини асослайдиган фикр юритиш усулидир.

Диалектика-грекча «dialektike» сўзидан келиб чиқиб, табиат, жамият ва тафаккўрнинг умумий қонунларини ўрганиш усули сифатида вужудга келган.

Қадимий фалсафа табиатда ва жамиятда бутун борлик ўзгарувчанлигини асослаган, ходисалар, жараёнларнинг бир ҳолатдан иккинчи қарама-карши ҳолатга ўтишини исботлаган. Аристотель диалектикани эхтимол фикрларни исботлаш тўғрисидаги фан деб қараган. Бутун борлик, мавжудодни хар бири ҳам бор, ҳам йук; ўзи ўзига тенг ва тенг эмас; ўзига ўхшайди ва ўзидан қарама карши ҳолатга ўтади. Шунинг учун ҳам борлик тула қарама-каршиликдан иборат, ягона ва кўп; мангу ва утувchan; ўзгарmas ва ўзгарувchan; тинч ҳолатда ва ҳаракатда; ўзига ухшайди ва ўзидан қарама – карши ҳолатга ўтади. Бу жараёнларни ўрганиш усули сифатида деалектика вужудга келган.

Диалектика – оддий мушоҳададан абстракт фикрлаш, ундан амалиётга ўтишни билдиради.

Аслида, тарихда диалектика – тортишув ўтказиш кобилияти, яъни савол – жавоб орқали тортишув ўтказиш кобилияти ҳамда нарсалар, тушунчаларни шакллар ва турларга таснифлаш маҳорати деб тушунилган.

Шундай қилиб фалсафанинг табиат, жамият ва тафаккўрини ўрганиш усулига диалектика деб тушунилади.

Иқтисодий реаллик ҳам бутун жамиятдаги борликнинг бир қисмиидир.

Шунинг учун, иқтисодий реалликда содир бўлаётган ходисалар ва жараёнларни ўрганинша барча иқтисодий фанлар, шу жумладан умумий овқаланиш соҳаси иқтисодиёти фани ҳам диалектика усулидан кенг фойдаланади.

Индукция лотинча «induktio» сўзидан олинган бўлиб, хабар олиш маъносини билдиради. Фикр юритишнинг бир тури бўлиб, тадқиқ қилиш усулидир. Умуман, индукция тадқиқот қилинда, хулосаларни асослашда хусусий микдордан, айрим вокеликдан умумийликка ўтиш усулидир.

Иқтисодий жараёнларнинг таҳлил қилишда умумий назорат билимга эга оғалиш учун унинг алоҳида томонлари, эмперик асослари ўрганилиб, күлоси қилинади.

Дедукция лотинча «deduktio» сўзидан олинниб сўзма – сўз «чиқариш» майносини билдиради. Дедукция ҳам индукция каби фикр юритишни бир тури ва тадқиқ қилиш усули бўлиб, индукция усулининг тескарисини инглатади. Дедукция усули ишлатилганда умумийликдан хусусийликка караб фикр юритилади ва тадқиқот олиб борилади.

Индукция ва дедукция мантикий фикр юритишга асосланган. Иқтисодий тадқиқотлар ўтказилишидан айрим белгиларни таҳлил қилиб, унинг асосида умумий жараёнга баҳо бериш ёки унинг тескари холлари юз беришига кўп тўқнашамиз.

Анализ ва синтез грекча «analysis» ва «synthesis» сўзидан олинган бўлиб анализ – бўлиш ва ажратиш, синтез – мувофиқлик, муносиблик маъносини билдиради. Анализ ва синтез тадқиқот усули бўлиб, умумий мазмуни яхлитликни алоҳида таркибий бўлимларга (хусусийликка) ажратиш ва яхлитликни алоҳида таркибий бўлимлардан умумийликни яратиш жараёни тушунилади. Булар ҳам тадқиқотни мантикий усулларидандир. Иқтисодий амалиётда бу усуллардан кенг фойдаланилади. Бунга асос бўлиб, «Иқтисодий таҳлил назарияси», «Хўжалик фаолиятининг иқтисодий таҳлили» деган фанларнинг мавжудлиги хисобланади. Умумий овқатланиш соҳаси иқтисодиёти илмий фан сифатида юкорида келтирилган фалсафанинг усулларидан ва бошқа фанларда ишлатиладиган кўп арсеналли усул ва услубларни ўз предметини ўрганишда ишлатади. Улар қаторига солиштириш, гурухлаш, индекс, занжирли боғлаш, балансли боғлаш, графиклар, иқтисодий математик ва бошқаларини киритиш мумкин. Табиий йуналтирилиши бўйича бу усул ва услублар иқтисодий жараён ва ходисаларни таҳлил қилиш, илмий тадқиқот ўтказиш, режалаштириш ва прогнозлаш қуроллари сифатида ишлатилади. Бир қатор аломатлари бўйича бу усуллар сон ва сифат таҳлили,

солишириш, күзатиш, экспримент ўтказиш, системали таҳлил, моделлаштириш, экстраполяция, интерполяция кабиларга бўлинади. Шулар билан бир қаторда статистик, математик, башорат (гипотеза), монографик, эксперт усуллари кенг ишлатилади.

Таянч иборалар: жамият, иқтисодиёт, фан, моддий борлик, объект, предмет, усул.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Моддий борлик нима, улар қандай турларга бўлинади?
2. Инсоният ҳаётда қандай муаммоларга дуч келади?
3. Фан нима?
4. Иқтисодиёт сўзининг мазмунини ёритиб беринг?
5. Иқтисодиёт фанлари тизимиға қандай фанлар киради?
6. Умумий овқатлаиш соҳаси иқтисодиёти фанининг обьекти нима?
7. Умумий овқатлаиш соҳаси иқтисодиёти фанининг предмети?
8. Умумий овқатлаиш соҳаси иқтисодиёти фани қандай усуларни ишлатади?

2-мінзуза. Умумий овқатланиш ва уни ташкилий-иктисодий тавсифи

- 2.1. Умумий овқатланиш соҳасининг моҳияти ва функциялари.
- 2.2. Умумий овқатланишининг шакллари ва ташкилий иктисодий таснифи.
- 2.3. Умумий овқатланишнинг иктисодиётда тутган ўрни ва аҳамияти.

2.1.Умумий овқатланиш соҳасининг моҳияти ва функциялари

Жамиятда бутун жонзотнинг тириклиги, улар организми талаб қилган озуқаларни истеъмол қилиш билан таъминланади. Инсон яралгандан тортиб унинг биринчи эҳтиёжи озиқ-овқат бўлиб, у бор имкониятини табиатда мавжуд озиқаларни топишга ва уларни истеъмол қилишга йўналтирган.

Озиқани топиш, уни истеъмолга тайёрлаш инсоният тараққиётидаги бирламчи ишлаб чиқариш жараёни бўлиб, уни асосида иктисодий муносабатлар шакллана бошлаган. Ушбу жараённи бошлангич даври ибтидо жамиятида* озуқаларни жамоа бўлиб топиш, тайёрлаш ва истеъмол қилишдан бошланган. Аста -секин тараққиёт озиқ -овқат маҳсулотларини тайёрлаш ва истеъмол қилишни индивидуаллашишига олиб келган ва оиласвий, уй (хужра) шароитда озиқ-овқатларни тайёрлаш ва истеъмол қилишга олиб келган. Уларни топиш ва тақсимлаш эса жамоатчилик асосида бажарилган.

Тараққиётни кейинги босқичларидаги жамоавий овқатланишга эҳтиёж туғилган. Умумий овқатланиш маҳсус тармоқга айланниш жараёни бошланган. Шундай қилиб овқатланиш жараёни ижтимоий меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқаришни ижтимоийлашиши ва ихтинослашиши натижасида куйидаги тарзда ривожланган:

Жамоа бўлиб овқатланиш

Индивидуал ва оиласвий овқатланиш
--

Индивидуал ва оиласвий, ҳамда жамоавий параллел ҳолда
--

*Гарихдан майдумки ибтидоий жамиятнинг шаклланиши эрамиздан оддинги XV- XIV минг йиллигидан бошланган, яъни «Тош» даврига тўғри келади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳар қандай жамиятда, уларни ижтимоий-иктисодий шаклларидан қатый назар инсонларни овқатланиш жараёнини ташкилий жиҳатдан иккى хил шаклга ажратиш мумкин:

I Уй шароитида, яъни индивидуал ёки оиласи.

II Жамоатчилик асосида (оммавий ташкилий шароитда), яъни умумий овқатланиш.

Жамоавий овқатланиш ижтимоий меҳнат таксимоти натижасида, ишлаб чиқаришни ижтимоийлашиши, ҳаётда ҳар хил тармоқларни вужудга келиши натижасида, бундай хизмат турига объектив эхтиёжларни туғилиши сабабли алоҳида хизмат соҳаси сифатида келиб чиқсан. Унинг умумий тус олиши бозор иқтисодиёти муносабатлари шаклланишини бошлангич даврларига тўғри келади. Ушбу даврдан бошланниб умумий (жамоавий) овқатланиш иқтисодиётнинг тармоғи сифатида шаклана бошлаган.

Умумий овқатланиш тарихан товар айрибошлиш жараёнини бир тури сифатида қаралиб келинган, хозир ҳам у савдо соҳаси каби товар айрибошлиш жараёнининг таркибий қисми хисобланади. Лекин, Умумий овқатланиш соҳасидаги жараён савдодан тубдан фарқ қиласди. Ушбу фарқлар улар бажарадиган ижтимоий-иктисодий ва техник-технологик функциялардан келиб чиқади.

Умумий овқатланишнинг яна бир ҳусусияти у нафакат савдодан, балки у ишлаб чиқаришдан ҳам фарқланади.

Савдодан ва ишлаб чиқаришдан (озик-овқат саноати) фарқли умумий овқатланиш соҳаси куйидаги ижтимоий-иктисодий, ташкилий – иқтисодий ва техник-технологик функцияларни бажаради. Унинг айрим функциялари савдога, айримлари эса ишлаб чиқаришга мос келади ва улардан фарқланадиган функцияларни ҳам бажаради.

Умумий овқатланиш соҳаси такрор ишлаб чиқариш жараёнини барча фазаларида иштирок этади.

Яъни:

- ишлаб чиқариш;
- таксимот;
- айрибошлаш;
- истеъмол:

Умумий овқатланиш корхона (шаҳобча)лари ишлаб чиқариш фазасида озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш (ишлаб чиқариш) функциясини бажаради.

Уларни таксимот функцияси ахолини пулсиз ёки имтиёзли овқатлар билан таъминлаш жараёнида намоён бўлади. Уларга шифохоналар; боғчалар; санаториялар; интернатлар; дам олиш уйлари; куролли кучлар соҳасида; айрим хўжалик субъектларида (бепул овқат тарқатиш ишлатилса); ипсизларни овқат билан таъминлашда (бу тартиб чет эл амалиётида мавжуд)

Айрибошлаш жараёнида умумий овқатланиш соҳаси биринчидан, товар айрибошлаш шакли сифатида олди – сотли жараёнида иштирок этади ва товарлар қийматини айрибошлаш функциясини бажаради;

иккинчидан, иқтисодиёт тармоги сифатида товарларни ишлаб чиқаришдан истеъмолчиларга етказиш функциясини бажаради.

Истеъмол фазасида иштироки тайёр овқатларни ишлаб чиқариш жойларида истеъмол қилинишини таъминлаш функциясини бажаришда намоён бўлади.

Умумий овқатланиш соҳаси бозорини барча элементларини функцияланиш жараёнида катнашиб, куйидаги ташқилий-иктисодий функцияларни ҳам бажаради;

- таклифни ўрганиш;
- талаб ва эҳтиёжни ўрганиш;
- баҳони шакллантириш;
- товарлар рекламасини ташкил қилиш;
- шартномалар тўзиш ва буюргталар бериш.

Умумий овқатланиш соҳасини техник-технологик функцияларига куйидагиларни киритиш мумкин;

- хом ашёни пиширишга тайёрлаш;
- ишлаб чиқариш технологияси, маҳсулотни пишириш;
- ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни истеъмолчиларга етказиш;
- тайёр маҳсулотни порцияларга ажратиш;
- тайёр маҳсулотни истеъмол килиш жойига етказиш;
- товарларни хом ашё сифатида ишлаб чиқаришдан ва бошка таъминотчилардан маҳсулот тайёрлаш жойларига умумий овқатланиш корхона(шахобча)ларига ташиб келишини ташкиллаштириш;
- хом ашё ва товарларни саклаш.

Юкоридаги келтирилган функцияларни бажариш орқали умумий овқатланиш иқтисодиётни бошка тармокларидан фарқланади ва у маҳсус иқтисослашган ва универсал функциялар бажарадиган ягона соҳа (тармок) хисобланади.

Ушбу соҳани тақрор ишлаб чиқариш жараёнини барча функцияларида иштироки, уни жамиятни ижтимоий – иқтисодий ҳаётида фаол таъсир килишни намоён қиласди.

Умумий овқатланиш соҳасини ривожлантириш куйидаги вазифаларни бажаришни тақозо қиласди.

Биринчидан, умумий овқатланиш корхона (шахобча) ларини типларини (ахолини минталитетига мослаб) такомиллаштириш, уларни жоилашишини рационаллаштириш.

Иккинчидан, маҳсулотлар сифатини яхшилаш уларни рационал истеъмол сифатини илмий асосланган нормаларга мослаштириш.

Учинчидан, овқатларни истеъмол комплексига мослаштириш (нохорлик, тушлик, кечлик, тўй маросимлар ва х.к.о.)

Гуртингчидан, овқатланиш жараёнини эстетик –маданий жиҳатларини тийминланувчилар (истеъмолчилар) талабларига мослаш.

Бешинчидан, овқатланиш соҳасини индустриялаштириш, технологиясини такомиллаштириш, хизматини янги прогрессив усулларини жорий қилиш.

Олтинчидан, ахолини менталитетидан келиб чиқкан ҳолда хизматларни чет әл тажрибаларидан фойдаланган ҳолда такомиллаштириши кабилар.

2.2. Умумий овқатланишнинг шакллари ва ташкилий иқтисодий таснифи.

Умумий овқатланиш соҳасини ташкиллаштириш, уни ташкилий шакллари ва турлари, унинг катор хусусиятларидан келиб чиқади:

- маҳсулотларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, сотиш, ва истеъмол килинишини ташкил қилиш, сотиб олган товарларни сотиш каби функцияларни мужассамлаштириши;

- овқатлар ва кулинар маҳсулотларни ҳар куни ўзгариб турувчи талаабга қараб ассортиментини шаклланиши, уларни саклаш ва сотиш муддатини кискалигига қараб тайёрланиши;

- маҳсулотлар ассортиментини (овқатлар турлари) хизмат килинаётган контингентини хусусиятлари, талаби, уларни касбий, миллий, ёш бўйича таркибига, харид қилиш кобилиятига, меҳнат қилиш ва ҳаёт тарзига боғликлиги;

- уларнинг маҳсулотлари ва хизматига талабни ҳар соатда, кунда, мавсўмларда ўзгариб туриши;

- ишлаб чиқариш, муассасалар, ўкув юртлари ва бошқа умумий овқатланиш корхона (шаҳобча) лари хизмат кўрсатадиган ташкилотларнинг ишлай вактидан келиб чиқиб, уларга хизмат кўрсатиши. Масалан, шахарларда умум кирадиган ошхоналар, оиласий тантаналар, юбилейлар,

байрам кечаларини ўтказишга мослашган, шифохона, дам олиш ва даволаниши муассасаларига мослашган, тез хизмат қилиш шаҳобчаларини ташкилластирилиши.

Умумий овқатланиши корхона (шаҳобча)лар юкорида келтирилган хусусиятлардан келиб чиккан ҳолда улар таъминланувчи контенгент, ишлаб чиқариш хусусияти, ишлаб чиқариш ассортименти, хизматлар хажми ва турларига караб таснифланади. Уларни аломатларига (белгиларига) караб ҳар ҳил тицларга (турларга) таснифланиши 2.2.1 чизмада келтирилган.

2.2.1 – чизма

Умумий овқатланиши корхоналарини таснифи

T №	Аломатларни белгилари	Турлари
1.	Таъминланувчи контенгентига караб.	1.1 Ташкиллашган контенгентларни таъминловчи (ишлаб чиқариш корхоналари, муассасалар, ўқув юртлари).
2.	Савдо-ишлаб чиқариш фаолияти тасвиғига караб.	1.2 Умум кирадиган корхоналар 2.1 ҳарид қилувчи; 2.1.1 контенгентларга хизмат кўрсатмайди; 2.1.2 контенгентларга хизмат кўрсатувчи; 2.2 Тайёрлоччи (булар маҳсулотларини ўзлари тайёрлайди ва ҳарид қилувчилардан олинган ҳам маҳсулотларни кайта тайерлайди ва ахолига хизмат киласди).
3.	Ишлаб чиқариш ассортименти бўйича.	3.1 Комплекс корхоналар (бу ҳар ҳил тицдаги шаҳобчалар бирлашмаси) 3.2 Универсал корхоналар. 3.3 Ихтинослашган.
4.	Хизмат тасвиғи ва иш хажмига караб	4.1 Йюкс категорияли. 4.2 Олийт категорияли. 4.3 I категорияли. 4.4 II категорияли. 4.5 III категорияли.
5.	Низоми даврига караб	5.1 Доимий 5.2 Мавсумий
6.	Жойлашиши ва характеристига караб	6.1 стационар. 6.2 характеристаги (автоошхона, вагон-ресторон, кўпс-буфет, авто-буфет ва бошжалар).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 феңрулдаги 75-сонли карори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиши маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидалари» да умумий овқатланиши корхоналари куйидаги турларга бўлинади;

Ресторан: вагон ресторан; бар; кафе; ёзги кафе; кафетерий; ошхона; чойхона; буфет ва кичик ошхона.

Ушбу типлар иктисодиётда ўtkазилаётган ислоҳатлар, жамиятни тараккиётига мос холда такомиллашиши ва уларни янгиларини вужудга келтириши мумкин.

2.3. Умумий овқатланишнинг иктисодиётда тутган ўрни ва аҳамияти.

Умумий овқатланиш соҳасининг мамлакат ижтимоий-иктисодий ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти жуда юкори.

Авваламбор унинг аҳолини озик-овқат маҳсулотига бўлган эҳтиёжини қондиришдаги аҳамиятини таъкидлаш лозим. Бозор муносабатлари шароитида ушбу фаолият янада ривож топди. Бу ҳолат мавжуд ижтимоий-иктисодий муаммоларни ҳал қилишга таъсир килади.

Ўзбекистонда умумий овқатланиши товар айланмаси 1995 йили 4,0 млрд сўм, 2000 йилда 52,9 ва 2006 йилда 97,2 млрд. сўмни, 2007 йилда 231,9 млрд. сўмни ташкил қилган. 2007 йил 2000 йилга нисбатан карийб 2,4 баробарга, 1995 йилга нисбатан карийиб 58 баробар ортга. Бу албатта ҳақиқий баҳолардан кўрсаткич бўлишинга қарамай, аҳолини турмуш даражасини тез суръатларда ривожланаётганидан далолат беради.

Умумий овқатланиши жамиятдаги роли тўғрисида гапирганда, унинг ишчи кучини такорор ишлаб чиқариш жараёни, оддий уй, оиласвий ёки

индивидуал овқат тайёрлашга нисбатан самаралирек кечишини таъминлашни эътироф этиш зарур. Буларга кўйдагиларни киритиш мумкин:

- озик-овқатларга бўлган эҳтиёжни ишлаб чиқаришдан ажralмаган холда, тез ва сифатли кондириш;
- оқилона ва рационал овқатланиш психологиясини шакллантириш;
- илмий асосланган килоколорияни истеъмол килишни таъминлаш;
- истеъмол харажатларини камайтириш (ахолини вактини тежаш орқали) натижасида уларга дам олиш, соғликни мустахкамланг, оиласда таълим-тарбия ишларига кўпроқ эътибор каратиш ва бошқа ижтимоий-иктисодий масалаларни хал килишга имконият яратиш ва бошқалар.

Умумий овқатланиш жамиятда, иктиносидётни ривожлантиришдаги аҳамиятига биринчидан, ялпи ички маҳсулотни ва миллий даромаднинг кўпайишига тегишли ҳисса кўшади;

иккинчидан, ходимларнинг меҳнатга лаёқатлилик салоҳиятини ва уларни меҳнат унумдорлигини оширишга тегишли имкониятлари;

учинчидан, аҳолининг бандлигини таъминлайди, янги иш ўринларини яратиб беради;

тўртингидан, аҳолининг пул даромадларини ошишига, уларни харид кобилиятигининг ортишига таъсир кўрсатади;

бешинчидан, моддий ва маънавий ресурсларни тежамли сарфлаш орқали озик-овқат ресурсларини тежашга эришилади. Уй шароитида озик-овқат маҳсулотларини тежамли ва рационал ишлатиш умумий овқатланишдай ташкил қилинмайди.

Уй шаронтида хар бир оила овқат тайёрлаш учун камидан 2-3 соат вақт сарфлаб, 4-5 куннин таъминлади.

Бу республика мікёсінде (оңлап үртача 5 кишидан иборат деб хисобласақ) 2678900:5 535780 оңлап (ахолини сони 2007 йыл бошида) ташкил қылған. Хар бир оила иккі маҳал овқат пиширса, үртача хар бир овқат тайёрлашга 2,5 соатдан хисобласақ, бир онын 535780·2,5·2·365=977798500 соат сарфлаши зарур бўлади. Ушбу иш Умумий шаклда ташкил қилинса, хар бир Умумий овқатланиш корхонасини үртача хўрандаларни кабул кишин имконияти (иккі маҳал овқатланиш учун) 100 киши деб хисобланса, овқат тайёрлашга 2,5·2·5 соатдан сарфланганди умуман $(5\cdot2678900:100\cdot365)=48889925$ соат сарфланади. Шундай килиб, таҳминан республика мікёсінде бир йилда $(977798500-48889925)\cdot928908575$ соат иш вақти тежалади.

Умумий овқатланишни ташкиллаштириш натижасида инсон меҳнати тежалади, уларга шароит яхшиланади, канчалаб аёллар уй меҳнатидан озод бўлади, озик-овқат маҳсулотлари ва моддий ресурслардан, газ, электроэнергия, ёқилғи кабилар тежалади, баҳонинг даражаси якка тартибдагига нисбатан аллаканча пастрок бўлишини таъминлади.

Таянч иборалар: жамоа бўлиб овқатланиш, индивидуал овқатланиш, умумий овқатланиш, ишлаб чикириш, тақсимот, айрибошлиш, истемол, тилб, таклиф, хом ашё, товар, ресторан, вагон ресторан, бар, кафе, ёзги кафе, кафетерий, ошхона, чойхона, буфет ва кичик ошхона, маҳсулот, товар айланмаси, ресурслар (асосий, айланма, молиявий, меҳнат), даромад, фойда рентабеллик.

Такрорлаш учун саволлар

1. Овқатланиш жараёнини тавсифлаб беринг.
2. Умумий овқатланишни таърифини айтинг.
3. Умумий овқатланишнинг мөхиятини ёритинг.
4. Умумий овқатланишнинг функцияларни ёритинг.
5. Умумий овқатланиш соҳасининг вазифалари нималардан иборат.
6. Жамиятда умумий овқатланиш қандай ахамиятта эга?
7. Умумий овқатланишнинг ташкилий шаклларини ёритиб беринг.
8. Умумий овқатланиш корхоналари қандай турланади?

З-маъруза. Умумий овқатланиш корхоналарининг маҳсулоти ва товар айланмаси

- 3.1. Умумий овқатланиш корхоналари асосий ҳажм ва сифат кўрсаткичлари.
- 3.2. Умумий овқатланиш корхоналарининг товар айланмаси ва маҳсулотлар ишлаб чиқаришининг таҳлили.
- 3.3. Умумий овқатланиш корхоналарида товар заҳираларининг хусусиятлари.
- 3.4. Умумий овқатланиш корхоналарида товар айланмасини режалаштириш ва ишлаб чиқариш дастури.
- 3.5. Умумий овқатланиш корхоналарида ҳом ашё таъминоти ва маҳсулотлар баланси.

3.1. Умумий овқатланиш корхоналари товар айланмаси кўрсаткичларининг хусусиятлари

Умумий овқатланиш корхоналарининг кўрсаткичлари уларнинг хусусиятлари (бажарадиган функциялари)дан келиб чиқкан холда таснифланади. (3.1.1 чизма)

Уларнинг асосий ҳажмий кўрсаткичларидан бўлиб товар айланмаси ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлар микдори хисобланади.

Умумий овқатланиш корхоналари товар айланмаси қўйидагилардан таркиб топади:

1. Чакана товар айланмаси жами, шу жумладан:
 - 1.1 сотиб олинган товарларни сотиш;
 - 1.2 ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотиш (улгуржи товар айланмасидан ташкари);

Улардан:

- а. овқат (түшлик) маҳсулотини сотиш;
- б. чакана тармок орқали ўз маҳсулотини сотиш;

2.Бошқа умумий овқатланиш корхоналарига ўз маҳсулотларини чиқариш (Улгуржи товар айланмаси)

3. Ялпи товар айланмаси (1+2)

Ишлаб чиқарилған маҳсулотларини алоҳида ҳисоботи олиб борилади.

Булар түшлик маҳсулотлари, кулинар маҳсулотларга, кондитер маҳсулотлар ва яримфабрикатларга бўлинади.

Умумий овқатланиш корхоналарида унинг фаолиятидан келиб чиккан ҳолда юқоридагилардан ташқари қуйидаги кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади.

Ошхонадаги технологик жиҳозларни ишлаб чиқариш куввати, овқатланиш хоналарини асосий фонdlардан фойдаланиш кўрсаткичлари Умумий овқатланиш корхоналарини сони ва улардаги ўтириш жойлари уларни моддий – техник базасини ишлатиш кўрсаткичлари ҳисобланади.

Айланма ва молиявий маблағлардан фойдаланиш кўрсаткичлари.

Ишлаб чиқариш ва муомала ҳаражатларига таалукли кўрсаткичлар.

Мехнат ресурслари ва иш ҳақига боғлиқ кўрсаткичлар.

Даромад, фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари.

Умумий овқатланиш корхоналарини асосий ҳажмий ва сифат кўрсаткичлари 3.1.1- чизмада келтирилган.

Ушбу кўрсаткичлар шаклан чакана ва улгуржи савдо корхоналари кўрсаткичларига мос келади. Лекин уларни таркиби, шаклланиши бирбиридан фарқланади. Уларнинг мазмуни «Ички савдо иқтисодиёти» фанида ўрганилади

Чакана савдо корхоналарининг товар айланмаси асосан икки турдан иборат бўлиб, у аҳолига сотилган товарлар ва жамоавий эҳтиёжларини қондириши учун корхона, ташкилот ва муассасаларга майда улгуржи сотишдан ташкил топади.

Умумий овқатланишда чакана товар айланмаси «Овқатланиш корхоналари товар айланмаси тўғрисида ҳисобот»да (4-савдо шакли) қуйидаги таркибда ҳисботтга олинади.

1. Овқатланиш корхоналари чакана товар айланмаси (1.1.+1.2.). (Бу ерда воситачисиз, тұғри истеъмолчиларга сотиш назарда тутилаяпты.)

Шу жумладан:

1.1. Сотиб олган товарларни сотиш. (Бу ерда четдан сотиб олинган товарларни хеч қандай ишлов бермасдан сотиш ҳисоботга олинади.)

1.2. Үзи ишлаб чикарган маҳсулотни сотиш (улгуржи айланмасиз).

Улардан:


овқат маҳсулотини сотиш.


2. Чакана тармоқ орқали ўз маҳсулотини сотиш.

Статистик ҳисоботда овқатланиш корхоналари улгуржи товар айланмаси түғрисида маълумот бермайды.

Овқатланиш корхоналарининг умумий чакана товар айланмаси «Овқатланиш корхоналари чакана товар айланмаси» (1) ва «чакана тармоқ орқали ўз маҳсулотини сотиш» (2)лар йигиндисидан иборат.

Үмүмий овкатланиш корхоналарининг асосий ҳажм ва сифат кўрсаткичлари таснифи





Овқатланиш корхоналари чакана товар айланмасига сотишнинг куйидаги турлари кирмайди:

- буюртмачининг хом ашёси қиймати;

- етказиб берувчининг қайтариб олган тарасининг қиймати;

- маҳсулот ва товарларнинг ички силжиши (омборхонадан ошхонага, товарларни базага ёки омборхонага қайтариш, товарларни буфет ва кухияларга тақсимлаш);

- овқатланиш корхона ва ташкилотларига тегишли бўлган сартарошхона, биллиард, рақс заллари, видеосалон, ўйин заллари ва бошқа корхоналар даромадлари ҳамда концерт программалари кўришдан тушган даромадлар. Бу фаолият даромадлари хизмат кўрсатиш таркибида ҳисобга олинади.

Овқатланиш корхоналарида чакана товар айланмаси билан бир каторда улгуржи товар чиқариш (улгуржи товар айланмаси) ҳам мавжуд. Бу турдаги товар айланниш тайёр маҳсулотлар ва ярим фабрикатларни бошқа оақатланиш (ўз филиалларидан ташқари) корхоналари ва чакана савдо корхоналарига қайта сотиш учун сотилганлар миқдоридан ташкил топади.

Чакана ва улгуржи товар айланнишлар йигиндиси овқатланиш корхонасини ялпи товар айланмасини ташкил қиласди ва у корхонанинг умумий савдо ишлаб чиқариш фаолиятини тавсифлайди.

Умумий овқатланишда «Майда улгуржи товар айланмаси» тушунчаси ишлатилмайди.

Овқатланиш корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш дастури тўзилади. Унда ўзида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни тури, асортименти, сони ва баҳоси ўз ифодасини топади. Ишлаб чиқариш дастурини пулдаги ифодаси ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлар сотиш бўйича товар айланмасини (чакана+улгуржи) ифодалайди.

Умумий овқатланиш корхоналарининг бошқа кўрсаткичлари ўкув кўллланманинг тегишли маърузанарида тавсифланади.

3.2. Умумий овкатланиш корхоналарининг товар айланмаси ва маҳсулотлар ишлаб чиқаришини таҳлили

Умумий овкатланиш корхоналари товар айланмасини таҳлилининг мақсади, вазифалари ва усулларини кўриб чиқамиз. Чакана товар айланмасини таҳлил қилишда кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади.

Уларни айримларини қуйида келтирамиз:

- ❖ чакана товар айланмаси миқдорини ёки хажмини жорий баҳоларда тавсифловчи, сўм;
- ❖ чакана товар айланмаси миқдорини (хажмини) солишишторма баҳоларда тавсифловчи, сўм;
- ❖ чакана товар айланмаси ассортимент тарқибини тавсифловчи натурал кўрсаткичлар, сўм ва фоизда;
- ❖ ахоли жон бошига тўғри келадиган чакана товар айланмаси, сўм;
- ❖ 1 ойга тўғри келадиган чакана товар айланмаси сўм;
- ❖ 1 кунлик чакана товар айланмаси, сўм;
- ❖ 1 ишчига тўғри келадиган чакана товар айланмаси, сўм;
- ❖ савдо шахобчаларини 1кв.м, жумладан савдо майдони 1кв.м тўғри келадиган чакана товар айланмаси, сўм;
- ❖ чакана товар айланмаси нисбий кўрсаткичлари (%) бажарилиши, динамикаси, индекслари, мавсўмийлик, маромийлик коэффицентлари, товар айланниш тезлиги кун ва маротаба) ва х.к.

Чакана товар айланмаси таҳлилининг вазифалари:

- ❖ чакана товар айланмаси режаси ва прогнозларини бажарилишига баҳо бериш;
- ❖ чакана товар айланмаси динамикасини ўрганиш;
- ❖ чакана товар айланмаси ассортиментти ва турлари бўйича тарқибини таҳлил қилиш ва баҳолаш;

- ❖ чакана товар айланмаси микдори ва асортиментига таъсир килувчи омилларни ўрганиш, баҳолаш;
- ❖ чакана товар айланмаси кўрсаткичларини (чакана товар айланмаси, товар захиралари ва товарларнинг келишини) ўзаро ўзвий боғлиқлигини ўрганиш.

Чакана товар айланмаси таҳлилиниг усуллари:

- ❖ динамик қаторлар тўзиш;
- ❖ нисбий ва ўртача кўрсаткичлар;
- ❖ солиштириш;
- ❖ индекс усули;
- ❖ трендлар ва регрессив моделларини тўзиш;
- ❖ занжирли алмаштириш;
- ❖ баланс усули;
- ❖ графиклар ва бошқа чизмалар.

Чакана товар айланмаси таҳлили ҳар хил ахборотлардан фойдаланишини таказо киласди. Уларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

- ❖ прогноз ва режага алоқадор маълумотлар. Чакана товар айланмаси прогнози ёки режаси – умумий хажми, ассортименти, товар захиралари нормалари, товарларни келтириш, ҳисоб китоблар ва бошқалар;
- ❖ худуднинг ижтимоий – иқтисодий кўрсаткичлари;
- ❖ статистик ва бухгалтерия ҳисобидаги ҳақиқий кўрсаткичлар;
- ❖ бошқа маълумотлар (савдога алоқадор, унга таъсир қиласидиган омиллар тўғрисидаги маълумотлар).

Чакана товар айланмаси кўрсаткичларини таҳлил қилишда таҳлилда ишлатиладиган маълумотларни тайёрлаш алоҳида ўрин тутади.

Бундай ишларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

- ❖ прогнозлаш ва режаларни корректировка қилиш;
- ❖ статистик, бухгалтерия ҳисботларидағи маълумотларни ҳақиқийлиги, бир-бирига мослигини текшириш;

- ❖ савдо шахобчалари ва корхоналарни алоҳида аломатлари бўйича гурухлаш. Чакана товар айланмасига таъсир килувчи омиллар тўғрисида маълумотларни аниқлаш;
- ❖ ҳар хил аналитик жадваллар тўзиш;
- ❖ кўрсаткичларни солиштирма юзага келтириш ва х.к.

Умумий овқатланиш корхоналари чакана товар айланмасига, унинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқсан омиллар таъсир килади.

Улар қаторига куйидагиларни киритиш мумкин:

Чакана товар айланмаси микро ва макро даражадаги омиллар таъсир килади. Уларга умумлаштириб, куйидагиларни киритиш мумкин.

- I. Давлатнинг халкаро ахволи, халкаро муносабатлар.
- II. Давлатларни иктисодий интеграцияси.
- III. Ташки савдо, экспорт ва импорт.
- IV. Халк хужалиги прогнозлари (ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш, миллий даромад (истеъмол ва жамгарма фондлари, эластиклик коэффициент – 1-1,06 % тенг)

Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш (эластиклик коэффициенти 1 – 0,98 %тенг).

- V. Илмий – техник ривожланиш (электрлаштириш, газлаш, телевид, йўллар).

Бу биринчидан, истеъмол килиш шарт – щароитини ўзгартиради, иккинчидан – янги товарлар бунёдга келтирилади.

- VI. Ахолининг даромадларини ўзгартириш (1 – 0,94 %).
- VII. Ижтимоий фонднинг миқдори.
- VIII. Баҳо.
- IX. Демографик холат.
- X. Урбанизация (шахар ва кишлоқ ахолисини ўзгариши).
- XI. Шахсий таморқа хужалиги.
- XII. Уй – жой куриш.

XIII. Шахсий транспорт.

XIV. Дача (иккинчи, шаҳардан ташкари яшайдиган жойлар).

XV. Хизмат даражаси (тарифлари).

XVI. Туризм, спорт.

XVII. Ахолининг маданий билим даражаси.

XVIII. Ахолини бўш вакти.

- Умумий овқатланиш корхонасининг товар айланмасига, у хизмат килагётган контингентини таркиби (ишчилар, қишлоқ хўжалиги ходимлари, раҳбарлар, мутахассислар, тадбиркорлар, талаба ва ўкувчилар, бозор иктисодиёти шароитида юкори, ўртacha ва минимал даромад олувчилар, инсизлар, нафакаҳўрлар, ахолини ёши бўйича табакаланиши ва х.к.);

- корхона ёки шаҳобча маҳсулотининг ассортименти;

- корхона ёки шаҳобчанинг тури, жойлашган жойи, ўтириш ўринлари сони;

- шаҳарда, қишлоқда, умуман Умумий овқатланиш корхона (шаҳобча)ни жойлашган ерида рақобатчиларни мавжудлиги;

- овқатларни сифати, баҳоси кабилар.

Овқатланиш корхоналари товар айланмасини таҳлилини бошлишда куйидаги жадвалдан фойдаланишни тавсия қиласиз.

**Овқатланиш корхонасининг чакана товар айланмаси ва
маҳсулот ишлаб чикариши**

(млн. сўм)

№	Кўреаткичлари	Ўтган йиллар			Хисобот йили				Ўтган йилларга нисбатан, % ёки фарки (+;-)		
		X ₁	X ₂	X ₃	режа	хаки-катда	режани бажа-рилиши, % ёки фарки (+;-)	X ₃	X ₂	X ₁	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	
1	Чакана товар айланмаси, жами...										
1.1	Сотиб олган товарларни сотиш суммаси... хиссаси, %...										
1.2	Ўз маҳсулотини сотиш (улгуржи айланмасиз)- суммаси... хиссаси, % ...										
1.2.1	Овқат (тушлик) маҳсулотларини сотиш суммаси... 1.2-даги хиссаси, % ...										
1.2.2	Чакана тармок орқали ўз маҳсулотини сотиш суммаси... 1.2-даги хиссаси, % ...										
2.	Ўз маҳсулотларини улгуржи										

	сотиши суммаси..., ялпи товар айланмасидаги хиссаси, %...					
3.	Ялпи товар айланмаси (1+2)					
4.	Хизмат килинаётган контентент сони					
5.	Контентент жон бошига түгри келиган:					
5.1.	таомлар сони					
5.2.	Үз махсулотини сотиши					
6.	Үртача бир таомни баҳоси (1.2:4), сўмда					
7.	Булардан ташкари үз махсулотини: уйга сотиши: -таом... -суммаси...					
7.2	тушликни иш жойларига етказиш: -таом... -суммаси...					
7.3	мактабларга етказиш: -таом... -суммаси...					
8.	Үз махсулот-лари таркибида:					
8.1	биринчи таомлар, дона					
8.2	иккинчи таомлар, дона					
8.3	салатлар, сўмда					
8.4.	ва хоказолар...					

Кейинги боскичда корхонани маҳсулотлар харажатини (узгуржи айланмани күшганд холда) ассортиментини ўрганиш зарур.

Бундай таҳлилни статистик хисоботнинг 4-савдо шаклида келтирилиагн маҳсулотлар турлари бўйича таҳлил килишни тавсия қиласиз. Бунинг учун куйидаги 3.2.2-жадвалдан фойдаланиш мумкин.

Товар айланмасини таҳлил килиш жараёнида (юкоридаги 3.2.1-жадвалдан кўриниб турибдики) овқатланиш корхонасида маҳсулот ишлаб чикириш хам бирга кўрилаяпти. Шу сабали таҳлил жараёнида корхонани ишлаб чикириш куввати ва хўрандаларга хизмат қилиш имконияти қандай ишлатилаётганлигига баҳо бериш зарур бўлади. Бунинг учун ушбу кўрсаткичларни овқатланиш корхонасининг жиҳозлари кувватини, ўтириш жойларидан фойдаланиш имкониятларини, уларни иш режимидан келиб чиқкан холда хисоб-китоб килиб чиқиш зарур бўлади.

Ушбу кўрсаткичларни шартли мисоллар асосида хисоблаш усулини кўриб чиқамиз.

Масалан, ошхона иккита биринчи овқат пиширадиган козонга эга. Уларнинг ҳар бири 60 литерли сифимга эга. Биринчи овқатни ҳажми 0,5 литерга teng. Қозонни тўлдириш коэффициенти – 0,85 га teng. Овқатни тайёрлаш учун 2,5 соат вакт сарфланади. ҳар бир маротаба овқатни пиширгандан кейин, уни кейинги тайёрловга тайёрлаш учун 60 минут вакт сарфланади.

Ошхона суткада танаффўзсиз 14 соат ишлайди. Ошхона хафтада бир кун дам олиш куни, ойда 1 кун санитар куни килади. Байрам кунлари ошхона ишламайди. Шундай килиб ошхона 52 кун

3.2.2-жадын

Овқаттанин корхонасининг чакана товар айланмаси ва махсулот ишлаб чикарини

дам олиш, 12 кун байрам ва 12 кун санитар кунлари, жами 76 кун ишламайди.

Ошхонани ишлаб чикариш кувватини аниклаш учун куйидаги хисобкитоблар амалга оширилади:

1. Бир маротаба овқат тайёрлаш учун сарфланадиган вактни минут хисобида аниклаймиз. $(2,5 \cdot 60) : 60 = 210$ минут ёки 3,5 соат.

2. Қозонларни тұлдиріш хажмини аниклаймиз. У баробар $(2 \cdot 60) \cdot 0,85 = 102$ литр.

3. Овқат пиширишни бир маротаба амалга оширганда $102 : 0,5 = 204$ порция овқат тайёрланади.

4. Ошхона бир суткада қанча маротаба (цикл) овқат пишира олишини аниклаймиз. $(14 \cdot 60) : 210 = 840 : 210 = 4$ маротаба ёки $14 : 3,5 = 4$

5. Ошхонани суткалик ишлаб чикариш куввати $204 \cdot 4 = 816$ таом.

6. Ошхонани йилдік ишлаб чикариш куввати $= (365 - 76) \cdot 816 = 289 \cdot 816 = 235824$ таом.

Ошхонада йил давомида ҳақиқатда ишлаб чикарган овқатлар сони – 200000 минг деб хисобласақ, унинг кувватини ишлатиши коэффициентик $200000 : 235824 = 0,84$ яғни, унинг куввати 84,0 % ишлатилаёттан бўлиб чиқади.

Ошхонада хўрандаларга хизмат килиш қобилияти куйидагича хисобкитоб қилинади.

Масалан, ошхонани хўрандаларга хизмат қиласидиган залининг майдони 140,8 кв.метр бўлсин. Бир хўрандага ажратиладиган майдон нормаси, умуман 1,6 кв. метр. Зал суткада 20 % тўла холда ва қолган вактда зални 30 % ишлатилади.

Ошхона суткада 14 соат ишлайди. Бир хўрандага хизмат килиш даври 30 минут. Ошхонани хўрандаларга хизмат килиш қобилиятини аниклаймиз:

1. Залдаги ўтириш жойлари сони $140,8 : 1,6 = 88$ ўриндик.

2. Зални тўла холда ишлан вакти = $\frac{14 \cdot 20}{100} = 2.8$ соат, яъни $2.8 \cdot 60 = 168$

минут тўла ишлайди.

3. Зал 30% ишлатилиш вакти = $\frac{14 \cdot (100 - 20)}{100} = 11.2$ соат ёки $11.2 \cdot 60 = 672$

минут.

4. Зални хизмат қилиш куввати:

Тўла ишлатилганда $\frac{168}{30} \cdot 88 = 5.6 \cdot 88 = 493$ киши.

Зал 30 % тўлдирилагн холда к

$\frac{672}{30} \cdot \frac{88 \cdot 30}{100} = 22.4 \cdot 26.4 = 591$ киши.

Суткалик куввати = $493 + 591 = 1084$ кишига хизмат кила олади.

5. Агар ошхона хизматидан фойдаланадиган хўрандаларни ҳақиқатда бир кунда 900 кишини ташкил килса, бир йилда ошхона хизматидан $900 \cdot 289 = 260100$ та хўрандалар фойдаланган бўлади.

Бу холда ошхонани хизмат қилиш кувватини ишлатиш коэффициенти $260100 : 313276 = 0,815$, яъни 81,5 % ишлатилган бўлади.

Тахлил жараёнида ушбу кўрсаткични динамик суръатини ҳисобкитоб қилиб, унга баҳо берин лозимдир.

3.3. Умумий овқатланиш корхоналарида товар захираларининг хусусиятлари

Умумий овқатланишда товар захиралари уларни ишлатилишига караб хар хил шаклларга турланади.

Уларга куйидагиларни киритиш мумкин:

Биринчидан, хом ашё захиралари, булар тайёр овқатларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган, омборларда, ошхона (кухня)ларда сақланадиган маҳсулотлардан таркиб топади;

Иккинчидан, сотишга мүлжалланган тайёр маҳсулотлар захиралари буларга пиширилган овқатлар, тайёрланган кулинария ва кондитер маҳсулотлари, ярим фабрикатлар, салатлар кабилар киради;

Учинчидан, буфетлардаги товар захиралари.

Буларни ҳаммаси шакли, мақсадидан катый назар товар захиралари деб юритилади.

Умумий овқатланишда товар захираларини ўзига хос ҳусусиятлари:

биринчидан, овқатланиш корхоналарида захиралар ишлаб чиқариш билан ҳамда сотиш билан боғлик. Ишлаб чиқариш бир томондан ҳом ашё билан, иккинчидан томондан яримфабрикатлар билан таъминланади, сотиш билан боғлик захиралар эса сотишга мүлжалланган тайёр маҳсулотлар, ярим фабрикатлар ва сотиш учун сотиб олинган товар захиралари билан боғлик. Шундай килиб, овқатланиш корхоналари захираларини назарий жиҳатдан ишлаб чиқариш захиралари ва товар захираларига ажратиш мумкин, лекин амалиётда бундай тақсимланмайди, ҳаммаси товар захиралари деб юритилади;

иккинчидан, овқатланиш корхоналарининг товар захираларининг яна бир ҳусусияти уларни микдори (сакланиш нуткаи назаридан) ва ҳажми чегараланганлигидадир. Чунки овқатланиш корхоналарини товар таъминотчилари якин масофада жойлашган бўлади, улар товарларни ва ҳом ашёни кам ҳажмда ва тез-тез етказиб бериши зарур. Булардан ташқари овқатланиш корхоналарини ҳом ашёлари тез бўзулувчи ҳусусиятга эгалиги, уларни ўзоқ муддатга саклаш мумкин эмаслигини талаб қиласди, бу ҳам захираларни микдорига таъсир киласди;

учинчидан, овқатланиш корхоналарида ишлаб чиқариш захираларини хиссаси юкорироқ, яъни ҳажман кўпроқ, сотиш учун сотиб олинган товар захираларини суммаси камрок бўлсада, уларни нисбий кўрсаткичлари микдори (кунлар хисобида) тескари пропорцияда. Бу ҳусусиятлар ҳам улардаги ҳом ашё ва товарларни сақлай олиш муддатларидан келиб чиқади.

Амалиётда товар захираларини хисоб-китоби, тахлил қилиш ва режалаштириш хом ашё, тайёр маҳсулотлар, ярим фабрикатлар ва товарларга бўлинмайди, уларни кўрсаткичлари суммаси, натурал (тонна, литр, дона) хисобида ва кунлар хисобида, товар айрибошлиш тезлиги (кунлар ва мирагаба) умумий овқатланиш корхонасининг умумий товар айланмасига нисбатан хисобланади.

Бизнинг фикримизча, назарий жиҳатдан ишлаб чиқариш билан боғлик захираларни, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни сотиш айланмасига, сотиш учун сотиб олинган товар захираларини, сотиб олинган товарларни сотиш айланмасига нисбатан хисоб-китоб қилиш мақсадга мувофиқ ва бунда иҳиралар ҳолатига объектив ва реал баҳо бериш имконияти яратилади.

Товар захираларини тахлил қилишда ва режалаштиришда юкоридаги кўрсаткичларга асосланган ҳолда ва чакана савдода ишлатилган усуллар орқали амалга ошириш лозим бўлади. Ушбу усулларни «Ички савдо иктисодиёти» фани ёритади.

3.4. Умумий овқатланиш корхоналарида товар айланмасини режалаштириш ва маҳсулот ишлаб чиқариш дастури

Умумий овқатланиш корхоналарининг товар айланмаси ва маҳсулот ишлаб чиқариш дастури бир-бири билан тифиз боғликликда бўлганилиги учун, ушбу кўрсаткичлар биргаликда режалаштирилади.

Умумий овқатланиш корхоналарида ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотишдан товар айланмасини миқдори улар ишлаб чиқарган маҳсулотлар (тушлик, кулинар, кондитер, яримфабрикатлар, салатлар, ичимликлар) хажми ва уларни баҳосидан боғлиқдир. Шунинг учун маҳсулотлар ишлаб чиқариш дастури олдин хисоб-китоб қилинади ва кейин ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотиш хажми аниқланади.

Умумий овқатланиш корхонасини масхулот ишлаб чиқариш дастури куйидаги маълумотлар асосида ишлаб чиқилади:

- ўтган йиллар ва жорий йилга корхонани товар айланыш ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва таркиби таҳлили натижалари;
- хизмат кўрсатилаётган ахолининг холати, ўтган йиллардаги ўзгариш суръати ва келажак даврга хисобланган сони, таркиби;
- корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати, ахолини хизмат билан қамраб олиш кобилияти ва ушбу кўрсаткичлардан фойдаланиш коэффициентлари;
- хизмат кўрсатилаётган контингент жон бошига сотилган маҳсулотлар бирлиги (I кишига тўғри келган таом- I, II таомлар) кондитер, кулинария маҳсулотлари, суюқлик ичимликлар, салатлар ва бошкалар;
- ахолини талабини ўрганиш натижалари ва корхонани режалаштирган менюси;
- корхонани режалаштирган даврга иш режими;
- корхонани хом ашё, яримфабрикатлар ва сотиш учун сотиб олинадиган товарлар билан таъминланиши ҳажми ва таркиби (ассортиментлари бўйича) тўзилган шартномалар асосида;
- ҳар хил техник-иктисодий норма ва нормотивлар.

Умумий овқатланиш корхона (шахобча)лари уларни типларидан келиб чиқиб, ҳар хил шароитда ишлайди, ҳар хил ҳажмда ва ассортиментда масхулот ишлаб чиқаради. Ушбу кўрсаткичлар уларнинг типларидан (ошхона, ресторон, кафе); ихтисослашганлиги (диета овқатлари, тез хизмат килиш, оиласвий маросимлар ўтказиш, ишчи-хизматчиларга, ўкувчиларга хизмат килиш ва хоказолар); хизмат кўрсагилаётган контенгентни стабеллиги (ўзгарувчанлиги) ва таркибидан боғликлар. Шунинг учун ҳар бир конкрет шароитга қараб маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ва таркибини тегишли усуллардан фойдаланилган холда режалаштириш зарур бўлади.

Умумий овқатланиш корхона (шохобча)сида маҳсулот ишлаб чиқариш режасини тўзишни айрим усулларини кўриб чиқамиз.

Нисбатан кўп ўзгармас контенгентта хизмат қиласиган овқатланиш корхона (шохобча)ларда (ишлаб чиқариш корхоналаридағи, мактаблардаги, олий ва ўрта маҳсус таълим юртларидағи, курилишдаги, транспорт

корхоналаридаги ва бошқа жойлардаги ошхоналар) махсулот ишлаб чиқариш хажми ва таркибини хизмат күрсатилаёттан контингент сони ва битта истеъмолчига түгри келадиган таом (кун, хафта, ой, квартал, йил) оркали хисоб-китоб килиш тавсия килинади.

Ушбу хисоб-китобларни куйидаги формулалардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш мумкин.

Бир киши бир кунда истеъмол киладиган таомлар сони ($B_{\text{б}}$): ўтган йилларда ўртача ёки жорий (базис) йилда ишлаб чиқарилган таомлар (I , H ва бошқалар) ($\Sigma B_{\text{б}}$) бир кунда овқатланган контингентни ўртача сони ($K_{\text{б}}$) ва ошхонани ушбу дуврда ишлаган кунлари ($T_{\text{б}}$) оркали аниқланади. Бу ерда:

$$B_{\text{б}} = \sum B_{\text{б}} : (\bar{K}_{\text{б}} \cdot T_{\text{б}})$$

Бу кўрсаткич оркали овқатланиш корхона (шаҳобча)сини, ойлик, кварталлик ёки йиллик махсулот ишлаб чиқариш (таомлар) микдорини ($Q_{\text{б},n}$) куйидагича аниқлаш мумкин:¹

$$Q_{\text{б},n} = B_{\text{б}} \cdot \bar{K}_{\text{б}} \cdot T_{\text{б}}$$

Бу ерда: $\bar{K}_{\text{б},n} T_{\text{б}}$ - тегишлича режалаштирилган йилга кўрсаткичлар.

Таомлар сонини режалаштирилган йилга ўртача баҳоларга кўнайтириш оркали тушлик овқатларни сотиш суммаси аниқланади.

Умумий овқатланиш корхона (шаҳобча)лари хизмат киладиган контингенти доимий бўлмаган ҳолларда (ресторан, кафе, умумий ошхоналар, гамаддиҳоналар) уларни контингентини аниқлаш аллақанча мураккаброқ. Бундай корхона ва шоҳобчалар учун махсулот ишлаб чиқариш хажми ахолини талабини ўрганиш асосида, хўрандаларни давомади, бир хўрандага түгри келган таомлар сони (кун, хафта, ой), режалаштирилган меню, корхона (шоҳобча)ни ишлаб чиқариш куввати, хўрандаларга хизмат килиш имконияти ва бошқа омилларни хисобга олган ҳолда хар хил усулларни кўллаш оркали хисоб-китоб қилиниши мумкин.

Масалан, режалаштирилган меню оркали хисоб-китоб килинса, ушб кўрсаткич бир кунга эмас, бир неча кунга, хафта, ой, квартал ва йилга хисоб-китоб қилинишини талаб қилинади.

Режалаштирилган меню – бу бирон бир даврга корхона (шахобча сотишга тайёрладиган овқатларнинг рўйхатидир. Ушбу рўйхатда овқатни таркиби, оғирлиги ёки хажми ва баҳоси кўрсатилади.

Менюни хафталик режасини тўзиш учун куйилаги жадвалдан фойдаланиш мумкин.

3.4.1-жадвал хафталик меню ва ўртача бир кунлик овқатлар тайёрлашни хисоб-китоби

(сони, дона)

Таомлар турлари	хафта кунлари						хафта- лик- таом- лар сони	Ўртача bir сутка- лик таом тайёр- лаш
	Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жама	Шанба		
Биринчи овқатлар:								
1. _____								
2. _____								
3. _____								
Иккинчи овқатлар								
1. _____								
2. _____								
3. _____								
Салатлар								
1. _____								
2. _____								
3. _____								
Ширинликлар								
1. _____								
2. _____								
3. _____								
ва ҳоказолар								

Менюни тўзишида уни таркибини ўтган йилларга чукур таҳлил килиш, корхона (шахобча)ни имкониятларини ёътиборга олиш, контингентни

Тилиниңнан үзгариб бориши тенденцияларини ва бошқа омилларни хисоб-китоб килини зарур бўлади.

Режалаштирилган даврга овқатлар тайёрлаш режаси қуидагича аниқланади: бир суткада тайёрланадиган овқатлар сони (турлари бўйича) хисоб-китоб килинади ва улар овқатхонани режалаштирилган иш кунларига қўнайтирилади. Таомлар сонини режалаштириш даврига мўлжалланган ўртача баҳосига (бухгалтерия маълумотлари асосида аниқланади) кўнайтириш орқали овқатлар ишлаб чикариш бўйича товарлар айланисини хисоблаш имкониятини беради.

Умумий овқатланиш корхона (шаҳобча)ларидаги овқатлар тайёрлаш режасини тўзиш уларни ишлаб чикариш қуввати ва хўрандаларга хизмат килиш имконияти (суткада қатнашувчиларни ўтказиш салоҳияти) кўрсаткичларини ишлатиш ҳам мумкин. Ушбу кўрсаткичларни хисоб-китоб килиши усули 3.2-параграфда келтирилган.

Умумий овқатланиш корхона (шаҳобча)сини ўзи ишлаб чикарган маҳсулотларини сотишдан товар айланмасини аниклаш учун ишлаб чикарилган таомлар (тушлик маҳсулоти деб юритилади) билан бир қаторда бошқа маҳсулотлар ишлаб чикариш (спирциз ичимликлар, кандитор ва кулинар маҳсулотлар, яримфабрикатлар ва бошқа ун маҳсулотлари) ҳажми ҳам хисоб-китоб килинади.

Бундай хисоб-китоблар учун ўтган йиллар маълумотларини таҳлил килиш натижалари, аҳоли талабини кондириши (талабни ўрганиш маълумотлари), контингентни ҳолати ва келажакдаги сони ва таркиби, корхона (шаҳобча)ни ишлаб чикариш қуввати, хўрандаларга хизмат килиш салоҳияти, уларни моддий ресурслар билан таъминланиши каби кўрсаткичларни хисобга олган ҳолда режалаштирилади.

Сотиб олинган товарларни сотиш бўйича товар айланмаси ҳажмини режалаштиришда корхона (шаҳобча)ларни типига караб мавжуд буфетлар имконияти, ўтган йиллар кўрсаткичларини таҳлили натижалари, ушбу

товарлар билан таъминланиш имконияти кабиларни хисобга олинади ва тегишли усуллардан фойдаланади.

Ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни улгуржи сотиш овқатланиш корхона (шаҳобча)сини ишлаб чиқариш куввати, ўтган йиллар маълумотлари ва режалаштирилган даврга тўзилган шартномалар асосида ишлаб чиқилади.

3.5. Умумий овқатланиш корхоналарида ҳом ашё таъминоти ва маҳсулотлар баланси

Умумий овқатланиш корхона (шаҳобча)ларини самарали фаолият юритиши, товара йланиши режасини, ишлаб чиқариш дастўрини бажариш, зарурий товарлар ва ҳом ашёлар заҳираларини яратиш учун уларни керакли озиқ-овқат маҳсулотлари (ҳом ашё) ва товарлар билан мунтазам таъминлаш зарур.

Ҳозирги шароитида таъминот масаласини хўжалик субъектлари мустақил (айрим шароитларда, ҳолларда, мақаллий ҳокимият ва хукумат араласиши мумкин бўлган жараёнлар мавжуд) таъминотчилар билан тўзган шартномалар ва бозорлардан сотиб олиш орқали ҳал қиласидилар.

Умумий овқатланиш корхона (шаҳобчаларини) ҳом ашё ва истеъмол товарлари билан таъминлаш манбалари куйидагилар хисобланади:

- озиқ-овқат маҳсулотлари саноати корхоналари;
- кишлок хўжалиги субъектлари (фермер ва дехкон хўжаликлари);
- кишлок хўжалиги маҳсулотларини харид килиш ва сотиш билан шуғулланувчи маҳсус базалар, омборлар;
- истеъмол товарлари савдоси билан шуғулланувчи улгуржи савдо базалари ва омборлари;
- чакана савдо корхона (шаҳобча)лари;
- ҳар хил воситачилар;
- бошқа умумий овқатланиш корхона (шаҳобча)лари (яримфабрикатлар, кондитер ва кулинар маҳсулотларни улгуржи сотувчилар);
- дехкон бозорлари.

Ўз маҳсулотларини товар айланмасига ва ишлаб чикариш микдори ҳамда сотиб олинган товарларни товар айланмасидан келиб чиккан ҳолда корхона (шаҳобча)ни хом ашё ва товарлар билан таъминлаш режаси ишлаб чикилади. Ушбу режа маҳсулотлар балансини ташкил қилади ва унинг гаркибида хом ашё ва товарларнинг заҳиралари режалаштирган даврнинг өвлига ва уларнинг нормотивлари даврнинг охирига, товар айланмаси ҳамда хом ашё ва товарларни келтириш режаси кўрсатилади.

Маҳсулотлар балансини тўзиш учун ўзи ишлаб чикарган маҳсулотларни сотиш ва сотиб олинган товарларни сотиш бўйича товар айланмасини умумий ҳажми, ассортимент таркиби, ишлаб чикариш дастури билан бир қаторда асос бўлиб, ўртacha бир кунлик овқатларни сотиш режаси, ҳар бир овқат турлари бўйича сарфланадиган маҳсулотларни (хом ашё ва товарларни) нормаси (овқатлар рецептни деб юритилади) ҳамда хом ашё ва товарларни ўртacha баҳолари ишлатилади.

Ушбу кўрсаткичлар асосида хом ашё ва товарларга бўлган эҳтиёж микдори хисобланади.

Овқатларнинг турлари ва уларга сарфланадиган маҳсулотлар нормасидан келиб чикиб, овқатларни турухлари (масалан, гўштли, сутли, сабзавотли ва хоказолар) бўйича гўшт, картошка, пиёз, сабзавот, ун, крупа, макарон ва туручлар каби асосий маҳсулотларни ўртacha торткичли нормаси аниқлаб олинади. Унинг учун куйидаги формула ишлатилади:

$$\bar{x} = \frac{x_1 q_1 + x_2 q_2 + \dots + x_n q_n}{q_1 + q_2 + \dots + q_n} = \frac{\sum_{i=1}^n x_i q_i}{\sum_{i=1}^n q_i}$$

бу ерда: X_i – i- таомга сарфланадиган маҳсулот нормаси (грамм);

q_i – i- таомнинг ишлаб чикариш режаси (дона), ёки унинг овқат турухи таркибидаги хиссаси, %.

Маҳсулотнинг умумий ҳажми (Q) ўртacha торткичли нормани ишлаб чикариладиган овқат турухининг умумий сонига кўпайтириш орқали куйидаги формула орқали аниқланади:

$$Q = \bar{X} \cdot \sum_{i=1}^n q$$

хисоб-китобларни осонлаштириш учун маҳсулотларни сарфлаш нормаси 100 та ёки 1000 та таомга келтирилиб олиниши ҳамда алоҳида овқат турларини умумий овқат гуруҳидаги хиссаси, % да ишлатилиш мумкин.

Юкорида келтирилган хисоб-китобларни амалга ошириш учун куйидагича жадваллардан фойдаланишини тавсия киламиз.

3.5.1-жадва

Биринчи овқатлар учун маҳсулотлар сарфини ўртача торқичли нормаси

Таомлар номи	Овқат гурухидаги хиссаси, %	Гўшт		Картошка		Сабзавотлар (грамм)	
		бир таомга нормаси	фоизли кўрсаткич	бир таомга нормаси	фоизли кўрсаткич	бир таомга нормаси	фоизли кўрсаткич
1	2	3	4к2·3	5	6к2·5	7	8к2·7
1. Шурпа							
2. Мастава ва ҳоказо							
	100,0						

Жадвалдаги 4,6,7 ва ҳоказо каторлар жамиини 100 га бўлиш билан маҳсулотларни ўртача торткичли нормаси аникланади.

Бошкаб ўзида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар (яримфабрикат, кондитер, кулинар таомлар) учун хом ашёга бўлган эҳтиёжи ҳам уларни ишлаб чиқариш мисдори ва сарфланадиган хом ашёлар нормасидан ёки ўтган йиллардаги ҳакиқий сарфлардан келиб чиқиб хисобланади.

Сотиш учун сотиб олинадиган товарларга эҳтиёж уларни товар айланмаси ва товар захираларини давр бошига ҳакиқий суммаси ва давр охирига режалаштирилган нормотив мисдоридан келиб чиқиб, уларни баланс боғликлиги формуласи билан аникланади. Ушбу масала «Ички савдо иқтисодиёти» фанида ўрганилади

Умумий овқатланиш корхона ва шохобчаларидан товар заҳираларини таҳлили ва нормалаштириш чакана савдонинг кўрсаткичларига мос келади. Унбу масалаларни кўришда товар заҳираларини ўзи ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар билан боғлик бўлган хом ашё заҳиралари ва сотиш учун сотиб олингандан товарлар билан боғлик товар заҳираларига ажратиб ўрганиши ва уларни кунлар хисобида аниклашда тегишли товар айланишларига хисобкитоб қилиш максадга мувофик деб хисоблаймиз.

Максимална българска език

Таянч иборалар: Товар айланмаси, товар захиралари, товар таъминоти, хом ашё, ишлаб чиқариш куввати, хўрандаларга хизмат қилиш салоҳияти, хом ашёларни сарфлаш нормаси, рецепт, ишлаб чиқариш дастури.

Такрорлаш учун саволлар

1. Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси кўрсаткичини моҳиятини ёритинг.
2. Товар айланиш қандай таснифланади?
3. Ишлаб чиқариш дастури моҳиятини ёритинг.
4. Товар айланиш кўрсаткичларини тахлил қилишни хусусиятлари нималардан иборат?
5. Товар айланишни тахлил қилишда қандай кўрсаткичлар ишлатилади?
Уларни хисоблаш усулларини айтинг.
6. Умумий овқатланиш корхона (шоҳобча)лари товар айланиш режалаштириш усулларини ёритинг.
7. Ишлаб чиқариш куввати моҳиятини айтинг. Бу кўрсаткич қандай аникланади?
8. Савдо залини ҳаридорларга хизмат қилиш салоҳияти нима? Бу кўрсаткич қандай хисобланади?
9. Ишлаб чиқариш дастурини тўзиш хусусиятларини ёритинг.
10. Хом ашёга бўлган эҳтиёж қандай хисобланади?
11. Умумий овқатланиш корхоналарининг асосий кўрсаткичларини айтиб ўтинг.

- 4-маъруза.** Умумий овқатланиш корхоналарининг ресурслари
- 4.1 Ресурслар тушунчаси ва таркиби
 - 4.2 Асосий фондлар тушунчаси, таркиби ва баҳоланиши
 - 4.3 Асосий фондларнинг кўрсаткичлари
 - 4.4 Айланма фондлар (маблағлар) тушунчаси, харакати ва аҳамияти
 - 4.5 Молиявий ресурслар мөхияти ва уларни умумий овқатланиш корхоналари самаралорлигини оширишдаги аҳамияти

4.1. Ресурслар тушунчаси ва таркиби

Ressource – францўзча «ressources» сўзидан келиб чикиб, восита, захира, имконият, бирор-бир нарсани, бойликларни манбааси мазмунини билдиради.

Жамиятда ресурслар хар хил турларга бўлинади.

Иктисолиёт назариясида ресурсларга тегишли ишлаб чиқариш воситалари (мехнат қуроллари ва меҳнат предметлари); ишлаб чиқариш кучлари (ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучи); капитал (молиявий капитал, асосий капитал, айланма капитал) каби тушунчалар ишлатилади.

Статистикада, бухгалтерия ҳисобида асосий фондлар (асосий воситалар), айланма фондлар, (айланма воситалари, айланма маблағлар), моддий активлар, номоддий активлар, ишчи кучи, моддий ресурслар, меҳнат ресурслари, молиявий ресурслар каби тушунчалар ишлатилади.

Умуман ресурслар тушунчасига келсак – улар жамият зарурияти учун моддий ва маънавий неъматлар (бойлик)ни ишлаб чиқаришга жалб қилиши мумкин бўлган табиий, иктисолий, ижтимоий ва маънавий кудратларни мажмуаси бўлиб, улар жамият билан табиатни ўзаро алоқаси оркали инсоният жамиятини тараккиёт даражасини таъминлайди.

Жамият миқёсида табиий ресурслар (хаво, ер, сув, ер ости ресурслари, урмонлар ва х.к.) энергетик ресурслар, моддий ресурслар, меҳнат ресурслари, молиявий ресурслар ва маънавий ресурслар каби тушунчалар ҳам мавжуд.

Иктисолиётда ресурслар миқдорига таъсири килувчи ишлаб чиқариш омилилари тушунчаси ҳам ишлатилади.

Ишлаб чиқариш омилларига қуйидагилар киради:

Биринчи омил – инсон омили, унинг меҳнати;

Иккинчиси омил – меҳнат воситалари, яъни капитал;

Учинчиси омил - табиий ресурслар, ер;

Туртинчи омил - тадбиркорлик.

Бешинчи омил - ахборотлар*

Умуман олганда ресурслар ишлаб чиқариш омилларининг ўзаро алоқаси, ўзаро таъсири оркали яратилади, шаклланади.

Ресурслар тушунчалик ишлаб чиқариш омилларидан кенгроқ. Чунки ресурслар ишлаб чиқаришга жалб килиниши мумкин бўлган табиий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий қудрат мажмуаси бўлса, ишлаб чиқариш омиллари ишлаб чиқаришга жалб килинган ресурслар мажмуасидир ва инсон учун зарур бўлган моддий ва маънавий бойликларни яратувчи омил бўлиб хисобланади.

Инсоният хаётида доимо чегараланган имкониятлар ва чегараланган ресурсларга дуч келади. Ҳақикатда хар бир инсонни алоҳида олиб карасак уни имкониятлари чегараланганлигига тувоҳ бўламиз. Масалан шахснинг жисмоний, интеллектуал, макон ва замондаги имкониятлари чегараланган. Худди шундай, жамиятда, табиатда ва коинотдаги инсонлар фойдаланадиган (хаводан ташкари) барча ресурслар чегараланган. Бутун жамиятда ресурслар чегараланган, чунки табиий, моддий, меҳнат, молиявий ва бошқа ресурслар сон жихатидан ва сифат жихатидан чегарага эга.


Бежиз эмаски, иқтисодий фанлар, аввалом бор, иқтисодиёт назарияси учун чегараланган ресурслардан моддий бойлик яратиш, уни истеммол учун ахоли ўртасида таксимлашда инсонларининг ўзаро муносабатларини ўрганиш асосий вазифаларидан бири бўлиб хисобланади.

* XX-асрнинг охири XXI-асрнинг бошларидаги илмий-техник тараккист жамиятни ривожланишида ахборотлардан кенг фойдаланишини таоза қылғаннаның сабабли **ахборотчилик** ишлар чикаришни омиллари сифатида кабул килишни зируринята айлантириди.

Умумий овқатланиш корхоналаридаги, иқтисодиётнинг бошк тармоқлари қаторида, моддий, меҳнат ва молиявий ресурслари каб тушунчалар ишлатилади. Улар савдо корхоналарининг иқтисоди салоҳиятини ташкил килади.

Умумий овқатланиш корхоналари фаолиятини ўрганишда асосий в айланма фондлар, моддий ва номоддий активлар, ишчи кучи, молияви ресурслар каби иқтисодий категориялар ишлатилади. Умумий овқатланиш корхонасини барча ресурсларини қуидаги 4.1.1-чизмада ифодалаш мумкин

Умумий овқаттаниши корхоналарининг ресурслари



4.2. Асосий фондлар тушунчаси, таркиби ва баҳоланиши

Асосий фондлар моддий ресурсларнинг бир кисмини ташкил қилади. Бухгалтерия хисобига мувофик асосий фондларга ишлатиш даври бир йилдан юкори бўлган, моддий активлар киймати киради. Бундан келиб чиқадики, асосий фондларни натурал-моддий кўрининши фаолият жараёнида кўп йиллар хизмат қилади, яъни шакли ўзгармайди ва ўз кийматини кисман товар кийматига ўтказиб боради.

Умумий овқатланиш корхона (шаҳобча)ларининг асосий фондлари иктисадиётга оид адабиётларда умуман тан олинган тарифига биноан маҳсулотларни ишлаб чиқариш, тақсимот, сотиш ва истеъмолини ташкил килиш жараёни учун зарур бўлган меҳнат куролларининг пулдаги ифодаси тушунилади.

Асосий фондлар фаолият жараёнида ўз натурал-моддий шаклини ўзгартирмайди ҳамда ўз кийматини ҳар бир ишлаб чиқариш жараёнини тақрорланиш даврида жисмоний ва маънавий эскириши меъёрига караб, кисман маҳсулот қийматига ўтказиб боради.

Бухгалтерия хисобига мувофик Умумий овқатланиш корхоналари асосий фондлари (воситалари) деганда «... ўзоқ муддат давомида хўжалик фаолиятини юритишда, шунингдек маъмурий ва ижтимоий-маданий функцияларини бажариш учун ишлатиладиган моддий активлар тушунилади»⁴. Бухгалтерия хисоботида «моддий активлар» қиймат кўрсаткич сифатида ишлатилади.

Назарий жихатдан асосий фондлар -- бу инсонни меҳнат предмет (буюм, нарса)ларига таъсир ўтказиш учун ишлатиладиган меҳнат куроллари мажмуасидир. Унинг таркибига жихозлар, машиналар, асмайруза-ускуналар, бинолар, иншоатлар, транспорт воситалари, меҳнат буюм (нарса)ларини

⁴ Уразов К.Б. Савдода бухгалтерия хисоби ва соликка тортиш». Тошкент, «Иктисадиёт ва ҳукуқ дунёси» нашриёт уйи. -- 2004. -- 220-бет.

саклаш учун курулмалар ва хоказолар. Ер умумий меҳнат воситаси хисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиккан холда умумий овқатланиш корхона (шахобча)ларининг асосий фонdlарига таъриф бериш назарий ва амалий жихатдан асосли бўлиб хисобланади. Чунки: биринчидан, курол – бу натурал моддий шаклдир, у асмаъруза, куролни англатади; иккинчидан, асосий фонdlарга нафакат фаолият жараёнида бевосита иштирок этадиган меҳнат куроллари киймати киради, унга фаолият юритиш учун зарур бўлган маъмурий, ижтимоий-маданий тавсифга эга бўлган меҳнат куроллари киймати ҳам киради; учинчидан, асосий фонdlарга айрим меҳнат куроллари киймати киритилмайди; тўртинчидан, асосий фонdlар қиймат кўрсаткичи бўлиб, уни натурал-моддий шакли (кўриниши) фаолиятда жисмонан ишлатилади; бешинчидан, «фонд» сўзи рус тилидан келиб чикиб, пул маблағларини англатади. Айрим ҳодларда фонд - ғамлаб кўйилган нарса, масалан, айрим ресурсларга уруглик фонди, сугўрта фонди каби ибораларни ишлатиш амалиётда қабул қилинган. Булар меҳнат куролларига таллукли бўлиб, тушунчалар умумий «фонд» сўзи мазмунидан истесно деб хисоблаймиз.

Шундай қилиб умумий овқатланиш (бошқа тармок ва соҳаларга ҳам тегишли) корхона (шахобча)ларини асосий фонди – бу уларни хўжалик фаолиятини юритиша бевосита ва билвосита иштирок этадиган, бир йилдан кам бўлмаган муддатда хизмат қиласидиган, меҳнат куроллари кийматининг пулдаги ифодасидир.

Ушбу таърифдан келиб чикиб, асосий фонdlар – бу иқтисодий категориядир ва хўжалик фаолиятидаги иқтисодий муносабатларни шаклланиш жараёнида иштирок этади.

Улар умумий овқатланиш корхоналари фаолиятида ишлатиладиган меҳнат куролларининг кийматидан иборат бўлиб, ишлаб чиқариш ва поишлаб чиқариш шаклларига бўлинади.

Ишлаб чикаришга тааллукли асосий фондларга умумий овқатланиң корхоналарида тұғридан-тұгри маҳсулотларни ишлаб чикариш, олди-сотди жараёнини ва умумий овқатланиш хизматларини амалға оширишді катнашадиган мекнэт қуроллари киради.

Шундай килиб, асосий фонdlар – умумий овқатланиш жараёнинде узоқ муддат, күп маротабалаб иштирок этадиган; ўз кийматини товарларга кисма үтказыб туралдиган мекнэт қуролларини кийматининг пулдаги ифодасидир.

Ноишлаб чикаришга тааллукли асосий фонdlар таркибиға умумий овқатланиш корхоналарига тааллукли маъмурый ва илмий-тәдқиқо-ташкилотларга қарашли бинолар, иншоатлар, жихозлар, уй-жой, коммуна, хужалиги, клублар, стадионлар, бөгчалар, санаториялар, поликлиника шифохоналардаги мекнэт қуроллари киради.

Асосий фонdlар олди-сотди ва умумий овқатланиш хизмат жараёнларида ўзини натураł-моддий шаклини саклаб қолған ҳолда, күп маротабалаб, узок муддатда хизмат килиши, ўз кийматини аста-секин това кийматига үтказиши, кийматини айланиш хусусияти (аста-секин истеме килиниши ва бир вактда шаклан ўзгариши) билан айланма фонdlарда кескин фарқ килади.

Шу сабабли товар ресурслари, пул маблағлари асосий фонд бүл олмайди.

Асосий фонdlар киймат күрсаткыч сипатида ва унинг натураł-моддий шакли ҳисоб-китоб килинади, таҳлил килинади ва режалаштирилади.

Умумий овқатланиш корхона (шаҳобча)лари асосий фонdi натураł-моддий шакли бүйінча маҳсулот ишлаб чиқариш, уларни сотиши (айри ҳолларда тақсимлаш) ва ўзи ишлаб чикарган маҳсулотларни ўз жойид иштеймөл килинишини таъминлашда ҳамда сотиб олған товарларни сотиши жараёнинде иштирок этади. Бу жараёнлардан иштирок этмайдиганлары ха мавжуд. Ушбулар нұктай назаридан асосий фонdlарни бошқа тармоклар сохалардан фарқлы ҳолда қуйидаги гурухларга тақсимлашни мақсади мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида ишлатиладиган меҳнат воситаларига (корхонани кухниси ва ундаги жиҳозлар);
- овқатларни истемол қилишни таъминлашда иштирок этадиган меҳнат воситаларига (овқатланиш залига карашли бино, иншоатлар, жиҳозлар);
- сотиб олган товарларни сотиш жараёнида ишлатилаётган меҳнат воситаларига (буфет ва ундаги жиҳозлар);
- маъмурий, ижтимоий-маданий функция бажараётган меҳнат воситалари (маъмурий бино, иншоатлар, жиҳозлар, автотранспортлар, медицина, кутубхона, клубларга тегишли, атрофни гўзалаштиришга, табиатни муҳофаза қилишга, ёнғинга карши хавфсизликка тегишли ва бошқа меҳнат воситалари)га.

Меҳнат воситаларининг қуидагилари асосий фонд таркибига киритилмайди: маҳсус кийимлар; ошхона дастурхони ва сочиклари, идиш товоғи ва анжомлари. Булар айланма маблағлари таркибига киради.

Бундай таксимот асосий фонdlари функционал вазифаси бўйича ўрганиш ва баҳолашни таъминлайди.

Асосий фонdlар баҳоланиши – бошлангич қиймати, тикланиш қиймати, колдик қиймати бўйича баҳоланади.

Бошлангич қиймати – асосий фонdnи сотиб олиш қиймати, уни ташиш, урнатиш, монтаж, ишлатиш учун ишчиларни укитиш харажати, бож харажатлар ва ККС (кушимча қиймат солиги) йигиндиси.

Тиклаш қиймати – бошлангич қиймати қайта баҳолаш ҳисоби билан ва кенгайтириш, реконструкция қилиш ва модернизация қилиш учун кетган харажатлар ва йигиндиси.

Колдик қиймати – бошлангич қийматидан амортизация жамгармасини ажратиб ташлангандан колган кисми.

Асосий фонdlарни ишлатиша уни ишлаб чиқариш эскириши кўрсаткичи ишлатилади. Бу кўрсаткич асосий фонdlарни бирор бир даврида товарларга тузадиган истемол қиймати билан белгиланади.

Асосий фонdlарни эскириши икки хил тарзда бўлиши мумкин.

Биринчидан, жисмоний эскириш, уларни техник ишлатилиш хусусиятини ишлаб чикариш жараёнида ёки табиий шарт-шароитлар натижасида йуқолиши, емирилиши натижасида руй беради.

Иккинчидан, рухан эскириш, яъни имлмий-техник тараккиёт натижасида ишлатилаётган асосий фондларга нисбатан қудратлирок. унумдорлирок янги меҳнат куролларини яратилиши натижасида эскиларини ишдан чиқарилиши тушунилади.

Амалиётда асосий фондларни жисмоний эскириш даражаси амортизация кўчирмаси микдори билан белгиланади.

Асосий фондларнинг амортизация кўчирмаси – бу хусусий асосий фондларнинг эскириш кийматининг пулдаги ифодасидир.

Амортизация пул шаклида тупланиб борилади ва асосий фондалрни янгилаш, капитал таъмирлаш учун ишлатилади. Асосий фондларни жорий ва капитал таъмирлаш даврида ва ишлатилмай турган даврида амортизация кўчирмалари амалга оширилмайди. Амортизация факат хусусий асосий фондлардан кўчирилади.

Амортизация нормалари асосий фондларнинг бошлангич (баланс киймати) кийматига нисбатан фоиз микдорида белгиланади.

4.3. Асосий фондларнинг кўрсаткичлари

Умумий овкатланиш корхоналари фаолиятини ривожланиш тенденцияларини, асосий фондларини иктисадий самарадорлигини ўлчаш ва баҳолаш учун иктисадиётга таалукли фанларда ва иктисадчилар ўртасида кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш зарурлиги тўғрисида инкор килинмайдиган, ягона фикр мавжуд. Лекин кўп холларда асосий фондлар билан боғлиқ барча кўрсаткичлар, уларнинг самарадорлиги кўрсаткичлари деб хисобланади.

Бизнинг фикримизча, асосий фондларнинг кўрсаткичларини куйидаги гурӯхларга бўлиш мақсадга мувофиқроқ бўлади:

- асосий фондларнинг ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- асосий фондлар билан таъминланганини билдирувчи кўрсаткичлар;
- асосий фондлар таркибидаги ўзгаришларни ифодаловчи кўрсаткичлар;
- асосий фондларни динамикаси ва ривожланиш тенденциялари кўрсаткичлари;
- асосий фондлар самарадорлиги ифодаловчи кўрсаткичлар.

Асосий фондларни ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар

1. Асосий фондларни бирор-бир муддатга ҳолати, бошлангич қиймати ва қолдик қиймати бўйича даврнинг бошига ва охирига (М: 1- январ, 1- апрел, 1- июл, 1- октябр, 1- январ келгуси йилга) хисобга олинади.
2. Асосий фондларни хисобот даврга янгиланиши (янгисини келтирилиши, ишга туширилиши) ва ишдан чиқарилиши (маънавий ва жисмоний ишдан чикиши).
3. Асосий фондларни ўртacha қиймати. Ушбу кўрсаткичлар ўртacha хронологик усул орқали аниқланади.

$$\bar{X} = \frac{x_1 + x_2 + x_3 + \dots + x_{n-1} + \frac{x_n}{2}}{n - 1}$$

Бу ерда:

$x_1 - x_n$ лар ҳар ой бошидаги ва охиридаги асосий фондлар қиймати (асосий фондларни киритиш ва чиқарилиши ойнинг 15 кунигача амалга ошган бўлса, ушбу ой хисобига, кейин бўлса, келаси ой хисобига киритилади).

X - асосий фондларни ўртacha қиймати.

«х» - белгиси ўрнида «Аф» - асосий фондалр белгиси ишлатилиши мумкин.

4. Асосий фондларни (Аф) умумий овқатланиш корхонасининг (ташкилотининг) барча ресурслардаги (Бр) хиссаси, фоиз хисобида (x_i):

$$X_i = \frac{A\phi \cdot 100}{b_p}$$

5. Асосий фонdlар таркибида фаол (актив) ва пассив кисмлариниң хиссаси (X_2 ; X_3):

$$X_2 = \frac{A\phi\phi \cdot 100}{A\phi} \quad X_3 = \frac{A\phi n \cdot 100}{A\phi}$$

6. Асосий фонdlарда унинг алоҳида гурӯхларини (ишлаб чиқариш ва ишилаб чиқариш) ҳамда натурал-моддий элементларини хиссаси, фонdlарни хисобида, масалан: ишлаб чиқариш асосий фонdlарини (Аф.и.ч) хиссаси

$$X_4 = \frac{A\phi.i.ch \cdot 100}{A\phi} \text{ ёки транспорт воситаларини (Аф.тр.) хиссаси}$$

$$X_5 = \frac{A\phi.mp \cdot 100}{A\phi} \text{ ва хоказолар бўйича.}$$

Юкорида келтирилган кўрсаткичлар қатори асосий фонdlар ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар сифатида умумий овқатланиш шахобчаларини умумий сони, ўриндиклар сони, турларини (ресторан, кафе-бар, ошхона ва х.к.) сони қабилар ишлатилиши мумкин.

Умумий овқатланиш корхоналарини асосий фонdlар билан таъминланганлигини билдирувчи кўрсаткичлар

1. Умумий овқатланиш ходимларини асосий фонд билан таъминланганлиги коэффициенти (Y_{T1}), жумладан, актив кисми билан (Y_{T2})

$$Y_{T1} = \frac{A\phi}{X_{i,p}}$$

$$Y_{T2} = \frac{A\phi\phi}{X_{i,p}}$$

2. Умумий овқатланиш шохобчаларини сони ва ўриндиклар сонини 1000 кишига (таъминланадиган ахолининг сонига нисбатан) тўғри келиши.

3. Асосий фондларни ичида корхона мулкини хиссаси, яъни хусусий асосий фондларни жами асосий фондларга нисбати, фоиз хисобида.

$$A\phi_{\alpha_x} = \frac{A\phi_x \cdot 100}{A\phi}$$

4. Мавжуд асосий фондларни корхонанинг унга бўлган эҳтиёжига (бизнес режада кўрсатилган миқдори) ($A\phi_{\alpha_x}$) нисбатан, фоиз хисобида (ЭХт)

$$\Delta X_t = \frac{A\phi \cdot 100}{A\phi_n}$$

Ушбу кўрсаткич асосий фондларнинг элементлари бўйича хам хисобкитоб килиниши мумкин, айникса, техник воситалар билан таъминланганлиги асосий аҳамиятга эга.

5. Асосий фондларни ўсиш коэффициенти ($K_{a\phi_y}$)

$$K_{a\phi_y} = \frac{A\Phi_y - A\Phi_x}{A\Phi}$$

6. Асосий фондларни инвестицияланиш коэффициенти ($K_{ин}$)

$$K_{ин} = \frac{ИИ}{A\Phi_x}$$

Бу ерда: «ИИ» инвестиция, капитал маблағ суммаси.

Асосий фондларни таркибидаги ўзгаришларни ифодаловчи кўрсаткичлар

1. Асосий фондларни чиқиши коэффициенти ($K_{a\phi_u}$)

$$K_{a\phi_u} = \frac{A\Phi_u}{A\Phi}$$

Бу ерда: « $A\Phi_u$ » хисобот даврида чиқарилган асосий фондлар.

2. Асосий фондларнинг янгилаш коэффициенти ($K_{a\phi_s}$)

$$K_{a\phi_s} = \frac{A\Phi_s}{A\Phi}$$

Бу ерда: « $A\Phi_s$ » янгидан ишга туширилган асосий фондлар.

3. Асосий фондларни эскириш коэффициенти ($K_{\alpha\phi_1}$)

$$K_{\alpha\phi_1} = \frac{\beta}{A\phi}$$

Бу ерда: «А» амортизация суммаси.

4. Асосий фондларни яроклилик коэффициенти ($K_{\alpha\phi_2}$)

$$K_{\alpha\phi_2} = \frac{A\Phi - A}{A\phi} = \bar{\phi}ku = 1 - K_{\alpha\phi_1}.$$

Асосий фондларни динамикаси ва ривожланиш тенденциялари күрсаткичлари

Ушбу күрсаткичлар асосий фондларни юқорида көлтирилгандар барча күрсаткичлари бир неча йилларга динамик қаторларга көлтирилиб, таҳлил килиш оркали аникланади. Бунда солишириш, гурухлаш оркали фоиз ва индексларни ишлатиш мүмкін, натижада асосий фондларни ривожланиш тенденциялари аникланади.

Асосий фондларни самарадорлигини ифодаловчи күрсаткичлар

Самарадорлик «Эффект» тушунчасини англатади. «Эффект» лотинча «effectus» сүзидан келиб чиқып, бажарилиш, харакат, деган мазмунни билдиради.

Иктисолиётта «Харажатлар», «Ресурслар», «Натижа», «Самара» каби тушунчалар ишлатилади.

«Харажатлар» ва «Ресурслар» бир-бири билан диалектик бөгликтік да бўлиб, уларни бир томондан, умумий ухашалик томонлари мавжуд ва иккичи томондан бир-бири билан фарқлари хам мавжуд. Ўхашалиги ресурслар ишлатилади ва «ҳаражат» категориясига айланади. Фарки эса ҳаражатлар хисобот даврида ишлатилган (маҳсулот ишлаб чиқариш, уларни сотиш учун ёки хизмат учун) ресурсларни пулдаги ифодасидир. Ресурслар,

пінің асосий фонdlар, ишлаб чиқариш, сотиш, хизмат жараєнида узок мұлдатда ва күп маротаба қатнашади. Бундай холда ресурсларни бир қисми қаржатланади ва маҳсулотта ўз қийматини қисман үтказади. Бунда ресурслар қаржати сифатида аморгизация суммаси ўз ифодасини топади ва қаржаталар ишлатилған ресурслар қийматын тенг бўлади.

«Самарадорлик» нисбий меъёр бўлиб, нисбий кўрсаткичлар тизими орқали баҳоланади. Иқтисодий самарадорлик – бу натижа билан қаржатларнинг тақкослама кўрсаткичидир. Ресурслар самарадорлигини аниқлашда ишлатилған (қаржат қилинган) ресурсларни фаолият натижаси (маҳсулот, товар сотиш, хизмат), яъни ишлаб чиқарилған маҳсулот, товар айланыш ҳажми, хизмат қиймати ёки даромад, фойда каби кўрсаткичлар билан тақкосланади.

Ушбу нұктан назардан кўпчилик иқтисодчилар асосий фонdlарни самарадорлигини «Фонdlарни қайтими», «Фонdlарни сиғима», «Фонdlарни рентабеллиги» каби кўrсаткичлар орқали аниқлашни тавсия қилишади. Амалиётда ҳам асосан, ушбу кўrсаткичлар ишлатилади. Уларни аниқланиш тартиби қуидаги 4.3.1-чизмада көлтирилган.

4.3.1-ЧИЗМА.

Асосий фонdlарни самарадорлигини ифодаловчи кўrсаткичлар

№	Кўrсаткичларнинг номи	Кўrсаткичининг мазмуни	Кўrсаткичини хисоблаш усули (формуласи)
1	Асосий фондни қайтими ($A\Phi_k$)	1 сүм асосий фондга қанча умумий овқатланиш товар айланмаси тўғри келишини англатади (TA)	$A\Phi_k = \frac{TA}{A\Phi}$
2.	Асосий фонdlар сиғими ($A\Phi_c$)	Асосий фонdlарни қайтимини тескариси, яъни 1 сүм умумий овқатланиш	$A\Phi_c = \frac{A\Phi}{TA}$

		айланишига қанча асосий фонд түгри келишини күрсатади.	
3.	Асосий фондлар рентабеллиги, % ($A\Phi_p$) хисобида	Асосий фондларнинг 1 сүмiga неча фойз фойда түгри келишини күрсатади	$A\Phi_p = \frac{\Phi \cdot 100}{A\Phi}$

Асосий фондлар рентабеллиги күрсаткичи билан бир қаторда «Асосий фондлар даромадлиги» күрсаткичи ҳам аникланishi мумкин. Бу холд «Фойда» ўрнига «Даромад» суммаси ишлатилади.

Юкорида келтирилган күрсаткичлар корхонанинг барча, мавжу асосий фондларини самарадорлигини англатади. Аслида эса фондларниң бир қисми ишлатилади.

Биз юкорида келтирилган «Самарадорлик» тушунчасидан, яън сарфланган (ишлатилган), истеъмол қилинган асосий фондларни самарасида келиб чиқсак, асосий фондларнинг барча суммасини эмас, унинг сарфланга (ишлатилган) истеъмол қилинган қисмини ишлатилса, ҳақикатта якиро күрсаткич аникланган бўлади.

Асосий фондларнинг сарфланган қисми унинг «амортизацияси»да ё аксини топади ва шу сабабли «Асосий фондлар» ўрнига «амортизация» (А суммасини ишлатиш мақсаддага мувофик бўлади.

Истеъмол қилинган асосий фонdlарни қайтими ($A\Phi_{u,k}$) қуйидагига аникланади:

$$A\Phi_{u,k} = \frac{T\mathcal{A}}{A}$$

Асосий фондлар сигими эса ($A\Phi_{u,c}$) қуйидагича аникланади:

$$A\Phi_{u,c} = \frac{A}{AT}$$

Асосий фондлар рентабеллилиги ($A\Phi_{u,p}$):

$$A\Phi_{u,p} = \frac{\Phi \cdot 100}{A}$$

4.4. Айланма фонdlар (маблағлар) түшүнчеси, ҳаракати ва ажамияти

Такрор ишлаб чиқариш жараёнини ҳаракатлантирувчи омиллар мөхнат, капитал (мөхнат куроллари ва предметлари), ер, табий ресурслардир.

Бу омиллар орқали жамиятда инсон эхтиёжини қондириш учун зарур бўлган моддий ва маънавий бойликлар яратилиди, истеъмолчиларга стказилади ва истеъмол килиниши ташкил этилади. Бу жараёнда «ер (табий ресурслар) – мөхнат - ишлаб чиқариш воситалари (капитал)» бирлаштирилиб такрор ишлаб чиқариш жараёни ҳаракатлантирилади.

Барча тармоклар ва соҳаларда фаолиятни ҳаракатга келтирувчи омиллардан бўлиб, мөхнат куроллари ва предметлари ҳисобланади.

Айланма фонд (маблағ)лар мөхнат предметлари ва хизмат муддати бир йилгача бўлган мөхнат куролларини шакллантиришга йўналтирилган пул маблағларидир. Ёки уларни – корхона фаолиятини юргизишда фойдаланиладиган мөхнат предметлари ва хизмат муддати бир йилгача бўлган мөхнат воситалари қийматини пулдаги ифодаси деб тушуниш керак.

Мөхнат предметлари натруал-моддий, физик-кимёвий хусусиятлари бўйича фаолиятни (ишлаб чиқариш, товар айрибошлаш ва бошқа фаолият жараёнларини) бир маротаба тақрорланиш жараёнида тўла ишлатилади. Булардан хизмат муддати бир йилгача бўлган мөхнат куроллари истесно.

Бир фазада тўла айланниб, бир турдан иккинчи турга ўтиш хусусиятларидан келиб чиқиб, мөхнат предметлари қийматини **айланма фонд, маблағ (айланма капитал)** деб юритиш қабул қилинган.

Айланма маблағлар корхонани барча фаолиятини – таъминот, ишлаб чиқариш, айрибошлаш, молиялаштириш жараёнларини доимийлигини ва маромийлигини таъминлайди.

Айланма маблағлар доимий ҳаракатда ва тақрор айланышда корхона фаолиятда қатнашади. Айланма маблағларнинг **моҳияти, шаклланиш**

манбалари барча тармоклар ва соҳалар бўйича бир хил тусда. Умумий овқатланиш корхона (шахобча)ларининг айланма маблаглари бошқа тармок ва соҳаларнидан ўз таркиби, ишлатилиш йўналишлари ва ҳаракати билан фарқ килади.

Умумий овқатланиш корхона (шахобча)ларининг айланма маблағлари доимо ҳаракатда бўлиб, бир вактда ишлаб чиқариш, таксимот, айрибошлиш (маҳсулотларни сотиш) ва овқатларни жойида истеъмол қилинishiга хизмат килади. Айланма маблагларни айланishi вакт талаб қилади. Улар ҳаракатини олдин пул сифатида бошлайди, кейин бир қанча жараёнларни ўтиб товар шаклига айланади. Товарлар қиймати пулга айлангандан кейин улар яна пул шаклига айланаб, корхона аванслаган маблағи ўзига қайтиши таъминланади. «П-ИЧ-Т-П» айланishi бир маротаба айлангандан маблағ бирдан қайтарилади. Бу жараён, ишлаб чиқаришда ва савдода аллақанча вакт талаб қилади. Умумий овқатланиш корхона (шахобча)ларни ишлаб чиқариш ва савдо жараёнидаги хусусиятлари натижасида уларда тугалланмаган ишлаб чиқариш қарийиб вужудга келмайди, айланма маблағларни айланishi ишлаб чиқаришга, чакана ва улгуржи савдодагига нисбатан тез амалга ошади.

Умумий овқатланишда ишлаб чиқариш, савдо жараёнида айланма маблағларни бажарадиган функцияларидан келиб чиқиб, улар маҳсулот тайёрлаш, уларни ва товарларни сотишда хом ашё ва товарларга, йўлдаги хом ашё ва товарларга, ўзок муддатга картошка ва сабзавотлари тайёрлаш, сақлаш ҳамда уларни қайта ишлаш ва сотиш учун қўйилган пул маблағларига, кўмакчи хўжаликдаги маблағларга, бошқа активларга (таралар захираси, ёқилғи, инвентарлар ва бошқалар) пўл маблағлари ҳамда хисоб-китоб ракамлардаги маблағларга бўлинади.

Бозор иқтисодиёти шароитида чет эл назарияси ва амалиёти иқтисодиётга кириб келаётган даврда, халкаро бухгалтерия хисоб стандартлари ва миллий хисоблар тизимини амалиётда қўлланилиши муносабати билан «Айланма фондлар» «Айланма маблағлар» терминлари ўрнига «Айланма капитал» ёки «Айланма активлар» кириб келди. Юкорида

келтирилған тушунчалар мазмунан бир хил бўлиб, фақат бошқача терминлар билан атамокда. Шу сабабли бизлар бундан буён ушбу категорияни мазмунидан келиб чиқиб, «Айланма маблағлар» терминини ишлатишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Айланма маблағларнинг манбалари бўлиб корхонанинг ўз маблағлари, карзга олинган маблағлар ва жалб этилган маблағлар ҳисобланади.

Корхонани ташкил топишида айланма маблағлар унинг тасисчилари маблағи ҳисобидан шаклланади (устав фонди), кейинчалик уни тўлдириш корхона фойдаси, жалб қилинган маблағлар (пассивлар) ҳисобидан тўлдирилади.

Айланма маблағлар асосий фондлардан фарқли бўлиб, улар муомала жараёни бир циклида тула истеъмол қилинади ва ўз қийматини товарлар ва савдо хизматлари қийматига тулаутказади.

Айланма маблағларни ликвидлик даражаси жуда юқори, айрим таркибларини ликвидлиги карийб «1»га тент бўлади.

Умумий овқатланиш жараёнида айланма маблағлар бир турдан иккинчи турга айланиб туриши мумкин.

Айланма маблағлар доимий ҳаракатда бўлади. Улар умумий овқатланиш жараёнининг бир циклида такрор ишлаб чиқарилади.

Ресурслар, жумладан асосий фондлар, айланма маблағлар ҳамда молиявий ресурслар тўғрисида фикр юритилганда ушбу ресурсларни бир-бири билан тигиз боғликлиги, ҳўжалик фаоиляти жараёнида уларни бир шаклдан иккинчи шаклга ўзгариши, яъни натурал-моддий шаклдан қиймат, пул шаклига ва тескариси, қиймат, пул шаклидан натурал-моддий шаклга утганда асосий фондлар, амартизацияси шаклида молиявий ресурслар капитал маблағ шаклидан асосий фондларга айланишини кўзатамиз.

Худди шундай ўзгаришлар айланма маблағлар ва молиявий ресурслар ўртасида ҳам руй беради. Масалан: товарлар сотилиш жараёнида дебитор карзга айланиши, товарлар олди-сотди жараёнида юридик ва жисмоний шахсларни карздор бўлиб колиши, ушбу жараёнда умумий овқатланиш

корхоналарини кредитор бўлиб колиши, яъни ишлаб чиқарувчи ёки бошка таъминотчилардан карздор бўлиб колиши кабилар. Товарлар (хом ашё) га куйилган устамаларни сотилиши натижасида умумий овқатланиш корхоналарини даромади, фойдасини шаклланиши.

Ушбу жараёнга иктисолиётга тааллукли адабиётларда эътибор берилмайди ва бу жараён ёритилмаган. Лекин бундай ўзаро боғликларни ўрганиш ресурсларидан самараали фойдаланиш учун тадбирлар ишлаб чикишда, самарадорлик кўрсаткичларини аниглаш ёки танлашда назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Айланма фондлар (маблағлар) таркиби

Айланма маблағлар таркибини назарий ва амалий аҳамияти нуткай назардан натурал-моддий шакллари ва киймат кўрсаткичи сифатида таснифлаш зарур.

Умумий овқатланиш корхоналарининг айланма маблағлари натурал-моддий шакллари бўйича куйидаги таркиблардан (элементлардан) иборат бўлади:

1. Товар захиралари
2. Хом ашё ва тайёр маҳсулотлар
3. Тарапалар, ёкилги, кадоклаш материаллари.
4. Хўжалик эҳтиёжига ишлатилидиган материаллар (касса чеклари, компьютер краскалари каби).
5. Арzon инвентарлар ва ишлатилиш муддати бир йилгача бўлган тез смирилувчи куроллари.
6. Санитария ва маҳсус кийим-кечаклар.

Айланма маблағлар киймати бўйича қуидагича таснифланади.

1. Товар захиралари суммаси. Айланма маблағ таркибида товар захираларини суммаси 60-70 % ташкил килади.
2. Материаллар захираси ва арzon инвентарлар ва ишлатиш муддати бир йилгача, тез эскирадиган меҳнат куроллари суммаси.
3. Дебиторлик карзлари. Умумий овқатланиш корхоналарига карздор бўлган юридик ва жисмоний шахсларни товарлар ва бошқа нарсалар бўйича карзлари суммаси.
4. Пул активлари. Умумий овқатланиш корхоналарининг кассасидаги, банкдаги ҳисоб ва валюта ракамларидаги пул ва бошқалар сифатидаги маблағлари.
5. Қиска муддатли молиявий қуийлмалар. Умумий овқатланиш корхоналарини ҳар хил кимматбаҳо қоғозларга қуийлган маблағлари, банкдаги депозит ҳисоб ракамидаги пуллари. Уларни ишлатилиш муддати бир йилгача, шу сабабли улар иқтисодий мазмуни жихатидан фойда (даромад) олиш мақсадида қиска муддат ичида бўш пул маблағларидан фойдаланишни ифода қиласи.
6. Айланма маблағларни бошқа турлари. Буларга келгуси давр қилинган ҳаражатлар киради. Ушбу ҳаражатлар келгуси асосий фаолиятга доир бўлиб, лекин ҳисобот даврида амалга оширилади. Уларга масалан: олдиндан туланган ижара ҳаклари; олдиндан туланган бошқа тармокларнинг хизмат ҳаклари; бошқа олдиндан бунак (аванс) сифатидаги тұловлар киради.

Ушбу ҳаражатлар ҳисобот йилида амалга оширилган билан келгуси даврнинг муомала (давр) ҳаражатларida ўз аксини топади.

Айланма маблағлар уларни режалаштирилиши нуктаи назардан нормалаштириладиган айланма маблағлар ва нормалаштирилмайдиган айланма маблағларга бўлинади.

Миқдори реал аникланиши нормалар ва нормативлар оркали мумкин бўлган айланма маблағлар нормалаштириладиган айланма маблағлар таркибига киради.

Нормалаштирилиши мумкин бўлган айланма маблағлар таркибига куйидагиларни киритиш зарур:

- товар захиралари;
- кассадаги ва йўлдаги пул маблағлари;
- товарлар булар турган ва бўш тараалар;
- келгуси давр учун қилинадиган харажаталр;
- моддий-техник таъминот материаллари, ёқилги, қадоқлаш ва хўжалик эҳтиёжи учун зарур бўлган материаллар;
- белгиланган муддатда банкларга инкасса қилиш учун хисоб-китоб хужжатлари топширилмаган савдо корхоналарига юборилган товарлар суммаси;
- умумий овқатланиш шахобчаларидаги (корхоналаридаги) хом ашёлар.

Миқдорини режалаштирилиши кийин ёки мумкин бўлмаган айланма маблағлар таркибига куйидагиларни киритиш мумкин:

- банкдаги хисоб ракамида сакланаётган пул активлари;
- белгиланган муддатдан кейин банкларга инкасса қилиш учун хисоб-китоб хужжатлари топширилмаган савдо корхоналарига юборилган товарлар суммаси;
- ҳар хил дебиторлар;
- саклаш учун моддий жавобгарликка олинган товарлар суммаси (акцепт қилиш инкор қилинган холдаги);
- киска муддатли молиявий қуйилмалар.

Айланма маблағлар кўрсаткичлари

Айланма маблағлар кўрсаткичларини куйидаги гурухларга тақсимлаб ўрганишни тавсия қиласиз.

1. Айланма маблағлар холатини ифодаловчи күрсаткичлар, булар абсолют микдорларда (натурал ва киймат ўлчов бирликларида) ва ўргача киймат күрсаткичидә хисоботга олинади.
2. Айланма маблағлар билан таъминланганликни ифодаловчи күрсаткичлар.
3. Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи күрсаткичлар.

Айланма маблағлар холатини ифодаловчи күрсаткичлар

1. Айланма маблағлар холати натурал-моддий шаклидан ва киймат ўлчов бирликларидан келиб чикиб натурал ва киймат күрсаткичлар орқали бирор бир пайтга (моментга) ёки даврга хисобга олинади. Масалан: товар захиралари бирор пайтга (1.01; 1.04; 1.07; 1.10; 1.12; 1.01 келгуси йил каби) натурал ва киймат күрсаткичларда хисобга олиниши мумкин ёки бирор бир даврга киймат күрсаткичлари орқали уларни ўртача микдори аникланади.

Айланма маблағларни ўртача киймати:

биринчидан, ўртача арифметик усул билан,

$\bar{X} = \frac{X_1 + X_2 + \dots + X_n}{n}$ аникланиши мумкин. Бу усул айланма маблағлар суммаси квартал ёки ойлар бўйича ўртачаси берилган бўлса ишлатилади. (Бу формулади « X » - «Айланма маблаглар» деб хисобланади;

иккинчидан, айланма маблағлар суммаси динамик қаторда бир пайтга (кунга) берилган бўлса ўртача хронологик усул билан хисобланади, яъни

$$\bar{X} = \frac{\frac{X_1}{2} + \frac{X_2}{2} + \dots + \frac{X_{n-1}}{2} + \frac{X_n}{2}}{n-1}$$

Айланма маблағларни холатини англатувчи күрсаткичлар қаторига, уларни такрорланиш ёки айланыш күрсаткичини (кунлар ва маротаба хисобида) киритиш зарур. Бу күрсаткич икки хил турда, яъни биринчиси, айланма маблағлари айланishi, иккинчиси товар захираларни айланиш

сифатида ишлатилади (ушбу күрсаткични мөхияти «Чакана товар айланмаси» мавзусида батафсил ёритилганды).

Айланма маблағларни айланиси кунлар хисобида уларни тақрорланишини бир цикл муддатини күрсатади, товар захиралари кун хисобидаги күрсаткич эса, уларни қанча муддатта етишини, яъни неча кунда сотилиб бўлишини күрсатади.

Айланма маблағларни айланиш муддати куйидагича хисобланади (чакана савдо мисолида):

$$\bar{A\ddot{M}}_k = \frac{\bar{A\ddot{M}} \cdot 360(\text{ёки}90)}{ЧТА}$$

Айланма маблағларни бирор бир даврида (квартал, йил) айланыш миқдори уларни ушбу даврда неча маротаба айланышлиги (тақрорланишини) англатади ва куйидагича хисобланади:

$$\bar{A\ddot{M}}_y = \frac{ЧТА}{\bar{A\ddot{M}}} \cdot \text{ёки} \frac{360(\text{ёки}90)}{\bar{A\ddot{M}}_k}$$

Ушбу күрсаткичларни улгуржи савдо аниқлашда «Улгуржи омбор товар айланмаси» күрсаткичи ишлатилади.

Айланма маблағларни ўзгариш тенденциялари (динамикаси) күрсаткичлари

Ушбу күрсаткичлар асосий фондларники каби айланма маблағларни бир неча йиллар давомида «айланма маблағлар ҳолатини күрсатувчи», «айланма маблағлар таркибини англатувчи», «айланма маблағлар билан таъминланганлиги» ва «айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини англатувчи» күрсаткичларни абсолют микдорини фарки, фоизлар, индекслар орқали у ёки бу томонга ўзгариш даражасини ифодалайди. Улар ишлатилаётган күрсаткичлар номи билан аталиб, ушбу күрсаткичларни утган йилларга нисбатан абсолют микдорини ўзгариши аниқланади, фоиз хисобида динамикаси ва индекс ўлчов бирликларида хисобланади.

Айланма маблағлар таркибини англатувчи күрсаткичлари

Айланма маблағлар таркиби деганда, унинг барча элементалрини – товар захиралари; материалалр захираларини; арzon инвентарлар ва инплатилиши муддати бир йилгача бўлган, тез эскирадиган меҳнат куроллари; санитария ва маҳсус кийим-кечаклар; дебитор карзлар; пул активлари; киска муддатли молиявий куйилмалар; айланма маблағларни бошқа турларини ҳамда ўз маблағларини умумий айланма маблағлар суммасидаги хиссаси (улushi) фоиз хисобида аниқланади. Бунинг учун алоҳида олинган айланма маблағлар элементининг суммаси «100,0»га кўпайтирилиб, айланма маблағларнинг умумий суммасига бўлинади ёки коэффициент хисобида аниқланади.

Ушбу кўрсаткичлар билан бир каторда савдо корхонасининг умумий ресурсларини таркибини ўрганишда, умумий ресурслар суммасида айланма маблағларни хиссасини аниқлаш (фоиз ёки коэффициент хисобида) тавсия килинади.

Айланма маблағлар билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар

1. Ушбу кўрсаткичларга куйидагиларни киритиш мумкин:

Товар айланмасини айланма маблағлар билан таъминланганиги. Чакана товар айланмаси (улгуржи товар айланмаси, оммавий овкатланиш корхонасини товар айланмаси)да айланма маблағларнинг хиссаси, жумладан алоҳида ўз мбалагларини хиссаси.

Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун айланма маблағлари (ўз мбалаглари) суммаси «100,0» га кўпайтирилиб тегишли товар айланниш суммасига бўлинади.

2. Айланма маблағлар нормасини таъминланиши – нормалаштириладыган айланма маблағларнинг хақиқий суммасини белгиланган норма билан солиштирмаси. Ушбу күрсаткич юкорида келтирилген күрсаткичларни абсолют айрмасини топиш (хақиқий суммадан нормани айриб ташлаш) ва хақиқий суммани «100,0» га кўпайтириб нормативга бўлиш орқали аникланади.

3. Айланма маблағларни ўз маблағи билан таъминланиши. Ушбу күрсаткич бир томондан, айланма маблағлар холатини күрсатувчи күрсаткич сифатида ишлатилса, иккинчи томондан корхонанинг ўз мбалаглари билан таъминланганligини ҳам ифодалайди.

4. Айланма маблағларни товар айланмасини таъминлаши, кунлар хисобида. Ушбу күрсаткич бирор муддатдаги (квартал боши ёки йилнинг бошидаги) айланма маблағлар суммасини келгуси даврнинг (квартал ёки йил) бир кунлик товар айланниш сўмасига таксимлаш орқали аникланади. Товар айланмасини (сотиб олиш қийматида, яъни савдо устамасисиз олинади) бир кунлиги уни давр кунларига (квартал бўлса – 90 кун, йил бўлса – 360 кун) бўлиш орқали аникланади.

Юкорида келтирилген биринчи күрсаткич товар айланмасини айланма маблағлар билан бирор даврда неча фоизга таъминланганligини күрсатади, туртинчи күрсаткич эса бирор муддатдаги мавжуд айланма маблағлар неча кунлик товар айланмасини таъминлаши мумкинligини ифодалайди.

Айланма маблағлардан самарадорлигини ифодаловчи күрсаткичлар

Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини аниклаш учун куйидаги күрсаткичлар тизимиidan фойдаланиш тавсия қилинади.

1. Айланма маблағларни (ёки ўртача товар захираларини) айланниш коэффициенти (Кай. ёки Кз.а) маротаба хисобида.

$$Kai.y = \frac{TA}{Aum}, \quad Kz.a = \frac{TA}{\bar{M}}$$

Бу ерда: ТА - товар айланмаси суммаси, кварталга ёки йилга) (чакана,

улгуржи, оммавий овқатланиши);

AiM - ўртача айланма маблаглар суммаси;

\bar{Z} - ўртача товар захиралари суммаси.

2. Ўз айланма маблагларини айланниш тезлиги коэффициенти (Ку.ай.)

$$Ku.ay = \frac{TA}{AiM}$$

Биринчи ва иккинчи банддаги кўрсаткичлар айланма маблағларни бир томондан бирор-бир даврда ишлатилиш холатини кўрсатади, иккинчи томондан динамик қаторда таҳлил килинса улардан фойдаланиш самарасини ҳам ифода қиласди.

3. Айланма маблагларни (ёки товар захираларини) рентабеллиги (ёки даромадлилиги) (Рай.м) қўйидагича аниқланади.

$$Rai.m = \frac{\Phi \cdot 100}{AiM(\text{ёки } \bar{Z})};$$

$$Rai.m = \frac{D \cdot 100}{AiM(\text{ёки } \bar{Z})};$$

4.5. Молиявий ресурслар моҳияти ва уларни умумий овқатланиш корхоналари самарадорлигини оширишдаги аҳамияти

Молиявий ресурслар корхона хўжалик механизмида инсоннинг қон томирлари тизими каби, фаол хизмат қиласди. Иктисолиётнинг кайси жабхасини таҳлил килманг, молия масалаларига дуч келамиз.

Молия – бу пул тизими бўлиб, нақд пуллар, пулга айланиси мумкин бўлган чет эл валюталари, банклардаги нақд пулсиз маблаглар, кимматбахо когоzlар мажмуасидир.

Давлат, корхона, уй хужалиги (оила хужалиги) ўргасидаги пуллюқлари молиявий муносабатларни ташкил қиласди. Лекин, молия бу пулни

ўзи эмас, у пул орқали фаолият натижаларини, даромад ва фойдани тақсимлаш ва кайта тақсимлаш билан боғлиқ алокалардир.

Ҳар бир давлатнинг ўзига хос молиявий тизими мавжуд. Ўзбекистон Республикасининг молиявий тизими қўйидагилардан ташкил топади:

- давлат молияси. Бунга давлат бюджети, маҳаллий бюджет, Коракалпогистон Республикаси бюджети, кредит тизими, солик хизмати, давлат сугўрталаш тизими, нафака жамгармаси;
- хўжалик субъектлари молияси – корхоналар, тижорат банклари, биржа тизими, тижорат кредитлаш ва сугўрталаш тизими;
- жисмоний шахслар молияси, яъни ахолининг шахсий маблағлари.

Хўжалик механизмини юритиш харакати молия-кредит воситалари (таянчлари), молиявий ресурсларни ўзгаришига кўпдан боғлиқ.

Пул, молия ва молиявий ресурслар каби иқтисодий категорияларни фарқлаш зарур.

Пул-молияни шаклланиши ва харакатини моддий асосини ташкил килади.

Пул-молиявий ресурслар, молия ва хўжалик фаолиятнинг охирги натижаларини улчайди (даромад, харажатлар, айланма маблаглар, маҳсус пул фондалри ва бошқалар).

Умумий овқатланишнинг молияси – бу пул даромадлар ва пул воситалари фондларини шаклланиши, таксимланиши ва ишлатилиши билан боғлиқ бўлган иқтисодий (конкрет холда пул) муносабатлариdir.

Молияни мавжудлиги товар муюмаласи билан чамбарчас боғлиқ, чунки товар муюмаласи бир томондан товарлар массасини силжиши билан параллел пул массасини силжиши билан амалга ошиди.

Товар массаси пул массасига тенг, эквивалент бўлиши керак.

Умумий овқатланиш корхоналари маҳсулот ишлаб чиқариш товар айрибошлашни амалга ошириш жараёнида товарлар(хом ашё)ни сотиб олган кийматини (улгуржи баҳо билан) муюмала ва бошқа харажатларини коплайди ва фойда олади.

Даромадни шаклланишида, ишлатилишида реал пул воситалари айланади, корхоналарни пул фондлари шаклланади (мехнат хаки фонди, капитал қўйиш жамгармаси, давлат бюджетига туловлар, резервлар ва бошка маҳсус фондлар).

Пул муносабатларида

- давлатнинг молия-кредит тизими билан туловлар орқали;
- банк муносабатлари билан кредит олиш ва кайтариш орқали;
- савдо корхоналари ўзаро ва уларни иктисадиётни бошқа тармоклари билан алоқалари, товар-пул муносабатлари, яъни товар олди-сотди, хизмат ва бошка шартномавий муносабатлар орқали;
- ишчи-ходимлар билан хисоб-китоблар (иш хаки, моддий раббатлантириш ва бошқа пул муносабатлари) орқали савдо корхоналарининг молиявий фаолияти ўз аксини топади.

Шундай қилиб, молия бутун пул муносабатларини барча жабхаларини камраб олмайди.

Молия тушунчасига товарни сотиш билан боғлик бўлган пул муносабатлари кирмайди. Бу муносабатлар натижасида фақат ахолига сотилган товарлардан умумий овқатланиш корхоналарига коладиган даромадлар молиявий ресурсларга киради.

Шундай қилиб, пул муносабатлари молия тушунчасидан кенгрок. Молиянинг моҳияти унинг бажарадиган функциялари орқали намоён бўлади. Молиянинг функциялари куйидагилардан иборат:

- тақрор ишлаб чикариш – капитални тақрор айланишини таъминлаш, моддий ва пул ресурсларини мувофиқлигини таъминлаш;
- тезкор (оператр) – савдо корхоналарини пул маблағларига бўлган эҳтиёжларини аниклаш, таъминлаш, ишлатилишини тартибга солиш;
- тақсимот – пул маблағларини мақсадли йўналтириш, тақсимлаш;
- назорат – пул маблағларини шаклланиши, тақсимланиши ва ишлатилишини норма, нормативлар, қонун-коидаларга мос келишини тухтовсиз текшириб бориш.

Молиявий ресурсларнинг манбалари

Молиявий муносабатларнинг моддий ифодаси молиявий ресурсларда ўз ифодасини топади. Хўжалик субъектларининг молиявий ресурслари – бу улар ихтиёридаги пул ва унга тенглаштириладиган даромадлар ва тушумлардир. Улар хўжалик субъектларини бюджет, банклар, сувўрта ва бошқалар олдиғаги мажбуриятларини бажариш учун ишлатилиди. Молиявий ресурслар юкоридагилар билан бир каторда фаолиятни кенгайтириш ва ходимларни моддий рагбатлантириш учун ҳам манба бўлиб хисобланади.

Молиявий ресурсларни шакллантирувчи манбаси сифатида хўжалик субъектларини ўз (хусусий) ва ҳар хил бошқа жалб қилинган маблағлар хисобланади.

Умумий кўринишда хўжалик субъектларини (тармоклар, соҳалар мулк шаклидан катъий назар) молиявий ресурсларнинг манбалари сифатида куйидаги 4.5.1-чизмада келтирилганларни хисоблаш мумкин.


Молиявий ресурслар иктисадий йуналтирилиши нуктаи назаридан куйидагича таснифланади:

1. Асосий фаолияни таъминловчи.
2. Асосий фонdlарни такрор ишлаб чиқаришини таъминловчи.
3. Айланма маблағларни шаклланишини таъминловчи.
4. Кадрлар тайёрлаш тадбирларини таъминловчи.
5. Ишчи-ходимларни моддий рагбатлантиришини таъминловчи.
6. Ижтимоий-маиший ва бошқа эҳтиёжларни кондиришини таъминловчи.
7. Молиявий эҳтиёт захиралашга.

Сұжалик субъектларының (жумладан умумий оқытуданың корхоналары) мөлдөмий ресурсларының умумий күринишидағы жағдайлары

Күринишидағы жағдайлар

Мөлдөмий ресурспар



80'

Ижтимоий маҳсулотни тақсимлаш нуктаи назаридан қаралганда молиявий ресурслар деганда, давлат ва корхоналарда ўз мақсад ва вазифаларини бажариш учун тупланадиган, тақсимланадиган ва ишлатиладиган пул шаклидаги ижтимоий маҳсулот ва миллий даромаднинг бир кисми тушунилади.

Амалий нуктаи назардан умумий овқатланици корхоналарини молиявий ресурслари улар ихтиёрида бўлган жами пул шаклидаги даромадлар ва жамгармалар йигиндисидир.

Молиявий ресурсларни жорий фаолият, кредит ресурслар, пул маблағлари резервлари билан боғлик бўлган ҳаражаталрни коплангандан кейин корхона ихтиёрида коладиган пул маблағлари жамгармалари ташкил қиласиди.

Молиявий ресурсларга маълум микдорда моддий бойликлар мос келади. Асосий ва айланма фонdlар, моддий ва меҳнат ресурсларини самарали ишлатиш молиявий ресурслар ҳолатини белгилайди.

Молиявий ресурслар билан таъминланиш уч хил шаклда амалга оширилади:

- ўз-ўзини молиялаштириш;
- кредитлаштириш;
- давлат томонидан молиялаштириш.

Молиявий ресурсларнинг кўрсаткичлари

Молиявий ресурслар бир томондан, пул маблағи сифатида жамгарилади, иккинчи томондан авансланади – моддий, номоддий ресурсларга, инвестиция ёки капитал сифатида ҳамда кимматбаҳо қоғозларга, акцияларга ва нихоят бадаллар, туловлар, соликлар сифатида ишлатилади.

Манбалари нуктаи назаридан молиявий ресурслар ўз маблағлари, карзга олинган маблағлар ва жалб қилинган маблағлардан иборат бўлади.

Ушбулардан келиб чишиб, молиявий ресурсларнинг кўрсаткичларини куйидаги гурухларга ажратиш лозим бўлади:

1. Молиявий ресурсларнинг ҳолати ва таркибини англатувчи кўрсаткичлар.
2. Молиявий ресурсларни самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларга куйидаги турт гурух кўрсаткичларни тавсия килиш мумкин:
 - молиявий ресурсларни баркарорлиги;
 - асосий фондлар билан боғлик кўрсаткичлар;
 - айланма маблағлар билан боғлик кўрсаткичлар;
 - номоддий активлар билан боғлик кўрсаткичлар.

Молиявий ресурсларни ҳолатини ва таркибини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни абсолют суммаси ва нисбий кўрсаткичлар мидори сифатида бухгалтерия ва статистик хисоботларда ўз аксини топади ва улар асосида хисобланади. Уларга куйидаги хисобот шаклларини киритиши мумкин:

- бухгалтерия баланси – 1 сонли шакл;
- касса айланмаси тўғрисида хисобот – 11-торг шакли (Давлат статистика хисоботи);
- дебиторлик ва кредиторлик карзлар ҳакида маълумотнома – 2а –сонли шакл;
- пул оқимлари тўғрисидаги хисобот – 4 шакл;
- корхона сарф-харажатлари тўғрисидаги хисобот 5-С шакл.

Ушбу хисоботлардан молиявий ресурсларни ҳолатини белгиловчи кўрсаткичларни ажратиб олиб, уларнинг ҳолатига, таркибига баҳо бериш ва тахлил килиш мумкин бўлади.

Молиявий ресурсларни баркарорлик кўрсаткичлари тизими 4.5.2-чизмада келтирилади.

Молиявий ресурсларни асосий фондлар ва айланма маблағлар билан боғлик кўрсаткичлар. Ушбу китобнинг 4.3. ва 4.4.-параграфларида уларнинг самарадорлигини белгиловчи кўрсаткичлар тизимида берилган.

Молиявий ресурсларни шаклланиши, ишлатилиши хусусиятлари күрралы бўлганлиги сабабли уларни жамгарилиши, авансланиши ишлатилиши нуқати назардан, ушбу хусусиятларига тааллуқли кўрсаткичла орқали хам таҳлил қилиш мақсадга мувофик деб ҳисоблаймиз.

Келтирилган масалаларга ҳамда номоддий активлар билан боғли бўлган кўрсаткичларига багишланган, ўзбек тилида чоп этилган бир като адабиётлар мавжуд¹ ва бу масалалар уларда тулик ёритилганлигини хисоб олиб биз юкоридагилар билан чегараланамиз.

¹ Абдукаримов И.Т., Пардаев М.К., Исройлов Б.И. «Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили». Т., «Иқтисодиёт ва хукук дунёси» нашриёт уйи, 2003.
Пардаев М.К. ва бошқалар «Бошқарув таҳлили». Т., «Иқтисодиёт ва хукук дунёси» нашриёт уйи, 2005.
Пардаев А.Х. «Бошқарув хисоби». Т., «Академия» нашриёти, 2002.
Ўрзозов К.Б. «Савдода бухгалтерия хисоби ва соликка тортиши». Т., «Иқтисодиёт ва хукук дунёси» нашриёт уйи, 2004.

Савдо (жумладан кооператив) корхоналари молиявий ресурсларининг баркарорлигини баҳолаш кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар номи	Аниқлаш усуслари	Модул шакли
1	Молиявий баркарорлик кўрсаткичлари		
2	Жорий ликвидлик коэффициенти ($K_{ж.л}$) (тулов кобилияти)	Айланма маблағлар (АйМ) киска муддатли (жорий) мажбуриятлар (КММ)	$K_{ж.л} = \frac{\sum AйM}{\sum KMM}$
3	Молиявий карамлик коэффициенти ёки карздорлик, маблағ билан таъминланиш коэффициенти ($K_{м.к.}$)	карзга олинган капитал (KK) Хусусий капитал (ХК)	$K_{м.к.} = \frac{\sum KK}{\sum XK}$
4	Молиявий баркарорлик коэффициенти ($K_{м.бар}$)	Хусусий капитал (ХК)+Ўзок муддатли карзлар (УМК) Активларнинг ўртача йиллик киймати (\overline{AK})	$K_{м.бар} = \frac{\sum XK + \sum УМК}{\sum AK}$
5	Мулк мустақиллиги коэффициенти ($K_{м.м.}$)	Хусусий капитал (ХК) Активларнинг ўртача йиллик киймати (\overline{AK})	$K_{м.м.} = \frac{\sum XK}{\sum AK}$
6	Капитални манерв (харакатчанлик) коэффициенти ($K_{к.м.}$)	харкатдаги (оборотдаги) капитал (ИК) Хусусий капитал	$K_{к.м.} = \frac{\sum ИК}{\sum XK}$
7	Тулов кобилияти коэффициенти ($K_{к.м.}$)	ўз маблаги (у.М.) Умумий мажбуриятлар (У.М.)	$K_{к.м.} = \frac{\sum \bar{Y}M}{\sum YM}$
8	Товар захираларини хусусий капитал билан копланиш коэффициенти ($K_{т.х.к.}$)	Хусусий капитал (ХК) Йиллик ўртча товар захиралари ($\overline{T3}$)	$K_{т.х.к.} = \frac{\sum XK}{\sum \overline{T3}}$
9	Товар захираларини карзга олинган капитал билан коплаш коэффициенти ($K_{т.к.к.}$)	карзга олинган капитал (KK) Йиллик ўртча товар захиралари ($\overline{T3}$)	$K_{т.к.к.} = \frac{\sum KK}{\sum \overline{T3}}$

Таянч иборалар: ресурс, ер, капитал, меҳнат, молдий ресурслар, номоддий активлар, меҳнат ресурслари, молиявий ресурслар, асосий фондлар, амартизация, бошланғич қиймат, тиклаш қиймати, қолдик қиймат, самарадорлик, самара

Такрорлаш учун саволлар.

1. Ресурс деганда нимани тушунасиз?
2. Ресурслар кандай турларға бўлинади?
3. Ишлаб чиқариш омиллари нималардан иборат бўлади?
4. Табиий ресусларга нималар киради?
5. Асосий фондлар деганда нимани тушунасиз?
6. Асосий фондлар таркибини айтинг?
7. Асосий фондлар таснифини айтинг?
8. Асосий фондлар кандай баҳоланади?
9. Амартизация нима, кандай аниқланади?
10. Асосий фондлар кўрсаткичлар кандай гурӯхларга бўлинади?
11. Кандай кўрсаткичлар асосий фондлар ҳолатини англатади?
12. Асосий фондлар билан савдо корхоналари таъминланганлик даражаси кандай аниқланади?
13. Асосий фондлар таркиби кандай кўрсаткичлар орқали хисоб-китоб қилинади.

Таянч иборалар: айланма маблағлар, айланма фондлар, айланма капитал, айланма капитал, айланма активлар, омиллар, кўрсаткичлар.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Айланма маблағлар мазмунини ёритиб беринг?
2. Айланма маблағлар асосий фондлардан кандай фарланади?
3. Айланма маблаглар кандай манбалар хисобидан шаклланади?
4. Хўжалик фаолиятида ишлтилаётган ресурслар кандай тарзда бир шаклдан бошқа шаклга ўтади?

5. Айланма маблағлар натурал-моддий таркибиға нималар киради?
6. Айланма маблағлар қиймати бўйича қандай таснифланади?
7. Айланма маблағлари таркибининг кайси бири нормалаштирилади?
8. Айланма маблағлар кайси қисмини режалаштириш кийин ёки мумкин бўлмайди?
9. Айланма маблағлар ҳолати қандай кўрсаткичлар орқали аниқланади?
10. Айланма маблағларни ўзгариш тенденциялари қандай кўрсаткичлар орқали аниқланади?
11. Айланма маблағлар таркибини қандай кўрсаткичлар орқали хисобланади?
12. Айланма маблағлар билан таъминланганлиги қандай аниқланади?
13. Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги қандай кўрсаткичлардан иборат?

Таянч иборалар: молия, давлат молияси, хўжалик субъектлари молияси, жисмоний шахслар молияси, молиявий тизим, пул, молиявий ресурслар, пул муносабатлари, савдонинг молияси, молияни функциялари, молиялаштириш, кредитлаштириш.

Такрордаш учун саволлар.

1. Молия деб нимага тушунасиз?
2. Молиявий тизим нима ва уни тартибиға нималар киради?
3. Молиявий ресурслар нима?
4. Молиявий ресурслар қандай манбалардан ташкил топади?
5. Молиявий ресурслар ҳолати ва таркибини англатувчи кўрсаткичларни айтинг?
6. Молиявий ресурслар барқарорлиги қандай аниқланади?
7. Молиявий ресурслар самарадорлиги қандай кўрсаткичлар орқали аниқланади?

- 5-маъруза.** Умумий овқатланиш корхоналари меҳнат ресурслари
- 5.1. Умумий овқатланиш корхоналарида меҳнатни ижтимоий - иктисодий моҳияти ва аҳамияти
- 5.2. Умумий овқатланиш корхоналарида меҳнат ресурсларини шаклланиши ва кўрсаткичлари
- 5.3. Умумий овқатланиш корхоналарида меҳнат ресурсларини таҳлили ва режалаштириш

5.1. Умумий овқатланиш корхоналарида меҳнатни ижтимоий - иктисодий моҳияти ва аҳамияти

Инсон билан табиат ўртасидаги моддий, жисмоний, ашёвий алмашувлар, муносабатларнинг умумий шарти меҳнатdir. Меҳнат инсон хаётининг доимий ва табиий шартиdir. Меҳнат инсон билан табиат ўртасидаги нарсалар алмашувининг умумий шартиdir. Меҳнат, бу нафақат инсоннинг мускул ва онг, жимоний ва ақлий энергиясини сарфлаш бўлиб колмай, мақсадга мувофиқ фойдали, инсон хаёти учун зарур бўлган моддий, маънавий ва жамият бойликларини яратиш учун йўналтирилган ижтимоий-зарурий фаолиятdir.

Меҳнат жараёнини бошлишдан олдин инсон унинг натижасини ўз онгига шакллантиради, кейин меҳнатини ўз мақсадига эришиш учун йўналтиради. ўз хошишини амалга ошириш учун меҳнатни ташкил қилиш усулини ва йўналишини аниқлайди. Бунинг учун инсон меҳнат қуролларини яратади.

Меҳнатнинг бошланиш жараёнига инсоннинг мақсадга мувофиқ йўналтирилган фаолияти киради. Меҳнат жараёнида нафақат инсон билан табиат ўртасидаги моддий алмашув амалга ошади, унда инсонлар ўртасидаги муносабатлар ҳам шаклланади.

Инсоният таракқиёти тарихига назар солсак меҳнат унинг ривожланишига таъсир қилувчи асосий омил эканлигига имонимиз комил бўлади.

Инсон меҳнати орқали моддий ва маънавий бойликни яратиш билан табиатни ўз хаётига мослаштириб, уни ўзгартириш билан бир қаторда ўзини ҳам такомиллаштиради. Меҳнат орқали инсон атроф-мухитни ўзгартиради, уни ўзгартириш билан ўзининг доимо ортиб бораётган эҳтиёжини қондиришга интилиш билан инсон ўзининг табиатини ўзгартиради, яъни кобилиятини, билимини, қуникмаларини, имкониятларини кенгайтиради, такомиллаштиради ҳамда меҳнат жараёнини тубдан ўзгартириб боради. Меҳнат жараёни такомиллашади ва инсоннинг ўзи ҳам такомиллашади.

Шундай қилиб, меҳнат жараёнида инсон шакллангағлигини кўзатамиз.

Меҳнат натижасида инсон доимо энг мураккаб жараёнларни амалга ошириб, ўзига янада юқори мақсадларни қўйиб ва унга эришиб боради.

Биз юкорида айтгандек меҳнат инсон билан табиат ўргасидаги моддий неъматлар алмашувигина бўлиб колмай, уни натижасида инсонлар ўргасида ижтимоий-иктисодий муносабатлар вужудга келади. Бу жараёнда меҳнатнинг мазмуни ва унинг ижтимоий-иктисодий моҳияти намоён бўлади.

Меҳнатнинг мазмуни нуктаи назаридан меҳнат инсонни меҳнат куроллари ва предметлари билан ўзаро боғланиши жараёнида ҳамда уларга инсоннинг таъсири, аралашуви натижасида вужудга келади.

Бу жараён доимо, танаффўзиз давом этиб боради ва тақрорланиб туради.

Меҳнатнинг ижтимоий-иктисодий моҳияти унинг ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатлар жараёнидаги ўрнида намоён бўлади.

Инсон моддий неъматларни ёлгиз, бир-биридан ажralған холда яратмайди, балки биргаликда, ҳамкорликда, меҳнат жамоаларига бирлашган холда, бир-бирлари билан ишлаб чиқариш жараёнларини келишиб ҳал қилиш исосида яратади. Инсоният жамиятини вужудга келиши кўплаб ишлаб чиқарувчиларнинг биргаликда меҳнат қилиши, меҳнат фаолияти билан шимашувлар натижасидир.

Ўзаро меҳнат фаолиятини олиб борища ишлаб чиқариш муносабатлари вужудга келган, энг аввало, меҳнат кооперацияси, меҳнатни

тақсимланиши, яъни меҳнатни ихтисосланиши кабилар. Натижад ижтимоий меҳнат тақсимоти шаклланиб келган. Меҳнат фаолиятини бирламчи бугинида фаолият билан алмашув ишлаб чиқарувчиларни тўғридан-тўғри контакти асосида амалга оширилса, жамият микиёсид маҳсулотлар билан айирабошлиш натижасида намоён бўлади. Ижтимоий меҳнат тақсимоти натижасида алоҳида фаолият юритаётган субъектлар соҳалар, тармоклар, ягона бирлашган жамиятга айланади.

Жамият тараққиётини кандайдир бир ижтимоий-иктисодий боскичид оддий маҳсулот алмашуви товар айирабошлишни шаклига, яъни олди-сотди жараёнини вужудга келтиради. Ушбу жараён алоҳида меҳнат фаолиятини ажралади ва тармок вужудга келган. Ижтимоий меҳнат тақсимот натижасида ишлаб чиқаришдан товар муомаласи ажраб чиқиб, олди-сотди жараёни алоҳида тармокга айланади. Умумий овқатланиш тармоги вужудга келди, шу билан бирга ундаги меҳнат ҳам алоҳида жараёнга айланди.

Озуқа тайёрлаш, тақсимлаш, олди-сотди истеъмолни жойида ташкил килиш жараёни билан шугулланувчиларни меҳнати алоҳида фаолиятини ажралган ва жамият тараққиёти билан боғланган холда, у ривожланиб ви такомиллашиб келмокда.

Умумий овқатланишдаги ишчилар меҳнати жамиятдаги умумий ижтимоий зарурий меҳнатнинг ажралмас қисми бўлиб, умумий овқатланиш нинг функцияларидан келиб чиқиб ўз хусусиятларига эгадир.

Умумий овқатланишда меҳнатнинг хусусияти маҳсулот ишлаб чиқариш, тақсимлаш товар олди-сотди истеъмолни ташкил қилиш жараёнини (товарни қийматини алмаштириш) таъминлаш ва ахолига хизмат кўрсатиш билан белгиланади.

Умумий овқатланиш ходимларини меҳнатининг табиати муракка жараён бўлиб, ўзига хос билим, куникмаларни (укитувчи, врачларга ухшаган истеъ dod ва кобилиятини талаб қиласи. Айниқса, уткир рақобат шароитидан биз келтирган хусусиятлар жуда юқори аҳамият топади.

5.2. Умумий овқатланиш корхоналарида меҳнат ресурсларини шаклланиши ва кўрсаткичлари

Меҳнат жараёни табиатга ишчи кучи, меҳнат предметлари ва меҳнат куроллари (иккаласи меҳнат воситаларини ташкил қилади) билан биргаликда таъсир қилиши туфайли содир бўлади.

Ишчи кучи бу жараёнда асосий рол эгаллайди. Ишчи кучи инсоннинг меҳнат қилиш кобилияти билан белгиланади.

Ишчи кучи деганда бизлар инсонни жисмоний, аклий, маънавий ва руҳий кобилияtlари ва уларни зарурият тугилиши билан ишлатиб кандайдир моддий, маънавий ва мадданий истеъмол қийматлар яратишга тушунамиз.

Ишчи кучини тақрор ишлаб чиқариш жараёни учта фазадан иборат бўлиб унга:

- шаклланиш фазаси;
- тақсимот фазаси;
- истеъмол фазалари киради.

Жаҳон стандартларига биноан ишчи кучининг асосий қисмини ёлланма ходимлар ташкил қилади. Уларга шартнома (кантракт) асосида ишлаётган барча ходимлар киради. Статистикада ишчи кучи руйхатдаги ходимлар сифатида хисобга олинади. Руйхатдаги ходимларга барча доимий, вактинча ва шартнома асосида ишга кабўл қилинганлар киради.

Вактинча ишга кабўл қилинганлар таркибига бир кун ва ундан кўпроқ кунларга ишга кабўл қилинганлар киради. Бунга ҳақикатда ишлаётган ва вактинча ишга чикмаган, лекин ишда формал холда ҳисобланадиганлар киритилади.

Назарияда ва амалиётда меҳнат ресурслари ва меҳнат салоҳияти деган кўрсаткичлар ишлатилади.

VIII-Халкаро статистиклар (1954-йил) конференциясида меҳнат ресурсларига «Хусусан меҳнат ресурслари», ва «оҳарбий хизматчилар»

кириши таъкидланган. «Хусусан меҳнат ресурслари» ишловчилар ва ишсизлар категорияларига ажратилган.

БМТ статистика комиссияси 1966 йилги 14 сессиясида «Иктисолий фаол ахоли» тушунчасини жорий қилган. Уларга моддий неъматлар ишлаб чиқаришида ва хизмат килишда катнаша оладиган шахслар мажмуаси киради деб айтилган.

Меҳнат ресурслари деганда меҳнатга кобилиятли ёшдаги (аёллар 16-55, эркаклар 16-60 ёшда) ишчилар сони тушунилди. Бу чегара қонун оркали белгиланган. Меҳнат ресурслари чегараланган, лекин хаётда ногиронлар, нафакахурлар, ёш болалар меҳнат кобилиятидан (иш кучидан) фойдаланилди.

Меҳнат ресурсларига буларни күсак меҳнат салоҳиятини ташкил қиласди.

Масалан: вилоятда ахолининг сони 2,0 млн. киши, шундан 60%, яъни 1,2 млн. – меҳнатга кобилиятли ёшдаги аёллар ва эркаклар.

Шулардан 0,3 млн. ишсиз.

Ишлаётган ишчилар сони 1,4 млн. киши.

Иш билан банд бўлган ногиронлар, нафакахурлар ва ёш болалар (16 ёшгача) $1,4+0,3-1,2=0,5$ млн. (ишчилар сони $1,2-0,3+0,5=1,4$).

Меҳнат ресурслари – 1,2 млн. киши.

Ишчилар сони – 1,4 млн. киши.

Меҳнат салоҳияти – $1,4+0,5=1,9$ млн. киши.

Корхона микиёсида ишчи ходимлар сони меҳнат салоҳиятига тенг бўлади.

Ходимлар (ишчилар) сони корхоналарда ўрганишда ва статистик хисботда иккى хил турда бўлади.

1. Руйхатдагилар.

2. Ишга келгандар.

Руйхатдаги ходимлар сони барча руйхатдан утган ҳар хил сабаблар билан ишга (доимий, мавсумий, вақтинчалик) ишчилар сони киради. Уларга

(хизмат сафарида, меҳнат таътили, декрет таътили, касаллар, ишга ҳар хил бошқа сабаблар билан укиш, депутатлик ва х.к.) келмаганлар киради.

Руйхатдаги ходимларга куйидагилар кирмайди:

- бир маротаба ёки алоҳида ишларни бажаришга таклиф қилинганлар (врачлар консультация учун, экспертиза учун, инвентарларни таъмирлаш, оқлаш, краскалаш кабилар);
- шартнома асосида (хукукий-фукаролик шартномалари), агар улар бошқа ташкилотда руйхатда турса;
- ўриндошлиқ асосида ишга кабул қилинганлар ҳамда бошқа ходимлар ва иш ҳаки статистикаси түғрисидаги низомда кўрсатилганлар.

Статистик хисоботда ходимларнинг ўртача руйхатдаги сони кўрсаткичи ишлатилади. (1 ой, квартал, 6 ой, 9 ой ва 1 йил). Бунда ишга келганлар ва келмаганлар ҳам ҳисобга олинади.

Масалан: ойлик учун ҳар куни руйхатдаги ишчилар сони (байрам, дам олиш кунлари ҳам ҳисобга олинган холда) ҳар кунлигини жамлаб ойнинг тақвим (календар) сонига бўлиш билан аниқланади (ишчи-кун:калиендар кунига).

З ойга бўлса ҳар бир ойнинг ўртача кўрсаткичини жамлаб 3 га бўламиз ва хоказо. Агарда ишчилар сони ҳар ой бошига берилган бўлса ўртача хронологик усул билан аниқланади.

Ўртача руйхатдаги ходимлар сонини аниқлашда дам олиш ёки байрам кунларидаги ишга келганлар сони бир кун олдин ишга келганлар сонига тенг деб ҳисобга олинади. Масалан, жума куни 301 киши ишлаган бўлса, дам олиш кунлари, яъни шанба ва якшанба кунларига 301 ходим ишга чиккан деб ҳисобланади. Масалан: 2010 йилнинг январ ойига куйидаги маълумотлар бор:

Календар кун	Ишга келганлар
1.01-	301
2.01-	301 Дам олиш куни
3.01-	301 - " -

4.01-	305
5.01-	307
6.01-	307
7.01-	312
8.01-	312
9.01-	312 Дам олиш куни
10.01-	312 - " -
11.01-	305
12.01-	306
13.01-	301
14.01-	310
15.01-	310
16.01-	310 Дам олиш куни
17.01-	310 - " -
18.01-	312
19.01-	312
20.01-	320
21.01-	320
22.01-	318
23.01-	318 Дам олиш куни
24.01-	318 - " -
25.01	320
26.01-	320
27.01-	317
28.01-	315
29.01-	315
30.01-	315 Дам олиш куни
31.01-	315

Жами ишчи куни сони қ 9657 киши – куни. ўртача руйхатдаги ходимлар сони (\bar{X}) қ 9657:31=311,5 киши.

Агарда ишга келгандар ҳар ойнинг бошига берилган бўлса, 1,01-570 киши, 1,02-575 киши, 1,03-572 киши ва 1,04 – 580 киши, бундай холда ўртача хронологик усул билан руйхатдаги ўртача ходимларни (\bar{X}) аниқлаш мумкин.

$$\bar{X} = \frac{570 + 575 + 572 + 580}{12 - 1} = 574 \text{ киши}$$

Ойлар бўйича ходимларни ўртача сони кўйидагича берилган бўлса:

Ойлар	Ходимларни ўртача сони
Январ	500
Феврал	496
Март	500
Апрел	515
Май	530
Июн	518
Июл	560
Август	570
Сентябр	565
Октябр	570
Ноябр	580
Декабр	600
Жами	6504

Йиллик ходимларнинг ўртача сони

$$\bar{X} = \frac{6504}{12} = 542 \text{ кишига тенг бўлади.}$$

Статистикада ўртача иш ҳаки, меҳнат унумдорлиги ва бошқа кўрсаткичларни аниқлаш учун «ўртача иш ҳаки ва бошқа ўртача кўрсаткичларни аниқлаш учун ходимлар сони» кўрсаткичи ишлатилади.

Бу кўрсаткичини аниқлаш учун руйхатдаги ходимлар сонидан айрим ходимлар категориялари чиқариб ташланади. Уларга кўйидагилар киради:

- хомиладорлик ёки фарзанд тугилгандан кейинги таътилдагилар;
- болаларга (айрим ёшгача) қараş учун таътилдаги аёллар (иш ҳакисиз ёки қисман иш ҳақи туланадиган);
- кишилек хўжалик ишларини бажариш учун хизмат сафарига юборилганлар (хукумат қарори билан бундай ишларни (75 % иш ҳақи асосий иш жойида сакланиб колинади), шофёрлар, механиклар, трактористалр, миханизаторлар;
- курилиш ишларига хизмат сафарига юборилганлар. Уларни хам 50-75 % иш ҳақи сакланиб колинади. кишилек хўжалиги ва курилиш ишларига жалб килинганларга суткалик ва квартера учун кушимча ҳак туланмайди;
- маҳсус касалхоналардаги хронологик алкоголиклар;
- кечки ва сиртки укишда талабалар сессия даврида;
- иш ҳақини саклаб колмасдан зарурый таътилга чикканлар.

Ходимлар сони билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар қаторига куйидагиларни хам киритиш лозим:

1. ишга келган ходимлар сони (уларни руйхатдаги ходимлар сонидаги ҳиссаси);
2. ишчи ходимларни таркиби;
3. ходимларни ўртача ёши;
4. меҳнат даври (стажи);
5. меҳнат унумдорлиги;
6. ишчи ходимларни рентабеллиги ёки даромаддиги (Ри.х). Агарда яратилган қийматни $C + V + m$ деб хисобласак, рентабеллик куйидагича ифодаланади: $Ri.x = \frac{m}{V}$

С – доимий капитал ишлаб чиқариш воситалари;

V – ўзгарувчан капитал, иш ҳақи; m – олинганд фойда;

7. меҳнаткашларнинг бўш вақти (дам олиш, укиш, малака ошириш жамоат ишлари, болалар тарбияси, жисмоний тарбия ва спорт, маданий дам олиш, маънавий эҳтиёжларни кондириш);
8. ходимларни кунимсизлик коэффициенти (ишдан кетган ва хайдалганлар: ўртacha руйхатдаги сонига);
9. ходимларни кабўл қилиш коэффициенти;
10. меҳнат унумдорлиги ва ўртacha иш ҳақини солиштирма кўрсаткичи.

5.3. Умумий овқатланиш корхоналарида меҳнат ресурсларини таҳлили ва режалаштириш

Бозор иктисадиёти шароитида савдо корхоналарида банд бўлган меҳнат ресурсларини (ходимлар сонини) таҳлил қилиш иктисадий ишларнинг энг муҳим томонларидан бири бўлиб ҳисобланади. Чунки ходимлар сони, ҳар бир корхонани меҳнат салоҳияти ва малакали иш кучи билан таъминланганлигини ифодалайди ҳамда катта ижтимоий-иктисадий аҳамиятга эга. Ҳар бир ходимнинг ижтимоий-иктисадий ахволи, улар ишлаётган корхоналарда ишчилар бандлиги, уларнинг иш ҳақи миқдори ва бошқа рагбатлантириши механизмларининг кандай ташкил қилинганлиги билан ифодаланади.

Шу билан бир қаторда корхонанинг самараదорлиги унда фаолият кўрсатаётган ходимлар сонига, уларнинг малакасига, меҳнат шароити ва улар ўртасидаги маънавий-рухий мухитига бевосита боғлиқ. Шу нуктai назардан ходимлар сонини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Ходимлар сонини таҳлил қилишнинг вазифаси, унинг аҳамиятидан келиб чиқади. Таҳлилнинг вазифаларига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- фаолиятдаги (руйхатдаги) ходимлар сонини ва уларнинг штат жадвалига мувофиқлигини солиштириб баҳолаш;
- ходимлар таркибини ўрганиш;
- ходимлар малакасини, маълумоти бўйича таркибини ўзгаришига баҳо бериш;

- ходимлар умумий микдори ва таркибини ўзгариш тенденцияларини корхонанинг бошқа кўрсаткичлари билан боғлиқлигини урганган холд баҳолаш;
- ходимларнинг ишлатилиш кўрсаткичлари, кунимсизлик коэффициенти кабўл юилиш коэффициенти, меҳнат унумдорлиги ва бошқаларни аниқлаш, уларнинг ўзгаришига таъсир килувчи омилалрни белгилаш каби муҳим тадбирларни амалга ошириш.

Таҳлилнинг вазифаси бу келтирилганлар билан чекланиб куолмайди балки ҳар сафар таҳлилнинг мақсадидан келиб чиқиб, ўзгариб туриш табиий. Чунки бозор иқтисодиёти шароитига вазиятлар тез ўзгариб туриш мумкин. Бу ўзгариш жараёнини таҳлил килиб, тегишли қарорлар кабў қилиб, амалий чора-тадбирларни куллаш, бошқариш ва иш юритиш усусларини вазиятга қараб мослаб бориш чораларини куриш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ходимлар сонини таҳлили кадрлар таъминланганилиги, яънлавозимлар штат жадвалини (поварлар, официантлар, маъмурий-бошқарув ёрдамчи ходимлар) тўлғазилганилиги аниқлаш билан бошланади. Ага алоҳида ишчи-ходимлар категорияси бўйича ҳақиқий кўрсаткичлар шта жадвалидан у ёки бу томонга фарқланса, унда фарқланиш сабаблар аниқланади ва зарурий чора-тадбирлар кўрилади. Ҳақиқий ходимлар сон бир неча йилга солиштирилади, ўзгариш тенденциялари аниқланади керакли хуносалар қилинади.

Овқатланиш корхоналари ходимларининг сонини ўрганишда ҳар хи гурухлашларни ишлатишни тақоза қиласди. Масалан, умумий иш давр (стаж), жумладан Ушбу корхонада, ёши бўйича, мутахассисларни маълумоти бўйича (олий, ўрта маҳсус, ўрта маълумотли, маълумоти йўқлар)

Таҳлил жараёнida ходимларни қўнимсизлигини аниқлаш керак. Буни учун бир катор коэффицентлар аниқланади.

Ишга қаъбўл юилиш ёки ишдан коэффицентлари-ишга қаъбўл қилинга ёки бўшатилган ходимлар сонини (ички тартибни бўзгани учун, ўз хошиш

били) ўртага рўйхатдаги ходимлар сонига бўлиш билан аниқланади. Ушбу коэффицент алоҳида алоҳида аниқланади. Бу коэффицентларни иккинчиси кадрларни кўнимсизлиги коэффиценти деб ҳам аталади.

Кадрларни умумий силжиши коэффиценти-ишга қаъбул қилинган ва бўшатилгандар йигиндинин ўртача рўйхатдаги ходимлар сонига нисбати.

Ушбу коэффицентлар бир неча ўтган йиллар билан солиштиришиб, уларни ўзгариш тенденциялари аниқланади, хуоса килинади ва таклифлар берилади.

Тахлил жараёнида ходимлар ишлаш вақтини календар фонди Ўнганилади. Бунинг учун куйидаги кўрсаткичларни аниқлаш тавсия килинади:

1. битта ходим ишлаган ўртача кунлар сони - корхонада ишланган киши – кунлар сонини ўртача рўйхатдаги ходимлар сонига нисбати;
2. ишчи вақтининг календар фондини ишлатилиши коэффиценти – ишлаган киши –кунлар сонини тўла календар фондига нисбати;
3. иш вақтини йўқотиш коэффиценти-ишга чиқмаган киши-кунлар сонини тўла календар фондга нисбати. Ишга чиқмаган кунларни сабабини ўрганиш катта аҳамият тутади(касалликга, қонун билан белгиланган ёки иш берувчининг рухсати билан, таътил, сабабсиз ва хоказолар).

Ходимлар сонини тахлил қилиш, уларнинг умумий сонини, таркибини, меҳнат унумдорлигини режага ва утган йилларга нисбатан ўзгариш тенденцияларини аниқлашдан бошланади.

Кейинги боскичда ходимлар сонини корхонанинг даромади ёки фойдаси билан солиштириб ходимларга тўғри келган даромад ёки фойдани ўзгариш тенденцияларини баҳолаш зарур.

Тахлил жараёнида меҳнат унумдорлиги билан ўртача иш ҳақини ўзгариш тенденцияларини солиштириш катта аҳамиятга эга. Тахлилни кейинги боскичларида юқорида 5.2 & биз келтирилган ходимларга таълуқли барча кўрсаткичлар динамик қаторларда ўрганиш тавсия килинади.

Ходимлар кўрсаткичларига таъсир килувчи омилларни тахлил қилиш зарур бўлади.

Ходимлар кўрсаткичларини умумий овқатланиш корхонасининг товар айланмасига таъсирини ўрганиши тавсия киласиз.

Мехнат унумдорлигини тахлилини умумий овқатланиш корхоналари кўрсаткичларини амалда ва солиштирма баҳоларда ўтказиш зарур. Чунки бозор иктисадиёти шароитида баҳоларни ўзгариши қонуниятга айлиниб бормокда. Мехнат унумдорлигини тахлил қилишда қўйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- меҳнат унумдорлиги бажарилиши, фоизда;
- планга нисбатан чекланиши, абсолют кўрсаткичларда;
- меҳнат унумдорлигининг динамикаси, фоизда;
- меҳнат унумдорлигига таъсир килувчи омилларнинг микдори;
- меҳнат унумдорлигини товар айланмасига таъсири;
- меҳнат унумдорлигини ошириш йўлларини.

Мехнат унумдорлигини тахлили умумий овқатланиш корхоналари ходимларининг меҳнатини самарадорлигини ошириш резервларини аниқлаш имкониятини яратади. 5.3.1 жадвалда шартли мисолда меҳнат унумдорлиги тахлилини амалда баҳоларда келтирилган.

5.3.1 жадвал

Мехнат унумдорлигини баҳолаш

T/p	Күрсаткычлар	Үлчөв бирлиги	Үтган йил	Хисобот йили	Чекла Ниши (+:-)	Хисобот йили үтган йилга нисбатан
1	Умумий товар айланмаси	Млн. сүм	4451,8	5164	+712,2	116,0
2	Ўзи ишлаб чиқарган товарларни сотиш	Млн. сүм	2397,8	3204,0	+806,6	133,6
3	Ўртача рўйхатдаги ходимлар	Киши	41	27	-14	65,9
4	Ўртача рўйхатдаги ишлаб чиқариш ходимлари	Киши	31	20	-11	64,5
5	Мехнат унумдорлиги - жами ходимлар (1:3)	Млн. сүм	108,58	191,26	+82,68	176,1
6	Ушбу кўрсаткич солиштирма баҳода	Млн. сүм	-	108,79	-	
7	Ишлаб чиқариш ходимларини меҳнат унумдорлиги (2:4)	Млн. сүм	77,35	160,22	+82,87	207,1

5.3.1 жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики Умумий овқатланиш корхонасининг товар айланмаси (Умумий ва ўз ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотиш бўйича) үтган йилга нисбатан тегишилича 16,0% ва 33,6% га ўсган.

Ходимлари сони камайиш тенденциясига эга. Мехнат унумдорлиги кўрсаткичлари юкори даражада ўсиб бормоқла, 1,76 ва 2,0 баробар ўсган. Қиймат кўрсаткичларини ўсиши баҳо омили билан бөглик, чунки баҳо индекси 1,758 га тенг бўлган $\left(\frac{191,26}{108,79}\right)$. Бундан маълум бўлалайтики ўзи ишлаб чиқарган товарларга ва сотиб олган товарларни сотиш баҳосини ўсиши натижасида мехнат унумдорлиги 82,47 млн.сўмга (191,26-108,79) ортган.

Юқорида көлтирилгандык усул орқали официантлар мекнат унумдорлиги – чаканә товар айлининиң ўртачи рўйхатдаги официантлар сонига нисбати, ҳам таҳлил қилинади.

Анализ жараёнида мекнат унумдорлигига таъсир қилган омиллар ҳисоб китоб қилинади.

Баҳони таъсир микдорини аниқлаш юқорида кўрсатилди.

Яна бита омил ходимлар сонини ўзгариши. Уни таъсирини хисолаш учун кўйидаги математик формула тавсия қилинади.

$$\Delta M\Upsilon = \frac{\mathcal{E}_x}{100 - \mathcal{E}_x} * 100$$

бу ерда: $\Delta M\Upsilon$ - мекнат унумдорлигини ўсиш даражаси;

\mathcal{E}_x - кандайдир омил натижасида ходимлар сонини ўзгариши.

\mathcal{E}_x кўрсаткичи кўйидаги формула орқали ҳисоб китоб қилинади. Масалан омил сифатида янги техникани жорий қилиш ёки жиҳозни модернизация қилиш деб хисобласак

$$\mathcal{E}_x = \left[100 - \frac{K_1 * 100}{(K_1 * 100) + (K_2 * \alpha)} * 100 \right] * t_{k2} : 12$$

бу ерда: K - умумий жиҳозлар сони, дона;

K_1 – эски ўрнида ишлатилаётган жиҳозлар, дона;

K_2 – янги ёки модернизация қилинган жиҳозлар, дона;

α – янги ёки модернизация қилинган жиҳозларни унумдорлигини эски (алмаштирилган ёки модернизацияланган) жиҳоз унимдорлигига нисбати, фоизда;

t_{k2} – режалаштирилган даврда янғи техника ёки модернизация қилинган жиҳозни ишлатиш муддати, ойлар ҳисобида.

Мекнат унумдорлигини оширишда ишчи вактини йўқотишни камайтириш катта аҳамиятга эга.

Ишчилар сонини ишчи вақтими йўқолишини камайтириш орқали қисқартириш куйидагича аниқланади.

$$\vartheta_i = \frac{(t_i^0 - t_i^1) * 100}{100 - t_i^1};$$

бу ерда: t_i^0 – базис даврида ишчи вақтими йўқолиши, фоизда;

t_i^1 – ҳисобот даврида ишчи вақтими йўқолиши, фоизда;

Мехнат унумдорлигига таъсир килувчи омиллардан бири Умумий овқатланиш корхоналарининг товар айланмасининг таркибини «Мехнат оғирлиги⁵»- кўрсаткичини ўзгариши ҳисобланади.

Товар айланиш таркибини ўзгариши натижасида 1 сўм товар айланмасига меҳнат ҳаражатларини ўзгариши (+;-) микдорини (M_x) куйидагича ҳисоблаш мумкин.

$$M_x = (100 * \Delta MK) : (50 + MK^0),$$

бу ерда: ΔMK – ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлар хиссасини (товар айланшида) кўшимча ўсиш суръати;

MK^0 – ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни базис давридаги хиссаси.

Агарда ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг хиссаси ортиб борса, у меҳнат ҳаражатларини ортишига олиб келади.

Олимларнинг ҳисоб коитоблари бўйича ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларга келган умумий ҳаражатлар суммаси сотиб олинган товарларни сотиш учун кетган ҳаражатлардан 2,5-3 баробар қўпроқ.

Масалан профессор А.М.Фридман келтирган ҳисоб китобларда ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларга кетган ҳаражат даражаси – 35,6%, сотиб олган товарларни сотишга кетган ҳаражатлар даражаси – 13,7%. Уларни нисбати $35,6:13,7=2,6$ ни ташкил қиласкан.

Айрим олимлар умумий овқатланишда меҳнат унумдорлигини ҳисоблашда шартли товар айланмасини ишлатилиши ва унинг учун товар

⁵ Мехнат оғирлиги- қўпроқ меҳнат сарфини талаб қилиши.

Фридман А.М. Экономика предприятий торговли и питания потребительского общества Учебник. М.: «Дашков и к°», 2008 г. 414 стр.

айланмаси мөхнат оғирлиги коэффицентларында күпайтириш орқали шартлы товар айланишни ҳисоблашни, яъни маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни чакани сотиш 1,0-га, маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни улгуржи сотиш 0,8-га, сотис олган товарларни сотиш 0,4-га күпайтириш орқали аниқлашни тавсия килади⁶.

Мөхнат унумдорлиги даражасига ходимлар таркибини ўзгариши ҳам таъсири қиласи.

Масалан, умумий ходимлар таркибидаги маъмурий-бошқарув ходимларини ўзгариши. Буни ҳисоблаш учун куйидаги формуладан фойдаланиш мумкин.

$$\Delta MU = \frac{MB_x^0 - MB_x^1}{100 - MB_x^0} * 100$$

бу ерда: ΔMU - ходимлар таркибини ўзгариши натижасида мөхнат унумдорлигини кўпинча ўзгариш суръати, фоизда;

MB_x^0, MB_x^1 - маъмурий-бошқарув ходимларининг ҳиссаси, тегишлича базис ва ҳисобот даврига.

Мөхнат ресурслари кўрсаткичларини таҳлил қилганда уларни товар айланишга ва маҳсулот ишлаб чиқариш миқдорига таъсири даражасини алоҳида ҳисоб-китоб қилиш лозим.

Мөхнат унумдорлигини ўсишини (фоизда) товар айланмасига таъсирини ΔTA куйидагича аниқлаш мумкин.

$$\Delta TA = 100 - [(X_c * 100) : \Delta TA_y] * 100;$$

бу ерда: X_c - ходимлар сонини кўпинча ортиш суръати, фоизда;

ΔTA_y - товар айланмасини кўпинча умумий ортиш суръати, фоизда;

$$\text{Ёки: } \Delta TA = [(\Delta TA_y - X_c) : \Delta TA_y] * 100$$

Мөхнат ресурслари бир нечта бир бири билан боғлик кўрсаткичларни товар айланишга таъсирини занжирли усулини ишлатиш орқали аниқлаш мумкин.

⁶ Ефимова О.П. Экономика общественного питания. Минск «Новое знание», 2008 г. 221 стр.

Масалан қүйидаги омиллар таъсири:

1. ўртача рўйхатдаги ходимлар сони, киши;
2. иш кучини ўртача давомийлиги, соат;
3. битта ходимни ўртача ишлаган кунлари сони, кун;
4. бита ходимни ўртача соатда меҳнат унумдорлиги, сўмда.

Бундай хисоб-китоб учун қўйидаги жадвални тўзиб, омиллар микдари жойлаштириб, умумий товар айланниш хажмини ва унга алоҳида омиллар таъсири микдорини аниқлаш мумкин.

5.3.1 жадвал

Товар айланнишга меҳнат кўрсаткичларини таъсири

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги					
			1	2	3	4	5
1	Ўртача рўйхатдаги ходимлар	киши	Б	X ₁	X ₁	X ₁	X ₁
2	Бита ходимни ўртача ишлаган кунлари	кун	Б	Б	X ₁	X ₁	X ₁
3	Иш кучини ўртача давомийлиги	соат	Б	Б	Б	X ₁	X ₁
4	Бита ходимни ўртача соатда меҳнат унумдорлиги	сўм	Б	Б	Б	Б	X ₁
5	Товар айланмаси хажми (1*2*3*4)	Млн. сўм	TA ₁	TA ₂	TA ₃	TA ₄	TA _x

Изоҳ: Б – базис даври кўрсаткичлари;

X₁ – хисобот даври кўрсаткичлари.

Ушбу жадвал мъалумотларида товар айланмасига алоҳида омиллар таъсири қўйидагича аниқланади:

1. ўртача рўйхатдаги ходимлар сонини ўзгариши =TA₂-TA₁;
2. битта ходимни ўртача ишлаган кунларини ўзгариши =TA₃-TA₂;
3. иш куни ўртача давомийлигини ўзгариши =TA₄-TA₃;
4. бита ходимни ўртача соатда меҳнат унумдорлигини ўзгариши =TA₅-TA₄

Ушбу усул орқали чакана товар айланмасига официантлар сонини ўзгариши; бита официантга беркитилган ўриндиқларни ўзгариши ва битта ўриндиқга тўғри келган чакана товар айланмасини ўзгаришларининг таъсирини хисоб-китоб қилиш мумкин.

Умумий овқатланиш корхонасининг ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлар бўйича товар айланмасига ишлаб чиқариш ходимлари сонини ўзгаришининг таъсирини $\Delta UICHMTA$ кўйидаги формула орқали аниклаш мумкин.

$$\Delta UICHMTA = (ICH_c^1 - ICH_c^0) * MU_{max}^1;$$

бу ерда: ICH_c^0, ICH_c^1 – ўртacha рўйхатдаги ишлаб чиқариш ходимлари сони, тегишлича базис ва хисобот дарвларига;

MU_{max} – ишлаб чиқариш ходимларининг базис давридаги меҳнат унумдорлиги.

Ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлар бўйича товар айланмасига ишлаб чиқариш ишчиларининг меҳнат унумдорлигини (MU_{max}) таъсирини кўйидагича хисоб-китоб қилиш мумкин.

$$\Delta UICHMTA = (MU_{max}^1 - MU_{max}^0) * ICH_c^1$$

Икки хил бир бирига боғлиқ омилларнинг товар айланнишга таъсирини интеграллаш усулини қўллаш йўли билан аниклаш мумкин. Масалан: ходимлар сони ва меҳнат унумдорлигини товар айланмасига таъсири. Бунинг учун кўйидаги формуладани фойдаланиш мумкин.

$$\Delta TA = MU^0 * \Delta X_c + [(\Delta MU * \Delta X_c) : 2];$$

бу ерда: ΔTA – ходимлар сонини ўзгариши хисобидан товар айланмасини ўзгарган суммаси; млн. сўм;

ΔX_c – ходимлар сонини ўзгарган сони, киши;

ΔMU – меҳнат унумдорлигини ўзгарган суммаси, млн.сўм

$$\text{Ёки: } \Delta TA = \Delta X_c^1 * K_c^1 * \Delta MU^1$$

бу ерда: K_c^1 – бир ходимни базис йилида ишлаган кунлари;

MU^1 – меҳнат унумдорлиги, базис йитлига.

Меҳнат унумдорлигини товар айланмасига таъсири:

$$\Delta T A = X_c * \Delta M Y + [(\Delta M Y * \Delta X_c) : 2]$$

Ишчи вактими йўқотилишини товар айланмасига таъсири:

$$\Delta T A = X_c^1 * \Delta K_c * \Delta M Y^1$$

Меҳнат ресурсларини режалаштириш ходимлар сонини аниқлаш ва штат жадвали тўзишдан бошланади. Умумий овқатланиш корхоналарида ушбу кўрсаткичларни режалаштиришда корхонани ишлаш тартиби, товар айланмаси, моддий-техника базасида холати ва рўй берадиган ўзгаришлар, хом-ашё ва фабрикатлар билан таъминланиши, ҳар хил норма ва нормативлардан, умумий овқатланиш корхоналарининг турлари, категориялари ва бошқа кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Ходимлар сонини режалаштириш норматив усули; эластиклик коэффиценти; товар айланмаси меҳнат оғирлиги индекси; меҳнат унумдорлиги; индекслар ва бошқа усуллардан фойдаланиш асосида амалга оширилади.

Норматив усули орқали официантлар сонини аниқлаш хизмат қилиш нормалари умумий овқатланиш корхоналарининг турлари бўйича (ресторан, бар, кафе), ҳамда уларни категориялари бўйича (люкс, юқори, 1,2,3 категориялар).

Юқори категорияли ресторан учун битта официантга беркитилган ўриндиқлар сони нормаси 16-та бир сменага. Агарда хизмат қилиш бригада шаклида амалга оширилса ушбу норма 15% ошиади. Хизмат столни олдиндан сервировка килиш орқали ҳамда «швед» столи, экспресс-стол, «фуршет» столи каби турларда бўлса ушбу норма 1,5-2,0 маротаба ортади¹.

Масалан: ресторан зали (биринчи категория) 65 ўридиққа эга. Хизмат шакли якка тартибда. Иш тартиби -1,5 смена. Битта официантни хўррандаларга хизмат қилиш нормаси 20 та 1,5 сменада ишлаганда ходимлар сонини ортириш коэффициенти -2,1 га teng

¹ Ушбу нормалар Белоруссия Республикасида ишлатилади. Ефимова О.П. Экономика общественного питания. Минск. «Новое знание», 2008 г. 232 стр.

Ушбу маълумотларда режалаштирилган йилга бир сменада ишлайдиган официантлар сони = $65:20=3,25$ киши. Ишлаш тартибининг хисобга олган ҳолда официантлар сони – $3,25*2,1=6,8$ киши, ёки 7 киши.

Кассирлар сони, агар хўррандалар ўзи – ўзини таъминлаш усули ишлатилса, 100 ўриндикга – 1 та кассир, агар тез таъминлаш (эксперт стол) усули ишлатилса 45-50 ўриндикга - 1 та кассир нормаси орқали хисоб-китоб килинади¹.

Юқори категорияли ресторанлар учун зал администратори (метродержатель) иш тартибига караб, бир сменага бигта залга битта администратор¹.

Поварлар, нонвойлар, кондитерлар сони ҳўжалик эҳтиёжидан келиб чиқиб ўтган йиллар маълумотларига асосан тажриба-статистик усулини ишлатиш йўли билан аниқланади. Бунда меҳнат унумдорлиги, жихозлар сони каби кўрсаткичлар ишлатилиши мумкин.

Ходимлар сони ходимларни эластиклик коэффиценти кўрсаткичи орқали аниқланиши мумкин:

$$K_c = \Delta X_c : \Delta TA;$$

бу ерда: $\Delta X_c, \Delta TA$ – тегишлича ходимлар сони ва товар айланмасининг хисобот йилида базис йилига нисбатан қўшимча ўзгариш суръати фоизда.

Бу ҳолда: $\Delta X_c^p = K_c * \Delta TA;$

бу ерда: ΔX_c^p – ходимлар сонини қўшимча ўсиш суръатини ўзгариш миқдори, фоизда;

Ходимлар сони режалаштирилган йилга (X_c^1) қўйидагича аниқланади

$$X_c^p = \frac{X_c^1 * (\Delta X_c^p + 100)}{100}$$

Ходимлар сонини меҳнат оғирлиги индекси орқали аниқланганда куйидаги ҳисоб-китоблар амалга оширишлади.

Масалан: режалаштирилган йилга меҳнат оғирлиги кўрсаткичи 5% кискаради дейлик, бунда меҳнат оғирлиги индекси – 0,95 га тенг бўлади. Режалаштирилган йилга товар айланмасини ўсиш суръати – 20%. Ушбулардан келиб чиқиб, ходимлар сонини ўсиш суръати = $1,20 * 0,95 = 1,14$ га тенг бўлади, яъни ходимлар сони 14,0% ошади.

Агарда ҳисбот йилида ходимлар сони 27 кишини ташкил қилган бўлса, режалаштирилаётган йилга уларнинг сони = $27 * 1,14 = 31$ кишини ташкил килиш керак бўлади.

Ходимлар сони ва меҳнат унумдорлиги индекси усули, иқтисодий-математик усуллар орқали ҳам аниқланиши мумкин. Масалан: товар айланмаси индекси – 1,20, меҳнат унумдорлиги индекси-1,09 бўлса ходимлар индекси- $1,20 : 1,09 = 1,09$ ни ташкил қиласди. Ҳисбот йилида ходимлар сони 27 кишини ташкил қилган бўлса, режалаштирилаётган йилга ходимлар сони = $27 * 1,09 = 29$ кишини ташкил қиласди.

Ходимлар сони аниқлангандан сўнг штат жадвали тўзилади. Унда ходимлар сони ҳар бир лавозим бўйича алоҳида кўрсатилади. Лавозимлар функционал вазифаларига қараб куйидагича белгианади.

1. Бошқарув аппарати ва мутахассислар (директор, директор муовини, администратор, бухгалтер, экономист, инженер-технолог ва бошқалар).
2. Ишлаб ичкариш – савдо ходимлари (поварлар, официантлар, кухня ишчилари, кассирлар, ишлаб чиқариш мудири ва бошқалар).
3. Ёрдамчи ходимлар (юк ортувчилар, супурувчилар, идиш ютувчилар, коравул ва бошқалар).

Таянч иборалар: меҳнат, меҳнат ресурслари, ишчи кучи, ишчилар сони, руйхатдаги ишчилар, меҳнат салоҳияти.

Такрорлаш учун саволар.

1. Мехнатнинг моҳиятини ёритиб беринг?
2. Мехнат ресурслари деганда нимани тушунасиз?
3. Мехнат салоҳияти нима ва у меҳнат ресусларидан кандай фарқланади?
4. Ишчи кучи нима?
5. Ишчи кучи такрор ишлаб чиқарилиши кандай фазалардан иборат бўлади?
6. Руйхатдаги ходимлар сони кандай аниқланади?
7. Ходимларни ўртacha сони кандай аниқланади?
8. Меҳнат ресусларни таҳлил қилишда кандай кўрсаткичлар аниқланади?
9. Умумий овқатланишда официантлар сони кандай режалаштирилади?

6-мáтьзуа.	Умумий овқатланиш корхоналарида иш ҳаки
6.1.	Иш ҳаки тушунчаси, мөхияти ва аҳамияти
6.2.	Иш ҳакиниң ташкил қилиш қоидалари
6.3.	Иш ҳакининг шакллари, тизими ва ҳисоблаш усуллари
6.4.	Иш ҳаки фондини таҳлили
6.5.	Иш ҳаки фондини рёжалаштириш

6.1.Иш ҳаки тушунчаси, мөхияти ва аҳамияти.

Иш ҳаки иқтисодиётда ташқи кўринишдан бажарилган ишни иш берувчи томонидан, меҳнат ҳаражатлари натижасига қараб, пул сифатида тўланадиган, ишчини рағбатлантиришнинг пулдаги ифодасидир. Лекин, бундай тариф юзаки ва уни ички табиатининг мөхиятини ёритмайди.

Социалистик жамият даврида иш ҳакига давлат томонидан ишчиларни моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун меҳнатни сон ва сифатига қараб тақсимланадиган миллий даромаднинг бир қисми сифатида қарадган. Бундай тариф сеса даврнинг ижтимоий-иктисодий муносабатлари тавсифига ва маъмурий бошқарув тизимига мос келган.

Бозор иқтисодиёти ижтимоий-иктисодий муносабатларнинг мазмунини тубдан ўзгартиришга олиб келди ва бозор иқтисодиётига мос иқтисодий дастакларни вужудга келтирди. Лекин хозирги иқтисодий ва оммавий адабиётларда иқтисодий категорияларга, жумладан иш ҳакига нисбатан ягона фикр йўқ. Уларнинг мазмунига ҳар хил таърифлар берилиши, турли хил ёритилишга олиб келмоқда. Шу сабабли биз иш ҳакига берилган айрим таърифларни келтиришни лозим топдик. О.Е. Лучинин «Статистика в рыночной экономике» (Ростов-на-дону, «Феникс», 2006) иш ҳакига куйдагича таъриф беради: «Иш ҳаки – ижтимоий зарурий меҳнатнинг сон ва сифатига боғлик ҳолда ишчининг меҳнат даромадидир» (382 б).

Г.Х. Гендер, Н.И. Ведерниковалар «Оплата труда в учреждениях бюджетной сферы» (Санкт – Петербург, «Питер», 2003) иш ҳакининг мөхиятини ёритишида «... бозор иқтисодиётида иш ҳаки меҳнат ресурси баҳоси (ишчи кучи)» деб таърифлайди.

Ўзбекистон Макроиктисодиёт ва Статистика Вазирлигининг 1998 йил 26 октябр №33 карори билан тасдиқланган «Инструкция по статистике численности и заработной плате работающих по найму» да (Тошкент, 1999) иш ҳаки қуидагича таърифланган: ««Иш ҳаки» тушунчаси пул ва натурал шаклдаги барча турдаги маошларни (ва ҳар хил мукофотлар, устамалар, кўшимчалар, ижтимоий имтиёзлар)ни... қамрайди».

Ўзбекистон Республикасининг меҳнат кодексида иш ҳаки атамаси ишлатилмаган, унда «Меҳнат ҳаки» иш ҳаки мазмунида ишлатилган. Кодекснинг 153-моддасида «Меҳнат ҳақининг микдори иш берувчи билан ходим ўртасидаги келишувига биноан белгиланади деб таъкидланади.

Меҳнат ҳаки шакли ва тизимлари, мукофотлар, кўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарздаги тўловлар, жамоа шартномаларида, шунингдек иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси томонидан қабул қилинадиган бошқа локал іужжатларда белгиланади. Меҳнат ҳаки, қоида тарикасида пул шаклида тўланади. Меҳнат ҳақини натура шаклида тўлаш тақиқланади. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланган холда бундан мустасно» - деб ёзилган.

Иш ҳақига таътуқли чет эл адабиётларда берилган бошқа таърифларнинг айримларини келтирамиз. Уларда:

Иш ҳаки – бу меҳнат баҳоси; бу ишчи кучи баҳоси; бу меҳнат хизматлари баҳоси; бу иқтисодий рентанинг шакли; бу ишчи кучини ижараси учун тўлов каби таърифлар келтирилган.

Бундай таърифларни юзлаб келтириш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, иш ҳаки ниҳоятда мураккаб иқтисодий категория эканлигига шубія туғилмайди.

Ушбу масала юзасидан биз ўз мулоҳазаларимизни билдириб ўтамиз.

Иш ҳаки назарий жиҳатдан тарихий, ижтимоий-иктисодий категориядир.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар хил моддий неъматлар қаторида ишчи кучи олди-сотди предмети сифатида меҳнат бозори объектига

айланади. Ишчи кучи олди-сотди предмети сифатида истеъмол кийматга ва кийматга эга бўлиши керак. Ушбу тушунчалар бошқа моддий неъматлар истеъмол киймати ва киймати тушунчаларига нисбатан фарқ қилиб, жуда мураккаб ва иқтисодий-статистик нұктай назардан хисобга олиниши алаканча мураккабдир.

Кўп холларда ишчи кучи ва меҳнат товар деб ишлатилади. Аслида товарнинг ижтимоий-иктисодий мөхиятидан келиб чиқилса, ишчи кучи ва унинг меҳнати бошқа товарлардан шаклан ва мазмунан фарқ қиласди.

Товар деб ўзи учун эмас, сотиш учун ишлаб чиқилган маҳсулотни тушунамиз. Олди-сотти натижасида товарнинг эгаси, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳукуки ўзгаради. Товар айрибошлаш жараёнидан чиқиб, истеъмол жараёнига ўтади ва истеъмол предметига айланади. У истеъмолчиларнинг эҳтиёжини қондирувчи моддий неъмат сифатида хизмат киласди.

Ишчи кучи биринчидан, шаклан моддий неъмат эмас, у ишлаб чиқариш куввати сифатида фаолият кўрсатувчи жонли омилдир;

иккинчидан, у олди-сотди жараёнида ўзи сотилмайди, унга эгалик килиш ҳукуки ўзгармайди, бозорда меҳнат ресурси, меҳнат жараёнида ишлатиладиган унинг касбий маҳорати, куввати, яъни унинг меҳнат кобилияти сотилади;

учинчидан, моддий неъматларнинг олди-сотди жараёнида тўла киймати (бу ерда тўла киймат деганда, унинг ҳақиқий киймати эмас, ижтимоий-зарурий киймати, яъни унинг барча омиллар таъсири натижасида шаклланган кийматининг пулдаги ифодаси, яъни баҳоси эътиборга олинган), айрибошланади, сотилади. Ишчи кучи атамасига келсак, унга меҳнатининг тўла киймати тўланмайди, аксинча кийматини бир кисми тўланади. Чунки, унинг меҳнати натижасида кўшимча киймат яратилади.

Ишчи кучи меҳнатининг зарурий кисмiga иш ҳақи тўланади, кўшимча киймат яратувчи кисмининг киймати иш берувчи, яъни мулк эгаси

(давлат, жамоа, корхона, иш берувчилар) іамда жамият тараккиёти учурда зарур бўлган қисмида колади;

тўртингилдан, моддий неъматларнинг олди-сотди жараёни бирор бўлаізада содир бўлади, ишчи кучи меҳнатини олди-сотди жараёни ўзок даврда содир бўлади.

Ушбулар нуктаи назаридан келиб чиқиб, ишчи кучи, меҳнат алоҳидаги ўз хусусиятига эга бўлган, олди-сотди жараёнининг предмети сифатига каралиши лозим.

Бу борада иш билан меҳнатни фарқлаш зарур. Ишни ишчи кучи, яъни унинг меҳнати, меҳнат қилиш қобилияти бажаради. Иш берувчи ишчини бажарган иши учун ҳақ тўлайди. Шунинг учун ҳам расмий хужжатларда ишчи атамаси ишлатилади.

Умуман олганда бозорда ишчининг жисмоний ва интеллектуални меҳнат қилиш қобилияти сифатида, унинг тўла қиймати тўланмайди, аксина уни қийматинг бир қисми - баҳоси меҳнат қилиш жараёнида тўланади борилади.

Меҳнат (5-маъзуза, 5.1. парпграфга қаралсин) бу ишчиларнинг эҳтиёжларини қондириш максадида амалга ошириладиган онгли фаолиятидир.

Шундай қилиб, ишчи кучи ёки унинг меҳнатини умуман товузи сифатида тарифлаш илмий-назарий нуктаи назардан түғри бўлмайди. Ишчи кучининг онгли фаолияти, унинг жисмоний ва интеллектуал меҳнат қилиш қобилияти бозорда сотилади ва ана шу қобилият товар бўлиб хисобланади.

Иш ҳакига эса юқорида келтирилган товар қийматининг бўлган қисмининг (зарурий меҳнат) пулдаги ифодаси нуктаи назардан караш лозим.

Иш ҳаки ишчи меҳнати мотивациясини ва рағбатлантиришини шакли сифатида намоён бўлади.

Иш ҳаки, мөхнат ҳақи категориялари адабиётларда күп ишлатилади, айримлар уларни синоним қаторида ишлатади⁷, айримлар уларни фарқлади. Бунга тегишли фикрларни биз юкорида ҳам көлтиридик. Масалан, Ю.Ф. Елизаров «Экономика организации» дарсликіда (М., «Экзамен», 2005) «...иш ҳакидан, мөхнатта түлов (мөхнат ҳаки) көнгрек түшүнчә бўлиб, у иш ҳакидан ташкари ҳар хил түловлар ва имтиёзларни ўз ичиға олади» - деб таъкидлайди (115 бет). Муаллифнинг ушбу фикрларига кисман қўшилган холда куйидаги назарий фикрларни эътироф этиш зарур деб хисоблаймиз.

Ҳакиқатдан олганда ҳар хил қўшимча түловлар иш ҳакининг элементи хисобланади. Иш ҳакини бир неча хил элементларга бўлиш мумкин. Улар асосан (базали) иш ҳаки, устамалар, қўшимча түловлар ва иш ҳакининг ўзгарувчан қисмидир (ҳар хил рағбатлантирувчи түловлар).

Асосан иш ҳаки ишчининг функционал вазифаларини ҳар кандай шароитда ўз вақтида ва сифатли бажариши учун тўланадиган, белгилаб қўйилган, доимий тўланадиган пул тўловидир (айрим юлларда натурал холда бўлиши ҳам мумкин).

Устамалар ва қўшимча түловлар ишчи мөхнатининг алоҳида шарт шароити ва мазмуни учун тўланади. Масалан, мөхнат стажи, қўшимча функцияларни бажарганлиги, кечкурун, дам олиш ва байрам кунларида шилаганлиги учун, ишламаган вақтлари учун тўлов, худудий коэффициентлар, оғир шароитлардаги ишлар учун қўшимчалар ва ҳакозолар.

Иш ҳакининг ўзгарувчан қисми режадан юқори даражада бажарилган иш натижалари учун тўланади. Унга ҳар хил мукофатлар киради. Масалан, товар айланмаси режасини ортигича бажаргани учун, бирон давр (квартал, ишл) натижалари учун тўланадиган мукофотлар, бонус тўловлар ва юкозолар учун.

⁷ Гаптиков К.А. «Экономика предприятия». М., ИВЦ «Маркетинг», 1999; «Экономика предприятия (фирма). Конспект авторов». М., ИНФА-М., 2004.; Ворсит Й., Ревентлюу Н. «Экономика фирмы». М.: Высшая школа, 1991.

Расмий статистикада «Ишчи кучини саклаш учун кетган харажатлар кўрсаткичи ишлатилади. Ушбу кўрсаткични бизнинг фикримизча меҳна хақининг зарурий кисмининг қийматига тенглаштириш мумкин.

Мехнат хақига иш хакидан ташқари маданий-оқартуро соғломлаштириш, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, ижтимои сүғурталар, маҳсус тўловлар ва бошка харажат кабилар киради.

Мехнат хақининг ижтимоий пакети таркибига куйидагиларни киритиш мумкин:

- хар хил ижтимоий тўловлар;
- номоддий (пулсиз) имтиёзлар (хар хил имтиёзлар, иш вақтини мослаштириш, кўшимча меҳнат таътилини бериш, эрт нафакага чиқариш ва ҳ.к.);
- фирма, корхонанинг акцияларни ўз ишчиларига сотиш;
- меҳнат шароити ва мазмунини яхшилаш;
- ишда яхши ижтимоий, психологик муіитни яратиш;
- ишчиларни хизмат поғоналаридан кўтарилиб борилишини таъминлаш;

Шундай килиб, «иш хақи» микдори «мехнат хақи» микдоридан («Ишчи кучини саклаш учун харажатлар») таркиби билан факланади

Мотивация деганда ишчининг фаолият учун ички дунёвий кизикишини тушуниш керак. Мотивация инсон эҳтиёжини оз мөхнати фаолияти оркали кондиришига интилишидир. Мехнат фаолияти оркали инсон ўзининг нафакат моддий эҳтиёжларини, ёамда ижтимоий эҳтиёжини ҳам кондиришига интилади (масалан, ўзини ҳимоя қилиш, дўстона муносабатлар бошқалар хурматига сазовар бўлиш, шон-шарафга эга бўлиш, нуфуз кабилар).

Иш хақи категориясини назарий ва амалий нуқтаи назардан номинал иш хақи ва реал иш хақига ажратиш зарур. Чунки иш хақининг реал микдорига инфляция, баҳо каби омиллар салбий таъсири кўрсатади. Улар натижасида номинал иш хақи - иш хақи пул ҳисобида ўзгармай турса, реал

иш ҳақи - олинган пулга сотиб олинадиган товарлар ва хизматлар мікдори камайиб боради. Шунинг учун ҳам жахон амалиётида иш ҳақини индексация килиш қўлтанилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат ҳақи ёки иш ҳақини талқин килганда, бизнинг фикримизча қуидаги назарий масалаларни эътиборга олиш зарур.

Иш ҳаки юридик шахс мақомига эга бўлган хўжалик субъектлари фаолияти билан боғлик бўлиб, у ёлланма ишчиларга тўланади. Якка тартибдаги ёки оиласий тадбиркорларда фаолият (иш) юритувчилар учун меҳнат натижаси қандай тўланади? Меҳнат натижаси иш ҳақи сифатида намоён бўладими ёки бошқачами, деган саволлар туғилади. Ушбу масала бўйича биз ўз фикр мулоҳазамизни билдиromoқчимиз.

Ушбу масалага назарий нуқтаи назардан ёндашсак бундай хўжалик субъектлари учун иш ҳақи катиғорияси мазмунан мос келмайди.

Улар учун меҳнат фаолияти натижасидан олинган даромад категориясини ишлатиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, якка тартибда ишлатётган тадбиркорнинг даромади, оиласининг иш фаолиятидан олган даромади. Ушбу даромадни назарий ва амалий жиҳатдан ёритишида уларни икки қисмга бўлиб қараш керак. Яъни, даромаднинг бир қисми шахсий истеъмол учун ишлатилади. Уни шахсий истеъмол фонди деб юритиш ва уларнинг иш ҳақига тенглаштириш мумкин.

Даромаднинг иккинчи қисми фаолиятни кенгайтириш ёки тикомиллаштириш учун мўлжалланган бўлиб, уни жамғариш фонди деб аташ мумкин.

Худди шундай шахсий томорқаларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда маҳсулотга тўлов сифатида уларни натурали маҳсулотлари хизмат килади. Бунда маҳсулотнинг бир қисми бозорга чиқарилиб қиймат шакли (пул)да намоён бўлиши, иккинчи қисми уруғлик фондини ташкил килади. Ёки маҳсулот оиласиди натурали шаклда

ишлиатилиб, бир қисми истеъмол фондини иккинчи қисми уруғлик фондини ташкил қиласди.

Булар ҳам меҳнат ҳаки (тўлови) билан иш ҳакини ўртасидаги фарқларни англатувчи белгилардан ҳисобланади.

Иш ҳакининг моҳияти ва аҳамияти уйнинг иқтисодий жараёнда бажараётган функцияларидан келиб чикади.

Иш ҳаки биринчидан, меҳнатни моддий рағбатлантириш функциясини бажаради. Бу функцияни иқтисодий деб ҳам айтиш мумкин. Бу функция иқтисодий деб юритилса иш ҳакини рағбатлантириш функциясига кенгроғ қараш зарур бўлади. Масалан: иш ҳакининг табақаланиши ҳамда аҳолининг даромади, ҳарид қобилияти, минимал эҳтиёж саватчасининг шаклланиши масалаларини киритиш мумкин. Ушбу функцияни бажариш орқали иш ҳаки меҳнат мотивациясини кўтарилишини таъминлайдиган омил сифатида хизмат қиласди;

иккинчидан, ишчи кучини тақрор ишлаб чиқариш функциясини бажаради. Иш ҳаки ҳақиқатда ишчи кучини (умуман инсониятни) тақрор ишлаб чиқариш учун моддий омил яратувчи восита сифатида хизмат қиласди; **учинчидан, ижтимоий функцияни бажаради.** Иш ҳаки аҳолининг нафака, моддий, балки ижтимоий эҳтиёжларини қондириш учун ҳам хизмат қиласди. У орқали ижтимоий ҳақиқатни таъминлаш мумкин, аҳолининг юқори хаёл даражаси, ишчилар ва улар оиласи хаётини сифати таъминланишига эришилади;

тўртничидан, хисоб китоб функциясини бажаради. Иш ҳаки орқали ишчининг меҳнат килиш қобилияти, куввати ҳисоб-китоб қилинади баҳоланади. Жамиятда фаолият кўрсатаётган ҳар хил тармок, соҳадаги ишчиларнинг меҳнат қобилиятини, уларнинг мураккаблиги ёки соддалигини солиштириш имконияти туғилади. Ишлаб чиқариш (иш, хизмат) жараённи жонли меҳнатнинг хиссасини аниқлаш имконини яратади. (масалан, това (иш, хизмат) баҳосида, таннархида, савдода муомала ҳаражатларида ва х.к.)

бешинчи функциясига тақсимотни киритиш зарур. Бу функция оркали иш ҳаки жамиятда яратилган биринчидан, миллий даромадни ахоли ўртасида, уларнинг меҳнатининг сон ва сифат жихатларидан келиб чиқиб пул ва натурал шаклда тақсимланишини; иккичидан, товар ва хизматларни реал иш ҳаки сифатида ахоли ўртасида тақсимланиши таъминланади; олтинчидан, иш ҳаки жамиятни бошқаришда давлат томонидан тартибга солиши воситаси сифатида ишлатилиди. Иш ҳаки товарлар ва хизматларни таркибининг асосий элементларидан бири. Қийматнинг классик формуласига эътибор берилса $c + v + m$ иш ҳаки товар ва хизматлар қийматининг иккинчи элементи « v » сифатида намоён бўлади.

Ушбулардан келиб чиқиб давлат «Минимал иш ҳаки»ни белгилаш оркали, баҳони, талаб ва таклифни тартибга солади, ҳамда инфляциянинг таъсирини чегаралайди; еттинчидан, иш ҳаки сиёсий функцияни ҳам бажаради, масалан иш ҳакини камайтириш ахоли томонидан норозичиликка, иш ташлашларга олиб келади, бу эса сиёсий мухитни бўзуб юборади. Шу сабабли иш ҳакининг даражасини, унинг ҳолатини нафақат иқтисодчилар, балки жамият ҳолатини ўрганувчи сиёсатчилар, давлат армадузалари, социологлар, психологлар ва бошка мутахасислар ҳам чукур ўрганиши зарур.

6.2 Иш ҳакини ташкил қилиш қоидалари.

Иш ҳакининг шаклланиши, ҳисоб китоби, белгиланиши жарабёнида бутун жаҳон амалиётида қабул қилинган, ишлатилаётган қоидалар мавжуд. Ушбу қоидаларга иш берувчи томонидан риоя қилиниши, давлат, жамият, касаба уюшма ташкилотлари ҳамда ҳар бир ишчи томонидан назорат қилиниши ва талаб қилиниши мукин.

Ушбу қоидаларга куйидагиларни киритиш мумкин:

- меҳнатни сифат ва сон жихатларини ҳисобга олиш, уни ишлаб чиқариш (хизмат) натижаларига қараб рағбатлантириш;

- иш ҳакини дифференциация килиш. Ушбу қоидда иш ҳақини ишчининг малакаси, меҳнатининг мураккаблиги ви соддалигига, аклий ва жисмоний меҳнатга, меҳнат шароитига меҳнатни нормаллаштириш каби ҳамда бошка омилларни хисобга олган ҳолда белгиланишини талаб қиласди;
- иш ҳаки ҳар қандай, хўжалик субъекти ходимларини ижтимоий химоясини таъминлаш керак;
- молдий рагбатлантириш шакллари, миқдори ракобатбардошликини таъминлаши керак;
- иш ҳаки давлат томонидан белгиланган минимал иш ҳаки миқдоридан кам бўлмаслиги керак;
- реал иш ҳақининг мунтазам ошириб боришни таъминлаш зарур Номинал иш ҳаки ўсиш даражаси инфляция даражасига нисбатан юкори бўлишини таъминлаши;
- меҳнат унумдорлигининг ўсиш даражаси ўртача иш ҳақиниң ўсиш даражасига нисбатан юкори бўлишини таъминлаши.

Иш ҳақини ташкил қилиш қоидаларини кўриб чиқишида биринчи оми сифатида давлатнинг ролини эътиборга олиш максадга мувофик. Давлат иш ҳаки тизимини қонуний нормалар орқали бошқаради, у иш ҳақини бошлангич, базис даражасини белгилайди. Унга минимал иш ҳаки миқдори минимал яшаш даражаси каби кўрсаткичларни киритиш мумкин. Буларда ташқари давлат иш куни давомийлигини, меҳнат таътили даврини ва уларг тўлов миқдорини белгилайди. Давлат ишчи ва иш берувчилар ўртасидаг низоларни суд орқали ҳал қилувчи арбитор бўлиб хисобланади.

Ўзбекистон Республикасида меҳнатнинг хукукий қонуций іужжат сифатида Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодекси хисобланади (Ушбу конун Ўзбекистон Республикасида 21 декабр 1995 йили тасдиқланган ва 1996 йил 1 апрелдан амалга тушган). Ушбу меҳнат кодексининг 16 моддасид меҳнаткашларнинг меҳнат хукуқлари, жумладан меҳнат мотивацияси восьиталари белгилаб қўйилган.

Улар каторига күйидагилар киради:

- меҳнат ҳақини қонун билан белгилаб күйилған минимал микдордан кам бўлмаган даражада олиш;
- тасдикланган меҳнат таътили ва уни ҳақини олиш; дам олиш ва байрам кунлари дам олиш;
- меҳнат шарт-шароити, унинг хавфсизлиги ва гигиенаси таъминланишига эга бўлиш;
- меҳнат фаолияти билан боғлиқ зааррларнинг қопланиши;
- қонун билан белгиланган ижтимоий имтиёзлардан фойдаланиш ва ҳ.к.

Иш берувчи ва ишловчининг ўртасидаги ижтимоий-меҳнат муносабатлари ва иш ҳаки масалалари хўжалик субъектларининг ичida тўзилган меҳнат шартномаси билан тартибга солинади. Ушбу шартномада меҳнат шароити, иш ҳаки, уй жой ва медицина таъминоти, кафиллар ва имтиёзлар кабилар ўз аксини топади. Шартномалар муддациз, бирон муддатга (беш йилга) ёки бирон ишни бажариш даврига тўзилади.

6.3.Иш ҳақининг шакллари, тизими ва ҳисоблаш усуллари.

Жаҳон амалиётида иш ҳақини ҳисоб китоб қилиш учун тан олинган иш ҳаки шакли ва тизими яратилган.

Иш ҳаки күйидаги икки шаклдан иборат:

- вақтбай иш ҳаки;
- ишбай иш ҳаки:

Иш ҳаки икки ҳил тизимда, яъни тарифли ва тарифсиз тизимда амал килади.


Вақтбай иш ҳаки оддий вақтбай (соат, кун, хафта, ой) ва вақтбай – мукофотли тизимларга бўлинади.

Ишбай иш ҳақи эса оддий (бевосита) ишбай, ишбай-мукофатли билвосита-ишбой, аккорд тизимларига бўлинади.

Юқоридагилар ҳаммаси таърифли тизимга киради.

Булардан ташқари тарифсиз тизим ҳам қўлланилади.

Иш ҳақи шакллари ва тизимларини куйидаги (6.3.1) чизмада ифода этамиз.



Иш хақини ташкиллаштириш хўжалик субъектларида куйидаги элементлар (кўрсаткичлар)ни ишлаб чиқиш (шакллантириш, хисоблаш, тасдиқлаш) билан амалга оширилади:

бирингчидан, меҳнатни нормаллаштириш;

иккинчидан, тариф тизимини аниқлаш;

учинчидан, иш хақини мукобил шакли ва тизимини танлаш;

тўртингчидан, иш хақи фондини шакллантириш;

бешинчидан, моддий рағбатлантириш турларини белгилаш.

Меҳнатни нормаллаштириш меҳнат сифатини ва умумий натижага индувидуал шахсларнинг хиссасини аниқлаш воситаси сифатида хизмат қиласи. Меҳнатнинг самарадорлигини ошириш ҳамда иш хақини оқилона белгилаш, уни ташкил қилиш учун илмий асосланган меҳнат нормаси ва нормотивларини ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга. Норма ва нормотивлар оркали меҳнат ва иш хақи кўрсаткичларини чукур тадқиқот қилиш, прогнозлаш ва режалаштириш осонлашди.

Бозор иқтисодиёти шароитида норма ва нормотивлар меҳнатни одилона, адолатли ва ва хаққона баҳолашни таъминлайди. Бу эса ўз вақтида корхона, ташкилот ва бошқаларда жамоанинг жипслashiшига, меҳнат унумдорлигини ва самарадорлигини оширишга олиб келади.

Умумий овқатланишда меҳнатни нормаллаштириш оркали сотиб олувчиларга хизмат кўрсатиш (масалан, бир сотувчи бирон даврда нечта сотиб олувчига хизмат қилиши) мумкинлиги нормасини, ошпазлар сотувчилар, буфетчилар, официантлар, раҳбарлар, мутахассислар ва ёрдамчи ходимларнинг рационал сонини ва бошка кўрсаткичларни аниқлаш мумкин.

Тариф тизими – норматив мажмуаси бўлиб, улар асосида иш хақини дифференциациялаш таъминланади. Иш хақини дифференциациялаш меҳнатнинг мураккаблиги, шарт – шароити, табиий – иқлимий шароити, меҳнатнинг интенсивлиги унинг тавсифини хисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Иш ҳақини ташкил килишнинг асосини тариф тизими ташкил қиласди. Биз юқорида келтирганимиздек Ўзбекистон Республикасида ҳам иш ҳақи тизими тарифли ва тарифсиз иш ҳақи тизимидан ташкил топади.

Тариф тизими куйидаги нормотив іужжатлардан таркиб топади:

I – Иш ва ишчилар касб ҳунарини тарифий- малакавий маълумотномаси ҳамда хизматчилар лавозимини малакавий маълумотномаси. Ушбу маълумотнома нормотив іужжат хисобланиб, ишчи ва ишчига, лавозимга қўйиладиган талабларнинг малакавий таснифини белгилайди. Унда ишчига ёки ишни бажариш учун зарур бўлган билим, кўникмалар ва ҳар хил касб, малакага таълукли ишлар туркуми тарифланади. Тарифий – малакавий маълумотнома ишчилар малакаси даражасини ва тариф разрядини белгилайди;

Тарифий-малакавий маълумотнома бажариладиган ишларнинг тўла тавсифини ва уни бажарадиганлар учун қўйидаги малакавий талабларни ўз ичига олади. Улар ишни баҳолашда ягона мезондан фойдаланишни ва ишнинг мураккаблигидан келиб чиқиб ишчиларга таълукли разряд белгилашни таъминлайди.

Хозирги даврда Ўзбекистонда 1985 йил тасдиқланган Ягона тариф – малака маълумотномаси (ЯТММ) ишлатилмоқда. Унда ишнинг тавсифи ва ишга қўйиладиган талаблар келтирилган. Маълумотномада ҳар бир касб – ҳунарга бериладиган малакавий разряд кўрсатилади.

ЯТММ – га ўхшаш «Хизматчилар лавозими малакавий маълумотномаси» (ХЛММ) мавжуд. Унда ҳар бир лавозимда бажарилиши лозим бўлган бурчлар ва мутахассиларга, хизматчиларга қўйиладиган малакавий талаблар келтирилади.

II - Тариф ставкаси, иш вақти ўлчов бирлигига тўланадиган иш ҳақи микдорининг пулдаги ифодаси.

Ишчиларга иш ҳақи тўлашда иш вақти ўлчов бирлигига(соат, кун, ой) ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат) учун тўланадиган иш ҳақи микдори белгиланади. Тариф ставкасини у ёки бу тўрини (соат, кун, ой) ишлатиш

корхонада фойдаланилаётган мөннат нормалари туридан боғлиқ бўлади

Хозирги кунда соатбай тариф ставкасини ишлатиш кўпроқ тарқалган Умумлаштириб айтганда ишчилар учун тариф ставкаси иш вакти ўлчои бирлигига бажариладиган оддий мөннатни («О» - разряд) учун тўланадига иш ҳакининг абсолют(пул ифодасида) микдорини белгилайди.

«О» - разряд тариф ставкаси давлат томонидан белгиланган минимал иш ҳаки микдоридан кам бўлмаслиги керак. Раҳбарлар, мутахассислар хизматчилик, ёрдамчи хизматчилик ва айрим нормаллаштириш мумкин бўлмаган ишларни бажарувчилар учун тариф ставкаси лавозим оқлади орқали белгиланади.

Тариф ставкага нисбатан рағбатлантириш тизими шакланади. Мукофотлар, кўшимчалар, устамалар, худудий коэффицентлар тариф ставкасига нисбатан фоиз ҳисобида белгиланади.

Бажариладиган иш хизмат разрядига қараб аниқланган, тариф ставкаларининг бир бирига нисбати тариф сеткасида ҳар бир разряд учун кўрсатиладиган тариф коэффицентларида ўз аксини топади. «О» разряд коэффицент бирга тенг. «О» разряддан бошлаб тариф сеткасида белгиланган максимал разрядгача тариф коэффиценти ортиб боради. (Тариф сеткасиги каралсин 6.3.1 жадвал).

III – Тариф сеткаси, иш ҳакини дифференциялашган микдорни белгилайди. Унда мөннат (иш, хизматлар)нинг хусусиятларидан келиб чиқиб ишчилар учун белгиланадиган разрядга қараб, тариф коэффицентлари орқали ойлик тариф ставкалари аниқланади. Тариф сеткасида иш ҳаки шкаласи ишлатилади, унда тариф разряди ва тариф коэффицентлари, тариф ставкаси ўз ифодасини топади.

Хозирги вактда Ўзбекистон Республикаси бюджетдан молиялаштирилайдиган корхона, ташкилот ва муассасалар ишли – хизматчилик учун иш ҳакини белгилашда Ягона тариф сеткаси (ЯЦ) асосида ҳисоб китоб килинади.

Ягона тариф сеткасида тариф разряди ва тариф коэффициентлари келтирилади.

Тариф разряди ишчининг малака даражаси, ишнинг мураккаблиги, реал (аниқ)ликлиги ва бажариладиган вазифанинг жавобгарлигини аниқлайди.

Тариф коэффициенти тариф ставкасини тариф разрядининг ортиб боришига нисбатан юкориланиш даражасини белгилайди, яъни «0» разрядга нисбатан юкори малакали иш, хизмат неча маротаба кўпроқ иш ҳаки олишини кўрсатади.

Тариф разряди ва тариф коэффициенти орқали тариф ставка миқдори куйидагича аниқланади:

$T_{ci} = T_0 \cdot K_i$; бу ерда:

T_{ci} – тариф ставкаси, i – разряддаги ишчи ёки ходим учун, сўмда;

T_0 – «0» разряддаги ишчи ёки хизматчи учун белгиланган тариф ставкаси, сўмда;

K_i – i - разряддаги ишчи ёки ходим учун белгиланган тариф коэффициенти.

ЯТС Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Иш ҳаки тўлашнинг ягона тариф ставкасини такомиллаштириш тўғрисида»ги 20 июнь 2000 йилги 280 – сонли қарори билан тасдиқланган. У 22 тариф разрядини ўз ичига олган бўлиб, тариф коэффициентлари орқали ҳар хил турдаги иш ва лавозим окладларини белгилаш учун хизмат киласи.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 12 октябрдаги ПФ – 3808 – сон фармонига мувофиқ бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим ставка(оклад)лари миқдори куйидагича белгиланган (6.3.1 - жадвал).

Давлат ва давлат акциядор корхоналари ЯЦ низомига риоя килишлари шарт.

Бюджет тизимиға қарамаган хұжалик субъектлари ўзлари иш ҳақи шаклини, тизимини, моддий рағбатлантириш міндерини, құшимча тұловлар кабиларни мустақил белгилайдилар. Давлат тариф ставкасы окладларини улар асос сифатида ишлатишлари мүмкін. Лекин, уларда үрнатылған минимал иш ҳақи давлат томонидан белгиланған даражадан кам бўлмаслиги керак.

Уларнинг міндерига мөхнат бозоридаги ракобат ва корхоналарнинг молиявий имкониятлари таъсир қиласы.

IV. Худудий коэффициентлар. Ушбу коэффициентлар ҳар хил табиий иқлимий шароитларда ишловчиларнинг ҳаёт даражасини дифиренциацияланишини таъминлайды ва иш ҳақига құшимча тұлов міндерини коэффициент ўлчов бирлигіда күрсатади.

V. Устамалар ва ҳар хил құшимча тұловлар. Булар тариф ставкасида ҳисобға олинмаган омилларни ҳисобға олиб, иш ҳақининг якка тартибланишини таъминлайды. Масалан, бажариладиган иш ёки лавозимнинг мұхимлиги; мөхнат стажининг доимийлиги; тил билиши; мөхнатга муносабати;

**Бюджет муассаса ва ташкилотлари ҳодимларининг лавозим ставка (оклад)лари
микдори**

Тариф разрядлари	Тариф коэффициентлари	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 16 ноябрдаги ПФ – 4152 сонли Фармони ва Вазирлар Махкамасининг 2009 йил 21 июннаги 206-сонли қарори асосидаги тариф коэффицентларига биноан 2009 йил 1 декабрдан кўлланилишига тариф ставкалари микдори. (сўм)	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 16 ноябрдаги ПФ-4152-сонли Фармонига асосан, компенсация тўловлари хисобга олинган тариф ставкалари 2009 йил 1 декабрдан (сўм)
1.	2	3	4
0	1.000	37680	X
1.	2.476	93296	X
2.	2.725	102678	X
3.	2.998	112965	135004
4.	3.297	124231	146206
5.	3.612	136100	158119
6.	3.941	148497	170532
7.	4.284	161421	183459
8.	4.640	174835	196855
9.	4.997	188287	210337
10.	5.362	202040	225168
11.	5.733	216019	240390
12.	6.115	230413	254772
13.	6.503	245033	269382
14.	6.893	259728	284116
15.	7.292	274763	299192
16.	7.697	290023	314436
17.	8.106	305434	329899
18.	8.522	321109	345527
19.	8.943	336972	361452
20.	9.371	353099	377561
21.	9.804	369415	393921
22.	10.240	385843	410360

Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарори билан айrim ҳодимларниг ўзи хисобга олинмаган холдаги ўринатилган кўшимча тўлов ёки устамалар микдори жадвалининг компенсация хисобга олинмаган холдаги ставкасидан (3- устундан) келиб чиқсан холда хисобланади.

кўшимча вазифага ёки ишда йўқ ишчини лавозимини бажариш; кечкурун дам олиш, байрам кунларида ишлаш кабилар учун тўловлар.

Уларнинг хусусиятларига қарасак, устама компенсация ролини ўйнайди, кўшимчалар эса рағбатлантириш хусусиятига эга.

Тариф тизими; юқорида келтирилгандек иш ҳақини хар хиз шаклларида фойдаланишни тақозо қиласди. иш ҳақи шаклларига батафсиз тўхталиб ўтамиз.

Вақтбай иш ҳақи.

Вақтбай иш ҳақи икки хил тизимдан иборат:

- оддий - вақтбай;
- вақтбай - мукофотли.

Оддий- вақтбай иш ҳақи шакли ишлатилганда иш ҳақи тариф ставкаси ёки лавозим оклади асосида ҳисобланади. Лавозим окладлари лавозим (штат) жадвалларида кўрсатилади. Лавозим оклади – тўла ишлаган ой учун белгиланган иш ҳақи миқдори. Ишчиларга иш ҳақи ҳисоблашда оддий- вақтбай шакли, соатбай ёки кунбай турлари ишлатилади. Бунда иш ҳақи миқдори соатбай (ёки кунбай) иш ҳақи ставкасини ҳақиқий ишлаган соатлар ёки кунлар сонига кўпайтириш йўли билан аниқланади. Унинг учун қуидаги формулани ишлатиш мумкин.

$$I_x \cdot C_{tc} \cdot t_i \quad \text{ёки} \quad I_x \cdot K_{tc} \cdot K_o \text{ бу ерда}$$

I_x – ишчининг ойлик иш ҳақи суммаси, сўмда;

C_{tc} – ишчига белгиланган бир соатли тариф ставкаси, сўмда;

t_i – ишчиларнинг бир ойда ишлаган вақти, соат;

K_o – бир ойда ишчининг ишлаган кунлари сони, кун;

K_{tc} – ишчига белгиланган бир кунлик тариф ставкаси (7 ёки 8 соат иш кунига белгиланган), сўмда.

Юқорида келтирилган шакл (оддий-вақтбай) асосан ёрдамчи ва хизмат қилувчи ходимлар учун қўлланилади.

Лавозим окладлари бошқарув, маъмурий хўжалик ходимлари, мутахисслинг ва меҳнат жараёни нормаллаштирилиб бўлмайдиган ёки асосли ҳисобга олишни иложи йўқ иш турларни бажарадиганлар учун қўлланилади.

Хизматчиларга иш ҳаки тўлаш ўзининг мазмуни жиҳатидан вактбай-мукофотлига яқин бўлиб, у асосида иш ҳақининг асосийси – лавозим оклади (одатда бир ойлик) ва ундан ташқари қўшимчалар ва мукофотлар тўланади.

Лавозим оклади ишбай жадвали асосида хизматчининг касбий малакаси, иш ҳажми, тавсифи ва бошқа омилиларга қараб белгиланади.

Вактбай-мукофотли иш ҳаки шакли ишлатилганда тариф ставка ёки лавозим оклади орқали аниқланган иш ҳақидан ташқари ишли ва хизматчиларга ҳар хил мукофотлар тўланади. Унинг учун корхона, хўжалик субъектлари маҳсус низом ишлаб чиқади.

Моддий рағбатлантириш микдори низомда ишли ва хизматчилар бажарган ишлар ва вазифаларни сон ва сифат кўрсаткичларига қараб фоизда ёки абсолют сўмда кўрсатилиши мумкин. Рағбатлантириш кўрсаткичлари ва микдори жамоа шартномаси ёки меҳнат шартномасида кўрсатилиши ёки раҳбар буйруги билан амалга оширилиши мумкин.

Моддий рағбатлантириш ҳар ойда, кварталда, йил натижаси бўйича ва айрим иш ёки вазифани бажарилиши натижаси бўйича амалга оширилади. Мукофот суммаси (M_c) куйидагича аниқланиши мумкин:

$$I_x (p + k \cdot n)$$

$M_c \cdot k$ -----; бу ерда:

100

p – режалаштирилган 100,0% бажарганийи учун рағбатлантириш микдори, %;

- к – режани ортиги билан бажарғанлыгыннинг ҳар бир фоизи учун моддий рағбатлантириш мөндөри, %;
- п – режанинг ортиги билан бажарылган даражаси, %.

Вақтбай иш ҳақи шакли күйидаги холларда күпроқ самара беради:

- ишчининг вазифаси техник-технологик жараёнларни қўзатиш ва назорат килиш билан боғлик бўлса. Савдода ва оммавий овқатланиш соҳасида улар қаторига савдо залидаги назоратчилар, маъмурлар киритилиши мумкин;
- фаолият жараёнида ишнинг сафати ва хизматни бажариш муддати муҳим аҳамиятга эга бўлса. Савдода ва оммавий овқатланиш соҳасида менежерлар, технологлар, мастер-товарлар, юкоридаги жараёнлар учун жавобгар шахслар киради;
- сон жиҳатдан натижани хисобга олиш қийин ёки имконияти бўлмаса. Булар қаторига раҳбарлар, мутахассислар, ва ёрдамчи ходимларни киритиш мумкин.

Ишбай иш ҳақи

Ишбай иш ҳақи меҳнат натижасини сон ва сифат жиҳатдан хисобкитоб қилиш имконияти бўлган ишчи ва хизматчилар учун кўлланилади. Бунда асосан бажарылган иш ёки хизмат ўлчов бирлигига нисбатан расценка ишлатилади. Масалан, 1000 сўмлик товар айланмасига, 100 порция ишлаб чиқарилган овқатлар сонига, хизмат кўрсатилган хўрандалар сонига ва ҳоказолар учун.

Ишбай иш ҳақи шакли иш ёки хизмат натижасини ошириб бориш асосий мақсад бўлганда ёки меҳнат натижаси ишчига ёки бригадага боғлик бўлганда ёки меҳнат натижасини аниқ хисоблаш имконияти бўлганда ишлатилса күпроқ самара беради.

Ишбай иш ҳаки тизимида ишлатиладиган усуллар 11.1.1 чизмада келтирилгандар.

Ишбай иш ҳаки шакли савдода ва оммавий овқатланиш соҳасида асосан сотувчилар, кассирлар, официантлар, ошпазлар ва буфетчилар учун ишлатилади.

Ишни ташкил қилиш шароитига караб ишбай иш ҳаки якка тартибда ва жамоавий (бригада) турларига бўлинади.

Бевосита ишбай иш ҳаки ҳакикий бажарилган иш, хизмат миқдорини белгиланган расценкага кўпайтириш йўли билан аникланади ва бу холда мукофотлар ишлатилмайди.

Масалан: а) якка тартибда расценка белгиланган бўлса

$I_x = \sum p_i \cdot q_i$ бу ерда:

p_i – i- иш ёки хизмат ўлчов бирлигига белгиланган расценка, сўм;

q_i – ишчи томонидан бажарилган i-иш ёки хизматнинг миқдори, сон бирлигига бир ойга.

б) жамоа (бригада) учун расценка белгиланган холда жамоа (бригада) бажарган иш ёки хизмат миқдори белгиланган расценкага боғлик бўлади. Ҳар бир ишчининг иш ҳаки уларнинг разрядлари ва бир ойда ишлаган иш вактига пропорционал таксимланади. Бунда бригадани иш ҳаки ($I_{x,6}$) қуидагига тенг бўлади:

$I_{x,6} = \sum p_{i,6} \cdot q_{i,6}$ бу ерда:

$p_{i,6}$ – бажарилган иш ёки хизмат ўлчов бирлигига белгиланган бригада расценкаси, сўм;

$q_{i,6}$ – бир ойла бригада бажарган иш ёки хизматнинг сон миқдори, сўм, дона ва ҳоказо.

Ишчининг иш ҳаки қуидагича ҳисобланади:

$\Pi_{i,1} \cdot t_i$

$I_{x,i} = \Pi_{i,1} \cdot t_i$; бу ерда:

$$\sum (Ц_i \cdot t_i)$$

тк)

$И_{x_i}$ – i - ишчининг бир ойлик иш ҳаки миқдори, сўм;

$T_{c,i}$ – i - ишчининг разряди бўйича белгиланган соатбай тариф ставкаси; t_i – ишчининг бир ойда ишлаган вақти, соат;

n – бригададаги ишчилар сони.

Иш ҳакининг ишбай-мукофотли шакли ишлатилганда белгиланган расценка бўйича асосий иш ҳаки юкоридагича хисобланади.

Ишбай-мукофотли иш ҳаки усули ишлатилганда мукофот суммаси вактбай-мукофотли иш ҳаки усулида ишлатилган формула орқали хисобланади.

Прогрессив ишбай иш ҳаки шакли ишлатилганда (бу шакл асосан ишлаб чиқариш тармоқларида кўпроқ кўлланилади) режа даражасида бажарилган иш учун иш ҳаки белгиланган расценкага караб хисобланади, режадан ортиқ бажарилган иш учун эса оширилган расценкага нисбатан хисобланади.

Билвосита ишбай иш ҳаки шакли асосан кўшимча ишларни бажарувчи ишлар учун ишлатилиади.

Аккорд иш ҳаки шакли бажариладиган ишнинг умумий ҳажмига белгиланади ва унда иш тез (белгиланган муддатга нисбатан) бажарилгани учун мукофот берини режалаштирилади. Бу шакл курилиш корхоналари ва автотранспортларда ишлатилади.

Хўжалик субъектлари учун мотивация мухитини яратиш мухим масалалардир. Шундай мотив ва рағбатлантириш усулларини яратиш керакки, раҳбардан тортиб, то оддий ишчигача ишларни бажариш улар учун ҳам қизиқарли, ҳам фойдали бўлсин. Бизнинг фикримизча мулкдор учун ҳам, ёлланма ишчи ҳам хўжалик субъектининг асосий максадини, («X» даражадаги фойда ёки даромад олиш бир томондан, «Y» даражадаги талаб

ёки эхтиёжни кондириш иккинчи томондан) бажариш умумий нукта бўлиб хисобланиши керак.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳаракатдаги кафолатланган тариф ставкалари ва лавозим окладлари ишчи ва ходимларнинг маошини хўжалик субъекти мақсади билан боғликлигини тўла ифода қилмайди.

Бозор иктисодиёти шароитида юкоридаги муаммони ҳал килиш учун иш ҳакининг прогрессив шаклларидан, моделларидан фойдаланишга ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Бунга ушбу масалада хўжалик субъектларининг мустакиллигини ошириш имконият яратмоқда. Бундай шаклга (моделга) тарифсиз тизимни киритиш мумкин. Бунда кафолатли тариф ставкалар лавозим окладлари, айрим устамалар ва қўшимчалар ишлатилмайди. Ушбу тизимда иш ҳаки фонди ёки жамоа томонидан ишлаган маошининг ҳажми улар ўртасида ишчи ходимнинг малакаси ва меҳнатининг сифатига караб тақсимланади. Бунда иш ҳакини индивидуллаштиришга эришилади. Ушбу шакл (модел) чет элларда (АҚШ, Япония, Франция) қисман тажриба шаклда Россия ва Ўзбекистон корхоналарида ишлатилмоқда.

Таърифсиз тизим асосида маошларни меҳнатнинг сифатига (малакаси, маҳорати, лавозими) караб унинг умумий фонддаги ҳиссаси ва мидори аникланади. Бунинг учун куйидаги иш ҳакини хисоб-китоб формуласи ишлатилади.

$$I_{xi} = \frac{K_i}{n} \cdot I_{x,\phi}$$

Бу ерда: I_{xi} – i – ишчининг иш ҳаки;

K_i – i – ишчининг иш ҳаки неча маротаба минимал иш ҳақидан юкорилигини кўрсатувчи коэффициент;

n – ишчиларнинг умумий сони.

Тарифсиз иш ҳаки тизими ишлатилганда алоҳида ишчининг иш ҳакини ҳисоблашда юкорилагидан ташқари алоҳида ишчининг меҳнатига иштирок этиш коэффицентини аниқлаши оркали ҳам, ишчининг иш ҳаки фондидаги хиссасини ва иш ҳакининг миқдори ҳисоб китоб килинади.

Хозирги вактда савдо ва омавий овқатланиш соҳасида иш ҳақининг тарифсиз тизимидан ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Бунда силжувчи окладлар, шартномавий (меҳнат шартномаси, жамоавий шартномаларда кўрсатилиши мумкин) ва комиссион усули кўлланилади.

Иш ҳақининг тарифсиз тизимида иш ҳаки фондини тақсимлаш коидаси ишлатилади. Яъни бригада ёки жамоа учун ажратилган иш ҳаки фонди ишчи ёки хизматчилар ўртасида уларнинг фаолият натижасига қўшган хиссасини (ишнинг мураккаблиги, ишчининг малакаси, жавобгарлиги даражаси, ишлаган вакти кабилар) ҳисобга олган ҳолда тақсимланади. Бунда хир хил коэффицентлар, баллар тизими (рейтинг) кабилар ишлатилиши мумкин.

Иш ҳақининг тарифсиз тизимининг максади иш ёки хизматни (корхона, хўжалик субъекти, ташкилот) пировардидаги натижани моддий рағбатлантиришга қаратилади. Ушбу натижага қараб иш ҳаки фонди режалаштирилади.

Иш ҳаки миқдори унинг учун ажратилган маблағ ҳажмига қараб аниқланади.

Албатта ишчига конуний іужжатларда белгиланган минимал иш ҳаки миқдорини тўлаш кафолатланиши зарур.

Иш ҳакини силжувчи окладлар тизими иш ёки хизмат ҳажми режаси бажарилганда бошка кўрсаткичлар (масалан: товар айланмаси таркиби, муомала (давр) харажатлари даражаси ва таркиби, даромад, фойда миқдори, рентабеллик даражаси, меҳнат унумдорлиги ва бошгалар) ўзгарса белгиланган (келишилган) иш ҳаки миқдори ўзгартирилиб борилади.

Ўзгарилиш миқдори кўрсаткичларни у ёки бу томонлама ўзгарилиши миқдорига караб коэффицентларда ёки фоизларда белгиланиши мумкин.

Комиссион иш ҳаки тизими сотувчиларга, савдо агентлари, диллерлар, реклама агентлари, товарлар билан таъминловчилар, овқатланиш зали маъмурлари, ташки иқтисодий алокалар билан шугулланувчилар, айрим мутахасислар, хизматчилар кабиларга қўлланилиши мумкин.

Комиссион иш ҳаки тизимининг кўп хиллари қўлланилади. Конкрет усули корхона, савдо, оммавий овқатланиш шаюбчаларининг максадига, муомаладаги товарларнинг хусусиятига, бозорнинг мухитига ва бошқа оминаларга боғлиқ бўлади.

Тарифсиз иш ҳакининг комиссион усули қўлланилганда иш ёки хизмат натижаси миқдорига комиссион фоиз (якка тартибдаги ёки жамоа, бригада) белгиланади ва у куйидагича аникланади:

$$Ix.b = \frac{TA \cdot K_{\phi,b}}{100} \text{ ёки } Ix.i = \frac{TA \cdot K_{\phi,i}}{100}$$

Бу ерда: ТА – бажарилган иш, хизмат миқдори ёки бошқа белгиланган кўрсаткич, бу ерда товар айланмаси суммаси келтирилган;

K_{ϕ} – «ТА» миқдорига белгиланган комиссион тўлов фоизи, % да - тегишлича «б» бригада, «i» алоҳида ишчи учун.

Корхона ёки хўжалик субъекти товар айланниш хажмини оширишга интилса, одатда товар айланниш хажмига нисбатан комиссион фоизи белгилананди.

Масалан, савдо шаюбчаси сотувчисига магазин директори томонидан товарлар айланниши хажмига нисбатан 10.0% комиссион тўлови белгиланган. Ой давомида товар айланмаси хажми 900000 сўмни ташкил қилган бўлса, сотувчини иш ҳаки 90000 сўмни ($900000 \times 10/100$) ташкил киласди.

Комиссион – ошиб борувчи (прогрессив) усул ишлатилганда иш ҳакини куйидагича аниклаш формаласини тавсия киласиз.

$$Ix.i = K_{m,p} + \frac{K_{mp} \cdot KTF}{100}$$

Бу ерда: $I_{x_1} - i$ – сотувчининг ойлик иш ҳақи;

К_{ихр} – режадаги комиссион тўлов суммаси;

КТФ – комиссион рағбатлантириш миқдори, % хисобида.

Бозор иқтисодиётiga ўтиш шароитида иш ҳақининг контракт (шартномавий) тизими кенг таркала бошланди. Умуман контракт (шартномавий) иш ҳақи тизими бутун жаҳонда кенг таркалган. Шуни эътиборга олиш керакки, бу тизим ишлатилганда аслида тариф сепкаси, тариф разрядлари, тариф коэффицентлари, тариф ставкалари ва моддий рағбатлантириш тизимларини ҳамда бошқа омилларни чукур таҳлил калиш асосида иш ҳақини контракт (шартномада) кўрсатилган миқдорда аникланади.

Бу албатда контракт (шартнома) миқдори иш берувчи ёки мулкдорнинг иш ҳақи учун ажратса оладиган маблаги хажми, уни имконияти чегарасида белгиланади.

Мехнат (жамоавий) контракт (шартнома) да иш ҳақи миқдори (вактбай ёки ишбай шакли кўрсатилиши мумкин) моддий рағбатлантириш ва жавобгарлик шарти, меҳнат шарт-шароити, ишчининг хукуки ва бурчи, контракт (шартнома) мулдати келишилади.

Иш ҳақининг тарифсиз тизими ишлатилишда:

- аниқ савдо ходимига қўйилган вазифа ва мақсадни;
- мақсадга эришиш даражасини белгиловчи кўрсаткичлар;
- мақсадга эришиш даражаси ва моддий рағбатлантириш миқдорини сон нисбатини аниқлаб олиш лозим бўлади.

6.4. Иш ҳақи фондининг таҳлили.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик субъектлари (корхона, ташкилот, муассаса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик)ни иш ҳақи

тўлаш соҳасидаги сиёсатига бир канча омиллар таъсир килади. Улар қаторига куйидагиларни киритиш лозим:

- бажариладиган иш хажми (савдода асосан товар айланмаси, оммавий овқатланишда маҳсулот ишлаб чиқариш, товар айланмаси, хизмат кўрсатилган ходимлар сони);
- хўжалик субъектларини молиявий ҳолати;
- минимал иш ҳаки миқдори;
- тариф ставкаларини ва тариф сеткасининг (разрядлар, тариф коэффициенти) ўзгариши;
- устамалар ва қўшимча тўловлар миқдорининг ўзгариши;
- корхоналар, хўжалик субъектларининг меҳнатини рагбатлантириш сиёсати;
- ишчи ходимларни сони, уларнинг малакаси ва қасбий маҳратининг ўзгариши;
- меҳнат бозори конъюнктураси;
- ракобат даражаси ва бошкалар.

Иш ҳакини тадқикот килишда унинг абсолют ва нисбий кўрсаткичлари, унга бевосита ва билвосита алоқадор кўрсаткичлар ишлатилади.

Ушбу кўрсаткичларга тўхталиб ўтамиш.

Иш ҳакининг абсолют кўрсаткичи сифатида иш ҳаки фондининг суммаси, унга бевосита таъсир килувчи тариф ставкалари, лавозим оқладлари, хўжалик субъектларининг иш хажми (савдо ва оммавий овқатланишда уларнинг товар айланмаси хажми) муомала харажатлари, даромад ва фойда суммаси кабиларни киритиш мумкин.

Иш ҳакининг нисбий кўрсаткичларга куйидагиларни киритиш мумкин:

- иш ҳакининг даражаси. Ушбу кўрсаткич бирон бир даврга (ой, квартал, йил) иш ҳаки фонди суммасини 100,0га кўпайтириб

тегишли соҳани, корхонанинг товар айланмаси хажмига бўлиш орқали аниқланади;

- ишчи ва ходимларнинг ўртacha ойлик иш ҳаки микдори. Бу кўrsatкич тегишли соҳада, корхонада, бирон давр давомида ишчи ва ходимларга тўланган, иш ҳакига киритиладиган барча пул ва натурал шаклдаги тўловлар ва ижтимоий нафақалар суммасини даврдаги ўртacha рўйхатдаги ходимлар сонига бўлиш орқали аниқланади;
- иш ҳакининг даромадлилигини, яъни бир сўм иш ҳакига канча даромад тўғри келишилиги. Бу кўrsatкич бирон бир даврда ходимлар фаолиятига тегишли бўлган даромадлар суммасини уларнинг иш ҳаки суммасига бўлиш билан хисобланади;
- иш ҳаки рентабеллиги. Уни аниқлаш учун бирон бир даврда ходимлар фаолиятига тегишли бўлган фойда суммасини 100,0 га кўпайтириб, иш ҳаки суммасига бўлинади. Ушбу кўrsatкич иш ҳаки бирлиги неча фойда келтираётганинг билдиради;
- иш ҳакининг муомала ҳаражатларидаги хиссаси. Ушбу кўrsatкич бирон бир даврга иш ҳаки суммасини муомал ҳаражатлари суммасига бўлиш ва 100,0 га кўпайтириш орқали аниқланади.
- устамалар ва кўшимчаларнинг иш ҳақидаги хиссаси, фоизда ёк коэффицентларда;
- иш ҳакининг бирон бир даврға (3,5,10 йил) ўртacha ўсиғ суръати. Ушбу кўrsatкичини оддий ўртacha геометрик формулас орқали аниқлаш мумкин, яъни

$$I_{\text{ср.с}} = \sqrt{I_{x,y,c}^1 \cdot I_{x,y,c}^2 \cdots I_{x,y,c}''}$$

Бу ерда: $I_{x,y,c}^{1,2,3,..}$ иш хақини бирон бир даврга ўртача ўсиш суръати

$I_{x,y,c}^{1,2,3,..}$ к иш хақини тегишли йилда ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати. Ушбу кўрсаткич конкрет олинган йилдаги иш хақини ундаи олдинги (ўтган) йил кўрсаткичига бўлиш ва 100,0га кўпайтириш оркали фоизда ёки индекс ўлчовида аниқланади, яъни

$$I_{x,y,c} = \frac{I_x^1}{I_x^0} * 100,0 \text{ ёки } \frac{I_x^1}{I_x^0}$$

Иш хақини ўртача ўсиш суръати ва тегишли индекслар алоҳида ходимларнинг ўртача иш хақи кўрсаткичи бўйича ҳам аниқланади. Тахлил жараённада статистик кўрсаткичлар ҳам аниқланиши мумкин.

- реал иш хақини индекси ($J_{p,x}$). Бу кўрсаткич куйидаги аниқланади:

бу ерда: $JI_{x,y,c}$ – иш хақини бирор бир даврга индекси;

J_p – истеъмол товарлари индекси тегишли даврга.

Иш хақи фонди таркиби ва ҳажмини аниқлашда статистик хисоботда иш хақига нималар киритилса, шулардан келиб чикиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси «Минмакроинвестстат» давлат департаментининг 1998 йил 26 октябр №33 сонли қарори билан тасдиқланган «Ёлланма ишчилар сони ва иш хақини статистикаси тўгрисида»ги йўрик хатида иш хақи тушунчасига барча киймат (пулда) ва натурал шаклда, молиялаштириш манбаларидан қатъий назар, тўланадиган маошлар ҳамда мукофотлар, қўшимчалар, устамалар, ижтимоий-имтиёзлар, ишчиларга пул шаклида тўланган, конунда белгиланган, ишламаган вактлари (таълим, дам олиш ва байрам кунлари) учун тўловлар киритилади.

Иш хақи статистик хисоботларда:

а) пул шаклида-барча пул шаклида түланган (хисоб-китоб қилингандай түлов іүжжатларига мос маошлар «брутто», яғни соликлар ва барча турдағы түловларни хисобға олган ҳолда;

б) натуран шаклда эса барча натуран түловларни бозор баҳосынан хисобға олган ҳолда күрсатилади.

Пул шаклидаги иш ҳақига:

I – Расценкалар, тариф ставкалари, лавозим окладлари (хұжалық субъектларда ишлатиладиган иш ҳақи шакли ва тизимидан келиб чиққа ҳолда) маошлар ва барча рағбатлантириш учун берилген пуллар суммасы киради.

II – Низомға асосан рағбатлантирувчи түловлар, яғни:

а) бир маротаба түланадиган мукофот, йил натижаси бүйічә берилгендайдырлар;

б) рағбатлантирувчи тавсифға зәғ, бирламчи іүжжатлардың күрсатилған мукофотлар;

в) устозлар (мураббийлар), касбий маҳорат учун тариф ставкасы ёнда лавозим окладына устамалар;

г) моддий ёрдам сифатида ҳар йилги таътилга күшімчалар;

д) күп йиллар хизматлари учун бериладиган түловлар (ижтимоғондардың түловларни хисобға олган ҳолда) киради.

III – Булардан ташқари иш режими ва шароитига караб үзінші копловчи (компенсация) тавсифига зәға бўлган, ҳамда ишламаган кунлар учун түловлар ҳам иш ҳақи таркибиға киритилади.

Натуран шаклдаги иш ҳақиларга берилган барча това маҳсулот ва бошқа кийматга зәға бўлган нарсалар ва улар учун бажарилған иш ёки хизматга түловлар киритилади (коммунал хизмати учун түлов, бепузовқатланиш, квартира түлови, транспорт түлови, үзидан қоладиган маҳсулар киймати, даволаниш, дам олиш йўлланмалари киймати, сурғурта ж.к.)

Ишчи кучини саклаш учун кетған ҳаражатларга (үй-жойни жорий таъминлаш, берилған мебеллар кийматы) капитал қурилишларидан ташқари; барча ижтимоий сүгүрталар (ижтимоий, нафака, медицина, бандлик ва бошқа бюджетдан ташқари фонллар); маҳсус тұловлар (мехнат билан таъминлашга, штатларнинг кискариши, нафакага чикишда бир марталик күшимчалар, болаларга 2 ёшгача караш учун, қасбий қасаллук ва бошқа иш жараёнида согликни йүкотиш билан бөглил зиёнлар учун тұловлар); қадрларни тайёрлаш үшін тайёрлаш; маданий оқартув ишлар ва бошқалар киритилади. Булар иш ҳақи таркибиға киритилмайды.

Иш ҳақи ва ишчи кучини саклаш учун ташкилот, корхона ва бошқа хұжалик субъектларининг ҳаражатлари ишчи кучига кетған ҳаражатлар қиймати деб хисобланади.

Юқорида келтирілған иш ҳақи фонди таркиби бүйіча иш ҳақи фонди ташкилот, корхона ва бошқа хұжалик субъектларининг иш ҳақи фонди хисоб-китоб килинади ва режалаштирилади. Иш ҳақи фондини таҳлил килишда кенг іктисодий ахборотлардан фойдаланиш зарур бўлади. Уларнинг манбалари бухгалтерия баланси, молиявий ва статистик хисоботлар, тезкор маъмумотлар ва бошқалар. Ушбу манбалардан товар айланмаси, ходимлар сони, муомала ҳаражатлари, иш ҳақи фонди, даромадлар ва фойда каби кўрсаткичлар олинади ва фойдаланилади.

Улар қаторига Давлат статистик хисоботларидан «Товарлар сотиши ва колдиклар тўғрисида» (3-савдо шакл); «Чакана товар айланмаси тўғрисида» (1-савдо шакл); «Савдо ташкилоти ҳаражатлари тўғрисида» (5-С (савдо) шакли); «Мехнат ҳисоби» (1-Т шакл); «Мехнат, ходимлар сони ва таркиби тўғрисидаги хисобот» (1-Т шакл); «Ишчи кучини саклаш ҳаражатлари қиймати тўғрисида» (1-Т шаклга илова); «Ходимлар сони ва таркиби тўғрисидаги хисобот» (1-Т(қадрлар) шакли); «Бухгалтерия баланси» (1-сонли шакл); «Молиявий натижалар тўғрисидаги хисобот» (2-сонли шакл) ва бошқалар.

Иш ҳаки фондини тахлил килиш күйидаги жараёнлар (босқичлар)дан иборат бўлади:

- маълумотларни тўгплаш (режалар, ҳакиқатда ва кутилаётган);
- маълумотларга ишлов бериш, яъни тартибга солиш, солиштирма юзага келтириш, жадвалларга жойлаштириш;
- иш ҳаки фондига тегишли кўрсаткичларни іисоблаш (мехнат унумдорлиги, І.ходимга тўғри келадиган иш ҳаки; иш ҳаки фондини товар айланмасига нисбати - %; иш ҳаки фондини муомала ҳаражатларига нисбати - %; даромадлар ёки фойдани иш ҳаки фондига нисбати - % ва бошқалар);
- тахлил қилиш жараёни;
- хулоса ва таклифларни ишлаб чиқиш.

Иш ҳаки фондини тахлил килишда ўртacha иш ҳакини аниқлаш катта аҳамият тутади. Чунки ушбу кўрсаткич бошқа ўртacha кўрсаткичлар билан солиширилиши (масалан: мехнат унумдорлиги) улар ҳолатига баҳо бериш, прогноз қилиш учун асос бўлиб хисобланади. Ишчиларнинг ўртacha иш ҳаки корхона бўйича умуман иш ҳаки фондидан тўланган (пул ва натурал шаклда) суммани ўртacha иш ҳаки ва бошқа ўртacha кўрсаткичларни аниқлаш учун ишлатиладиган ходимлар сонига бўлиш орқали аниқланади.

Тахлил жараёнида иш ҳакига тегишли бўлган кўрсаткичлар бўйича режанинг бажарилиши, уларни бир неча йилларга динамикаси ўрганилади ва иш ҳаки фондига таъсир килувчи омилларнинг таъсир қилиш даражаси (миқдори) аниқланади.

Тахлилни «Ишчи кучини саклаш учун тўловлар ва ҳаражатлар киймати» кўрсаткичи таркибини ўрганишдан бошлашни тавсия қиласиз.

Унинг учун қўйидаги жадвалдан фойдаланиш мақсадга мувофик бўлади (6.4.1 жадвал).

6.4.1 – жадвал

Ишчи кучини сақлаш учун тұловлар ва ҳаражатлар қийматининг таҳлили

Күреагындар	Үйчов бюджети	Үткән йил	Хисобот йили	Үзгәрши сурат, % ва Фарки (+, -)			
				3	4	5	6
Товар айланмасы ⁸	м с.						
Иш хаки фонды	м с.						
Сумма	м с.						
Товар айланмасына нисбатан	%						
Иш хаки							
Пул шакипшының иш хаки							
Сумма	м с.						
% да иш хакига нисбатан (3.1.1. · 100/2)	%						
Натурал шакипшының иш хаки							
Сумма	м с.						
% да иш хакига нисбатан (3.2.1. · 100/2)	%						
Иш хаки енисінде инобатта олинмайдын тұловлар үзгәршилдегі ҳаражатлар ⁹	м с.						
Ишчи кучини сақлаш учун кеткен тұловлар үзгәршилдегі ҳаражатлар (3 + 4)	м с.						
Ишчи кучинин сақлашында инобатта олинмайдын тұловлар үзгәршилдегі ҳаражатлар тархында							
Иш хаки фондан (2 · 100/5)	%						
Иш хаки енисінде инобатта олинмайдын тұловлар үзгәршилдегі ҳаражатлар (4 · 100/5)	%						
Рұйындағы ходимларнинг үйлек үртаса сони киши (үртаса министрлернің инобатта олинмайдын тұловлар үзгәршилдегі ҳаражатлар тархында)	киши						
1 ходимга түрги келдиган:							
Ишчи кучини сақлаш учун кеткен тұловлар үзгәршилдегі ҳаражатлар кинмати (5 · 7)	Сүм						
Иш хаки (2 · 7) жумладан:	Сүм						
Пул шакипшы (3 · 7)	Сүм						
Натурал шакипшы (3 · 2 · 7)	Сүм						
Иш хакинин енисінде инобатта олинмайдын тұловлар үзгәршилдегі ҳаражатлар кинмати (4 · 7)	Сүм						

⁸ К айсі соха тақдил ъылғынса ыңға соханыннан товар айланнаны озиннеді (чакана товар айланнаны, ултүржы товар айланнаны, оммавый оъявланнын тоқар айланнаны).

⁹ Уннинг таркибига лъйндайлар кирады:

- ходимларнинг уй жойи учун корхонаннан қаржатлары;
- иш халық фондиға барча ижтимоий сүргүртуда тұрлары бұйыча тұловлар (ижтимоий сүргүртада, нафыла тәмминоты, медицина сүргүртасы, бағдарлама бағында бюджеттандын ташшылары фондларға);
- корхона хисобидан (фондлардан ташшылар) махсус тұловлар (ижтимоий нағызшылар);
- кадрлардың тайсериалдан да зерттеуден тағы да тайсериалдан учун қаржатлар;
- маданий-олыарту шаштар, согызының салшылау бағында тадбирлар учун қаржатлар;
- ишчи кучини тәмминлаудын учун инициативадан башында тұловлар үзгәршилдегі ҳаражатлар;
- мекнат лъйматы таркибига кирадынан сөнисілар.

Иш ҳаки фондини таҳлил килишда корхона, ҳўжалик субъектлари; ташкилотлар, корпорациялар, бирлашмалар иш ҳаки фонди режасининг (ой, квартал, йил) бажарилишини ўзлуксиз ўрганиб бориши зарур, ўз имкониятларидан келиб чиқиб келгуси ой ёки квартал режаларига ўзгартиришлар (корректировка) киритиш ёки иш ҳаки сиёсатини такомиллаштириш чора тадбирларини амалга ошириб бориши лозим.

Бундай таҳлил албатта иш ҳаки фондига биз юкорида келтириб ўтган омилларнинг таъсир даражасини ўрганишда статистиканинг «Занжирли боғланиш» ва индекс усуллардан кенг фойдаланиш мумкин.

Масалан: Иш ҳаки фондига ишбай иш ҳаки шаклини қўлланилганда савдо шаюбчасининг чакана товар айланмаси (ЧТА) ҳажми, сотовчининг меҳнат унумдорлиги (M_y), уларнинг сони (X) ва ўртача иш ҳаки (\bar{Y}_x) микдори таъсир киласи.

Умуман олганда иш ҳаки фонди (I_y) тенг бўлади (1) $\bar{Y}_x * X$; бу ерда $X = \frac{\text{ЧТА}}{M_y}$ тенглигини хисобга олсак (2) $I_y = \bar{Y}_x \cdot \frac{\text{ЧТА}}{M_y}$ келиб чиқади. Ушбу учта омилнинг иш ҳаки микдорига таъсир даражаси «Занжирли боғланиш» усули орқали қўйидагича хисоб китоб килинади.

Хар хил вариантларда иш ҳаки фонди хисобланади ва тегишли омилнинг таъсир даражаси аникланади. Бу хисоб-китобларни куйидаги шартли маълумотлар асосида хисоб-китоб килиш мисолини кўриб чиқамиз.

6.4.1-жадвал.

Ишчилар сони, меҳнат унумдорлиги ва иш хақи фонди.

№	Кўрсаттичлар	Ўлчов бирлиги	Хисобот йили		Ўсни сурати (%)	Фарки (+,-)
			Режа «б»	Ҳақикатда «1»		
1	Чакана товар айланмаси	Минг сўм	45950	46841	101,3	+891
2	Ўргача рўйхатдаги ходимлар сони	Кипп	1486	1335	89,8	-151
3	Мехнат унумдорлиги	Минг сўм	30922	34862	112,7	+3940
4	Иш хақи фонди (барча ходимларнинг)	Минг сўм	1342	1269	94,6	-73
5	Ходимларнинг ўргача иш хақи (йиллик)	Минг сўм	903	951	105,3	+48

6.4.2 жадвал

Иш хақига таъсир қилган омиллар таъсирининг хисоб-китоби

№	Кўрсаттичлар	Хисоблаш формуласи	Хисоб-китоблар	
			ЧТА ¹ · И _х М _х ¹	ЧТА ⁰ · И _х М _х ⁰
1	Чакана товар айланмаси	$\frac{\text{ЧТА}^1 \cdot И_x}{M_x^1}$	$\frac{46841 \cdot 903}{30922}$	$1342 = 1359 - 1342 = 17 \text{ мин.с}$
2	Мехнат унумдорлиги	$\frac{\text{ЧТА}^1 \cdot И_x}{M_x^1}$	$\frac{46841 \cdot 903}{34862}$	$1205 = 1205 - 1359 = -154 \text{ мин.с}$
3	Ходимларнинг ўргача иш хақи	$\frac{\text{ЧТА}^1 \cdot И_x}{M_x^1}$	$1269 = 1205 + 64 \text{ мин.с}$	

6.4.1 жадвалда көлтирилгән маълумот бүйича иш хақи фонди режага нисбатан 73 млн. сўмга камайган.

Таҳлил натижаси бүйича ушбу камайиш чакана товар айланмасининг 891 мл.с ортиши натижасида 17 млн.сўмга кўпайган, меҳнат унумдорлигининг 3940 минг сўмга ортиши натижасида 154 млн. сўмга камайган, ўртача иш хақини 48 минг сўмга ўсиши натижасида 64,0 млн. сўмга ортган. Шундай килиб учала омил натижасида иш хақи фонди + 17 – 154 + 64 = +73 млн.сўмга ортган.

Агарда таҳлил вазифасида иш хақи фондига ходимлар сонининг таъсирини аниқлаш масаласи қўйилган бўлса иш хақи фондини юкорида көлтирилган биринчи формуласидан фойдаланиш мумкин. ($\bar{Y}_v \cdot X^0 - \bar{Y}_v \cdot X^1$). Бу холда ходимлар сонининг таъсири куйидагича аниқланади.

$\bar{Y}_v \cdot X^1 - \bar{Y}_v \cdot X^0$ – бизни мисолда $903 \cdot 1335 - 1342 = 1205 - 1342 = -137 \text{ млн.сўм}$ Ходимлар сонини 151 кишига камайиши иш хақи фондини -137 млн.сўмга камайтиришга олиб келган. Ушбу хол чакана товар айланмаси ва меҳнат унумдорлигининг ўзгариши таъсири остида вужудга келган.

Ўртача иш хақини ўзгариши натижасида юкоридаги 6.4.2. жадвал маълумотидан иш хақи фонди +64 млн.сўмга ортган. Умуман бу икки омил натижаси ҳам + 73 млн.сўмни ташкил килади.

Иш хақини таҳлил килишда унинг суммасини, даражаси ва муомала (давр) ҳаражатлари таркибининг ўзгаришини ўрганиш зарур. Бундай таҳлил учун куйидаги жадвалдан (6.4.3) фойдаланиш мумкин.

Иш хақини ўзгариш суръатларини меҳнат унумдорлигининг ўзгариш суръатлари билан бир неча йилларга таққослама таҳлил килиш амалий ва назарий ахамиятга эга. Чунки жамиятда жамғаришни таъминлаш учун меҳнат унумдорлиги иш хақига нисбатан тезрок суратларда ўсиб бориши зарур. Бундай жараённи алоҳида хўжалик субъектидан тортиб, соҳа, тармок ва жамият миқёсида таъминлашга эришиш лозим.

6.4.3. - жадвал

Иш хаки суммаси, даражасининг ва муомала харажатларидаги
хиссасининг ўзгариш суръати

№	Кўрсаттичлар	Улнов бирлиги	Ўтган йиллар	Хисобот йили	Режага нисбатан ўзгариши суръати (%)	Хисобот йили ўтган йилларга нисбатан %, фарки (+,-)	1 2 3 4	Хаки-режа		1 2 3 4
1	Товар айланмаси	м.с								
2	Муомала харажатлари:									
	2.1. сўмда	м.с								
	2.2. даражаси									
	$(\frac{2 \cdot 1 \cdot 100}{1})$	%								
3	Иш хаки фонди.									
	3.1. сўмда.	м.с								
	3.2. даражаси.									
	$(\frac{3 \cdot 1 \cdot 100}{1})$	%								
	3.3. Муомала (лавр) харажатлардаги хиссаси.									
	$(\frac{2 \cdot 1 \cdot 100}{2 \cdot 1})$	%								

Ушбу тахлилни амалга ошириш учун қуидаги жадвалдан (6.4.3.) фойдаланиш мүмкін.

6.4.3 жадвал.

Иш ҳаки ва меңнат унимдорлигини ўзгариш суръатлари.

№	Күрсатгичлар	Үлчов билигі	Йиллар (x)					
			X ₁	X ₂	X ₃	X ₄	X ₅	X ₆
1	2 Товар айтапмасы:	3	4	5	6	7	8	9
	1.1. суммасы.	М.С						
	1.2. ўзгариш сураты:							
	1.2.1. базис йилге нисбатан.	%						
	1.2.2. ўтган йилге нисбатан.	%						
2	Иш ҳаки фонди							
	2.1. суммасы	М.С						
	2.2. ўзгариш сураты:							
	2.2.1. базис йилге нисбатан.	%						
	2.2.2. ўтган йилге нисбатан.	%						
3	Үртача иш ҳаки ва бошка ўртача микдорларни хисоблаш учун қабул килинадиган ходимлар сони.	Кишин						
4	Үртача иш ҳаки:							
	4.1. суммасы	СҮМ						
	4.2. ўзгариш суратлари:							
	4.2.1. базис йилге нисбатан.	%						
	4.2.2. ўтган йилге нисбатан.	%						
5	Меңнат унимдорлиги							
	5.1. суммасы.							
	5.2. ўзгариш сурати	М.С						
	5.2.1. базис йилге нисбатан.	%						
	5.2.2. ўтган йилге нисбатан.	%						

6.5 Иш ҳаки фондини режалаштириш.

Иш ҳакини режалаштириш масаласи Ўзбекистон Республикаси корхоналари, хўжалик субъектларида қўлланилаётган одатдаги иш ҳаки тизимидан келиб чиқсан холда кўриб чикамиз.

Бозор иктисодиёти шароитида хўжалик субъектлари иш ҳакини мустакил ташкил килиш хукукига эга бўлиб, унинг шакл ва моделларини ўzlари танлаши мумкин. Лекин бу деганимиз улар абсолют эркин, ўз хохиши билан иш ҳакини ташкил килишининг барча жиҳатларини ҳал қиласди деган гап эмас. Иш ҳакининг минимал микдори, тариф сеткаси устамалар ва айрим қўшимчалар давлат томонидан қонуний хужжатларда белгилаб қўйилади. Ҳар қандай шароитда иш ҳаки микдори иш ҳаки нормасига, яъни ишчи кучи қийматининг зарурий кисми (ишчига мулкдор ёки давлат томонидан тўландаган), меҳнат бозорида унга талаб ва таклифдан келиб чиқадиган қийматига teng бўлиши керак.

Норма – бу қонуний тусга эга бўлган, тан олинган тартиб, тасдиқланган меъёр ва ўртacha кўrsatgichdir.

Иш ҳаки нормасининг хусусияти, шундаки, унда жамият, жамоа ва шахснинг иктисодий манфаатлари келиширилган холда иктисодий фаолиятни максадли топшириклари, шарт-шароитлари, восита ва усуслари кўrsatgichlar оркали нормалаштирилади. Ушбу нормалар албатта қонуний хужжатларда ўз аксини топиши ва уни бўзилганлиги учун хукукий жавобгарлиги санкцияларда белгилаб қўйилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси меҳнат кодексининг 155 моддасида «Муайян давр учун белгиланган меҳнат нормасини ва меҳнат вазифаларни тўлик бажарган ходимнинг айрим меҳнат ҳаки микдоридан оз бўлиши мумкин эмас» - деб таъкидлаган.

Минимал иш ҳаки микдори (МИХМ) Ўзбекистон Республикасида Президент фармони билан тасдиқланади ва уни бажариш барча давлат ва нодавлат ташкилотлар, хўжалик субъектлари учун мажбурий хисобланади.

МИХМ таркибига устамалар, кўшимчалар, моддий рағбатлантириш, норма ва иш вактидан четга чиккан ҳолда бажарилган ишлар учун оширилган микдорда тўланган ҳаклар, бошка компенсацион тўловлар, шунингдек район коэффициентлари кирмайди.

Чет амалиёти ва умуман назарий нуқтаи назардан минимал иш ҳаки микдори меҳнатга лаёкатли шахснинг минимал яшаш даражаси ёки ахолининг минимал истеъмол саватчаси микдоридан кам бўймаслиги керак.

МИХМ давлат томонидан иш ҳакини индексация килиш шакли сифатида хам ишлатилади.

Хўжалик субъектларида, жумладан савдо соҳаси ва оммавий овқатланиш корхоналари ва шаюбчаларида иш ҳаки фондини режалаштиришда нормотив, техник-итисодий хисоб китоблар, статистик-тажрибий, индекс, коэффициентлар каби усууллардан фойдаланилади. Бунда албатта ишлатилаётган таърф тизими ва иш ҳаки шакллари асос бўлиб хисобланади.

Иш ҳаки фондини режалаштиришда умумий овқатланиш соҳаси корхоналари ва шаюбчаларида чакана товар айланмасининг умумий ҳажми ва товарлар ассортиментлари бўйича режаси, режалаштирилган ишчи ходимлар сони (ишчи ходимлар малакаси, бажариладиган ишлар турлари бўйича гурухлари), мумий овқатланиш шаҳобчалари типлари, таъриф ставкаси, лавозим окладлари, таъриф разряди ва коэффициентлари, корхонанинг молиявий имкониятлари кабилар ишлатилади.

Иш ҳакини фондини таҳлил қилганда ва режалаштиришда иш ҳакини асосий ва қўшимча кисмларга бўлинишини хисобга олиш лозим. Иш ҳакининг асосий кисми маошнинг таъриф ставкалар (лавозим окладлари, расценкалар) ва мукофотлардан ташкил топади. Унинг қўшимча кисмига хар хил устамалар ва қўшимча ҳаклар киритилади.

Иш ҳакини режалаштиришда кўлланилаётган иш ҳаки шаклига ва тизимига қараб ишчи ва ходимлар алоҳида гурухларга табакалаштирилиши лозим. Иш ҳаки хар бир гурӯх учун алоҳида хисобланади.

Таъриф ставкалари (лавозим окладлари) олуучи ходимларни иш хақи фонди куйидагича хисобланади.

$$I_{\text{ифмс}} = \sum_{i=1}^n X_{m,i} \cdot D \cdot T_{ci}$$

$I_{\text{ифмс}}$ - таъриф ставкаси оладиган ходимлар асосий иш хақи фонди;

$X_{m,i}$ - бир хил таъриф ставкаси оладиган ходимлар сони;

D - режалаштирилган давр учун ойлар сони;

T_{ci} - ходимнинг ойлик таъриф ставкаси;

“ - ушбу гурӯҳдаги ходимлар сони.

Ушбу ҳолда иш хақи фондини ишчи ходимларнинг касаллиги туфайли ишга чиқмаган кунлари учун иш хақи миқдори камайтиришни назарда тутиш зарур. Унинг миқдори ўтган йиллар таҳлилини (камида 3 йил) натижасига қараб $I_{\text{ифмс}}$ - га нисбатан фоизда ва қейин суммаси аниқланади. Бунинг учун куйидаги формуладан фойдаланиши тавсия киламиз.

$$I_{\text{хк}} = \frac{D_{\text{хк}}}{D_a} \cdot I_{\text{ифмс}}$$

$I_{\text{хк}}$ - ишчиларни касаллик кунлари учун иш хақи миқдори, сўмда;

$D_{\text{хк}}$ - ишчиларни касал бўлган кунлари;

D_a - йиллик иш кунлари;

Товар айланиш суммасига (1000,0 сўм) нисбатан расценка ишлатилаётган савдо шаюбчаларида сотувчиларнинг иш хақи фонди куйидагича аниқланиши мумкин:

$$I_{\text{ифмт}} = \sum_{i=1}^n \frac{ЧД_i \cdot T_{pi}}{1000}; \text{ бу ерда;}$$

$ЧД_i$ - і товар гурӯҳ (ассортименти, тури) учун режалаштирилган чакана товар айланиш ҳажми;

T_{pi} - і товар гурӯҳ (ассортимент тури) учун белгиланган 1000 сўмига расценка.

Моддий рағбатлантириш суммаси M_p харакатдаги рағбаилантириш низоми ёки жамоавий шартномада белгиланган күрсаткичлар ва ишчөнходимларни лавозимларга караб, таъриф ставкалари (лавозим окладлари) генисбатан аниқланади.

Устамалар (Y) ва қўшимча тўловлар (K_m) уларни қўшимча жамоавий шартномада корхонани уставида ёки маҳсус низом (агар мавжуд бўлса) белгиланган миқдор асосида хисобланади.

Йиллик меҳнат таътили ($\dot{I}_{m,m}$) миқдорини куйидагича аниқлашина тавсия киламиз.

$$\dot{I}_{m,m} = \sum_{i=1}^n \left(\frac{D_{m,i}}{D_n} \cdot I_{x,i} \right); \text{ бу ерда:}$$

$D_{m,i}$ - і ишчининг йиллик таътил куни;

D_n - йиллик ишчи кунлар;

$I_{x,i}$ - і ишчининг режалаштирилган йилага асосий иш ҳаки суммаси.

Корхона, ташкилот ёки бошқа хўжалик субъектларининг умумий иш ҳаки фонди ($I_{x,v}$) куйидагича аниқланиши мумкин:

$$I_{x,v} = (I_{x,p,m,c} - I_{x,K}) + I_{x,p,m,c} + \sum_{i=1}^n (M_{p,i}) + \sum_{i=1}^n Y_i + \sum_{i=1}^n K_{m,i} + \dot{I}_{m,m}$$

Иш ҳаки фондини статистик-тажрибавий усулни кўллаш орқали хам аниқлаш мумкин. Бунда иш ҳаки фондини ўтган 3 ёки 5 йил даврга тахлиси килиб, уни ўзгариш тенденцияларини аниклаб, режалаштирилган йилга иш ҳакига таъсир килувчи омилларнинг ўзгариш тенденцияларини (индекслар ёки эластиклик коэффициентлари орқали) хисобга олиб аниқлаш мумкин.

Иш ҳаки фондини ўзгариш миқдорини меҳнат унумдорлиги тенденцияси билан солиштириб, улар ўртасидаги пропорционалликни таъминлаш зарар бўлади.

Таянч иборалар: Мехнат ҳаки, иш ҳаки, ишчи кучи киймати, таъриф тизими, таъриф ставкаси, лавозим оклади, таъриф разрияди, таъриф коэффициенти, мотив, вактбай иш ҳаки, ишбай иш ҳаки, таърифсиз тизим.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Иш ҳакининг мазмунини ёритинг?
2. Мехнат ҳакини иш ҳакидан фарқини тушунтириңг?
3. Ишчи кучини саклаш учун тўлов ва харажатларга нималар киради?
4. Мехнат ҳаки ижтимоий пакетига нималар киради?
5. Иш ҳаки тизими моҳияти ва аҳамияти.
6. Иш ҳакини ташкил қилиш қойдалари.
7. Иш ҳаки шакллари.
8. Мехнат мотивацияси деганда нимани тушунасиз ва у қандай воситалар оркали амалга оширилади?
9. Таърифсиз тизимнинг авзаликлари қандай номоён бўлади?
10. Прогрессив иш ҳаки тизимини тавсифлаб беринг.
11. Вактбай – мукофотли иш ҳаки шакли ишбай – мукофотли иш ҳаки шаклдан нима билан фарқланади ва улар қандай ҳолларда ишлатилади?
12. Иш ҳаки фондининг таҳлили нимадан бошланади ва қандай кўрсатгичлар ишлатилади?
13. Иш ҳаки фонди қандай режалаштирилади?

- 7- Умумий овқатланиш корхоналари даромадлари маъруза.**
- 7.1. Умумий овқатланиш корхоналари даромадларининг табиати, моҳияти ва турлари
- 7.2 Умумий овқатланиш корхоналари даромадлари таҳлили
- 7.3 Умумий овқатланиш корхоналари даромадларини режалаштириш ва прогнозлаш

Умумий овқатланиш корхоналари даромадларининг табиати, моҳияти ва турлари

Умумий овқатланишда даромадлар махсулот ишлаб чиқариш, уларни сотиш ва истеъмол қилинишини ташкил қилиш ҳамда сотиш учун сотиб олинган товарларни айрибошлиш ва бошқа фаолиятларга боғлик.

Умумий овқатланишда даромад улар фаолиятининг баҳоси яъни улар фаолиятида сарфланган ижтимоий зарурий меҳнатнинг (меҳнат воситалари ва ишчи кучи харажатлари) киймати ва қўшимча кийматнинг пулдаги ифодасини англатади. Назарий жиҳатдан у «с + v+ m» -га teng. Бу ерда «с + v» жонли ва жонсиз меҳнат сарфларини, яъни умумий овқатланиш харажатларини англатса, «m» - уларни соғ фойдасини миқдорини англатади.

Умумий овқатланишда ишлаб чиқаришдан фарқли, барча харажатлари даромад (уларни устамалари) хисобидан копланади, яъни улар товарлар киймати таркибида акс топади, ишлаб чиқаришда эса, харажатлар таннарҳ таркибига киради ва у махсулот (иш, хизмат)ни сотишдан олинган соғ тушум хисобидан копланади. Умумий овқатланишда фаолияти киймати (с + v + m), уларнинг даромадида ўз аксини топади. Ушбулар нуктаи назаридан, бизларнинг фикримизча, Умумий овқатланишда ҳам савдодаги каби «даромад»ни, улар фаолиятида яратилган кийматнинг пулдаги ифодаси сифатида, яъни улар фаолиятининг баҳоси сифатида қаралиш иқтисодий назария нуктаи назаридан ҳакиқатга яқин бўлади.

Умумий овқатланиш корхоналари (шаҳобчалари)нинг даромади – бу улар фаолияти натижасида яратилган қийматнинг пулдаги ифодасидир ва у умумий овқатланиш соҳаси фаолиятининг баҳоси сифатида намоён бўлади.

Даромаднинг иктисолий йўналтирилиш моҳияти бўйича барча харажатлар, соликлар, тўловларни ва фойдани таъминлашдир.

Ушбу соҳада сотишдан олингандаромадлар улар томонидан ўз маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун сотиб олингандаромадларга ҳамда сотиладиган товарларни сотиб олингандаромадларга кўйиладиган устамалар миқдорида ўз аксини топади.

Умумий овқатланиш соҳасида савдо соҳасига ўхшаш даромадларни асосий қисми тегишлича ўз маҳсулотларини ва сотиш учун сотиб олиган товарларни сотишдан шаклланади.

Бухгалтерия ва статистик ҳисоботларда Умумий овқатланиш корхона (шахобча)ларининг даромадлари куйидагича шаклланади.

«Маҳсулот (иш хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларини шакллантириш тартиби тўғрисида Низом» да (5 феврал 1999 йил 54 – сонли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси карори) хўжалик субъектлари, жумладан Умумий овқатланиш корхоналари даромадларининг турлари ва аниқлаш усуслари келтирилган.

Назарий жиҳатдан Умумий овқатланиш корхоналарини ўз маҳсулотларини ва сотиш учун сотиб олингандаромадлар сотишдан олингандаромади уларни харажатларини коплаш ва фойда олиш манбаи бўлиб, у бир томондан Умумий овқатланиш соҳасининг ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни қийматидаги, иккинчи томондан, сотиш учун сотиб олингандаромади истеъмол товарлар баҳосидаги хиссасининг миқдорини англатади. Бундан келиб чиқиб, овқатланиш соҳасининг сотишдан олингандаромади овқатланиш соҳаси хизматларини қийматини пулдаги ифодасидир. Ушбу таъриф маҳсулотлар ва товарларни сотишдан олган даромадни моҳиятини очиб беради.

Умумий овқатланиш корхона (шахобча)лари ўз маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш тармоқларидағи каби янги кийім яратади. Ушбу нүктән назардан Умумий овқатланиш соҳасыда ишлаб чиқариш тармоқларыда товар кийматини яратилиши ва улар баҳосы шаклланишига мөс келади. Шу сабабли уларда хам «стандрах» ва «фойдада» каби күрсаткышлар ишлатилиши мүмкін. Лекин Умумий овқатланиш даромалларнинг шаклланиши ва аниклаш усуулари савдонике мослаштирилган.

Умумий овқатланишда маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан хам товарларни ишлаб чиқаришдан то истемолчиларга етказиш билан бөглөнген қаржатларни тұлаш товарларни чакана баҳоси (устамала хисобидан амалға оширилади.


Умумий овқатланишда устамалар (хом ашё ва товарлар учун) товарлар чакана баҳоси билан товарларни сотиб олиш (чакана ва улгуржи савдода дехкон бозорларидан, ишлаб чиқаришдан ёки бошқа воситачилардан) баҳосынан тұтасидаги фарқи сифатида аникланади.

Умумий овқатланиш корхоналарининг даромадлари юкори көлтирилган Низом бүйіча қуидагилардан таркиб топади:

1. сотишдан олинган даромад. Умумий овқатланишниң «Товарларни сотишдан олған ялпи даромади» сотишдан олинадиган соғ түшүмдан сотилған товарларни ҳар кийматини чегириб ташлаш оркалы аникланади;
2. асосий фаолияттан олинган бошқа даромадлар;
3. асосий бўлмаган фаолиятдан олинган даромадлар. Улар каторига молиявий фаолиятдан олинган даромадлар 1 фавқулотдаги даромадлар киради.

Умумий овқатланиш корхона(шахобча)лари даромадининг таркиби турлари 7.1.1. чизмада көлтирилган.

Умумий овқатланиш корхона (шаҳобча)ларининг даромадлари турлари.



Умумий овқатланиш корхона (шаҳобча)ларидаги 7.1.1 чизмадан кўриниб турибдики савдодагидан факат «товарларни сотишдан олинган даромад»ни шаклланиши билан фарқланади.

Даромадлар микдори абсолют-сўмда ва нисбий кўрсаткичларда хисоб-китоб килинади. Даромадлар кўрсаткичларини уларни шаклланиш манбаларидан келиб чиқиб куйидагича аниқлашни тавсия киламиз:

- о товарларни сотишдан олинган даромадларни Умумий овқатланиш корхона (шаҳобча)ларининг умумий товар айланмасига (чакана+улгуржи) нисбатан, фоизда ёки коэффициентда;
- о ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотишдан олинган даромадларни, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулатларни сотиш бўйича умумий товар айланмаси (чакана+улгуржи)га нисбатан фоиз ёки коэффициентда;
- о сотиш учун сотиб олинган товарларни сотишдан олинган даромадларни сотиб олинган товарларни сотиш товар айланмасига нисбатан фоиз ёки коэффициентда;
- о товарларни сотишдан олинган даромадларга муомала харажатларни нисбати фоизда ёки коэффициентда; ёки ушбу кўрсактичнинг тескариси;
- о ялпи даромадни барча активларга нисбати, фоизда ёки коэффициентда;
- о ялпи даромадларни амортизация суммаси, айланма маблағлар ва молиявий ресурсларга нисбати, фоизда ёки коэффициентда;
- о молиявий фаолиятдан олинган даромадларни молиявий ресурсларга нисбати, фоизда ёки коэффициентда.

Бундан ташкири даромадларнинг таркиби хар бир элементининг уларга тегишли, уларни шакллантирадиган кўрсаткичларга ёки манбасига нисбатан тегишли кўрсаткичлар аниқланиш ҳам максадга мувофикдир.

7.2. Умумий овқатланиши корхоналари даромадлари таҳлили.

Умумий овқатланишда даромадлар таҳлилиниң вазифаси ялпи даромад, унинг таркибий турлари бўйича режанинг бажарилиши, уларни динамикасини (ўзгариш) тенденциялари, таркибий силжишлар ҳамда уларга таъсир килган омилларни таъсир даражасини аниклаш асосида корхонани молиявий-хўжалик фаолияти натижасига баҳо бериш бўлиб хисобланади.

Даромадларни таҳлил килишда бухгалтерия, молиявий, статистик хисоботлар ва танлаб кўзатиш, эксперт баҳолаш натижалари каби маълумотлар ишлатилади.

Хисоботларга кўйидагиларни киритиш лозим:

- бухгалтерия баланси - I-сонли шакл;
- молиявий натижалар тўғрисидаги хисобот 2-сонли шакл;
- пул оқимлари тўғрисидаги хисобот;
- фойда ва заарлар тўғрисидаги хисобот – 9-шакл;
- корхона харажатлари тўғрисидаги хисобот – 5-С (савдо) шакли;
- улгуржи ва чакана товар айланмаси тўғрисидаги хисобот – 1-савдо шакли;
- товарлар сотиш ва қолдик тўғрисидаги хисобот – 3-савдо шакли;

Булардан ташкири бухгалтериядаги товар гурухлари бўйича савдо устамалари тўғрисидаги маълумотлар ишлатилади.

Даромадлар миқдори абсолют – сўмда ва нисбий кўрсаткичларда хисоб-китоб килинади. Унинг нисбий кўрсаткичларига кўйидагиларни киритишни тавсия қиласиз:

- сотишдан олинган даромадларни товар айланмасига нисбатан, фоизда ёки коэффициентда;
- сотишдан олинган даромадларга муомала харажатларини нисбати, фоизда ёки коэффициентда;

- ялпи даромадларини барча активларга нисбати, фоизда ёки коэффициентда;
- ялпи даромадларни асосий фондларга; айланма мабалағларға молиявий ресурсларга нисбати, фоизда ёки коэффициентда;
- молиявий фаолиятдан олинган даромадларни молиявий ресурсларга нисбати, фоизда ёки коэффициентда.

Бундан ташкари даромадларни таркиби ҳар бир элементини улар тегишли, уларни шакллантирадиган кўрсактличларга ёки манбасига нисбата тегишли кўрсактличлар аникланиши ҳам мақсадга мувофиқдир.

Даромадларни таҳлил килишда ялпи даромадга, унинг таркиби кисми сотишдан олинган даромадлар, асосий фаолиятдан олинган бош даромадлар, молиявий фаолиятдан олинган даромадларга савдонин иктисодий фаолиятидан келиб чиқадиган омиллар таъсирини ўрганиш катта аҳамият тутади.

Даромадларнинг ҳажмига, унинг турларига мос равишда бир неч омиллар таъсир килади.

Товарларни сотишдан олинган даромадларга куйидаги омиллар таъсир килади:

- товар айланмасининг ҳажми, таркиби ва ассортименти;
- товарларни келтириш шартлари;
- товарларни силжитиш. Бу жараёнда товарлар физик (реал микдорда ишлаб чиқаришдан чакана савдога етказилади). Товарларни силжитиш бир неча бўғинлардан иборат бўлад (улгуржи савдо базалари, складлари; ҳар хил воситачилар). Ушбу бўғинлар канча кўп бўлса, савдо устамаси уларнинг ўртасида таксимланади ва чакана савдонинг хиссасин камайишига олиб келиши мумкин. Уларнинг сони това ассортиментларининг мураккаблигига, товарларни ишла чиқаришдан чакана савдога етказиш шарт-шароитларига в бошқаларга боғлик.

- савдо устамасининг даражаси (сотиб олиш баҳосига нисбатан, %);
- товарларни сотишда ахолига кўрсатиладиган қўшимча хизматларнинг сони, сифати ва уларнинг тарифлари.

Товар айланмасининг ортиши даромадларни ортишига олиб келади, чунки канча товар кўп сотилса, шунча савдо устамасининг суммаси юкори бўлади.

Товарлар ассортиментига караб ҳар хил устамалар белгиланади, бу эса агар юкори устама қўйилган товарлар кўпроқ сотилса, улар учун устама суммаси юкори бўлади ёки тескари холат рўй бериши мумкин.

Товарларни келтириш шартларига эътибор қаратсан баҳолар ўзгармаган шароитда товарларни силжитиш бўғинлари канча кўп бўлса, чакана савдо бўғинлари шунча кам даромад олишлари мумкин. Бозор иктисодиёти шароитида савдо корхоналари савдо устамаларини мустақил белгилайди. Айрим товар гурӯхлари бўйича савдо устамалари давлат ва маҳаллий хокимиятлар томонидан чегараланиши мумкин. Буни улар ахолининг кундалик эктиёжига таълуқли товарларни баҳосини чегаралаш мақсадида ҳам амалга оширади. Бу жаҳон амалиётида ҳам мавжуд. Лекин бундай шароитда бир томондан даромадни камайтирмаслик керак, иккинчи томондан, истеъмол товарларига рақобатбардош баҳоларни ушлаб туриш зарар бўлади.

Даромадларни бошқа турларига таъсир килувчи омиллар уларнинг иктиносидий табиатидан ва шаклланиш шароитидан келиб чиккан ҳолда аникланади (масалан: ҳар хил хизматлар ва уларнинг тарифлари, кимматбаҳо қоғозлар баҳоси, ҳар хил фойзлар ва х.к.)

Фавқулотда даромадларнинг вужудга келиши, уларни иктиносидий табиатидан маълум, лекин буларни ҳам сабабларини аниклаш, таҳлил килиш, хуносалар қилиши мақсадга мувофик бўлади.

Тахлил жараёнида биз юкорида келтирган кўрсаткичларни режага нисбатан ўзгариш мидори, бир неча йилларга динамикаси хисоб-китоб килиниши керак.

Даромадларни тахлили фойда ва рентабеллик кўрсаткичларининг тахлили билан тигиз боғлик бўлганлиги муносабати билан уларнинг тахлили фойда ва рентабилликни тахлили параграфида кенгроқ ёритилади

7.3

Умумий овқатланиш корхоналари даромадларини режалаштириш ва прогнозлаш

Бозор иқтисодиёти шароити савдо корхоналарини даромадлари уларни шаклланиш манбаларини хисобга олган холда режалаштириш ва прогнозлаштиришни талаб қиласди.

Савдо корхоналари даромадлари уларни шаклланиш манбаларига караб товарларни сотишдан олинган даромадлар, асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар (асосий воситалар сотилиши ва бошка чикимлардан олинган фойда, бошка активларни сотишдан ва берилишидан олинган фойда, ундирилган жазо, жарима ва бокимандалар, киска муддатли ижарадан олинган даромадлар ва бошқалар), молиявий фаолиятдан олинган даромадлар (роялти кўринишидаги нау-хоу, лицензия, компьютер дастурларини ижарага бериш ва сотиш), дивидентлар, фоизлар, валюта курслари фарклари ва хоказолар.

Даромадларни режалаштириш ва прогнозлаштириш авваламбор ўтган йиллар маълумотларини тахлил натижалари ва хулосаларини хисобга олган холда амалга оширилади.

Даромадларни режалаштириш уларнинг турлари ва шакллантириш манбаларидан келиб чиқиб, тегишли усусларни ишлатиш асосида амалга оширилади.

Даромадларни режалаштириш ва прогнозлаштиришда тўғридан-тўғри техник-иктисодий хисоб-китоблар усули, корреляцион усул, эластиклик коэффициентги оркали аниклан, безараарлик нуктасини аниклаш ва бошка

усуллардан фойдаланиш мумкин. Масалан, товарларни сотишдан олинган даромад товар айланмаси режасини (сотиб олиш баҳоларида) товарлар ассортименти бўйича ва товаларга қўйилган савдо устамаси даражасига (% хисобида сотиб олиш баҳоларига нисбатан) кўпайтириш ва 100 га бўлиш ҳамда барча товар гурухлари бўйича суммалаштириш орқали хисобланади.

Даромадларни прогнозлаш юкорила келтирилган усуллардан ташкари иктиносидий математик моделларни қўллаш орқали ҳам амалга оширилиши мумкин.

Даромадларни режалаштириш масаласи кенгроқ фойдани режалаштириш параграфида ёритилиди.

Таянч иборалар; товар айланмаси, қиймат, баҳо, устама, ялпи даромад, товарларни сотишдан олинган даромад, асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар, молиявий фаолиятдан олинган даромадлар, фавқулотдаги даромадлар.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Даромадлар тушунчаси моҳиятини ёритиб беринг.
2. Савдонинг даромадини таърифини айтинг.
3. Савдонинг даромадига қандай тарифлар берилган?
4. Нега савдонинг даромади уни фаолиятининг баҳоси дейилади?
5. Савдонинг даромадлари қандай йўналишларда ишлатилади?
6. Даромадларни қандай турларини биласиз ва улар таркибиға нималар киради?
7. Даромадларни таҳлил қилишни вазифаларини айтинг.
8. Даромадларни таҳлил қилишда қандай маълумотлардан фойдаланилади?
9. Даромадларни таҳлил қилишда қандай кўрсаткичлар аникланади?
10. Даромадларга қандай омиллар таъсир қиласиди?
11. Даромадлар қандай режалаштирилади?

- 8 **Умумий овқатланиш корхоналари ҳаражатлари мәйзуза.**
- 8.1. Умумий овқатланиш корхоналари ҳаражатларининг моҳияти, табиати ва кўрсаткичлари
- 8.2. Умумий овқатланиш корхоналари ҳаражатларининг таснифи
- 8.3. Умумий овқатланиш корхоналари ҳаражатларига таъсир қилувчи омиллар
- 8.4. Умумий овқатланиш корхоналари ҳаражатларининг иктисодий таҳлили
- 8.5. Умумий овқатланиш корхоналари ҳаражатларини режалаштириш

8.1. Умумий овқатланиш корхоналари ҳаражатларининг моҳияти,
табиати ва кўрсаткичлари

Умумий овқатланиш соҳасининг фаолияти моддий, меҳнат ва молияви ресурслардан фойдаланишни тақозо қилади. Назарий жихатдан моддий меҳнат ва молиявий ресурсларни маҳсулот ишлаб чиқариш, уларни сотиш истеъмолни ташкил қилиш ва товарларни сотиш жараёнидаги ҳаражатларин пулдаги ифодаси оммовий овқатланишнинг ишлаб чиқариш ва муомал ҳаражатлари деб юритилади.

Расмий хужжатларда ва амалиётда «ишлаб чиқариш ва муомал ҳаражатлари» атамаси ишлатилмайди, улар «муомала ҳаражатлари» деб юритилади.

Умумий овқатланиш соҳаси ҳаражатлари бошқа тармоқлар ва савдода табиати ва таркиби билан фарқ қилади (расмий ҳисоботда савдо ва умумий овқатланиш соҳаларининг ва муомала ҳаражатларининг моддалари бир хи бўлишига қарамай).

Савдо соҳасида ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳаражатлар йўқ, ишлаб чиқаришда товарларни жойларда истеъмолини ташкил қилиш билан боғлиқ ҳаражатлар йўқ. Шу билан бир каторда ишлаб чиқаришда хом ашё материаллар киймати таннарх таркибига киритилади, умумий овқатланиш эса ишлаб чиқариш ва муомала ҳаражатларига киритилмайди. Шу сабаб

оммовий овқатланишнинг ишлаб чиқариш ва муомала харажатлари уларнинг ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлари таннархини тўла акс эттирамайди, уларда факат маҳсулот ишлаб чиқариш уларни сотиш, истеъмолни ташкил килиш ва сотиб олинган товарларни сотиш жараёни билан боғлиқ бўлган жорий харажатлар акс эттирилади.

Умумий овқатланишини ишлаб чиқариш харажатлари таркибига: ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ишчиларни иш ҳаки; ҳом ашё ва ярим фабрикатларни ташиш, саклаш билан боғлиқ, ёкилги ва электрэнергияга харажатлар, асосий фонdlар (ишлаб чиқариш билан боғлиқ) амортизацияси, уларни ижараси, таъминлаш харажатлари; муддати бир йилгача бўлган меҳнат воситаларни эскириши билан; маҳсус кийим кечакларни эскириши, ювиш, таъмирлаш билан боғлиқ харажатлар киритилади.

Тайёр маҳсулотларни жойларда истеъмол қилишини ташкил қилиш билан боғлиқ харажатлар: ўзи ишлаб чиқарган овқатларни ва сотиш учун сотиб олинган товарларни истеъмол қилишни ташкиллаштириш билан банд бўлган ишчилар иш ҳаки (офицантлар, овқатланиш заллари метроделлари, администраторлари, идиш-товор юувчилар, зални тозаловчилар, гардеробчилар ва ҳакозолар); овқатланиш зали билан, жихозларни эскириши, ижараси ва таъминлаш билан боғлиқ харажатлари; идиш-товоркларни эскириши; зал ишчиларини маҳсус кийим кечакларини ювиш, таъмирлаш билан боғлиқ бўлган харажатлардан ташкил топади.

Товарларни сотиш билан боғлиқ харажатлар: сотиш учун сотиб олинган товарларни сотиш (уларни жойларда истеъмол килдириш билан боғлиқ харажатлардан ташқари) билан боғлиқ тегишли муомала харажатлари моддаларидан ташкил топади.

Муомала харажатларини юкоридагидек таснифлаш амалиётда ишлатилмайди. Лекин уларнинг микдорини эксперт текшириш, танлов текширишлар орқали хисоб-китоб қилиш мумкин.

Юкоридагилардан ташқари ҳар кандай субъектида мавжуд бўлганидек умумий овқатланиш корхоналарида ҳам «Маъмурий-бошқарув харажатлари»

алохига хисобга олинади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 феврал 54-сон карори билан тасдиқланган Низомга биноан муомала харажатлари сотиш харажатлари, маъмурий харажатлар; бошка операция харажатларига бўлинган.

Муомала харажатлари абсолют ва нисбий кўрсаткичларда хисобга олинади, тахлил килинади ва режалиширилади. Муомала харажатларининг абсолют кўрсаткичи сўмда, нисбий кўрсаткичлари унинг даражаси, яъни товар айланмасига нисбатан фоиз хисобига, таркиби эса муомала харажатларининг умумий суммасида унинг алохига моддаларининг хиссаси фоизларда кўрсатилади. Бу кўрсаткич муомала харажатларининг умумий суммасига алохига моддаларнинг суммасини бўлиб юзга кўпайтириш орқали аникланади.

8.2. Умумий овқатланиш корхоналари харажатларининг таснифи

Биз юкорида айтганимиздек муомала харажатлари иқтисодий табииати, йўналтириш мақсадлари, савдо ва оммавий овқатланиш соҳаларининг функцияларидан, кўрсатиладиган бошка тармоқларнинг хизмати турларидан, хисбот нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда хажми ва таркиби бўйича ҳар хилдир.

Муомала харажатларини куйидаги белгилар бўйича таснифлаш мумкин:

- тармоқлар ва соҳалар бўйича;
- истеъмол товарлари муомаласи соҳалари бўйича;
- бажариладиган функциялар ва вазифалар бўйича;
- йўналитирилиш мақсадлари бўйича;
- муомала харажатларининг айрим омиллардан боғликлиги бўйича;
- харажатларни турлари (номенклатураси) бўйича.

Муомала харажатларини таснифланиш белгилари бўйича таснифлаб чиқамиз.

Тармоқлар ва соҳалар бўйича:

- ишлаб чиқариш тармоқларида;
- кишлоп хўжалик субъектларида;
- чакана ва улгуржи савдо билан шугулланувчи бошқа тармоқларда;
- ишлаб чиқариш воситаларини айрибошлиш соҳасида;
- истеъмол товарларини айрибошлиш соҳасида;
- ташки савдо соҳасида.

Истеъмол товарлари муомаласи соҳалари бўйича

- савдо соҳасида (чакана ва улгуржи савдода);
- оммавий овқатланиш соҳасида;
- маҳсус кишлоп хўжалиги маҳсулотларини харид қилувчи ва сотувчи хўжалик субъектларида;
- микрофирмалар ва кичик корхоналарда. Булар ҳаражатлар тўғрисида статистик ҳисобот топширмайдилар;
- фермер ва дехкон хўжаликлари. Буларда маҳсулотларни сотиш билан (улгуржи ёки чакана) боғлик ҳаражатлари мавжуд.

Савдонинг функциялари ва вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда:

- соф ва кўшимча;
- бевосита ва билвосита;
- операцион ва маъмурий бошқарув.

Йўналтириш мақсадлари бўйича:

- ходимлар иш хаки;
- бошқа тармоқлар хизмати хаки;
- моддий ҳаражатлар;
- моддий йўқотишлар;
- соликлар, йигимлар, тўловлар ва ижтимоий сугўрта;
- бошқа ҳаражатлар.

Муомала ҳаражатларининг айрим омиллардан боғлиқлиги бўйича.
(Ушбу турдаги ҳаражатлар бўйича соф ва кўшимча ҳаражатлар каби алоҳида ҳисобот юритилмайди, бундай таснифлаш муомала ҳаражатларининг

турларидан келиб чикиб, таҳлил килиш ва режалаштириш жараёнида кўлланилади):

- шартли-ўзгарувчан;
- шартли-ўзгармас.

Буларнинг таснифини 8.3-параграфда батафсил кўриб чикамиз.

Муомала харажатлари турлари (номенклатураси) бўйича. Бундай таснифлашда муомала харажатлари фаолиятга йўналтирилишига караб моддаларга бўлинади. Статистика хисоботида (5-савдо шакли)¹ муомала харажатлари кўйидаги моддаларга ажратилган:

Ташкилотлар томонидан бажарилган ишлар ва хизматлар:
улардан темир йўл, сув, ҳаво, автомобил ва от-улов транспортни билан юкларни ташини; иш ҳаки харажатлари;
ижтимоий сугўрта харажатлари;
савдо эҳтиёжида фойдаланиши учун, ижара харажатлари ва бинолар, иншоотларни таъмирлаш, хоналар ва жихозларни саклаш;
шу жумладан:
жорий таъмирлаш харажатлари (иш ҳакидан ташқари);
ижара тўлови;
асосий воситалар аммортизацияси;
ёкилги, газ ва электр энсргия харажатлари;
товарларни саклаш, ишлов бериш, саралаш ва жойлаш (ўраш) харажатлари;
савдо рекламаси харажатлари;
ташиш, саклаш ва сотини даврида товарлар ва маҳсулотларнинг йўкотилиши;
тара харажатлари;
инвентарлар ва хўжалик буюмлари кийматини хисобдан чиқариши ва бошқа харажатлар (таъмирлаш, ювиш, тўзатиш ва бошқа харажатлар);
ўз транспортни харажатлари (иш ҳакидан ташқари);
бюджеттага мажбурий тўловлар, соликлар ва йигимлар;
давлат максадли фондилиарига ажратмалар (ижтимоий сугўрта ажратмаларидан ташқари);
бошқа харажатлар: банк кредитлари ва боника молия-кредит ташкилотлар фоизлари; хизмат сафари харажатлари: улардан: қуналк чикимлар; номоддий хизматлар ва банк хизматлари тўлови; бошқа харажатлар.

Юкорида келтирилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 феврал 54-сонли карори билан тасдиқланган Низом бўйича давр харажатлари таркибидаги сотиш харажатлари – 22

¹ Узбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитасининг 2007 йил 9 ноябрдаги 18-сонли Қарори билан тасдиқланган.

моддага, маъмурий харажатлар – 15 моддага ва бошқа операция харажатлари – 21-моддага ажратилған.

8.3. Умумий овқатланиш корхоналари харажатларига таъсир қилувчи омиллар

Муомала харажатларининг суммаси ва нисбий кўрсаткичлари табиатдан ўзгарувчан хисобланади. Унинг суммасига ва даражасига кўп омиллар бевосита ва билвосита таъсир ўтказади.

Ушбу омилларнинг айримлари унинг суммаси ва даражасининг ортишига олиб келса, айримларни уларнинг қискаришига олиб келади. Бу омилларнинг бири савдо корхоналари ва шаюбчалари фаолиятига бевосита боғлиқ, бошқалари эса улар фаолиятидан келиб чиқмайди, яъни ташқи омиллардир.

Муомала харажатларининг даражаси худудлар, умумий овқатланиш корхоналари, турлари унинг шоҳобчаларининг типлари бўйича бир-биридан фарқланади, чунки транспорт коммуникацияси, турлари, йўл шароитлари, ишлаб чиқаришнинг худудлараро жойлашиши, уни ривожланиш даражаси, умумий овқатланиш корхоналарини ва шаҳобчаларининг жойлашиши (дислокацияси); ахолининг харид килиш қобилияти, товар айрибошлиш тезлиги, товар айланмасининг ҳажми ва таркиби, товарларнинг физик-кимёвий хусусиятлари хар хиллар. Шунинг учун муомала харажатларининг сумма ва даражаси замонда ва маконда баркарор хусусиятга эга эмас.

Муомала харажатларига таъсир қилувчи, умумий овқатланиш фаолиятидан боғлиқ бўлган омилларга умумий овқатланишни ташкил қилиш даражаси, маҳсулот маҳсулот ишлаб чиариш, иктисадий ва тижорий (коммерция) ишларнинг ҳолати, умумий овқатланиш корхонаси ёки шаҳобчасининг хусусий ва карз маблағларининг микдори, моддий-техник базасини ҳолати, товар айланмаси ҳажми ва таркиби, товар айрибошлиш

тезлиги, ходимлар сони, уларнинг меҳнат унумдорлиги, кўлланилаётган ишҳаки ва моддий рағбатлантириш тизими кабилар киради.

Умумий овқатланиш фаолиятидан келиб чикмайдиган омилларга баҳо ва таърифлар, фойдаланилаётган транспорт турлари, йўл шароити, ҳар хил соликлар ва тўловлар миқдори, банк фоизлари миқдори, ижара миқдори инфляция даражаси кабиларни киритиш мумкин.

Юкорида келтирилган омилларнинг барчасини умумлаштирган холда объектив ва субъектив омилларга ажратиб ўрганишни тавсия киласиз.

Объектив омиллар таркибига, бизнинг фикримизча уларнинг таъсир даражасини статистик нуқтаи назардан ҳисоб-китоб қилиш имконияти мавжуд кўрсаткичларни киритиш зарур.

Субъектив омиллар – булар инсон омили билан боғлик, яъни умумий овқатланиш ходимларининг маҳорати, билимдонлиги, кўникумалари, тадбиркорлиги (ишбилармонлиги), жавобгарликни ҳис қила билиши, тезкор хизмат қилиши ва хозиржавобгарлиги каби хислатларига боғлик фаолият натижалари ҳисобланади. Амалиётда муомала харажатларига таъсир килувчи омиллар бундай таснифлаб ҳисоб-китоб, тахлил қилинмайди ҳам, режалаштирилмайди ҳам. Лекин илмий тадқикотларда амалиётда уни тахлил қилишда бундай таснифлаб ўрганиш фойдалан холи эмас.

Муомала харажатлари суммаси ва даражасига таъсир қилиш миқдорини ҳисоблаш мумкин бўлган омилларга куйидагиларни киритиш мумкин:

- товар айланмаси ҳажми (умумий ва чакана товар айланмаси, ўзида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва унинг товар айланмаси ҳажми);
- товар айланмасини таркиби (ассортименти)ни ўзгариши (маҳсулот турлари, товар айланмаси турлари, сотиб олинган товарлар ҳамда ўз маҳсулотини сотиш билан боғлик товар айланмаси ҳамда ассортименти);
- товар айрибошлиш тезлиги (кунларда ва маротаба);
- истеъмол товарларига баҳони ўзгариши;

- умумий овқатланишга хизмат күрсатувчи сохаларни таърифларини ўзгариши (транспорт, коммунал хизмати, электроэнергия, газ, ёқилғи, алока, аудит ва бошқалар;
- моддий ресурслар баҳосини (коғоз, инвентарлар, тара материаллари, хўжалик буюмлари, махсус кийим-кечаклар, қадоклаш (ўраш), биноларни таъмирлаш материаллари) ўзгариши;
- соликлар, тўловлар, ижтимоий суѓурталар микдорини ўзгариши;
- банк ва бошка молия-кредит ташкилотларининг ўзок муддатли кредитлари бўйича фоизларини ўзгариши;
- тўлов муддати ўтган ва ўзайтирилган ссудалар бўйича фоизларни ўзгариши;
- киска муддатли кредитлар фоизини ўзгариши;
- ходимлар сонини ўзгариши;
- минимал иш ҳаки ва нафақалар микдорини ўзгариши;
- умумий овқатланиш шаҳобчаларидаги савдо-технологик жараёнларини такомиллаштирилиши;
- товар айрибошлиш жараёнидаги иштирокчилар сонини ўзгариши, яъни товарларни силжитиш бўғинлари сонини ўзгариши ва хоказолар.

8.4. Умумий овқатланиш корхоналари ҳаражатларининг иктисадий таҳлили

Муомала ҳаражатлари таҳлили мунтазам ва ўзлуксизлик (ой, квартал, йил) ўтказилиб борилиши лозим. Чунки уни суммаси ва даражасини ўзгарилиш микдори умумий овқатланиш корхоналари ва шаҳобчаларини самарадорлигига бевосита таъсир киласи.

Муомала ҳаражатларини таҳлилининг асосий вазифалари куйидагилардан иборат бўлади:

- муомала харажатлари бўйича тўзилган режани умумий ҳажмини, таркибини (моддалар бўйича) бажарилишини ўрганиш (абсолют ва нисбий кўрсаткичлари бўйича);
- муомала харажатларини умумий ҳажмини ва таркибини бир неча йилларга (3-5 йил) ўзгариш суръатларини (абсолют ва нисбий кўрсаткичлар бўйича) кўзатиш;
- муомала харажатларини суммаси ва даражасига таъсир килувчи омилларни таъсир даражасини аниклаш;
- унумсиз харажатларни вужудга келиш сабабларини аниклаш ва уларни бартараф килиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;
- тахлил натижаси бўйича хulosалар килиш ва келгуси даврга тўзиладиган режалар учун таклифлар тайёрлаш.

Тахлил килиш учун тегишли даврдаги ахборотлар ишлатилади. Улар категорига куйидагиларни киритиш мумкин:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва қарорлари;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг тегишли қарори, тегишли вазирликлар, идоралар, концеринлар, корпорациялар, ушумалар, компаниялар ва бошқаларнинг қарорлари ва топшириклари;
- оператив маълумотлар (умумий овқатланиш корхоналарининг оператив хисоботлари, мутахассисларни кўзатувлари, бухгалтерия, маркетинг бўлимларини оператив хисоботлари, рўзнома ва ойномаларда ушбу корхонага ёки унинг конкурентлари ва алокадор ҳўжалик субъектлари тўғрисидаги маълумотлар кабилар);
- бухгалтерия хисботи (бухгалтерия баланси 1-сонли шакл);
- молиявий натижалар тўғрисидаги хисбот 2-сонли шакл;
- харажатлар тўғрисидаги хисбот 8-сонли шакл;
- статистик хисботлар – «Корхоналар харажатлари тўғрисида 5-С (савдо шакли)», «Товарлар сотиш ва колдиклар тўғрисида 3-савдо шакл», «Улгуржи ва чакана товар айланмаси тўғрисида 1-савдо шакли»;

«Овқатланиш корхоналари товар айланмаси түгрисида 4-савдо шакли», «Корхонанинг молиявий ахволи түгрисида 5-Ф шакли» кабилар.

Муомала ҳаражатларини тахлили ҳам бошка кўрсаткичлар тахлили каби алоҳида кетма-кет бажарилиши лозим бўлган боскичлардан иборат бўлади. Уларни кетма-кет бажарилиши тахлил жараёнини мантикий мазмунини таъминлайди.

Уларга куйидагиларни киритиш лозим бўлади:

- ахборотлар ва маълумотларни тўплаш;
- ахборотлар ва маълумотларга ишлов бериш (уларни тегишли жадвалларга жойлаштириш, солиштирма юзага келтириш ва бошкалар);
- муомала ҳаражатларига тегишли ва алоқадорлар кўрсаткичлар бўйича тахлил килинаётган даврга режаларни бажарилиши;
- муомала ҳаражатларига тегишли ва алоқадор кўрсаткичларни бир-нечча йиллар (ой, квартал)га ўзгариш суръатларини ўрганиш;
- муомала ҳаражатларига таъсир килувчи омилларни уни суммаси ва даражасини ўзгаришига таъсирининг миқдорини хисоб-китоб қилиш;
- тахлил натижаси бўйича хуносалар ва таклифлар тайёрлаш.

Муомала ҳаражатларини тахлил қилишда ҳар хил статистик, иқтисодий математик ва бошка усуллардан фойдаланиллади. Улар каторига куйидагиларни киритиш зарур: солиштириш, гурухлаш, техник-иктисодий хисоблар, индекс, корреляцион ва регрессион тахлил, эксперт баҳолаш, монографик тадқикот кабилар.

Муомала ҳаражатларини тахлил қилишда куйидаги кўрсаткичлар ишлатилади.

I. Муомала ҳаражатларини абсолют суммасини ўзгариш миқдори

Муомала ҳаражатларини режадаги ва ҳақиқий суммасини фарки (+;-) унинг абсолют ортиқча ҳаражати ёки тежами (ΔMx) деб юритилади. Ушбу кўрсаткич куйидагича хисобланади:

$$\pm \Delta Mx = Mx^1 - Mx^P$$

Бу ерда: «І» ва «р» - тегишлича ҳақиқий ва режадаги даврны билдиради.

Шунга ўхшаш ҳолда мұомала ҳаражатлары сүммасини ўтган йилларға нисбатан ўзгариш міндерини хам аниклаш мүмкін. Бунда Mx^P ўрнеге Mx^I ёки Mx^B белгиларини ишлатиш лозим бўлади. Бу ерда «і» - ўтган йиллардан бири, «б» - базис йили билан солиширилаётган йил маълумоти ишлатилади.

II. Мұомала ҳаражатлари сүммасининг нисбий міндері

Мұомала ҳаражатларини таҳлил қилишда унинг сүммаси ўзгаришининг нисбий міндерини аниклаш мұомала ҳаражатларини ўзгаришига реал баҳо беришни таъминлайди. Чунки мұомала ҳаражатларининг режадаги сүммаси режада мўлжалланган товар айланмаси ҳажмидан келиб чиқкан ҳолда ҳисобланган бўлиб, у ҳақиқий товар айланыш міндерини ҳисобга олмайди. Шу сабабли режадаги мұомала ҳаражатлари сүммаси (Mx^P) ҳақиқий товар айланмаси сүммасидан келиб чиқиб қайта ҳисобланади (Mx_{xx}^P). Ушбу сумма қуйидагича аникланади.

$$Mx_{xx}^P = \frac{Y_{Mx}^P \cdot TA'}{100}; \text{ унинг даражаси } Y_{Mx^P} = \frac{Mx_{xx}^P}{TA'};$$

Мұомала ҳаражатлари сүммасини нисбий міндори тенг бўлади.

$$\pm \Delta M_{xx}^P = Mx' - Mx_{xx}^P \quad \text{ёки} \quad \pm \Delta M_{xx}^P = \frac{\Delta Y_{Mx}^P \cdot TA'}{100};$$

Мұомала ҳаражатлари динамикасини ўрганишда ушбу кўрсаткичлар таҳтил қилинаётган тегишли даврга олинади («р», «і», «б»).

III. Мұомала ҳаражатларини нисбий даражаси (Um_x)ни ўзгариш міндори

Ушбу кўрсаткич қуйидагича аникланади:

1. ҳисобот йилида мұомала ҳаражатини нисбий ортиқча ёки ўзгариш тежисами даражаси

$$\pm \Delta Y_{\text{ux}}^{\text{p}} = \frac{MX' \cdot TA'}{100} - \frac{MX_{\text{ux}}^{\text{p}} \cdot TA}{100} = Y_{\text{ux}}^{\text{p}} - Y_{\text{ux}}^{\text{p}};$$

2. Муомала ҳаражати даражасини ўтган йилларга нисбатан ўзгариши

$$\pm \Delta Y_{\text{ux}}^{\text{i}} = Y_{\text{ux}}^{\text{i}} - Y_{\text{ux}}^{\text{p}} \quad \text{ёки} \quad \pm \Delta Y_{\text{ux}} = \frac{MX' \cdot 100}{TA'} - \frac{MX^{\text{i}} \cdot 100}{TA};$$

3. Базис йили билан солиштирилмаси

$$\pm \Delta Y_{\text{ux}}^{\text{p}} = Y_{\text{ux}}^{\text{p}} - Y_{\text{ux}}^{\text{b}} \quad \text{ёки} \quad \pm \Delta Y_{\text{ux}} = \frac{MX' \cdot 100}{TA'} - \frac{MX^{\text{b}} \cdot 100}{TA};$$

IV. Муомала ҳаражати даражасини ўзгариш суръати (темпаси)

Ушбу кўрсаткич хисобот йилидаги муомала ҳаражатлари даражасини режадаги, ўтган йиллардаги ёки базис йилдаги микдорларга нисбатан фоиз хисобида (Y_{ux}^{y}) ёки индексларда (J_y) хисоб-китоб қилиниши мумкин. Бу кўрсаткич куйидагича аникланади.

1. Режадаги даражасига нисбатан

$$Y_{\text{ux}}^{\text{y,p}} = \frac{(Y_{\text{ux}}^{\text{p}} - Y_{\text{ux}}^{\text{p}}) \cdot 100}{Y_{\text{ux}}^{\text{p}}}, \quad \text{ёки} \quad J_y = \frac{Y_{\text{ux}}^{\text{p}} - Y_{\text{ux}}^{\text{p}}}{Y_{\text{ux}}^{\text{p}}}$$

2. Ўтган йилларга нисбатан

$$Y_{\text{ux}}^{\text{y,i}} = \frac{(Y_{\text{ux}}^{\text{i}} - Y_{\text{ux}}^{\text{p}}) \cdot 100}{Y_{\text{ux}}^{\text{p}}}, \quad \text{ёки} \quad J_y = \frac{Y_{\text{ux}}^{\text{i}} - Y_{\text{ux}}^{\text{p}}}{Y_{\text{ux}}^{\text{p}}}$$

3. Базис йилга нисбатан

$$Y_{\text{ux}}^{\text{y,b}} = \frac{(Y_{\text{ux}}^{\text{b}} - Y_{\text{ux}}^{\text{p}}) \cdot 100}{Y_{\text{ux}}^{\text{p}}}, \quad \text{ёки} \quad J_y = \frac{Y_{\text{ux}}^{\text{b}} - Y_{\text{ux}}^{\text{p}}}{Y_{\text{ux}}^{\text{p}}}$$

Ушбу кўрсаткичлар муомала ҳаражатларини ўзгаришида рўй браётган интенсив холатни билдиради.

V. Муомала харажатлари хажмида унинг моддалари хиссаси

Ушбу кўрсаткич муомала харажатлари моддалари суммасини 100,0 кўпайтириб унинг умумий суммасига бўлиш оркали аниқланади. Бу кўрсаткич муомала харажатларининг таркиби деб юритилади.

Юкорида келтирилган (I-V) кўрсаткичлар муомала харажатларининг моддалари бўйича ҳам хисобланади.

VI. Муомала харажатларига таъсир килувчи омилларни микдорини аниклаш.

Бунинг учун статистик-иктисодий, иктиносий-математик индекслар, эластиклик коэффициенти, занжирли боғланиш каби усууллардан кенг фойдаланиш зарур бўлади

8.5 Умумий овқатланиш корхоналари ҳаражатларини режалаштириш

Бозор иктисодиёти шароитида иктисодиётнинг хар бир хўжалик субъекти, мулк шаклидан, ташкилий-хукукий туридан катъий назар, жумладан, савдо корхоналари ва шаюбчалари хам ўз хўжалик фаолияти кўрсаткичларини ўзок муддатга прогнозлаш ва жорий режалаштирилиши зарур. Акс холда уларни инкиrozга учраши эҳтимолдан ўзок бўлмайди.

Муомала ҳаражатларини режалаштиришни асосий мақсади савдо корхоналари ва шаюбчаларининг мақсадига («Х» - микдорда даромад ёки фойда олиш ва «У» - даражадаги талабни қондириш) эришишни таъминлаш, савдо хизматини маданияти юкорилаштириш ва тежамкорлик асосида уни микдорини иктисодий асослаган холда хисоб-китоб қилишдан иборатdir.

Муомала ҳаражатларини режалаштириш жараёнини ташкилташтириш асосида мантикий фикр юритишни анализ ва сентиз усуllibардан, яъни «Умумийликдан хусусийликка» ёки «хусусийликдан умумийликка» караб иш юритиш мақсадга мувофикdir.

Муомала ҳаражатларини режалаштиришда ушбу усуllibар, муомала ҳаражатларини олдин умумий суммаси ва даражасини аниклаш, кейин моддаларини хисоб-китобига ўтиш ёки бу холни тескариси, олдин муомала ҳаражатларини моддалари бўйича режани ишлаб чикиш, кейинги боскичда, уларни суммалаштириш йўли билан, муомала ҳаражатларини умумий микдорий кўрсаткичларини аниклашни англаатади.

Муомала ҳаражатларини умумий суммасини ва моддаларини режалаштиришда тажрибавий статистик, техник-иктисодий, индекс, эксперт баҳолаш, иктисодий-математик (корреляция, регрессия) безараарлик нуктасини аниклаш усуllibардан, эластиклик коэффициентидан, норма ва нормотивлардан фойдаланилади.

Муомала ҳаражатларини режалаштириш умумий ҳажми ва даражасини аниклашдан бошланса, бу холда уни ўтган йиллар учун тахлили

натижалари, унга таъсир килувчи омилларни режалаштириладиган давларга ўзгаришини эксперт баҳолаш, айрим кўрсаткичларни индекслари, эластиклик коэффициентлари кабилардан фойдаланган тарзда хисоб-китоб қилинади. Иккинчи боскичда уни моддалари миқдори аникланади.

Муомала харажатларини умумий ҳажмини режалаштиришда, фараз килайлик уни ўтган йилларда товар айланмаси таъсири остида «шартли-ўзгарувчан» моддаларни ўзгариши нисбатини хисобга олган ҳолда хисоб-китоб килмоқчимиз.

Агарда «шартли-ўзгарувчан» харажатлар ($M_{X_{sh.x}}$) товар айланмасига нисбатан аник миқдорда ўзгариш тенденциясига эга бўлса, ушбу харажатлар суммасини қўйидаги формула орқали хисоб-китоб қилиш мумкин.

$$M_{X''_{m,x}} = M_{X'_{m,x}} \left[1 + \left(\Delta T A''_{v,c} \cdot \frac{\overline{\Delta M X''}_{v,c}}{\overline{\Delta T A''}_{v,c}} \right) \right]$$

Бу ерда: $M_{X'_{m,x}}$ - муомала харажатларини «шартли-ўзгарувчан» қисмини хисобот йилидаги миқдори, сўмда;

$\Delta T A''_{v,c}$ - режалаштирилаётган йилга товар айланмасини қўшимча ўсиш суръати, %;

$\overline{\Delta M X''}_{v,c}$ - ўтган йилларда «шартли-ўзгарувчан» муомала харажатларини ўртача қўшимча ўзгариш суръати, %;

$\overline{\Delta T A''}_{v,c}$ - ўтган йилларда товар айланмасини қўшимча ўзгариш суръати, %.

Муомала харажатларини «шартли-ўзгармас» ($M_{X_{sh.y}}$) қисмини суммаси қўйидагича аникланиши мумкин.

$$M_{X''_{m,y}} = M_{X'_{m,y}} \left(1 + \overline{\Delta M X''}_{m,y} \right)$$

Бу ерда: $M_{X'_{m,y}}$; $M_{X''_{m,y}}$ - тегишли «шартли-ўзгармас» харажатларни режалаштирилган ва хисобот йилларига суммаси;

$\overline{\Delta M X''}_{m,y}$ - «шартли-ўзгарувчан» харажатларни ўтган йиллар даврида қўшимча ўсиш суръати.

Муомала ҳаражатларини умумий суммаси тенг бўлади.

$$MX^P = MX_{m,x}^P + MX_{m,y}^P;$$

$$\text{Унинг даражаси } Y_{uc} = \frac{MX^P \cdot 100}{TA^P}$$

Худди шундай муомала ҳаражатлари даражасини баҳолар ўзгаришига нисбатан ёки бошқа омилларни таъсирини эътиборга олган холда ҳисобкитоб килиб, умумий оптимал вариантни аниклаш мумкин. Бундай ҳисботларни ўтказиш учун корроляцион анализ, экстраполяция, эластиклик коэффициентлардан фойдаланиш максадга мувофик бўлади.

Муомала ҳаражатларини режалаштиришда дастлаб унинг моддалари миқдорини аниклаш ва кейин умумий ҳажмини ҳисоблаш орқали реал, ҳакиқатга яқин натижага эришиш мумкин.

Муомала ҳаражатларини айрим моддаларини режалаштириш усуулларини кўриб чиқамиз.

Ташкилотлар томонидан бажарилган ишлар ва хизматлар бўйича ҳаражатлар таркибида асосий ўринни «темир йўл, сув, хаво, автомобил ва от-улов транспорти билан юкларни ташиш ҳаражатлари эгаллайди. Ушбу ҳаражатлар алоҳида транспорт турлари бўйича ҳисоб-китоб килинади. Бу масалани ҳал қилишда транспорт турлари бўйича ташиладиган юклар миқдорини аниклашдан бошлаш керак.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ва шахобчалари одатда автомобил ва от-улов транспортлари ҳаражатларини қонлайди.

Товарларни автомобил транспорти билан ташишда савдо ва оммавий овқатланиш корхоналари базалари, алоҳида магазинлар, овқатхоналар ўз транспортидан ва четдан жалб килинган транспорт корхоналари хизматидан фойдаланиши мумкин.

Муомала ҳаражатлари моддалари таркибида «Ўз транспорт ҳаражатлари» (иш ҳаки ҳаражатларидан ташқари, чунки бу ҳаражатлар иш ҳаки фондида ўз аксини топади) моддаси алоҳида кўрсатилади. Шу сабабли

транспорт харажатларини юқорида көлтирилған моддаси бүйича четдан жал қилингандык транспорт корхоналарини хизмати харажатлар акс этирилади.

Ушбу харажатларни хисоб-китоб қилиш учун дастлаб транспортын физик юқ айланиши (q_{ϕ}) ва транспорт юқ айланиши (q_t) аникланади.

Физик юқ айланиши товарларни нетто ва брутто хажми бүйич хисобланади.

Нетто юқ хажми (q_{n_i}) товар гурухлари бүйича режалаштирилған товар айланиш (TAP_i) суммасини ушбу товарни 1 тоннасини ўртаңдай кийматига, сүмда ($\bar{T}_{k_i}^P$) бўлиш билан аникланади.

Брутто юқ хажми (q_{b_i}) нетто юқ ҳажмига (q_{n_i}) тарани (одатда товар оғирлигига нисбатан фоиз хисобидан олинади) оғирлиги кўшилади.

Брутто юқ хажми физик юқ айланишига тенг бўлади.

Транспорт юқ айланиши физик юқ ҳажмини (q_{ϕ}) юкларни кайташиш коэффициентига (K_k) (ушбу кўрсаткич ўтган йиллар маълумотлар асосида аникланади) кўпайтириш йўли билан хисобланади. Яъни у кўйидаги формула орқали хисобланиши мумкин.

$$q_{t_i} = q_{\phi_i} \cdot K_k$$

Барча товар гурухлари бүйича бўллади:

$$\sum_{i=1}^n q_{t_i} = \left(\sum_{i=1}^n q_{n_i} \right) \cdot K_k$$

Транспорт юқ айланиши аниклангандан сўнг, уни ўз транспорти ве четдан жалб қилингандык транспорт ташкилотлари орқали ташиш хиссаси аникланади. Уларнинг хиссаси фоизда ўтган йиллар маълумотлари режалаштирилган йилга тўзилган шартномаларни хисобга олган холди аникланади ва ушбу кўрсаткични транспорт юқ айланишига қўпайтириб юзга бўлиш орқали уларнинг микдори (тоннада) хисоб-китоб қилинади ве юклар классларга ажратилади.

Кейинги босқичда товар ишлаб чиқарувчилардан (агар улар савдо ве оммавий овқатланиш корхонаси ёки шаюбчасига товарларни воситачиларсан)

ўзлари тўғридан-тўғри юбориша) ёки улгуржи савдо база ва омборларидан чакана савдо ва оммавий овқатланиш корхонаси ёки шаіобчаларигача бўлган масофа (Skm)-ни ўртacha миқдори (ўтган йиллар маълумотлари ва шартномалар асосида) хисобланади.

Транспорт юк айланиши ($q_{t,km}$) куйидаги формула орқали хисобланади.

$$q_{t,km,i} = Q_{t,i} \cdot S_{km}$$

Юк айланишни умумий миқдори (т.км) тенг бўлади:

$$\sum_{i=1}^n q_{t,i} = \left(\sum_{i=1}^n q_{t,i} \right) \cdot S_{km}$$

Ушбу юк айланиши юкларни классларига таксимланади ва уларни транспорт тарифларига кўпайтириш орқали юк ташиш ҳаражатлари суммаси аниқланади.

Юкларни юклаш ва тушуриш ҳаражатлари ушбу модда таркибига киради, агарда бу ишни штатдан ташқари ходимлар бажарса. Ҳаражатлар суммаси юкни транспорт юк айланиши $\sum_{i=1}^n q_{t,i}$ ва белгиланган расценкалар орқали хисобланади.

Юкорида келтирилган усул орқали алоҳида савдо шаіобчалари бўйича транспорт ҳаражатларини режалаштириш кўп меҳнат килишни, вактни талаб килади. Бундан ташқари бу жараён иктиносий-техник хисоблар нуқтаи назардан аллақанча мушкул иш. Шу сабабли оддийроқ тажрибавий-статистик усуслан фойдаланиш ҳам мумкин.

Масалан: ўтган йиллар (камида 3 йил) маълумотлари асосида товарларни ташишда ҳар бир уларни келтирилиши неча сўмга (P) тушушини аниқлаб, 1 тонна юкни ташиш қиймати ва режалаштирилган йилга мўлжалланган товарларни келтириш ҳажмидан келиб чиқкан ҳолда транспорт юк айланиши (q_t) миқдорини аниқлаш керак бўлади.

Транспорт юк айланиши, ишлатиладиган автотранспортни юк кўтара олиш имконияти миқдори (q_{int}) ва юк кўтара олиш имкониятини ишлатиш

коэффициентидан ($K_{q_{\text{cat}}}$) келиб чикиб, автотранспорт орқали товарларни неча маротаба келтирилиши миқдорини (Z) хисоблаб олиш мумкин. Бундай хисобот куйидагича амалга оширилиши мумкин

$$Z \cdot K_{q_t} : q_{\text{cat}} : K_{q_{\text{cat}}}$$

Ушбу кўрсаткични бир маротаба юк ташиш учун кетган транспорт харажатлари суммасига кўпайтириш орқали четдан жалб қилинган автотранспорт учун тўлов харажатларини хисоблаб олиш кўп кийинчилик туғдирмоқда. Бу харажатлар суммаси (I_{cat}) куйидагича аникланади.

$$I_{\text{cat}} \leq Z \cdot P$$

Ушбу суммага юклаш ва тушуриш харажатларини (агар бу ишни ёлланма ишчилар бажарса) кўшиш керак бўлади.

«Ташкилотлар томонидан бажарилган ишлар ва хизматлар» моддасида бошқа ташкилот хизмати учун тўловлар ҳам кўрсатилади. Уларга алоқа, ахборот-хисоблаш хизмати, ташки идора қуриклаш хизмати, аудитор ташкилотлар, реклама агентликлари, натурал ва юридик муассасалар ва бошқа хизматлар ҳам киради.

Ушбу харажатлар суммаси ўтган йиллар маълумотларини таҳлили натижасидан келиб чиқсан холда аникланган уларни ҳажмини режалаштирилган йилга белгиланган тариф тўловлари миқдорига (ёки тарифларни ўзгариш индексларидан фойдаланган холда) кўпайтириш йўли билан аникланади.

Муомала харажатларида энг катта хиссага эга бўлган модда – бу «Иш хақи харажатлари»дир. Ушбу моддани режалаштириш масаласи 6.5 параграфда батафсил ёритилган.

«Ижтимоий сугўрта харажатлари» белгиланган нормалардан келиб чиқсан холда аникланади.

«Умумий овқатланиш эҳтиёжида фойдаланиш учун, ижара харажатлари ва бинолар, иншоатларни таъмирлаш, хоналар ва жихозларни саклаш» харажатлари ижарага олинган бинолар ва бошқа ишлаб чиқариш

воситаларини сони, тури ва бошқа жиҳатларидан келиб чиккан ижара ҳаки микдоридан (шартномалар асосида) келиб чиккан ҳолда хисобланади. Қолган харажатлар иншоатларни таъмирлаш ишлар сметасидан, хоналар ва жихозларни саклаш нормаларидан келиб чиккан ҳолда аникланади.

«Асосий воситалар амортизацияси». Ушбу харажатлар хусусий асосий фондларнинг бошланғич киймати (баланс киймати) ва уларнинг турлари бўйича белгиланган амортизация нормалари асосида хисоб-китоб килинади.

Амортизация тушунчаси, нормалари ўкув қўлланманинг 4.2 ва 4.3 параграфларида ёритилган.

«Ёқилғи, газ ва электроэнергия харажатлари» ушбу харажатларни суммаси ёқилғи, газ ва электроэнергия истеммол қиласиган асосий воситаларни тегишли ўлчов бирликлари (Масалан, бинони кубатураси, транспорт воситаларини ҳар 100 км ёқилғи ишлатиш нормаси ва бошқалар) бўйича сони, ҳажми, улар учун белгиланган харажатлар нормаларидан ва тарифлардан келиб чиккан ҳолда аникланади.

«Товарларни саклаш, ишлов бериш, саралаш ва жойлаш (ўраш) харажатлари» ўтган йиллар таҳлили натижалари, режалаштирилган йилга ушбу харажатларни талаб қиласиган товар гурухлари бўйича товар айланмаси ҳажми ва тегишли норма ва нормотивлар асосида ҳисоб-китоб килинади.

«Умумий овқатланиш рекламаси харажатлари» маркетинг бўлимини иш режаларидан ва реклама учун харажатлар сметасидан келиб чиккан ҳолда ва ўтган йиллардаги ушбу харажатларни ўзгариш тенденцияларини хисобга олган ҳолда аникланади.

«Гашиш, саклаш ва сотиши даврида товарлар ва маҳсулотларнинг йўқотилиши» бўйича харажатлар тегишли товар гурухлари бўйича товар айланмаси режаси (сотиб олиш баҳоларида) ва белигалнган нормалар асосида хисобланади.

Муомала харажатларинің колагын мөдделари хам тегишлича норма нормотивларни күлләган ҳолда техник-иктисодий хисоб-китоблар асоси аникланади.

Таянч иборалар: товар айланмаси, харажатлар, муомала харажатлари, давр харажатлари, муомала харажатлари даражаси, муомала харажатлари таркиби, иш хаки, амортизация, ижтимоий сүгүртә, «шарт» ўзгарувчан», «шартли-ўзгармас», норма, нормотив, омиллар.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Харажатлар тушунчасини ёритиб беринг.
2. Муомала харажатлари тушунчасини айтинг.
3. Умумий харажатлар муомала харажатларидан нима билан фарқланади?
4. Муомала харажатлари даражаси кандай аникланади?
5. Муомала харажатлари даражаси мазмунини тушунтириинг.
6. Муомала харажатлари таркиби деганда кандай кўрсаткичлар тушунасиз?
7. Муомала харажатларига қандай омиллар таъсир қиласди?
8. Муомала харажатларига товар айланмасини таъсирини қандай аниклаймиз?
9. Муомала харажатларига баҳо ва ҳар хил тарифлар таъсир қилимохиятини ёритиб беринг.
10. Муомала харажатлари тахлилини вазифалари нималардан иборат?
11. Муомала харажатлари тахлилини ўтказишда кандай кўрсаткичлар ишлатилиди?
12. Муомала харажатлари умумий ҳажми ва даражаси кандай тахлинилади? Қандай усуллардан фойдаланилади?
13. Муомала харажатларини режалаштириш максади ва вазифаларини айтиң.
14. Муомала харажатларини режалаштириш усулларини айтинг.
15. Муомала харажатларини умумий ҳажми кандай режалаштирилади? Қандай усуллардан фойдаланилади?
16. Муомала харажатларини мөдделари кандай режалаштирилади?

9. Умумий овқатланиш корхоналари фойдаси ва рентабеллик маъруза.

- 9.1. Фойда ва рентабелликнинг моҳияти ва аҳамияти
- 9.2. Рентабеллик кўрсаткичлари ва уларга таъсир килувчи омиллар
- 9.3. Фойда ва рентабелликнинг таҳлили
- 9.4. Фойда ва рентабелликни режалаштириш ва прогнозлаш

9.1. Фойда ва рентабелликни моҳияти ва аҳамияти

Фойда иқтисодий табиатидан ишлаб чиқариш муносабатлари билан боғлик мураккаб иқтисодий ва тарихий категориядир. У келиб чикиши, йўналтирилиши, хўжалик субъектларини хусусиятларидан ва бошқа меъёрларга караб таснифланиши ва тавсифланиши зарур.

Бозор иқтисодиёти шароитида максимал фойда олиш, эҳтиёжларни кондириш, хўжалик субъектларини самарадорлигини оширишда тижорий фаолиятни аҳамияти ортиб боради. Фойда ва рентабеллик, бошқа кўрсаткичлар билан бир қаторда, тижорий фаолиятни, унда қатнашадиган ресурсларни самарадорлигини кўрсатувчи кўрсаткичdir. Фойда хўжалик фаолиятининг натижавий кўрсаткичи сифатида намоён бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида фойда мухим аҳамият топди. Унинг миқдори корхоналарни ривожланишига жамғариш манбаи сифатида асос солади; мулкдорни мулкини кўпайишини таъминлайди; акциядорларни даромадини (двидендларни ортиши оркали) оширади; корхонани молиявий баркарорлигининг ва тўлов кобилиятини саклашга имконият яратади ва нихоят у савдони ижтимоий-иктисодий самарадорлигини оширишга имконият яратади.

Фойданинг моҳияти уни иқтисодий табиатидан келиб чиқсан ҳолда ёритиладиган бўлса, у қўшимча кийматнинг пулдаги ифодасидир. Иқтисодиётда фойда товар кийматининг ($C+V+m$) асосий элементларидан бири, яъни «т»-ни англатади. Ушбу назарий асосдан келиб чиқиб, савдо

фойдасини савдо фаолиятида яратилган кўшимча қийматнинг пулдаги ифодаси сифатида таърифлаш тўғри бўлади.

Шундай килиб, фойда умумий овқатланиш фаолияти қийматнинг бир элементи, ушбу қийматнинг пулдаги ифодаси бўлиб, товар баҳосининг элементидир. Бу ерда ҳам юкорида келтирилган қийматнинг классик формуласидан ($C+V+m$) келиб чиксак фойда - «т»да ифодаланади.

Иктисолиётта таалукли адабиётларда фойдани таърифлаша унга ялпи даромад ва муомала ҳаражатлари ўртасидаги фарқ сифатида қаралиб келинган¹. Юкоридаги таърифда, яъни фойдага ялпи даромад ва муомала ҳаражатларини фарки деб қаралганда унга тўғри ёндошаяпти деб айтиш кийин. Чунки умумий овқатланиш фаолиятида муомала ҳаражатларидан ташкари унга кирмайдиган, лекин даромад ва товарлар киймати хисобидан копланадиган бошқа ҳаражатлар ҳам мавжуд.

Бозор иктисолиёти фойданинг иктисолий мазмунини ва моҳиятини, уни шаклланишини тубдан ўзгартириб юборди.

Умумий овқатланишда фойда суммада ва даражаси деб аталадиган, рентабеллик кўрсаткичларида ишлатилади. Фойданинг суммаси доимо ҳам солишириш имкониятини бермайди, шу сабабли уни ижобий кўрсаткичи фойда даражаси ёки рентабеллиги ишлатилади. Ушбу кўрсаткичларни хисоблаш усуулларини кейинги 9.2-параграфда багафсил изохлаймиз.

Рентабеллик ҳар қандай хўжалик субъектининг, жумладан умумий овқатланишининг жуда муҳим кўрсаткичларидан хисобланади. Ушбу кўрсаткичда умумий овқатланиш корхона (شاҳобча)ларини даромали, ҳаражатларини, товар айрибошлиш, меҳнат унўмдорлиги каби кўрсаткичлар ҳолати ўз аксини топади.

¹ Сребник Б.В. «Экономика торговли». Учебник, М.: «Высшая школа», 1989. 168 ст.; «Торговое дело: Экономика и организация». Учебник, коллектив авторов, М.: ИНФРА-М, 1997. – 124-ст.; Раицкий К.А. «Экономика предприятия». Учебник, М.: ИНФРА-М, 1999. – 460 ст.; Хейнс П. «Экономический образ мышления». Пер. с англ. М.: «Повест», 1991. – 312 ст.

9.2. Рентабеллик кўрсаткичлари ва уларга таъсир қилувчи омиллар

Фойда хўжалик фаолиятининг самараси хисобланганлиги сабабли уни нисбий самарадорлиги кўрсаткичи сифатида рентабеллик кўрсаткичи ишлатилади.

Рентабеллик фойдани хўжалик фаолиятига алтоказор товар айланиши, ҳаражатлар, даромад ҳамда ресурсларга нисбатан фоизда ёки коэффициентда аникланадиган нисбий кўрсаткичидir.

Амалиётда асосан фаолиятни самарасини баҳолашда, уни таҳлил килишда ва режалаштиришда товарларни сотиш рентабеллиги кўрсаткичи ишлатилади. Ушбу кўрсаткич амалда соф фойдани 100,0 га кўнайтириб товар айланмасига (ТА) бўлиш орқали аникланади.

Рентабеллик миқдорига караб умумий овқатланиш фаолиятига, унда ресурслардан фойдаланиш самараси, фаолият тежамлами ёки йўқми каби ҳолатларга баҳо берилади.

«Корхона ҳаражатлари тўғрисида»ги статистик хисоботда (5-С (савдо) шакли) «товарларни сотишдан келган фойда»ни «сотишнинг ялпи фойдаси»га «Картошка ва сабзавотларни тайёрлаш, саклаш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича ҳаражатларни қоплаш, бошқа қоплашлар»ни кўшиш ва муомала ҳаражатларини олиш натижасида аниклаш кўрсатилган.

Унда «Сотишнинг ялпи фойдаси» «Сотишдан соф тушум»дан «Сотилган товарларни ҳарид қиймати таннархи»ни айриш орқали аникланган.

8.2 параграфда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 5 феврал 54-сонли карори билан тасдиқланган Низомга мувофик корхоналарнинг, жумладан умумий овқатланишнинг ҳам фойдаси хисоб-китоб килиш усувлари тавсия қилинган.

Ушбу низомдаги молиявий натижаларни (фойда ва заарни) аниклаш усувларини ҳамда умумий овқатланиш, корхона (шаҳобча)ларини хусусиятидан келиб чиккан холда фойдани, бизларни фикримиз юзасидан

келиб чиккан холда, хисоб-китоб килишни куйидаги усулларидаң фойдаланишни тавсия қиласыз;

1. Товарларни сотишдан олинган ялпи даромад – (ЯД)

$$\text{ЯД} = \text{УОУТА} - \text{СТМХК}$$

Бу ерда;

УОУТА - Умумий овқатланишни умумий товар айланиш (чакана+ улгуржи);

СТМХК - хом ашёлар, ярим фабрикатлар ва товарларни харид киймати;

Жумладан:

1.1 Ўз маҳсулотларини сотишдан олинган даромад - (ЎМСД)

$$\text{ЎМСД} = \text{СМСТ} - \text{ХЯХК}$$

Бу ерда;

СМСТ – сотилган маҳсулотлардан соф тушум (ўзи ишлаб чикарган маҳсулотни сотиш + маҳсулотни улгуржи сотиш);

ХЯХК - хом ашё ва яримфабрикатларни харид киймати;

1.2 Сотиб олинган товарларни сотишдан даромад- (СТСД)

$$\text{СТСД} = \text{СТССТ} - \text{СТХК}$$

Бу ерда;

СТССТ- сотиб олинган товарларни сотишдан соф тушум;

СТХК- сотиб олинган товарларни харид киймати.

2. Умумий овқатланишни муюмала харажатлари (УОМх)жами:

2.1. Маҳсулотларни ишлаб чикариш ва уларни сотиш харажатлари

$$(\text{МИЧСМх});$$

2.2. Сотиб олинган товарларни сотиш харажатлари (СТСМх).

Ушбу күрсаткичлар бухгалтерия хисоботлари асосида эксперт баҳолаш орқали хисоб-китоб қилиниши мумкин.

3. Умумий овқатланишда маҳсулотлар ва товарларни сотишидан олинган ялпи фойдаси - (МТСЯФ)

$$\text{МТСЯФ} = \text{ЯД} - \text{УОМх};$$

3.1 Ўз маҳсулотларини сотишидан олинган фойда - (УМСФ)

$$\text{УМСФ} = \text{УМСД} - \text{МИЧСМх};$$

3.2 Сотиб олинган товарларни сотишидан олинган фойда - (СТСФ)

$$\text{СТСФ} = \text{СТСД} - \text{СТСМх};$$

4. Асосий фаолиятдан кўрилган фойда - (АФФ)

$$\text{АФФ} = \text{МТСЯФ} + \text{БД} - \text{БЗ};$$

Бу ерда;

БД , БЗ – тегишлича асосий фаолиятдан олинган бошка даромадлар ва заарлар

5. Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда - (УФ)

$$\text{УФ} = \text{АФФ} + \text{МД} - \text{МХ};$$

Бу ерда;

МД, МХ – тегишлича молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ва харажатлар

6.Солик тўлангунча олинган фойда- (СТФ)

$$\text{СТФ} = \text{УФ} + \text{ФФ} - \text{ФЗ};$$

Бу ерда;

ФФ, ФЗ – тегишлича фавқулодда фойда ва заарлар.

7. Соғ фойда - (СФ)

$$\text{СФ} = \text{СТФ} - \text{ЯСТ} - \text{ММС}$$

Бу ерда;

ЯСТ – ялпи солик тўлови;

ММС –мол- мулк солиги .

Умумий овқатланишда савдодаги каби фойда хўжалик фаолиятининг самараси хисобланди, шу сабабли уни нисбий самарадорлиги кўрсаткичи сифатида рентабеллик кўрсаткичи ишлатилади.

Рентабеллик фойдани хўжалик фаолиятига алокадор товар айланиши харажатлар, даромад ҳамла ресурсларга нисбатан фоизда ёки коэффициентди аникланадиган нисбий кўрсаткичdir.

Амалиётда асосан фаолиятни самарасини баҳолашда, уни таҳли килишда ва режалаштиришда товарларни сотиш рентабеллиги кўрсаткич ишлатилади. Ушбу кўрсаткич амалда соф фойдани 100,0 га кўпайтириб Умумий овқатланишни умумий товар айланиш суммасига (УОУТА) бўлиш орқали аникланади.

Бизнинг фикримизча, фойдани шаклланишини янги тартибидан келиб чиқкан ҳолда, «Товарларни сотиш рентабеллиги» ёки «Товар айланиш рентабеллиги» (Рта) (бу иккала маънони синоним сифатида ишлатмоқдамиз) куйидагича аниклаш мақсадга мувофикдир.

$$P_{TA} = \frac{МТСЯФ - 100,0}{УОУТА}$$

Рентабелликни бошқа кўрсаткичларини пастда изохлаймиз.

Рентабелликни таҳлили жараённида кўрсаткичлар тизимида фойдаланиш лозим. Улар каторига куйидагиларни киритиш мумкин:

- чакана товар айланмаси ҳажми (УОТА) ва таркиби (УОТА_{i-n}) сўмда;
- сотишдан олинган ялпи даромад (ЯД), сўмда;
- сотиб олинган товарларни сотишдан олинган фойда (СТСФ) сўмда;
- ўз маҳсулотларини сотишдан олинган фойда (УМСФ), сўмда;
- маҳсулотлар ва товарларни сотишдан олинган фойда (МТСЯФ) сўмда;
- асосий фаолиятдан кўрилган фойда (АФФ), сўмда;
- умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда (УФ), сўмда;
- солик тўлангунча олинган фойда (СТФ), сўмда;
- соф фойда (СФ), сўмда;
- муомала харажатлари (Mx), сўмда;

- мұомала ҳаражатларини даражаси (Умх), %;
- асосий фондларни ишлатилиши рентабеллиги ($A\Phi_{u.p}$) ва даромадлилиги ($A\Phi_{u.d}$), %. Бу күрсаткічларни қуидагича аникланишини тавсия қыламиз.

$$A\Phi_{u.p} = \frac{УФ \cdot 100}{A}; \quad A\Phi_{u.d} = \frac{ЯД \cdot 100}{A}$$

Бу ерда: А – асосий фондлар аммортизацияси сүммаси.

- айланма маблағларни рентабеллиги (Рай._м) ва уларни даромадлилиги (Дай.м), %. Бу күрсаткічлар қуидагича аникланиши мүмкін:

$$P_{ai.M} = \frac{МТСЯФ \cdot 100}{АйМ(\ёки\bar{3})}; \quad D_{ai.M} = \frac{ЯД \cdot 100}{АйМ(\ёки\bar{3})}$$

Бу ерда: Ай.М - ўртача айланма маблағлар сүммаси;

$\bar{3}$ - ўртача товар заһиралари сүммаси.

- ишчи-ходимларни рентабеллиги (Ри.х) ва даромадлилиги (Ди.х), коэффициентларда. Ушбу күрсаткічларни қуидагича аниклаш тавсия қилинади:

$$P_{u.x} = \frac{УФ}{X}; \quad D_{u.x} = \frac{ЯД}{X}$$

Бу ерда: X - ходимларни йиллик ўртача сони, киши.

- мұомала ҳаражатларини рентабеллилиги (Мх.р):

$$M_{x.p} = \frac{МТСЯФ \cdot 100}{Mx}; \quad \text{Бу ерда: } Mx - \text{ мұомала ҳаражатларини сүммаси.}$$

- иш ҳақи фондини рентабеллилиги (Их.ф.р.) коэффициентда ёки %. Булар тегишлича қуидагича хисобланади:

$$I_{x.\phi.p} = \frac{Y\Phi}{I_{x.\phi}}; \quad I_{x.\phi.p} = \frac{Y\Phi \cdot 100}{I_{x.\phi}};$$

Фойда ва рентабеллик корхонанинг натижавий кўрсаткичи бўлганилиги сабабли унга кўп сонли ташки (савдога боғлик бўлмаган) ва ички омиллар таъсири қиласи.

Ташки омилларга қуидагиларни киритиш мумкин:

- сиёсий баркарорлик;
- иктисадиётнинг ҳолати;
- демографик ситуация;
- бозор конъюктураси, жумладан истеъмол товарлари бозори;
- инфляция даражаси;
- кредит бўйича банк фоизлар;
- баҳони миқдори;
- тарифлар, тўловлар ва бадаллар миқдорлари.

Ички омилларга қуидагилар киради:

- савдо устамалар миқдори (сотишдан олинган даромад);
- муомала ҳаражатлари миқдори;
- товарларни силжитиши каналлари;
- меҳнат унумдорлиги;
- товар айрибошлиш тезлиги (кунлар ва маротабаларда);
- ўз маблағларининг миқдори;
- асосий фонdlардан ва айланма маблағлардан самарали фойдаланиш ва бошқалар.

9.3. Фойда ва рентабелликнинг таҳлили

Фойда ва рентабелликни таҳлил қилишда унинг мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаб олиш зарур. Ушбу мақсад ва вазифаларга эришиш учун таҳлил жараённица қандай кўрсаткичлардан фойдаланиш ва

уларни ўрганиш кераклигини аниқлаб олиш ҳам мухим ахамиятта эга (9.2-параграфга қаралсın).

Фойда ва рентабеллик ҳар қандай хўжалик субъектининг, жумладан умумий овқатланиш фаолиятининг молиявий натижаси эканлигидан келиб чиқсан, уларни таҳлилини асосий максади умумий овқатланиш корхона (шахобча)ларининг хисобот йилидаги хўжалик фаолиятининг молиявий натижасини баҳолашдан иборатdir.

Зар қандай ташкилий-хуқукий шаклдаги хўжалик субъектлари фойдани максималлаштиришга интилади. Чунки фойда орқали фаолиятни инвестициялаштириш, ўз-ўзини молиялаштириш, мулқдорларни мулкини оширилиши, корхонани тўлов қобилиятини мустаҳкамдаш ва бошқа масалалар ҳал қилинади.

Таҳлил жараёнида ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажариш зарур бўлади:

- хисобот йилида режага нисбатан фойда ва рентабеллик кўрсаткичларида қандай ўзгаришлар рўй берганлигини аниқлаш;
- хисобот йили кўрсаткичларини ўтган йиллар, бошқа рақобатдош корхоналар, худуд, республиканинг кўрсаткичлари билан солиштирган ҳолда уларни ўзгариш тенденцияларини баҳолаш;
- фойда ва рентабеллика таъсир қилған омилларни ўрганиш ва баҳолаш;
- фойдани таркибини ўзгаришига баҳо бериш, уни турлари бўйича ўзгариш тенденцияларини баҳолаш;
- фойда ва рентабелликни ошириш йўлларини аниқлаш, чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;
- фойдани тақсимланишини ўрганиш, шу билан бир қаторда жамланган фойдани ўзгариш тенденцияларини баҳолаш, резерв капитални ҳолатини баҳолаш, акциядорларни двидендлари қандай ҳолатда ўзгариши каби жараёнларни баҳолаш. Чунки бу жараёнлар корхонанинг келажак фаолияти самарасига сезиларли даражада билвосита таъсир қиласди.

Фойда ва рентабелликни таҳлил қилиш жараёнида юқоридагилардан ташқари даромадлар ва харажатларни ўзгариш тенденциялари комплекс ўрганилиб, уларга ҳам баҳо берилади.

Бундай таҳлилда корхона ресурсларини ишлатилиши самарадорлигига ҳам баҳо бериш зарур бўлади.

Фойда ва рентабелликни таҳлили биз 9.2-параграфда келтирган кўрсаткичларни аниқлаш, фойда ва рентабелликка таъсир қилувчи омиллар, шарт-шароитлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ҳамда уларга ишлов беришдан бошланади.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-сонли шакл)да келтирилган кўрсаткичлар бўйича режанинг бажарилишини аниқлаш ва ўтган йилларга (қамида уч йил) нисбатан ўзгариш суръатларини таҳлил қилиш учун қўйидаги 9.3.1 жадвални тавсия қиласиз.

Ушбу жадвал маълумотларини ҳисоб-китоб қилгандан кейин биз юқорида келтирган рентабеллик кўрсаткичларини алоҳида жадвалда ҳисоблаш, кўрсаткичларга баҳо бериш, уларга таъсир қилган омиллар таъсир микдорини ҳисоб-китоб қилиш, хуроса ва таклифлар ишлаб чиқиш лозим.

Фойданни таҳлил қилишда уни тақсимланишига ҳам алоҳида эътибор қаратиш, уни кўрсаткичларини жадвалга солиб, режага нисбатан, ўтган йилларга нисбатан ўзгариш микдорини, суръатларини ҳисоблаш, баҳолаш зарур бўлади.

Ҳисобот йилидаги соғ фойда тақсимланиши ёки тақсимланмай қолиши мумкин. Бундай тақсимотни амалга ошириш корхонанинг мулкий ва ташкилий шаклига бевосита боғлиқ бўлади.

Масалан, акциядор жамиятларда, хусусий корхоналарда, қўшма корхоналарда фойданни тақсимланиши уларни устав ва таъсис шартномалари талабларидан келиб чиқкан ҳолда, таъсисчилар йигилишининг карорига асосан амалга оширилади.

Молиявий натижаларни йилларга таҳлили

Кўрсаткичлар	Ўтган йиллар			Ҳисобот йили		Актийиси режага нисбатан		Ўтган йилларга нисбатан ўзгариши					
	X ₁	X ₂	X ₃	режа	ҳақиқий	ферқи	%	Сўмда			% X ₃ X ₂ X ₁ X ₃ X ₂ X ₁		
Максулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан соғтушум (товар айланмаси)													
Сотилган максулот (товар, иш ва хизмат)ларни таниархни (сотилган товарларни сотиб олиш бахосиди)													
Максулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг сотишининг ялни даромади (зарари) суммаси (1-2)е													
Товар айланмасига нисбатан, %													
Давр харажатлари, жами: суммаси (4,1+4,2+4,3+4,4)													
Товар айланмасига нисбатан, %													
Шу жумладан:													
4.1 Сотиш харажатлари													
4.2 Мамурий харажатлар													
4.3 Башка операцион харажатлар													
4.4 Келгусида соликка тортиладиган базадан чиқариладиган ҳисбот даври													

	харжатлари						
5.	Товарларни сотишдан олиганинг фойда: суммаси (3-4)						
	Товар алланмасига нисбатан, %						
6.	6.1 Асосий фаолиятнинг бошка даромадлари						
	6.2 Асосий фаолиятнинг бошка харжатлари						
7.	Асосий фаолиятнинг фойдаси (3-4+5)						
8.	Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами (8,1+8,2+8,3+8,4+8,5), шу жумладан:						
	8.1 Дивиденделар шаклидаги даромадлар						
	8.2 Фонзлар шаклидаги даромадлар						
	8.3 Узок муддатли ижара (лизинг)дан даромадлар						
	8.4 Валюта курси фаркидан даромадлар						
	8.5 Молиявий фаолиятнинг бошка даромадлари						
9.	Молиявий фаолият бўйича харжатлар (9,1+9,2+9,3+9,4) шу жумладан:						
	9.1 Физлаш шаклидаги харжатлар						

9.2 Үзок муддатли ижара (лизинг) бүйича фондын шаклидаги харажатлар								
9.3. Валюта курси фаркдан иаралар								
9.4. Молиявий фаолият бүйича бошка харажатлар								
Умумхужалык фойдаласи (зарари) (7+8+9)								
Фавкултадеги фойда ва заралар								
Даромад (фойда) солигини гулагунга қадар фойда (зарар) (10±1)								
Даромад (фойда) солиги (ялғаш даромад солиги)								
Фойдадан бошка соликлар ва ингимлар								
исобот даврининг соғ фойласи (зарари); суммаси (12-13-14)								
Товар айланымасига нисбатан, %								
Баҳолар индекси								

Соф фойдани тақсимоти қүйидагиларда ўз ифодасини топади:

- таъсисчиларга двиденд (фоиз) кўринишида тақсимланган соф фойда суммаси;
- корхонанинг резерв капиталга ажратма суммаси;
- тақсимланмай қолган фойдани ўтган йиллар жамланган фойдасига қўшилган сумма (жамланган фойда ҳисобига).

Ушбу кўрсаткичларни иқтисодий йўналтирилиши можиятидан келиб чиқиб, уларни ўзгариш суръатларига алоҳида баҳо бериш керак.

Фойда даромадлар ва ҳаражатлар тафовутидан шаклланган кўрсаткич бўлганилиги сабабли, уни нисбий кўрсаткичи рентабелликни ошириш йўлларини аниқлаш даромадни ошириш ва ҳаражатларни қисқартириш тадбирларидан келиб чиқиш зарур.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, рентабелликни ошириш йўлларини аниқлаймиз.

Уларга қўйидагиларни киритиш мумкин.

1. Товар айланмаси ҳажмини шу жумладан ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлар ҳамда сотиб олинган товарлар бўйича ошириш ва ассортиментини такомиллаштириш.
2. Товарларни сижитиш бўғинлари қисқартириш.
3. Товар айрибошлиш тезлигини таъминлаш (кунлар ва маротаба ҳисобида).
4. Муомала ҳаражатларини тежамкорлик билан сарфлаш.
5. Мавжуд ресурслардан (моддий, меҳнат ва молиявий) самарали фойдаланиш.
6. Умумий овқатланишда янги технологияларини жорий қилиш ва бошқалар.

Фойдани оширишни асосий йўли даромадларни оширишdir.

Умумий овқатланиш фаолияти даромадларини ошириш йўллари даромадлар турларидан ва моддаларидан келиб чиқиб, уларни шаклланиш манбалари ва уларга таъсир этувчи омиллардан келиб чиқиб белгиланиши зарур.

Товарларни сотишдан олинган даромадлар асосан товарлар айланиши хажми, таркиби ва ассортименти, уларга ўрнатилган умумий овқатланиш устамаси даражаси ҳамда товарларни келтиришдаги иштирокчилар ва ракобатбардош баҳонинг микдоридан боғлик. Бу кўрсаткичларни у ёки бу томонга ўзгариши даромадни ортишига ёки камайишига олиб келади.

Асосий фаолиятдан олинган бошқа адромадлар микдори корхонада мавжуд асосий фондлар, уларни ишлатилмаётганилиги, сотиш имконияти, номоддий активларни сотишни ташкил қилишдан боғлик.

Мавжуд, талаб қилиб олинмаган жазо, жарима ва бокимандаларни ўз вактида қайтариб олиш тадбирларини кўриш ва бошқалар.

Молиявий фаолиятдан олинган даромадларни ошириш учун умумий овқатланиш корхонаси мулки бўлган нау-хай, лицензия, компьютер дастурларидан самарали фойдаланиш, уларни ижарага бериш ёки сотиш чораларини кўриб чиқиши.

Бошқа корхоналар акцияларини сотиб олиш орқали двиденклар ишлаш каби фаолиятларни юритиши.

Барча даромадлар турлари бўйича уларни ошириш йўлларини ахтарганда, бошқарув соҳасида юкори малакали кадрлардан фойдаланиш, рационал карорлар қабул қилиш, фан техника ютукларидан тўгри фойдаланиш каби тадбирлар кўрилиши мақсадга мувофикдир.

Муомала харажатлардан тежамли фойдаланиш, унинг таркибида норационал харажатларга йўл кўймаслик умумий овқатланишининг сотишдан олган фойдасини оширишга олиб келади.

Умуман фойдани микдори хўжалик фаолиятни ташкиллаштиришда самарали қарорлар қабул қилиш, раҳбарлар ва ходимларни тадбиркорлиги, қасбий маҳорати, малакаси каби омиллардан ҳам анча боғликдир.

9.4. Фойда ва рентабелликни режалаштириш ва прогнозлаши

Фойда хар кандай хўжалик юритиши шаклидан қатъий назаретидан бозор иктисолиёти шароитида муҳим аҳамиятга эга. У хўжаликни фаолиятини самарадорлигини кўрсаткичи бўлиши билан бир катор, корхоналарни, жамиятни иктисодий тараккиётига асос солади ва инновашини жараёнини молиялаштиришни ҳам таъминлайди.

Фойда хўжалик фаолиятини натижаси бўлиш билан бирга узвивожлантиришга шарт-шароит яратади. Чунки фойда барча хўжаликни фаолияти тараккиётини таъминловчи янгиликлар, ихтиrolарни жорий килишга имконият яратадиган манбадир.

Жамиятни барча хўжалик субъектлари каби савдо ҳам ўз мулкларини тўлдириш, асосий фондларга капитал маблағларини молиялаштириш, доин янгиликлар, ихтиrolарни жорий килиш масаласини қиска муддатда ҳал қилишга имконият яратилиши зарур.

Ушбу ҳолат корхоналарни, барча турдаги хўжалик субъектларини колаверса худудни ва жамиятни молиявий имкониятларини жорий стратегик режалаштирилишини талаоб қиласи. Умумий овқатланиш корхоне (шахобча)лари учун ҳам юкорида келтирилган ҳолатлардан келиб чикини фойдасини қиска муддатларга режалаштириши ва келажаки прогнозлаштириши объектив заруриятдир.

Фойда тўғрисидаги маълумотлар корхоналар учун хўжалик фаолиятни келажагини белгилаш учун мўҳим манба бўлиб ҳисобланади.

Фойдани режалаштириш ва прогнозлаштиришда куйидаги маълумотлар асос бўлиб ҳисобланади:

Биринчидан, корхонани даромадини, муомала ҳаражатларини умумий ҳажми ва моддалари бўйича; фойдасини ва тегишли бўлган бошкун кўрсаткичларини ўтган даврга таҳлили натижалари.

Иккинчидан, даромадларни барча турларини, муомала ҳаражатини хажми ва моддаларини, ретабелликни барча кўрсаткичларини ўзгариш суръатлари (тенденциялари)ни ўрганиш натижалари.

Учинчидан, товар айланмаси хажми ва ассортименти, товар таъминоти товар гурухлари ва манбалари бўйича режалар ва прогноз маълумотлари.

Тўртинчидан, савдо устамалари тўғрисидаги маълумотлар.

Бешинчидан, мўлжалланган даврга бахолар, соликлар, хар хил тўлов тўғрисидаги маълумотлар.

Олтинчидан, муомала ҳаражатларини прогнози.

Етгинчидан, келажакда корхонани ўз айланма маблағлари миқдори, асосий фондларни янгилаш, реконструкция қилиш тўғрисидаги прогноз маълумотлари ва бошқалар.

Фойдани унинг таркибий турлари, яъни товарларни сотишдан олинган ялли фойда, асосий фаполиятдан кўрилган фойда, умумхўжалик фаолиятидан кўрилган фойда, солик тўланунгача олинган фойда ва йилнинг соғ фойдаси бўйича алоҳида хисоб-китоблар килиниб, алоҳида режалаштирилиши ва прогноз қилиниши лозим.

Юкоридагилар фойдани режалаштириб қандай муҳим аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлаб туриди.

Фойдани режалаштиришда қандай мақсад назарда тутилади?

Фойда ва рентабелликни режалаштиришни асосий мақсади овқатланиш корхоналарининг хусусиятлари ва уларнинг умумий мақсадидан келиб чиқиши зарур.

Овқатланиш корхоналарининг хусусиятлари улар фаолиятида ишлаб чиқариш, айрибошлаш, яъни олди – сотди жараёни ва ишлаб чиқарган маҳсулотни ўз жойида истеъмол ташкил қилиш, сотиш учун сотиб олинган товарларни сотиш каби функцияларни бажариш билан белгиланади. Ушбулардан келиб чиқиб, овқатланиш корхоналарининг умумий мақсади сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, жойида сотиш, истеъмолни ташкил

килиш сотиш учун сотиб олинган товарларни сотиш асосида даромад ёки фойда олишга эришишдир.

Овқатланиш корхоналарининг фойдаси бир томондан, юкорида келтирилган функцияларни бажарилиш шарт – шароитлари, ҳажми ва таркибиға; иккинчи томондан, даромадларнинг турлари ва шаклланишига; учинчи томондан, овқатланиш корхоналарининг харажатлари миқдори ва таркибиға боғлиқ бўлади.

Фойда хар қандай корхона, жумладан овқатланиш корхоналари учун хам уларнинг ривожланиш манбаи бўлиб хисобланади. Унинг яна бир мухим томони, жамият тараккиётини таъминлашга асос бўлиб хизмат қиласди.

Юкоридагилар фойдани режалаштириш қандай мухим аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлаб турибди.

Фойдани режалаштиришдан асосий мақсад – бир томондан, корхонани келажакда ривожланишини таъминлайдиган миқдордаги фойдага эришиш бўлса; унга эришиш учун овқатланиш корхоналари ахоли талабига жавоб берадиган, юкори сифатли озик – овқат маҳсулотларини ишлаб чиқиши, сотиши ва истеъмол килиниши сотиш учун сотиб олинган товарларни сотиш учун юкори даражадаги хизматни ташкил килишига боғлиқдир. Бу мухит фойдани режалаштириш максадини иккинчи томонини намоён қиласди.

Ушбу мақсадларга эришиш учун фойдани режалаштириш қуйидаги вазифаларни ўзида мужассамлаштириши керак.

- асосий мақсадга эришишни таъминлайдиган тижорат ғояларини аниклаш;
- фойдага таъсир килувчи барча омилларни ўтган йилларга комплекс таҳлил килиш ва келажакка башорат қилиш;
- фойдага бевосита таъсир килувчи омиллардан келиб чикиб корхонани безараарлик нуктасини аниклаш;
- бозор иктисодиёти шароитида барча ресурслардан окилона, рационал фойдаланиш, харажатларини тежамлигини, молиявий натижаларни оптималигини таъминлаш;

- режани бозор конъюктураси ўзгариш эҳтимолларига мўлжалланган альтернатив варианларини тайёрлаш;

- ишлаб чикилган ва қабул килинган режани бажарилишини таъминлайдиган чора – тадбирларни белгилаш ва назорат килиш.

Фойда ва рентабелликни режалаштиришда бир қанча усуллардан фойдаланиш тавсия қилинади.

Улар каторига куйидагиларни киритиш мумкин;

- даромадлар ва харажатлар баланси;

- техник – иктисадий хисоб-китоб усули;

- безараарлик (заарсизлик) нуктасини аниқлаш усуллари;

- эластиклик коэффицентларини қўллаш усули;

- иктисадий- математик усуллар.

Баланс усули амалиётда товар айланиш кўрсаткичларини режалаштиришда, ахоли даромадлари ва харажатларини аниқлашда кенг қўлланиладиган усуллардан бири ҳисобланади. Биз овқатланиш корхоналари фойдасини режалаштиришда баланс усулидан кенг фойдаланишни тавсия қиласиз. Баланснинг чап кисмida Умумий овқатланиш корхонасининг барча даромадлари микдори, ўнг кисмida харажатларнинг барча турлари микдори ва корхонанинг фойдаси кўрсатилади.

Бизнингча баланс таркибини куйидаги шаклда тузиш мақсадга мувофикдир.

Овкатланиш корхонасининг даромадлар, харажатлар ва фойдаси баланси
(минг сўм)

Даромадлар	Сумма	Харажатлар ва фойда	Сумма
1. Сотишдан олинган даромадлар – жами Жумладан: 1.1. Ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотишдан олган даромади. 1.2 Сотиб олган товарларни сотишдан олган даромади. 2. Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар. 3. Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар. 4. Фавқуллотда даромаллар.		1. Сотиш таннархига киритилган харажатлар. 2. Давр харажатлари. 2. 1. Сотиш харажатлари. 2.2. Маъмурий харажатлар. 2.3. Бошка операцион харажатлари. 3. Келигуси давр харажатлари. 4. Асосий бўлмаган фаолиятга доир харажатлар. 5. Молиявий фаолиятга доир харажатлар. 6. Фавқуллотда харажатлар.	
5. Ялпи даромад.		7. Жами харажатлар суммаси:	
		8. Солик тўлангунча фойда. 9. Ялпи даромад солиги. 10. Мол мулк солиги. 11. Соғ фойда.	
Баланс		Баланс (7+8+11)	

Техник-иктисодий хисоб китоб усулидан балансдаги күрсаткичларни аниклашда кенг фойдаланиш мумкин ва фойдани алохида турларини аниклашда ишлатилади. 1999 йил 5 февралдаги Вазирлар Махкамасининг 54 сон карори билан тасдиқланган «Махсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чикариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириши тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофик Умумий овқатланиш корхоналарининг фойдасининг хисоб китоб килиш усули 9.2. параграфда ёритилган.

Безараблик нуқтасини аниклаш орқали фойдага таъсири қилувчи омилларнинг таъсири остида қанча миқдорида соғ фойдага эришиш мумкинлиги аникланади. Унинг учун куйидаги формулалардан фойдаланиш мумкин.

$$1. \text{ БН к } \frac{\Delta X}{1 - \frac{УХ}{УОУТА}};$$

бунда: ΔX – доимий харажатлар (муомала ва ишлаб чикариш харажатларини) ўзгармас кисми;

УОУТА – Умумий овқатланиш корхоналарининг умумий товар айланмаси,

У_х Умумий овқатланиш корхонасини ўзгарувчан ҳаражатлари

$$2. \text{ БН к } \frac{\Delta X \cdot 100}{\Delta \cdot 100} : \frac{УОУТА}{УОУТА}$$

бунда Δ – даромадлар.

$$БН = \frac{УОУТАx\Delta X}{УОУТА - Уx}$$

Эластиклик коэффициенти фойдага таъсир килувчи омилнинг 1 % ўзгариши фойдани канча фоизга ўзгаришига олиб келишини кўрсатали. Ушбу кўрсаткич ўтган йиллар маълумотларини тахлил килиш орқали хисоб-китоб килинади ва режалаштирилган йилга таъсир килувчи омилни ўзгариш миқдорига коэффициентни кўпайтириш орқали фойдани ўзгариш даражаси аникланади.

Эластиклик коэффициентини умумий кўриниши қўйидаги формула орқали аникланади.

$$K_s = \frac{\Delta Y \cdot 100}{Y} : \frac{\Delta X \cdot 100}{X} = \frac{\Delta Y}{\Delta X} \cdot \frac{X}{Y};$$

Бунда: y - фойданинг миқдори;

X - таъсир килувчи омилнинг миқдори.

Фойданинг ўзгариш миқдори « ΔY » унга таъсир килувчи омилнинг « ΔX » ўзгариш миқдорига нисбатан қандай даражада ўзгаришини кўрсатади. Уни хисоблаш учун корреляцион тенгламадан фойдаланиш мумкин. Агар боғликлек тўғри чизикли бўлса,

$y = a + bx$, унда $K_s = b \cdot \frac{X}{Y}$; « b » - регрессия коэффициенти, уни юкорида келтирилган тенгламани ечиш орқали аниклаш мумкин бўлади.

Фойдани режалаштиришда иқтисодий математик усуллардан ҳам кенг фойдаланиш мумкин бўлади. Агар унинг учун етарли маълумотлар мавжуд бўлса. Масалан кўп факторли регрессион моделлардан фойдаланиш мумкин.

Фойдани миқдори аниклангандан кейин рентабеллик кўрсаткичи аникланади.

Амалиётда рентабеллик асосан фойда суммасини 100 кўпайтириб, Умумий овқатланиш корхонасини умумий товар айланмасига бўлиш билан аникланади.

Ушбу кўрсаткич билан бир каторда фойдани ишлаб чиқариш ва муомала харажатларига нисбатан; корхонанинг даромадига нисбатан; иш хақига нисбатан ва х.к. нисбатан аниклаш ҳам мумкин.

Таянч иборалар: товар айланмаси, киймат, баҳо, устама, ялни даромад, товарларни сотишдан олинган даромад, асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар, молиявий фаолиятдан олинган даромадлар, фавкулотдаги даромадлар, фойда, рентабеллик, режа, режалаштириш, прогноз, безараарлик нүктаси, эластиклик коэффициенти, баланс, ҳаражатлар, даромадлар, самараадорлик.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Даромадлар тушунчаси моҳиятини ёритиб беринг.
2. Умумий овқатланишнинг даромадини таърифини айтинг.
3. Умумий овқатланишнинг даромадига қандай тарифлар берилгандар?
4. Нега савдонинг даромади уни фаолиятининг баҳоси дейилади?
5. Умумий овқатланишнинг даромадлари қандай йўналишларда ишлатилиди?
6. Даромадларни қандай турларини биласиз ва улар таркибига нималар киради?
7. Даромадларни таҳлил қилишни вазифаларини айтинг.
8. Даромадларни таҳлил қилишда қандай маълумотлардан фойдаланилади?
9. Даромадларни таҳлил қилишда қандай кўрсаткичлар аникланади?
10. Даромадларга қандай омиллар таъсир қиласи?
11. Даромадлар қандай режалаштирилади?
12. Фойданни режалаштириш ва прогнозлашни аҳамиятини ёритиб беринг.
13. Фойда ва рентабелликни режалаштиришида қандай маълумотлардан фойдаланилади.
14. Фойда ва рентабелликни режалаштиришни мақсади нималардан иборат?
15. Фойда ва рентабелликни режалаштиришида қандай вазифалар ҳал қилинади?

16. Фойдани режалаштиришида қандай усуулардан фойдаланылади?
17. Фойдани режалаштиришида тұзиладиган баланс мазмуниниң ёритиб беринг.
18. Техник-иктисодий ҳисоблар усули қандай ва қайси холда ишләтиледи?
19. Безараарлык нұктаси қандай аниқланади?
20. Эластиклик коэффициентинің мөхияттінің ёритінг.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Мулкчилик тўғрисидаги Конун. 1990 йил 31 октябр Ўзбекистон Олий Советининг Ведомостлари, 1990 йил №31-33.
2. Ўзбекистон Республикасида Мулкчилик тўғрисидаги Конунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хакида Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 май Конуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993 йил, 5-сон.
3. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябр Конуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992 йил, 1-сон.
4. Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил, 2 июл Конуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992 йил, 10-сон.
5. «Хусусий корхоналар тўғрисида» Конуни. 2003 й. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш ахборотномаси 2004 йил 3-сон.
6. Махсулот белгилари ва хизмат кўрсатиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил, 7 май Конуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993 йил, 6-сон.
7. Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрел Конуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997 йил 4-5 сон.
8. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Конуни. 1991 йил 15 феврал (7 – май 1993 йил ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган). Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлик тўғрисида Конун Ҳужжатлари. Тошкент «Иқтисодиёт ва хукук дунёси», 1999 йил.
9. Ўзбекистон Республикаси «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида» Конун. 1991 йил 21 декабр. 1998 йил 29 августда ўзгартиришлар киритилган.

10. Озиқ – овқат махсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 август Конуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997 йил 9 сон.
11. Истеъмолчиларнинг хукукларини ҳимоя қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрел Конуни. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг ахборотномаси 1996 йил 5-6 сон.
12. Товар бозорларида монополистик ракобатни чеклаш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабр Конуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997 йил 2-сон.
13. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик ва табиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида» 1999 йил 14 апрел Конуни. Халқ сўзи. 1999 йил, 29 апрел.
14. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил, 24 декабр Конуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси 1999 йил, 1-сон.
15. Реклама тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Конуни. Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1999 йил, 1-сон.
16. Ўзбекистон савдо-саноат палатасини ташкил қилиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 7.07.2004 йил фармони.
17. «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириши жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрел карори.
18. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида -Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20 август 2003 йилги карори.

19. 2003-2006 йилларда чакана савдо, умумий овқатланиш ва ахолига маиший хизмат кўрсатиши корхоналари тармоқларини ривожлантиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 13 феврал 2003 йилги қарори.
20. Ўзбекистон Республикаси «Кичик корхоналар тўғрисида» Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 26 феврал 85 сонли қарори.
21. Ўзбекистон Республикаси «Хусусий тадбиркорлик тўғрисида» Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 15 феврал 55-сонли қарори.
22. «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириши рагбатлантириш механизмини такомиллаштириши». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 май 32 сонли қарори.
23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига солик солиш тартиби тўғрисида» 1998 йил 10 апрел 153-сон қарори.
24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига солик солиш тартиби тўғрисида» 1998 йил 10 апрел 153-сон қарорига ўзгартиришлар киритни ҳакида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1998 йил 14 январ 20 сон қарори.
25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳакида» 1999 йил 5 феврал 54-сон қарори.
26. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киригиш тўғрисида»ги 2003 йил 15 октябр 444 сон қарори.

27. Каримов И.А. Ўзбекистон иктиносидий ислоҳатларни чукурлаштириш йўлида. Тошкент., Ўзбекистон, 1995.
28. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент., Ўзбекистон, 1995.
29. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий ижтимоий ва иктиносидий истиқболининг таъмойиллари. Тошкент., Ўзбекистон, 1995.
30. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктиносидий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари. Тошкент.. Ўзбекистон, 2009.
31. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиётни ва ҳалкимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иктиносидий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағищланган Вазирлар Мажхамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.
32. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фукаролик жамияти барпо этиш – устувор максадимиздир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.
33. Абдукаримов И.Т., Пардаев М.Қ., Истроилов Б.И. Корхонанинг иктиносидий салоҳияти таҳлили. Тошкент. «Иктиносидиёт ва хукуқ дунёси», 2003.
34. Абдукаримов Б.А. ва бошқалар «Корхона иктиносидиёти», Дарслик, Тошкент «Фан», 2005.
35. Абдукаримов Б.А. «Ички савдо иктиносидиёти». Дарслик I-кисм., Т., «Фан ва технологиялар», 2007.
36. Абдукаримов Б.А. «Ички савдо иктиносидиёти». Дарслик II-кисм., Т., «Фан ва технологиялар», 2008
37. Абдукаримов Б.А. Бозор иктиносидиёти шароитида бизнес – режанинг моҳияти. Маъзуза матни, Самарқанд. 1997.

38. Абўлкосимов Х. Корхонанинг халкаро маркетинг фаолияти. Тошкент: «Академия» 2002.
39. Беа Ф.К., Дихтла Э., Швейцера М. Экономика предприятия. Учебник. М.; Издательский дом «ИНФРА - М», 1999.
40. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши. Тошкент, «Ўқитувчи», 1996
41. Буров В.П. и др. Бизнес план фирмы. М.: «ЭКМОС», 2000.
42. Ворст Й., Ревентлоу П. Экономика фирмы. Учебник. (перевод с данского). М.: «Высшая школа», 1994.
43. Гозибеков Д.Е. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Тошкент: «Молия», 2003.
44. Гранаткин Ю.А., Истамов Д.И., Эргашев Х.К. Основы предпринимательства. Санкт-Петербург - 1993.
45. Давидяну Д.Б. Показатели и оценка эффективности экономики в условиях рыночных отношений (Макро и микро уровень). Ставрополь. «Кавказский край», 1998.
46. Дадабоев Ю.Д. и др. Экономика предприятия. Учебник. Ташкент: Ферганский научный центр. 1998.
47. «Инструкция по статистике численности и заработной плате работающих по найму». Утверждена Постановлением Министерства Республики Узбекистан №33 от 26 октября 1998 г.
48. Истамов Д.И., Гранаткин Ю.А., Мухаммедов М.М., Ходжаев Э.Н. Экономические безопасность предприятия и защита коммерческой тайны. Учебное пособие. Самарканд, 1995.
49. Йўлдошев Н.К. Савдо корхонаси иқтисоди, Ўкув қўлланма. Т.: ТДИУ, 2005 й.
50. Киселев А.П. Теория и практика современного бизнеса. Киев «ЛИБРА», 1995.
51. Пардаев М.Қ., Абдукаримов Б.А. Мехнат иқтисоди ва социологияси. Ўкув қўлланма. Самарқанд, 2002.

52. Пардаев М.К., Истроилов Б.И. Иктисодий таҳлил. Ўкув қўлланма. I-II кисм. Тошкент: «Иктисодиёт ва хукук дунёси» нашриёт уйи, 2001.
53. Парпинев У., Саламов И. Бозор иктисодиёти асослари ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Тошкент: «Шарқ», 1996.
54. Райзберг Б.А. Основы экономики. Учебное пособие. М.: «ИНФРА-М», 2000.
- 55.Уразов К.Б. «Савдода бухгалтерия хисоби ва солиқка тортиш». Тошкент: «Иктисодиёт ва хукук дунёси» нашриёт уйи. 2004.
56. Севлинянц Г.Е., Хаджаев Э.Н. Предпринимательство в Республике Узбекистан. Ташкент. «Мерос» 1993.
57. Современная экономика. Учебное пособие. Ростав-на-Дону: «Феникс», 2007.
58. Сребник Б.В., «Экономика торговли». Учебник. М.: Высшая школа», 1998.
59. Сулаймонов Ш.С. Иктисодиёт назарияси. Ўкув қўлланма. Ўш,1998.
60. Тадбиркорлик ва бизнес асослари. Ўкув қўлланма. Э.Н.Хаджаев, Р. Г. Юнусова, Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Самарқанд Зарафшон. 1994.
61. «Торговое дело: Экономика и организация». Учебник. М.: ИНФА-М. 1997.
62. Фридман А.М. Экономика предприятий торговли и питаний потребительского общества. Учебник. М.: «Дашков и К°», 2008.
63. Чжен В.А. ва бошқалар. Хусусийлаштириш асослари. I том. Тошкент: «Иктисодиёт ва хукук дунёси» нашриёт уйи, 1996.
64. Чжен В.А. ва бошқалар. Пул ва молия бозорлари. II том. Тошкент: «Бизнес каталог», 1996.
65. Чжен В.А. ва бошқалар. Бозор Қонунияти асослари. III том. Тошкент: «Бизнес каталог», 1996.
66. Чжен В.А. ва бошқалар. Бозор ва очик иктисодиёт IV том. Тошкент. «Бизнес каталог». 1996.

67. Чжен В.А. ва бошқалар. Бозор шароитида минтақанинг тармок тараккиёти. В том Тошкент: «Бизнес каталог». 1997.
68. Эгамбердиев Э., Хўжакулов Х. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Тошкент: Маннавият, 2003.
69. Экономика общественного питания. Ефимова О.П. Минск.: «Новое знание», 2008.
70. Экономическая теория. Учебник. Тошкент: «Шарқ», 1999.
71. «Экономика торгового предприятия». Учебник для вузов. Коллектив авторов. М.: «Экономика», 1997.
72. Экономика торговли. Мухаммедов М.М., Абдукаримов Б.А., Алтибаев Р.И., Кутбетдинов А.Т., Учебное пособие. Самарканд, 1998.
73. Экономика предприятия. Раицкий К.А., Учебник. М.: - НВЦ. «Маркетинг», 2000.
74. Статистические сборники Госкомстата Ўзбекистана: «Ўзбекистан в цифрах 2008»; «Ўзбекистан в цифрах 2008»; «Торговля в Ўзбекистане 2006»; «Торговля в Ўзбекистане 2008»; «Труд и занятость в Ўзбекистане 2008»; «Социальное развитие и уровень жизни населения в Ўзбекистане 2008».

КИРИШ	3-4
1-мáрзуа. Умумий овқатланиш соҳаси иқтисодиёти фанининг низарий масалалари	4-22
1.1. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида иқтисодий фанларнинг ўрни ва аҳамияти	4-11
1.2. Умумий овқатланиш соҳаси иқтисодиёти фанининг бошқа иқтисодий фанлар билан боғликлиги	11-15
1.3. Умумий овқатланиш соҳаси иқтисодиёти фанининг объекти ва предмети	15-18
1.4. Умумий овқатланиш соҳаси иқтисодиёти фанининг усуллари	19-22
2-мáрзуа. Умумий овқатланиш ва уни ташкилий-иктисодий тасвифи	23-31
2.1. Умумий овқатланишнинг моҳияти ва функциялари.	23-27
2.2. Умумий овқатланишнинг ижтимоий шакллари, ташкилий иқтисодий таснифи.	27-29
2.3. Умумий овқатланишнинг иқтисодиётда туттган ўрни ва аҳамияти.	29-31
3-мáрзуа. Умумий овқатланиш корхоналари маҳсулоти ва товар айланмаси	32-59
3.1. Умумий овқатланиш корхоналарининг айрим хажмий ва сифат кўрсаткичлари	32-37
3.2. Умумий овқатланиш корхоналарининг товар айланмаси ва маҳсулотлари ишлаб чиқаришини таҳлили	38-47
3.3. Умумий овқатланиш корхоналарида товар захираларининг хусусиятлари	47-49
3.4. Умумий овқатланиш корхоналарида товар айлашини режалаштириш ва ишлаб чиқариш дастури	49-54
3.5. Умумий овқатланиш корхоналарида хом ашё таъминоти ва маҳсулотлари баланси	54-59
4-мáрзуа. Умумий овқатланиш корхоналарининг моддий ва молиявий ресурслари	60-95
4.1. Ресурслар тушунчаси ва таркиби	60-63
4.2. Асосий фондлар тушунчаси, таркиби ва баҳоланиши	64-68
4.3. Асосий фондларнинг кўрсаткичлари	68-74
4.4. Айланма фондлар (маблағлар) тушунчаси, харакати ва аҳамияти	75-85
4.5. Молиявий ресурслар моҳияти ва уларни умумий овқатланиш корхоналари самарадорлигини оширишдаги аҳамияти	85-95

5-мáрзуза.	Умумий овқатланиш корхоналари мөхнат ресурслари	96-118
5.1.	Умумий овқатланиш корхоналаридаги мөхнаттың ижтимоий - иқтисодий мөхияти ва аҳамияти	96-99
5.2.	Умумий овқатланиш корхоналаридаги мөхнат ресурслариниң шаклланиши ва күрсаткышлари	99-105
5.3.	Умумий овқатланиш корхоналаридаги мөхнат ресурслариниң таҳлили ва режалаштириши	105-118
6-мáрзуза.	Умумий овқатланиш корхоналаридаги иш ҳаки	119-163
6.1	Иш ҳаки түннүнчеси, мөхияти ва аҳамияти	119-127
6.2.	Иш ҳакиниң ташкил килиниң қонголалари	127-129
6.3.	Иш ҳакининг шакилари, тизими ва хисоблаш усууллари	129-146
6.4.	Иш ҳаки фондиниң таҳлили	146-158
6.5.	Иш ҳаки фондини режалаштириши	159-163
7-мáрзуза.	Умумий овқатланиш корхоналари даромадлари	164-174
7.1.	Умумий овқатланиш корхоналари даромадлариниң табиати, мөхияти ва турлари	164-168
7.2	Умумий овқатланиш корхоналари даромадлари таҳлили	169-172
7.3	Умумий овқатланиш корхоналариниң даромадларини режалаштириши ва прогнозлай	172-173
8-мáрзуза.	Умумий овқатланиш корхоналари ҳаражатлари	174-194
8.1.	Умумий овқатланиш корхоналари ҳаражатлариниң мөхияти, табиати ва күрсаткышлари	174-176
8.2.	Умумий овқатланиш корхоналари ҳаражатлариниң таснифи	176-179
8.3.	Умумий овқатланиш корхоналари ҳаражатларига таъсир килувчи омиллар	179-181
8.4.	Умумий овқатланиш корхоналари ҳаражатларини иқтисодий таҳлили	181-186
8.5.	Умумий овқатланиш корхоналари ҳаражатларини режалаштириши	187-194
9-мáрзуза.	Умумий овқатланиш корхоналари фойдаси ва рентабеллик	195-218
9.1.	Фойда ва рентабелликнинг мөхияти ва аҳамияти	195-196
9.2.	Рентабеллик күрсаткышлари ва уларга таъсир килувчи омиллар	197-202
9.3.	Фойда ва рентабелликнинг таҳлили	202-209
9.4.	Фойда ва рентабелликни режалаштириши ва прогнозлаш Фойдаланишган адабиётлар рўйхати	210-218 219-225

**Самарқанд иқтисодиёт
ва сервис институти
Институт босмахонаси,
Шоҳруҳ кўчаси, 60**

**Буюртма № 207
Ҳажми 14,25 б.т.
Адади 50 иусха**

4829-00

65, 9(2)/424
A 139